

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**Н. Муслимов
Р. Муллахметов**

Касб танлашга йўллаш

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан олий ўкув юртлари 5142000 – меҳнат бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун ўкув қўлланма сифатида тавсия этилган

ТОШКЕНТ
«IQTISOD-MOLIYA»
2007

Тақризчилар: Низомий номидаги ТДПУ «Техника фанлари» кафедраси мудири проф. **Б.К.Мухамеджанов.**
Республика касб танлаш ва хунар ўргатиш лицей директори **Б.Я.Бляхер.**

Муслимов. Н

Касб танлашга йўллаш. Олий ўкув юртлари учун ўкув кўлланма / Муслимов. Н; Р. Муллахметов Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA» 2007. – 207 б.
Муллахметов Р.

Ушбу ўкув кўлланманинг максади ва вазифалари олий ўкув юртлари талабаларига касб танлаш жараёни, касб танлашга йўллаш тизими, умумий ўрта таълим мактаб ўкувчиларини касб танлашга йўллаш, касблар классификацияси, касб танлашни режалаштириш, касб танлашга йўллашнинг бугунги кундаги ҳолати, касб танлашга йўллаш бўйича мутахассисларни тайёрлаш тизими, бўлажак ўқитувчиларни касбга мослашишнинг педагогик психологик шарт-шароитлари ва касб танлашга йўллаш жараёнида янги педагогик технологияларни кўллаш масалаларни ёритиб беришдан иборат. Ўкув кўлланмадан касб танлашга йўллаш ишлари билан шугилланадиган мутахассислар ва умумтаълим мактаб ўқитувчилари фойдаланишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан лицензия берилган нашриётларда нашр килиш учун руҳсат берилган. Гувоҳнома (№ 0934 2007) Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2007 йил 28 майдаги 114-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

МУНДАРИЖА

Кириш	5
I боб. Касб танлашга йўллаш жараёни	
§1.1 Касбга йўналтиришининг тарихий тараққиёти	6
§1.2 Мехнат таълими жараёнида касб танлашга йўллаш	12
§1.3 Ўкувчиларни касбга йўналтириш назарияси ва методикаси	21
II боб. Касб танлашга йўллаш тизими	
§2.1 Касбга йўналтириш ишининг педагогик асослари	27
§2.2 Касбга йўналтириш босқичлари мазмуни.	29
§2.3 Касбга йўналтириш ишининг мактаб тизими	46
§2.4 Касбга йўналтиришининг тарбиявий аҳамияти	66
§2.5 Касбга йўналтиришиниң ижтимоий ва психофизиологик асослари	78
III боб. Ўкувчиларни касб танлашга йўллаш	
§3.1 Касб танлашга йўллаш ишларининг бошланғич холати ..	92
§3.2 Дарсларда касб танлашга йўллаш ишлари форма ва методлари	93
§3.3 Дарслардан ташкири вақтлардаги касб танлашга йўллаш ишлари форма ва методлари	98
§3.4 Касбга доир консультация ишларининг мазмуни ва турлари	103
IV боб. Касблар классификацияси	
§4.1 Классификацияниң умумий кўрийниши	108
§4.2 Касбларниң типлари	110
§4.3 Касбларниң туркумлари	118
§4.4 Касбларниң бўлимлари ва групкалари	124
§4.5 Касб танлану формуласи	126
V боб. Одам ва касб	
§5.1 Кизиқишлар, майилликлар, қобилиятлар	128
§5.2 Саломатлик ва касб	134
§5.3 Касбга яроқлилик	136
§5.4 Касб танлашда оғлилик ва мустақиллик	140
§5.5 Ўз-ўзини тарбиялаш ва касб танлаш	143.
VI боб. Касб танлашни режалаштириш	
§6.1 Касбга доир режа	146
§6.2 Касб танлашда учрайдиган хатоликлар ва қийинчиликларни асосий сабаблари	148
§6.3 Касблар бўйича консультация	152
§6.4 Касблар характеристикаси – профессиограмма	156

§6.5 Каерда касб ўрганиш мумкин	159
VII боб. Касб танлашга йўллашнинг бугуиги қундаги ҳолати	
§7.1 Касбга йўналтириш ишларига қўйиладиган талаблар	165
§7.2 Ўкувчиларни меҳнатга ва касб танлашга тайёрланишда	
мактаб касбга йўналтириш кабинетларининг ўрни	168
§7.3 Касбга йўналтириш ишига раҳбарлик қилиш ва	
уни режалаштириш	173
§7.4 Таълим муассасида ўкувчиларга касблар ҳакида маълумот	
бериш ва улар билан олиб бориладиган ишларни	
индивидуаллаштириш.	175
VIII боб. Касб танлашга йўллаш бўйича мутахассисларининг	
тайёрланиши тизими	
§8.1 Бўлажак ўқитувчиларни касбга мослаштиришининг	
педагогик-психологик шарт-шаронтлари	185
§8.2 “Касб танлашга йўллаш” фанини ўқитишида янги	
педагогик технологиялардан фойдаланиш	188
§8.3 Касб танлашга йўллаш борасида ўтказилган тадқикот	
ишларнинг тахлили	194
§8.4 Касб танлашга йўллаш жараёнида йўл қўйилгани	
хатоликларни бартараф этиш усуслари	200
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	204

Кириши

Жамиятининг барча соҳаларида олиб борилгаётган туб ислоҳотлар Ўзбекистон Республикасининг “Гагълим тўғрисида”ги Қонуни ҳамда “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” талаблари асосида шаклланган узлукен таълим тизимининг барча босқичларида фаолият юритувчи таълим муассасалари ривожини таъминловчи янги концепциянинг яратилиши учун замин бўлди.

Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримов шундай деган эди – “Тўккиз йиллик ўқишдан иборат умумий ўрта таълим мажбурийдир. Таълимнинг бу тури бошлангич таълимни қамраб олади ҳамда ўқувчиларининг фанилар асослари бўйича мунтазам билим олишларини, уларда билим ўзлаштириш эҳтиёжини, асосий ўқув-илмий ва умуммаданий билимларни, миллий ва умумбашарий қадрияtlарга асосланган маънавий-ахлоқий фазилатларни, меҳнат кўникмаларини, ижодий фикрлаш ва отроф-муҳитга онгли муносабатда бўлишни ва қасб танилашини шакллантиради”.

Амалига оширилаётган ислоҳатлар жараёнинда узликсиз таълим тизимининг босқичларидан бири ҳисобланган умумий ўрта таълим мактаблари фаолиятининг муҳим вазифаларидан бири ўқувчиларни ҳаётга тайёрлани ва қасб танилашга йўналтиришдан иборатдир. Қасбга йўналтириш - шахснинг бўлгуси қасбий фаолият субъекти сифатида ўзига иисбатан шаклланни жараёнини ўтайди, яъни келажакда бозор иқтисодиёти муносабатларига мослашиб боришга замин яратади.

Қасбга йўналтиришниң ёшлиарининг қасбии эркин ва мустақил танилашиниң иммий-амалий тизими сифатида қараш лозим. У ҳар бир шахснинг ҳам индивидуал хусусиятларини ва бозор иқтисодиёти эҳтиёжларини ҳисобга олиш керак. Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчилариниг мөхнат таълим дарсларида олган билимлари, амалий кўникма ва малакалари, уларда умумий мөхнат тайёргарликларини, бозор иқтисодиётининг аниқ бир соҳасида кўлдаш имкониятларини очиб бериш лозим. Шу билан биргаликда умумтаълим фан ўқитувчилари ҳам ўрганилаётган мавзуни дастурлари асосида, яъни мантикий кетма-кетлиқда, фан хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқувчиларни мөхнат жараёнлари, мөхнат турлари ва технологиялари билан таништириб бориш, Республикамизининг иқтисодий имкониятларини очиб беришга каратмоги лозим.

Хозирги кунда умумий ўрта таълим мактабларида ташкил этилаётган касбга йўналтириш ишлари ўқувчиларининг жамиятда ўз ўрнини топишларига катта ёрдам беради. Бу жараёнида минтакавий касбларни тарғиб қилиш билан биргаликда, ўқувчиларга касблар тўғрисида умумий маълумот берини, консультациялар ўтказилинг ёрдам беради. Шу билан биргаликда касбга йўналтириш бўйича таълим муассасаларида педагогик жамоасининг вазифаларини, касбга йўналтириш тадбирларини амалга оширишда, таълим муассасалари жамоаларини ҳозирги кунда ташкил этилган ташхис марказларини касбга йўналтириш хоналари шаронгтида ўқитувчиларни касбга йўналтириш бўйича илмий-методик тавсиялар билан таъминлашдан иборат.

I БОБ. КАСБ ТАНЛАШГА ЙЎЛЛАШ ЖАРАЁНЛАРИ

§ 1.1.Касбга йўналтиришининг тарихий тараккиёти

Мехнат ва касбий тайёргарлик тизими бевосита ёшлиарининг меҳнат ва касб тарбиясини касбий ахборотлар, касб танлаш, касбга йўналтириш ишларини амалга оширадиган улкан ишлардан бири бўлиб, ўз ўтмиш тараккиётига эгадир. Халқимизнинг миллат, элат бўлиб шаклланишини меҳнатсиз, касблағсиз, хунарсиз тасаввур этиб бўлмайди. Одамзод пайдо бўлишидан бошлаб меҳнат билан шуғулланган. Турмуш буюмлари ясаган юмушлар бажарган. Дастилаб фақат кун кечириш учун килинган меҳнат кейинчалик, кагторок мақсадни, моддий мағфаат кўрни учун амалга оширилиб ҳатто, X аерларда йирик ҳарбий қўшишларни, миллионлаб халкларни буюмлар, анжомлар билан таъминлай оладиган ишлаб чиқарини соҳалари даражасигача таракқий этди.

XII - XV асрларда Моварооннахр ва Хуросонда хунар илми, кўлами ривожланиши энг юқори погонага кўтарилиди. Хар бир халқ ота-бобосидан мерос бўлиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ўзининг тарихий-маданий бирлиги билан ажralиб, ўзига хос-хусусиятларни саклаб келган. Ўзбеклар ҳам шулар жумласидандир. Республикамиз худудида ўтказилган археологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, хунармандчилик бу срларда иккى минг йиллар олдин ривожланган. Бу даврда синфий жамият пайдо бўлиб, йирик меҳнат

тақсимоти негизида хунармандчилик мустакил соҳа бўлиб ажралиб чиққан.

IX - XII асрларда хунармандчилик кенг ривожланиб, халқимизнинг хорижий давлатлар билан иқтисодий-маданий алоқалари авж олган. Айрим манбаларда қайд этилишича, 32 хил хунар тури мавжуд бўлган аҳоли яшайдиган жойни шаҳар деб аташган. 1897 йили биринчи аҳоли рўйхати вактида катта шаҳарлarda аҳолининг кўпчилик қисми хунармандлар хисобланган. Масалан, Наманған аҳолисининг 64 фоизи, Қўқоннинг 52 фоизи, Чустнинг 54 фоизи, Марғилоннинг 50 фоизи, мустакил касб-хунар эгаси хисобланган¹.

Хунармандчиликнинг қадимий даврларда энг кўп тарқалган тури темирчилик, заргарлик, мисгарлик ва тунукасозлик бўлган. Ҳозиргача кенг тарқалган қадимий касблардан бири ёғоч буюмлари ясаш хунармандчилигидир. XX аср бошларида тикув машиналарини пайдо бўлиши билан янги хунармандчилик касби - машиначилик юзага келади. Ўзбекларнинг энг кенг тарқалган уй касбларидан бири дўппидўзликдир.

Булардан ташқари, хунармандлар теридан ҳар хил буюмлар ясаганлар, пойафзалчилар ўз маҳсулотларини шаҳар ва қишлокларда юриб аҳолига сотганлар. Нонвойлик, қандолатчилик ва қассоблик ҳам касблардан бўлиб уларнинг дўконлари ҳар қадамда учраган. Катта тўй-маъракалар ўтказиш одати маҳсус ошпазлик касбини юзага келтирган.

Шарқнинг буюк мутафаккирлари, алломалари деярли барча даврларда ўз асарларида, шеър ва газалларида, адабий меросларида ҳалол меҳнатни, касб-хунар эгаллашни муқаддаслигини ва зарурлигини таъкидлаб, улуғлаб ўтганлар.

Улуғ бобоколонимиз А.Навоий ўз газалларида ёшларни илм-хунар эгаллашга чакиради.

*Илм касбини қилиди то жони бор.
Хунар ўрганди онса ки имкони бор.*

Х асрда яшаб ижод этган улуғ бобоколонимиз Абунаср Ал - Форобий ҳам кишиларни ҳалол меҳнат килишга ва касб-хунар эгаллашга чакиради. Форобийнинг фикрича, инсон - "Ожиз банда", "Хеч нарсага кодир бўлмаган мавжудот" эмас, балки у энг олий

камолот бўлиб "Ақл-идрок зиёсига эга, ўзи учун зарур бўлган ҳамма нарсани яратишга қодир борликдир"². Форобий меҳнат ва касб - хунар қўнікмаларини ахлоқий фазилатларни ҳосил қилиш лозимлигини таъкидлаб: "Агар касб-хунар фазилати туғма бўлганда, подшоҳлар ҳам ўзлари истаб ва ҳаракат қилиб эмас, балки подшоҳлик уларга фақат табиий равишда мусассар бўлган, табиат талаб қилган табиий бир мажбурият бўлиб қолар эди. Касб-хунар фазилати туғма бўлмас экан, ҳалқлар ва шаҳар аҳлларида, одоб-аҳлоқ, расм-русл, касб-хунар, одат ва иродани ҳосил қилиши уч инсондаги зўр куч ва қудрат талаб қилинади. Бу икки йўл билан: яъни таълим ва тарбия йўли билан ҳосил қилинади. Таълим деган сўз ҳалқлар шаҳарлар ўртасида назарий фазилат ва амалий касб-хунар фазилатлари бирлаштириш деган сўздир"³ деган эди³.

Касб-хунар эгаллашни аҳамияти тўғрисида комусий олим Абу Али Ибн Сино (980-1037)нинг асарларида ҳам кўрамиз. Унинг фикрича болага ёшлигидан бирор касб-хунарни ўргатиш лозим. Бола касб-хунарни маълум даражада ўзлаштириб бўлгандан сўнг ўз касб-хунаридан ҳаётда фойдаланиш, яъни ҳалол меҳнат билан мустакил ҳаёт кечиришга ўргатиш керак.

"Ёшлирга илм берга бориб, уларга хунар ўргатмок муҳим маъсулиятли ишдир. Хунар ўрганиш бирла ёшлар ҳар қандай ножӯй ҳатти-ҳаракатлардан ҳоли бўладилар"⁴, деб таъкидлади. Хунарли бўлишга чорланган насиҳатлари ҳозирги кунда ҳам муҳим қимматга эга:

*Олтин олмагину ўргангин ҳунар
Ҳунарни олдида ҳасдор олтин зар⁵.*

Шарқ, Марказий Осиёлик мутафаккирлар ҳамда ўзбек марифатпарвар шоирлари ҳам касб-хунар эгаллашни аҳамияти тўғрисида ўз асарларида қимматли маслаҳатларини қолдирганлар, бу мерос ҳозирги кунда ҳам ёшларни касб-хунарга йўналтириша мухим аҳамиятга эга.

Инсоният тарихий тараққиётида Шарқу - Ғарбда ҳам ёшларни касб-хунар эгаллашларига алоҳида эътибор билан қаралган. Уларни касб-хунар эгаллашларига оталик, устозлик маслаҳатларини, йўл-йўрикларини мунтазам бериб келганлар. Расман касбга оид маслаҳат идоралари асримиз бошларида пайдо бўла бошлаган.

²М.Хайруллаев Форобий Т. 85 бет

³Ҳимматлар газзаси Т. 1982 53 бет

⁴Абу Али Ибн Сино Таълим ва тарбия пакида Т 1967 9-бет

⁵Уша сарда 9 бетда

Тарихий мәдениеттегінде ассоциациялардың мүмкіннік, касбга жақыншылықтың ишлары қадимдан шаклланиб келген.

Касбга жақыншылықтың ишлары хам инсоният жамият таралғандағы өзгөрілдөрдің көмекшілігінен келип чиқкан ва у хам жамият каби үз ривожланиш тарихига эга.

Табиийки, касбга жақыншылықтың ишлары пайдо бўлишидан ва демак унга эхтиёж юзага келишидан илгарни пайдо бўлиши мумкин эмас эди.

Инсонияттың билим, құнинма ва қобилияттарини ташхис қилиш билан бөглиқ касбга яроклилик даражасини баҳолаш элементтарининг пайдо бўлиш тарихи узок асрларга бориб тақалади. Эрамизгача бўлган III минг йилликдаёт қадимги Вавилонда миразалар тайёрловчи мактабда битириувчилар синовдан ўтказиб борилган. Ўша даврлар билим даражасидан келиб чиқылганда касбий тайёргарлик кўрган мирза Месопатамия цивилизациясида марказий ўринда шахс турган: у майдонларни ўлчаниши, мулкни бўлишини, мусика асбларида ижро услубини ва ашула айттишини билган. Синов даврида унинг газламаларни, металларни, ўсунмакларни турларини билиши, шунингдек барча тўрт арифметик амалларни бажара олиш қўнинмалари текшириб кўрилган. Қадимий Мисрда касбни эгаллашга даъвогарлар сухбатдан ўтказилиб, унинг таржимаи ҳоли, билим савиғаси, ташки қўриниши хамда сухбатини олиб бориш қобилиятлари аникланган. Сўнгра меҳнат килиши, эшигини сукут саклаш қобилиятлари олов, сув ва ўлим билан қўрқитини воситасида синаб кўрилган.

Айттилишича, синаб қўриши ва танловдан ўтказишнинг бундай жиандий тизимини ўтмишнинг буюк алломаси Пифагор үз бошидан ўтказган. Ўкишдан сўнг Грецияга қайтгач, у ўзи босиб ўтган синовлар тизими асосида талабалар танлаб олинувчи мактаб очган. Пифагор интеллектуал қобилиятларга асосий эътиборни қаратган ва бадиий килиб айтганда "Ҳар қандай ёғочдан хам меркурийни ўниб бўлмайди"- деб хисобланған. Шунингдек, у ёш инсонларнинг ўзини тутишиниң хам алоҳида эътиборни қаратган ва уни инсон характерида намоён бўлувчи асосий қўрсатгичлар деб санаган. Пифагор ўқитувчилар ва ота-оналар тавсияларига эътибор билан қараган, ҳар бир янги талабани синчилаб кузатиб борган. Шундан сўнг уни ўз фикрини эркин ифодалашинга ва сухбатдошлар билан бахслашишга ўргатиб. Эрамизгача бўлган минг йилликда Хитойда хукумат амалдори касби ва мансаби кенг таркалган. Мос равища ушбу

касбни танлашдаги дастлабки элементлар ҳам шу ернинг ўзида юзага келган. Бундай касбни эгалашга жазм этган ёшлар тантанаворлик рухи билан сугорилган мухитда давлат имтиҳонлари топширган. Имтиҳон саволларини кўпчилик ҳолатларда император ўзи белгилаган, ҳам ўзи синовдан ўтказган ва даъвогарларни саралаш кўп босқичли усуулда амалга оширилган.

Спарта, Афина, Римнинг қадимий тарихида бошка мисолларни кўриш мумкин. Спартада жангчиларни, Римда гладиаторларни тайёрлашнинг мукаммал тизими яратилган ва муваффакиятли амалга оширилган. "Одамлар - деб ёзган эди Афлотун - бир бирларига у даражада ўхшаш бўлиб тугилмайдилар уларнинг табиати ва қобилиятлари турлича бўлади. Шу сабабли барча вазифаларни амалга оширишда ўз табиий қобилиятларнiga мос равишдаги юмушлар танлаганда уин яхшироқ, тез ва кўпроқ даражада амалга ошириш мумкин бўлади⁶. Афлотуннинг "Давлатчилик" асарида қандай амалдорни танлаш керак деган саволига Сукрот қўйидагича жавоб беради: "Энг ишончли, жасур ва имкониятлари кенгрок бўлган шахсларга кўпроқ эътиборни қаратиш: бундан ташқари нафақат олий табакадаги юкори маънавиятли инсонларни, балки шу даражадаги тарбия беришга лойик одамларни ҳам топиш лозим. Улар билимларни тез кабул қила олишлари ҳамда тез фикрлай олишлари, мустаҳкам хотириали, ўз фикрида қатъий турувчи ва барча муносабатларда меҳнаткаш инсоиларни топиш лозим"⁷.

Эрамизгача бўлган 900 ва 600 йиллар оралигидаги хинид ведаларида заргарлар, темирчилик, арқонсозлар, тўкувчилар, бўёқчилар, дурадгорлар, кулоллар, уй хизматчиларининг турли тоифалари, акробатлар, фолбинлар, найчилар, ракқослар касб сифатида санаб ўтилган.

Яна шунингдек актёрлар, судхўрлар ва савдогарлар ҳам мавжуд бўлган. Бундай маълумотлар кўп бўлиб, уларнинг барчаси бугунги кунда касбий таҳхис қилиш ёки касб танлаш деб аталувчи тушунчаларнинг қадимдан шаклланганлигини билдиради.

Шахс хислатларини илмий тадқиқ қилишнинг асосчиси Ф.Гальтон ҳисобланади. Бу турдаги тадқиқотлар мақсадини амалга ошириш учун у Лондонда ўтказилган тиббиёт жиҳозлари ва соғлиқни саклаш услублари 1884йил халиқаро кўргазмасидан

⁶Профессиональная ориентация чакири (А.Д.Сафонов в.б.) М. 1988. 12 с.с.

⁷Профессиональная ориентация чакири (А.Д.Сафонов в.б.) М. 1988. 14 с.с.

фойдаланади. Күргазмага келувчилар ўз жисмоний қобилиятлари хамда физиологик имкониятларини 17 та күрсатгыч бўйича синаб кўришилари мумкин бўлган. Булар ичидаги инсон бўйи, танаси оғирлиги, панжава зарб кучи, хотираси, рангларни ажратади, кўриш ўткирлиги ва бошқалар бўлган. Тўлиқ дастур бўйича 9237 кини кўрикдан ўтказилган.

1908 йилининг январида Бостон шахрида, ўсминаларга ўз хаётий меҳнат йўлини танлашига ёрдам берувчи ёшларни касбга йўналтириши ўз ишини бошлаган. Бу бюро фаолиятини касбга йўналтириши ишларининг асоси сифатида қабул қилинган. Кейинчалик шу турдаги бюро Нью-Йоркда ҳам ташкил этилди. Уининг вазифалари қаторига инсонларнинг турли касбларни эгаллашида кўйиладиган талаблар, мактаб ўкувчилари қобилиятларини чуқурроқ ўрганиш кабилар кирган.

Бюро ишини ўқитувчилар билан ҳамкорликда тест ва анкеталарда фойдаланилган холда олиб борилган.

Шу даврда Англияда маҳсус вазирлик рухсати билан 17 ёшдан кичик бўлган ўкувчиларнинг касб танлашига маслаҳат ёки кўпроқ амалий характердаги маълумотлар билан ёрдам кўрсатувчи муассасалар очиш йўлга кўйилган. Бу ерда 1911 йилда меҳнат биржалари хамда таълим муассасалари ҳамкорликдаги ишини мувофиқлантирувчи маҳсус ахборотнома чоп қилиш йўлга кўйилган.

1922 йилда Германияда касбга йўналтириш ва маслаҳат тўғрисидаги конун қабул қилинди ва шу асосида ушбу тизимни амалга ошириши мезонларини ифодаловчи «Низом» тасдиқланди.

Россияда касбга йўналтириш ишлари XX асрнинг дастлабки йилларида амалга ошира бошланди. Москвадаги ўқитувчилар уининг Педагогика музейида турли типдаги мактаблар ўқитувчиларининг касб танлашига онд катор изланиши олиб борилади. Бунда асосий эътибор кайси касбларнинг кўпроқ талабга эга эканлиги, уларни танлашида ўкувчиларнинг қандай сабабларга асосланишини тадқик қилинганда каратилди.

1927 йилда Ленинградда ташкил этилган касбий маслаҳат бюросида амалий тадқикотлар билан биргаликда илмий тадқикотлар ҳам олиб борилган.

Касбга йўналтириши ишларининг илмий-педагогик асосларини ишлаб чиқининг П.П.Блонский, А.С.Макаренко каби атоқли рус олимлари мухим чисса қўшиганилар. Улар ўкувчиларни касбга

йўналтириш ишларининг психологик-педагогик асосларини яратни унинг кейинги тараққиёти учун шаронит яратиб бердишлар. Касбга йўналтириш ишлари политехник таълим, меҳнат таълими ва тарбияси билан узвий алокадорликда олиб борилди.

30-йилларнинг бошларида касбий маслаҳат ва касбга йўналтириш Марказий лабараторияси фаол ташкилий ишларни олиб борди, 1932 йилга келиб бу турдаги бюролар сони 54 тага етказилди. Бирок бу даврдаги касбга йўналтириш ишлари тараққиётига ўкувчилар меҳнат таълимига бўлган эътиборни сусайиб борини салбий таъсир кўрсатди. Меҳнат таълим мининг бекор қилиниши касбга йўналтириш ишларининг тўхтаб қолишига олиб келди.

50-йилларнинг бошларида касбга йўналтиришга бўлган эътибор яна кучая бошлади ва маълум даражадаги ташкилий-услубий ёндошув юзага келди.

Шундан кейинги даврларда ўкувчиларнинг кизиқишлиари ва халқ хўжалиги эҳтиёjlаридан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган касбга йўналтириш ишлари беш йиллик режалар асоенида ташкиллаштириб борилди.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритган йилдан бошлаб таълим тизимида туб ўзгаришлар рўй бермоқда. "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллӣ дастури" нинг қабул қилиниши натижасида халқ хўжалигининг малакалии мутахассис кадрлар билан таъминлаш тизими яратилмоқдá. Юкорида қисқача хронологик тарзда келтирилган маълумотларининг ўзи ҳам ёшларнинг касбга йўналтиришининг аҳамияти нечогли баландлигини кўрсатиб турибди.

§ 1.2. Меҳнат таълими жарёнида касб танлашга йўллаш

1. Меҳнат таълими жараёнида олиб боришадиган касб танлашга йўллаш ишининг мазмуни ва вазифалари

Касб танлашга йўллаш бутун педагоглар жамоаси томонидан ҳал этиладиган умуммактаб вазифаси ҳисобланади. Шу билан бирга, бу ишда меҳнат таълими алоҳида ўринни эгаллашини эсдан чиқармаслик керак. Бунга сабаб шуки, меҳнат таълим мининг мазмунига қатор касблар билан узвий равишда таништириш ва бу таништириш фақат назарий жиҳатдангина эмас, балки амалий жиҳатдан ҳам олиб борилади. Маълумки, касб тўғрисида тасаввур ана шундай тарзда берилгандагина у ҳакида тўлиқ тассаввурга эга бўлиш мумкин бўлади.

Касб танланған йүлдөзиниң бүтүн мөхнат таълими давомида олиб борилади, лекин унинг вазифалари ўзининг турли босқичларидан ўзгариб туради.

V-VII синиғларда асосан касб ҳақида маълумот берилади. Ўқувчилар қандай қасблар борлиги, унинг классификацияси билан танишадилар. Бу қасбларниң элементлари ўқувчиларнинг устахонадаги фаолияти мазмунини ташкил этади. Бу ҳол ўқиттишининг шу даврида ўқувчиларни умуммехнат тайёргарлик вазифасынга түйілген келади.

VI синиғда ва айникса, VII синиғда касб тұғрисида маълумот бериш билан бир қаторда мөхнатда тарбиялаш ишлари ҳам олиб борилади. Бунга сабаб шуки, VII синиғни битириш арафасыда ўқувчилар бўлгуси мөхнат тайёргарлигининг соҳа(йўналиши)ни танлаб олишлари зарур. Ҳар бир соҳа бўйича кўплаб оммавий кичик мутахассислар қасбларини ўз ичига олади. Булар устахонадаги машгулотларининг мазмунин билан изчили алоқада бўлган қасблар бўлиши (масалан, металига ишлов бериш технологиясига ва ёғочга ишлов бериш технологиясига оид қасблар) ёки улар билан ҳеч кадай алоқадор бўлмаган қасблар (чунончи, сувокчилик, буёқчилик ва шу каби курилиш қасблари) бўлиши мумкин.

Мөхнат тайёргарлигининг соҳани танлашда кўпинча мунозарали вазиятлар вужудга келиб, бу мунозарада ўқувчиларнинг ота-онатлари ҳам иштирок этишлари мумкин. Мөхнат тайёргарлигининг айрим соҳалари гўё эътиборсиздек туолиб, ҳеч ким бу қасбни танлашни хоҳламайди. Бошқа соҳаларга эса, аксинча, керагидан кўпроқ ўқувчилар кизиқиб қолишади.

Афсуски, мактабларнинг иш тажрибасида шундай манзарани кузатиш мумкин, ўқитувчилар бу масалани ўқувчиларнинг ўзлаштиришларига караб ҳал этишга уринишади, яъни аълочи ўқувчиларга танлаш ҳуқуки берилади ёмон ўзлаштирувчилар эса колдан қасб турларидан бироргасини танлашга мажбур бўлишади.

Масалани бу тарзда ҳал этиш, ҳар жиҳатдан нотўғридир. Ҳаёт йўлни зўрма-зўраки танлаганлардан келажакда яхши мутахассис чиқишини кутиб бўлмайди. Шубҳасиз, аълочи ўқувчилар рагбатлантирилишга лойиклар, бироқ бу нарса бошқаларни қасб танлаш эркинлигидан маҳрум қиласлиги керак. Шундай ҳам бўлакади, мөхнат тайёргарлигининг соҳани тўғри танлаган ўқувчи кейинчалик ўзига соҳа донрасидаги қасбни танлайди. Шундан

келиб чикиб, меҳнат тайёргарлугининг соҳасини танлаш ихтиёрий бўлишига харакат килини лозим.

Буига қандай эринии мумкин? Бу саволга жавоб берини учун аввало қасб танлаш эркинлигини қандай тушунини лозимлигини аниқлаб олиш зарур. Бизнинг жамиятимизда ҳоҳлаган қасбни танлаш йўлида сиёсий, ижтимоний, міллӣ ва бошка хил гоялар йўқ. Аммо бу хукуқдан ўз ўрнида фойдалана билиш ва бунга ўргатиш даркор. Гап шундаки, у ёки бу қасбга бўлган талаб унинг эътиборига қараб эмас, балки бозор иктисадиётининг тузилишинга қараб аниқланади. Шунинг учун, ҳоҳинчимиздан катти назар, объектив тарзда кечувчи илмий-техник тараққиёт бу режага ўз шартларини киритади. Ва биз ёшларни бозор иктисадиёти эҳтиёжларига мос келадиган қасбларда ишлашга тайёрланшимиз керак. Равшанки, бу ўта муҳим вазифанининг бажарилишини таъминлаш қасб танлаш эркинлиги фуқоролик бурчани тушунини билан, мамлакатимизда барча қасблар ҳам керакли ва фахрли экаллигини англаш билан уйғулашшиб кетини лозим. Оддинги таълим жараённада қасб танлаши ҳақидаги масадани факат ўзининг мағфаатлари нуктаи назаридан ҳал этмаслиги керак. Агар у сиёсий жиҳатдан етук бўлса, бундай қылмайди ҳам. Ўсмирлар тўғрисида гап кетганда, улар шахс сифатида эндиғина шаклланиб келаётганликларини эътиборга олиш зарур.

Шу муносабат билан меҳнат таълимига алоҳида умид билан қаралади. Тадқикотлар шунин кўрсатади. Ўқувчиларниң маълум қисми кичик мутахассис бўлиб ишланини ҳоҳламасликларини кўрсатади. Бунинг сабаби шундаки, ўқувчилар кичик мутахассис қасбларининг мазмуни тўғрисида тўғри тасаввурга эга эмаслар, жамиятимизда кичик мутахассислар қандай эъзозланишини яхши билмайдилар. Ўқувчилар билан айнан мана шу йўналишда иш олиб бориш керак, зоро давлатимиз мағфаатлари ўрта мактабни битирганларнинг кўпчилигини моддий ишлаб чиқарини ва ахолига хизмат кўрсатиш соҳаларига жалб қилишини такозо этади.

Мазкур ҳолда масала тенг кимматли оммавий кичик мутахассислар қасбларига тааллукли эканлиги ишни осонлаштиради. Тенг кимматли қасблар леганда инсонга ҳар томонлама камол топиш, моддий фаровонлик, жамиятда ўз мавқеига эга бўлишга имкониятлар яратишни жиҳатидан тенг бўлган қасблар тушунилади. Шу боислан, агар оммавий қасблар ичida айримлари эътиборсига дек тушибо, бу оғизий тарқанини

бўлиб, меҳнат ўқитувчиси бу хатоликни ўз вактида бартараф этиши керак. Бунинг учун эса оммавий касбларда умумий томонлар кўп эканлигини таъкидлаш керак.

Амалда учрайдиган барча касблар билан ўқувчиларни таништириб чиқишининг имкони йўқ, албатта. Лекин кўпгина касблар инсон олдига қатор умумий талабларни қўяди. Ўсмирларни ани шу талаблар билан таништириб улар ҳақидаги тасаввурини кенгайтириш мумкин. Масалан, кейинги пайтда жисмоний меҳнатнинг маънавий савииси ортаётганлиги кузатилмоқда. Ақлий меҳнат фаолиятига қўйиладиган талаблар тобора ортиб бормоқда. Меҳнат жамоасида ўзини тутишига нисбатан ҳам юкори талаблар қўйилмоқда. Шуни ҳисобга олиб, касб танлашга йўллаш ишни шундай ташкил қилиш мумкинки, ўқувчилар фақат муайян касблар тўғрисида тасаввур олибгина қолмасдан, меҳнат фаолиятига нисбатан қўйиладиган умумий талаб тўғрисида ҳам тасаввурга эга бўлаётганликларини англайдиган бўлишнин.

Касб танлаш жуда муҳим масала бўлиб, кўпинча ўқувчилар уни мустақил ҳал қила олмайдилар. Бу масалада уларга мактаб ёрдам бериши керак. Кўпинча синиф раҳбари ўқувчига карточка тутиб, ўқувчининг уёки бу ўқув предметига муносабати, касбга бўлган қизиқиши, ўқинидаги мубаффакиятлари, шахсий фазилатлари ҳақида ўқитувчилар айтган маълумотларни шу карточкага ёзib боради. Бу эса ўқувчининг нималарга қизиқишини аниқлашга имкон беради. Агар ўқувчининг қизиқишлиари барқарор бўлса, синиф раҳбари ўқувчидан у танламоқчи бўлган касб учун зарур аломатлар бор-йўклигини аниқлашга киришади. Ўқувчининг соглиғи у танлаган касб талабларига тўғри келмайдиган ҳоллар ҳам учрайди. Бу масалани врач ҳал қиласди. Шундан сўнг ўқитувчилар ўқувчининг ота-онаси билан сухбатлашиб, болани бошқа касбга қизиқтиришга ҳаракат қиласдилар. Лекин бу ишни хушмуомалалик, эҳтиётлик билан бажариш лозим, акс ҳолда ўсмирнинг кўнгли чўкиши, ўзини тўлақонли одам эмасдек ҳис этиши мумкин.

Ўқувчилар ўзларига касб танлаётганларида ўқитувчилар ўз таъсирини ўтказишга ҳаддан таниқари интилмасликлари керак. Бу ўринда жуда эҳтиёт бўлиши ва ўқувчилар ушбу касбга чиндан ҳам қизиқадиларми ёки бу қизиқини тасодифий қизиқиши, аниқлааб олини лозим.

Касб танлашга йўллани ишини олиб боришида мактабининг ҳақиқий иш шароитларини ҳисобга олини даркор. Мамлакатимиз турли туманларининг ишлаб чиқарни базаси бир хилда эмас. Масалан, агар гап яъни дам олини масканинга якин жойланган шахар ҳақида борадиган бўлса, ўқувчиларининг кўпчилик қисми келгусида **аҳолига** ҳизмат кўрсатиш соҳасида ишлаш керақлигини эътиборга олишга тўғри келади. Туман иқтисодиёти меҳнат билан таъминлаш имкониятларини кўп жихатдан белгилаб беради. Бирок ишсонининг индивидуал ҳусусиятлари ҳам, одатда, катор касб талабларига жавоб беради, ўқувчиларнинг қизиқишиларини эса шакллантириши мумкин. Шундай қилиб, касб танлашга йўллани ишини давлатининг у ёки бу касбга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ва ўқувчиларининг қизиқишилари ҳамда иштиёқларини эътиборга олган ҳолда олиб бориш мумкин.

Касб танлашга йўллаш ишида VIII-IX синифлар алохида ўринни эгаллайди. Бунда бир томондан касб танлашга йўллани иши бевосита меҳнат дарсларида давом этиб, ўқувчилар ўзлари танлаган меҳнат тайёргарлиги соҳаси гарнибига кирувни касблар тўғрисида тасаввур олишади, яъни касбга иштилини гўё «торайиб боради». Бонка томондан эса «Ишлаб чиқарни асослари», «Касб танлаш» маҳсус предметларини ўрганини жараёнида ўқувчиларни ҳалқ ҳўялигининг асосий касблари ва ихтисосликлари билан таништириши юзасидан тизимга солинган касб танлашга йўллаш иши бошланади. Мазкур предметла меҳнат дарсларида, фан асослари ўрганиладиган парсларла ўқувчилар касблар тўғрисида олган билимлар умузлантирилади.

Шундай қилиб, VIII-IX синифларда маълум даражада қарамакарши вазифа кўйилади. Ўқувчи кенгайтирилган меҳнат таълимини ўтиб катор ўхшаш касблар элементларини (масалан, металлга ишлов бериш учун слесарлик, токарлик, фрезерлик иши) ўзлаштириб олади. Бунинг натижасида у бошлангич касб тайёргарлигини олади ва уни касб-хунар коллежларига давом эттириши зарурдек туюлади. Айни пайтда ўқувчи олила касблар дунёси биринчи маротаба тизимга солинган ҳолда тўлиқ очиб берилади, гўё улардан ҳохлаганингни танлаб ол, дейнлгандек бўлади. Касб танлаш эркинлиги ана шу кўрининицаги зиндијатда намоён бўлади. IX синфда ўқувчи ўзи аввал танлаган касбдан айниб, меҳнат таълимининг бутунлай бошқа йўналишнин ихтиёрий қилиш мумкин.

Демак, ўкувчи фақат IX синфда бирор касбни танлаш ҳакида узил-кесил қарорға келиши мүмкін. Лекин бу билан касб танлашиға йұналиш иши тугайды ёки бұшаشتыриб юборилади, дейиш хато бўлади. Аксинча, бу иш энди янада таъсирчан бўлиши лозим; аммо унинг мақсади ўзгаради. энди биринчи режани танлаган касбга муҳаббат уйғотиш эгаллайди. Касб танлашга йўллаш ишининг бутун мазмунин, формаларни ва методлари ана шу мақсадга қаратилади.

Юкорида айтилганлардан, меҳнат таълимни жараёнида касб танлашга йўллаш иши бир неча боскичдан ўтиб, бу боскичларнинг ҳар бирида ўз вазифалари ҳал этилади, деган холоса чиқариш мүмкін. Бунда касб танлашга йўллаш иши, бошка ҳар қандай ўкувтарбия ишин каби, икки ёклама жараёндан иборат бўлиб, бу жараёнда ўқитувчига ҳам, ўкувчига ҳам тенг даражада аҳамият ажратилади. Шунинг учун касб танлаш ишига нисбатан қўйиладиган энг муҳим талаб — ўкувчиларнинг юкори даражада фаол бўлиши лозимдирки, бу фаоллик касбий тарбия, касб танлаш негизларини шакллантириш хисобига таъминланади. Меҳнат ўқитувчилари касбий ташхис ҳамда касбий консультацияга тайёргарлик кўрган бўлсалар ва бу ишин ўз вактида ўtkazсалар, ўкувчиларнинг фаоллиги орталди.

2. Меҳнат таълимни жараёнида касб танлашга йўллашнииг формалари ва методлари

Меҳнат таълимни жараёнида ўкувчиларни ёғочга, металлга ва бошка материалларга ишлов бериш билан, электр монтаж ишларини бажариши, машиналарга хизмат қўрсатиш ва шу кабилар билан боғлиқ бўлган катор ишчи касблари билан таништириш учун қулай шароит вужудга келади. Устахоналарда машғулотлар ўtkazilaётганда у ёки бу мутахассис нима билан шуғулланиши тўғрисида шунчаки тасаввур бериш эмас, балки касбнинг барча томонларни очиш, меҳнат шароитларини қўрсатиб бериш муҳимдир. Буни амалга ошириши осон эмас, албатта. Бунинг учун ўқитувчи планли равишда диккат ва эътибор билан ишлаши керак.

Ўқитувчиларнинг иш тажрибаси ўкувчиларни касб танлашга йўллашнииг шакл ва методларини белгилаб берди. Уларнинг асосийлари қўйидагилардан иборат.

1. Дарсларда касб танлашга йўллаш. Масалан, ўқитувчи ўкувчиларни улар устахоналардаги машғулотларда бажарадиган иш

билан боғлиқ касблар билан таништиради. Чунончى үкүвчиilar ёгочга ишлов беришни ўрганаётгандарда дурадгор, ёгочсоз, фанер қопловчи, ёгоч кесувчи, ром ясовчи, токарь, пармаловчи касблари ҳақида билиб оладилар. Бундан ташқари, үкитувчи корхоналарда ёгочга қўлда ишлов бериш билан боғлиқ ихтиоссликлар ўринини эгаллаган станокчилар касблари ҳақида ҳам ганириб беради.

Ўкүвчиilarга устахоналардаги машгулотларда металлга ишлов беришни ўргатишида улар қатор слесарлик ва станокчилар касблари: тунукачи чилангар, асбобсоз чилангар, ремонтчи чилангар, асбобсоз чилангар, токар, пармаловчи касблари билан таништириладилар. Бундан ташқари, айрим мавзуларни ўрга-ниш давомида ўсмиirlарнинг металлга ишлов бериш корхоналари ишчи касблар: термик ишлов берувчи, прокатловчи, пўлат эритувчи ва ҳоказо касблари тўғрисидаги тасаввурларини кенгайтириш мумкин.

2. Экскурсияларда касб танлашга йўллаш. Одатда, экскурсияларда ўкүвчиilarни ўкув дастури доирасидан чиқувчи материал билан таништиришга кулай шароит юзага келади. Бу имкониятдан ўкүвчиilarни касб танлашга йўллаш учун фойдаланиш мумкин. Масалан, ўкүвчиilar металлга ва ёгочга ишлов бериладиган механика цехларига боришганида ускуналарнинг кўп группа ва типларини кўрадилар. Шунинг учун ўкитувчига ана шу ускуналарда ишловчи кичик мутахассис касблари ҳақида гапириб бериш тавсия этйлади. Агар ишчиларнинг ўзлари ўз ишлари, тайёрлайдиган маҳсулотлари ҳақида гапириб берсалар, ўкүвчиilar бу касблар тўғрисида кўпроқ тасаввурга эга бўлишади.

3. Тўгарак машгулотларнда касб танлашга йўллаш. Тўгарак машгулотларнда ўкүвчиilarни турли касблар билан таништиришга кўпроқ имкониятлар вужудга келади. Агар ўкитувчи ўкүвчининг ишчи касблардан бирига, масалан, ёгочга, металлга ишлов беришга мойиллиги борлигини сезса у ўкувчи билан иш олиб бориб, унинг билим ва ўкувларини чукурлаштириш, унга ёқадиган касбга нисбатан қизиқиш уйғотини зарур. Тўгараклардаги машгулотлар ўкүвчиilarга юкори синфларда меҳнат таълимининг йўналишини танлашда ёрдам беради.

4. Ишлаб чиқариш усталири, илиорлар, тадбиркорлар, ишбилиармонлар, ва мактабни битиргандан сўнг моддий ишлаб чиқариш соҳасида ишлаётгандар билан учрашувлар. Одатда, мазкур мактабни битиргандан кейин бозор муносабатлари шароитида

ишилаётган кишилар билан учрашувлар ўқувчиларда катта таассурот колдиради.

Мехнат таълими жараёнида ўқувчилар танишадиган касблар айча кўн. Шунинг учун, ўқитувчилар ўқувчиларга ўз қасби ҳақида хикоя қилиб берадиган ишлаб чиқариш усталари, илгорлар, тадбиркорлар, ишибилармонларни топишда қийналишмайди. Ишлаб чиқариш топишприкларини бажаришда фан асосларига доир билимлардан фойдаланиш тўғрисида ишлаб чиқариш усталари, илгорлар, тадбиркорлар, ишибилармонларни айтган гаплар, айниқса қимматлидир. Умумтаълим билимларига эга бўлмасдан, бирор касбхунарии мукаммал ўрганимасдан туриб бозор иктисодиёти жараёнида замон талаби даражасида мутахассис бўлиш мумкин эмаслигини ўқувчилар тушуниб олишади.

Ишлаб чиқариш усталари, илгорлари, тадбиркорлар, ишибилармонлар билан учрашувлар кўпинча тантанали вазиятда ўтади. Болалар меҳмонларга атаб совгалар тайёрлашади, яхши ўқиймиз деб мажбуриятлар олишади. Бундай тадбирлар катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлади.

Касб танлашга оид факультатив машғулотларнинг тахминий режаси

Мавзулар номи	Ажратилган соатлар сони
Касбни тўғри танлашнинг киши ҳаётидаги аҳамияти	1
Бозор иктисодиётининг структураси ва касблар группалари бўйича бандлиги.	2
Бозор иктисодиёти эҳтиёжлари учун кадрлар тайёрланган тизими.	2
Ўқув юртлари (курслар, касб-хунар колледжлари, олий ўқув юртлари) билан таништириш.	2
Касбни тўғри танлаш тўғрисида асосий маълумотлар	1
Бозор иктисодиётининг, куйидаги тармокларига оид касблар:	1
геология, геодезия, картография	1
кон ва металургия саноатлари	1
энергетика ва электротехника	2
химия саноати	1
машинасозлик	1

полиграфия саноати	1
ўрмон хўжалиги ва ёгочга ишлов бериш	1
саноати	1
енгил саноат	1
озик-овқат саноати	
балиқчилик саноати	2
қишлоқ хўжалиги	1
транспорт (темир йўл, автомобиль, денгиз ва ҳаво транспортлари)	2
алока	1
қурилиш	1
маиший хизмат	1
тиббиёт	1
иқтисодиёт ва молия (тадбиркорлик, ишибилармонлик)	1
давлат аппарати (хуқуқшунослик ва бошқалар)	1
халқ таълими	1
санъат	
давлат мудофааси.	
Кизиқишлиар картасини тўлдириш, ўқувчиларнинг жавоблари натижалари бўйича сухбат	1
«Бўлғуси касбимни қандай тасаввур қиласман» мавзуси юзасидан уйга берилган иншоларни кўриб чикиш, касблар билан яхшилаб таништириш учун кизиқишлиарига қараб гурухларга ажратиш	34
Жами:	

5. Ҳар хил маданий-оммавий тадбирлар ўтказиш. Касб танлашга йўллаш ишининг муваффақиятли олиб борилишига ёрдам берувчи ҳар хил маданий-оммавий тадбирлар мактабларнинг иш тажрибасидан маълум. Масалан, “Касб ҳақида ким кўпроқ билади” мавзусига бағишилаб танловлар ўтказиш, “Касблар дунёсида” номли оғзаки журналлар чиқариш, “Касб танлашда шахсий ва жамоат фикри” мавзуси бўйича мунозаралар уюштириш, тегишли адабиётлар кўргазмасини ташкил қилиш, китоб ва кинофильмларни муҳокама қилиш шулар жумласидандир. Мазкур тадбирларнинг барчаси устахоналарда амалга оширилиши мумкин.

6. Касбларни чуқур ўрганиш. Ўқитувчи муайян касблар түғрисінде тасаввур беріш учун бир йўла барча ўқувчилар билан иш олиб боришидан ташкары, у ёки бу касб билан яхшилаб танишиш истегі бўлган ўқувчилар билан жиiddийроқ иш олиб боради. Ўқувчилар қизиқишиларига қараб гурухларга ёки клубларга бирлаштириладилар. Бунда ишнинг турли-туман ташкилий шакллари қўлланилади. Ўқувчилар ўз кучи билан музей яратадилар, рефератлар ёзадилар, экскурсиялар ўтказадилар. Буларнинг барчаси ўқитувчига муайян касб инсонга қандай талаблар қўйинин көнгроқ тушунтириб беришга, ўқувчиларнинг касб танилаш негизларини тушуниб олишларида кўмаклашишга имкон беради. Агар ўқитувчи ўқувчидаги муайян касбга қатъий қизиқиши уйғонганини ва ўқувчининг соғлиги шу касб талабларига жавоб беринин пайқаса, у тегишлича иш олиб бориб, ўсмирнинг хохиши рўёбга чиқиши учун ёрдам бера бошлайди.

§ 1.3. Ўқувчиларни касбга йўналтириш назарияси ва методикаси

Ёшларни касбга йўналтиришининг назарий шарт-шароитлари

Табиат ва'жамият ходисалари, ишлаб чиқариш жараёнларни кўнина шу қадар мураккабки, буларни бир илм-фан доирасида тавсифлаш мумкин эмас. Мактабда ўрганилаётган кўпгина факт ва қонунлар ўзаро боғлик ҳолда аниқ рўёбга чиқарилган тақдирдагина ўзлаштирилиши мумкин. Мисол учун касбга йўналтириш масаласини олиб кўрайлилек.

Муаммонинг муҳимлиги, ёшларни касбга йўналтиришга оид бир қанча амалий масалаларни шошилинч равища ҳал қилишнинг зарурлиги ҳозирги вақтда кўплаб мутахассислар: педагоглар, психологлар, врачлар, иқтисадчилар, социологлар ва ғоят хилма-хил соҳаларда ишловчи амалиётчи ходимларнинг эътиборини ўзига жалб этди. Бу борада кўплаб мутахассисларнинг иштирок этиши ва иш олиб бориши муаммони түғри ва комплекс тарзда ҳал этиш учун замин ва шаронитлар яратиб беради, албаттга.

Шу билан бирга бу мутахассисларнинг ҳар бири тўла аниқ маълумот олган, муайян иш тажрибасига эга ҳодимлардир. Шу бонедан улар касбга йўналтиришини соҳасидаги ўз фаолиятида ўзларига

маълум бўлган методларга, муаммога ёндашув усулларига ҳамда идрок қилиш услуби ва шу кабиларга таянидилар. Бу эса баъзан уларда тушунчаларнинг айрим атамаларидан фойдаланишида зиддиятлар тугдирибгина колмай, қасбга йўналтириши мақсад ва вазифаларининг кўйинлишида бир қашча амалий масалаларини тушуниб олишда бу борада яқдилликини бузилишига ҳам олиб келмоқда. Шу сабабдан ҳам қасбга йўналтиришга онд билимлар мазмунининг ягона тизимини ҳамда қасбга йўналтириши методологиясини ишлаб чикиш қасбга йўналтириш соҳасида бундан бўён муваффақиятли иш олиб боришининг муҳим шартидир.

Қасбга йўналтириши асослари тўғрисидаги таълимот

Хозирги фан-техника ва ижтимоий тараққиёт шароитида ёш авлодни жамият барпо этишида фаол катнанишига тайёрланиш лозим бўлган мактабнинг роли ҳар качонгидан кўра ўеди.

Шу муносабат билан ўқувчиларга илм-фан асосларининг мустаҳкам билимларини сингдирини, уларда юксак онглийликни тарбиялаш, умумисоний ахлоқийликни шакллантирини, ёш авлодни турмушға ва меҳнатга, ижтимоий зарур қасбларни онгли равишда танлашга тайёрлаш таълим ва тарбиянинг ҳамма босқичларнда хозирги мактабнинг вазифаларидир.

Қасбни тўғри танлаш-инсон турмушида муҳим қадамдир. ёш авлоднинг бутун ҳаётидаги муваффакияти кўп жиҳатдан қасбнинг канчалик тўғри танланганлигига боғлик.

Қасбни тўғри танлаш ҳар бир мактаб ўқувчисининг объектив асосларига, қизиқишига, майлига, қобилиятига ва имкониятларига мос бўлиши учун унинг соглигини, ўзлаштиришини ва хиссиётларини ҳисобга олиш лозим, булар ижтимоий фойдали ва унумли меҳнатда ҳаммадан кўра кўпроқ карор топали ва намоён бўлади.

Одам бажараётган ишларига ижодий муносабатда бўлиб, меҳнат унумдорлигини доимо ошириб борса, танлаган қасбига зўр қизиқиши билан қараса, ўз ишининг ижтимоий аҳамиятини тушунса, унинг қобилияtlари меҳнатда такомиллашиб борса, ўшандагина у меҳнатдан қониқиши ҳосил қиласди ва хурсанд бўлади. Барча олимларнинг таъбирича, бундай холда ҳар бир шахс жамиятга энг кўп наф келтиради.

Мана шу айтган гаплардан қасб танлашнинг гоят муҳим ижтимоий аҳамияти келиб чиқади. Барча олимларнинг фикри бўйича қасбкорни эркин танлаш жуда катта аҳамиятга эга. Инсон

шүгүлланаётган ишини яхши күрса, бундан у хурсанд бўлади, қониқиши ҳосил қиласди, зўр ташаббус кўрсатади, толиқмай меҳнат унумини оширади.

Мактаб ўкувчиларининг қасб таинлаши онгли зарурият бўлиши ва айни вактида жамият мағфаатларига мос бўлиб тушиши, йигит ва қиззларининг камолот йўлидаги шахсий муддаоларини кондириши лозим. Бунинг учун юксак даражада маълумотли бўлиш зарур, ҳозирги асримизда бундай маълумотсиз фан-техника илдам тараққий этиши мумкин эмас.

Умумиҳнат ва маҳсус малакаларни, қасбга бўлган қизиқишиларни шакллантиришининг бундай имкониятлари объектив заманига яга бўлиб, воқеанинда ҳар куни амалига оширилмоқда.

Синоат тез ривожланганини, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва автоматлаштириш борасида катта қадамлар қўйилганини, илм-фан, техникани ва маданиятни юксалтириш соҳасидаги муваффақиятлар бир томондан, ёшларнинг қизиқишилари ва қобилиятларига мувофиқ, иккичи томондан бозор иқтисодиёти талаб-эҳтиёжларига асосан қасб таинлашлари учун амалий жиҳатдан чекланимаган имкониятлар яратди, умумий таълим мактабида меҳнат таълими шароитида қасбга йўналтириш муаммосини ижобий ҳал килиш учун барча шарт-шароитлар вужудга келтирилди.

Қасбга йўналтириш ўкувчиларга политехник маълумот бериши масалалари билан, қасб таинлаш эса муайян билим даражаси билан чамбарчас боғлиқдир.

Ёш авлодда меҳнатга ижодий муносабатда бўлишни тарбиялаш мухимдир. Ижодкорлик инсон фаолиятига умуман ҳос нарсадир. Қобилияйт инсон фаолиятида ривож топади. Жамиятда инсон қобилиятиларини ҳар томонлама камол топтириш учун имконият мавжуд бўлади, чунки болалар ёшлигиданоқ меҳнатга қизиқиб қоладилар: улар ўз ўйинларида ота-оналарига, атроф-теваракдаги кишиларга таклид қиласдилар, уларнинг меҳнат ҳаракатларини тақрорлайдилар. Фаолиятга ана шунда интилиш, катталарнинг меҳнати тақлид қилини болаларга мактабгача ёшдаёқ ҳаммабоп меҳнат майракаларини сиптириш учун, улар меҳнат фаолиятига умумий психологик тайёрлани учун қулагай омил бўлиб ҳизмат қиласди.

Табиийки, буларнинг ҳаммасини тушунарли ва образли шаклда болалар онгига етказиши, болаларни ўраб турган ва уларга ҳизмат қилаётган ҳамма нарсалар одамларининг меҳнати билан вужудга келтирилган, қўллар факат меҳнатдагина «моҳир қўллар» га

айланади, меҳнатсиз ҳеч нарсанн ўрганиб бўлмайди, деган фикрини сингдиришга интилиш зарур.

К.Д. Давлатов ўз илмий изланишларинда меҳнат таълими ва касбга йўналтиришнинг, ёшларни ишчи касбларини тўғри танлашга тайёрлашнинг сиёсий, халқ хўжалик, маданий ва педагогик аҳамиятини аниқ белгилаб берган. Бунда у касб танланшида одамининг шахсий хусусиятларини, табиий истеъодини ва унинг у ёки бу меҳнат фаолиятига қизикишини хисобга олишга даъват этган эди. Унинг фикри бўйича мактабда ва мактабдан ташқари иш олиб бориш йўли билан ёш авлодимизнинг умумий таълим ва политехник онг-билим даражасини илк ёшданоқ кенгайтириш зарурлигини бир дақиқа ҳам ёддан чиқармаслигимиз керак, шуну эсдан чиқармаслик лозимки, умумий таълим ва политехник савиянинг торлиги касблар танлаш эркинлигини чеклаб қўяди.

Умумий таълим мактабларинда, ишлаб чиқарниша, ўкув юртларида касбга йўналтириш ишларини ўтказниш заруриятини турмушининг ўзи тақозо этмоқда. Бу нарса бозор иқтисодиётининг янги марралари йил сайин тобора кенг авж олдирилаётганилиги билан боялангандир. Биргина Ўзбекистон Республикасиизда ўзила янги келажакла бир нечта янги саноат ва қишлоқ хўжалик обьектлари пайдо бўлади ва мавжудлари кенгайтирилади, буларда меҳнат фаолиятининг янги турлари вужудга келтирилади. Янги касблар ва мутахассисликлар - метросозлар, бинокорлар, оператор компютерчилар кенг соҳадаги касблар - менеджер, саноат роботлари назоратчиси, автоматик машиналар ва агрегатли станоклар созловчи, автосозловчи, қишлоқ хўжалик машиналари ишлатиш ва уларга техник хизмат кўрсатниш, фермер, чорвачилик ва парандачилик мажмуаларининг зоотехники, иссиқхоналарнинг ҳарорат режимини назорат килиши бўйича-оператор, енгил ва оғир саноат энг янги замонавий корхоналари касблари ва бир қанча янги обьектлардаги касблар оммалашниб колган бўлиб, улар Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти тармокларини белгилаб бермоқда. Янги касблар ва мутахассисликлар сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Булар қаторида “УзДЭЎавто”, “Кабултекстил”, “МТС”, “Файзхолдинг” ва х.з.

Бу айтганларимиздан шундай хулоса келиб чиқалики, ўкувчи танлаган касб оғзаки тушунчагина бўлиб колмаслиги, ўкувчи ўз қобилиятларини янги касбда синаб кўриши. ушбу касб тўғрисидаги тушунчаси қанчалик тўғри эканини холисона текшириб кўриши лозим.

Ўз-ўзидаи маълумки, бунга ўқитишнинг тўғри йўлга қўйилиши, билимларни, илм-фан асосларини, айниқса, ижтимоий фойдали ва унумли меҳнат билан чамбарчас боғланган меҳнат политехник билимни чукур ва мустаҳкам эгаллаш натижасидагина эришиш мумкин.

Ҳар кандай қасбда энг муҳими - унинг меҳнат мазмунига эга бўлишидир. Шу боисдан меҳнатсеварликни, яхши урф-одатларни тарбиялаш ва уларни меҳнат жўшқинлигига қўчириш болаларни қасб танлашга тайёрлашнинг бош негизидир. Оилада болани меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш одатда мактабгача бўлган ёшдан бошланади. Ана шу пайтдан эътиборан болаларни бўлгуси қасбни ташланига тайёрлани амалга оширилиши лозим. Бунда болаларнинг қизиқинилари, майллари, қобилиятлари ва имкониятларини мунтазам равишда ўрганиш зарур. Қасб танлашда хато қиласлик учун болаларга аввало мактаб ва оила ёрдам бериши керак.

Ҳар бир шахс ҳар томонлама камол топиши лозим, бунинг учун мактабларда барча имкониятлар мавжуд. Болалар яхши, аклий, жисмоний, ахлокий, меҳнат ва эстетик тарбияни ва шу билан бирга политехник мательумотни ола туриб, шу асосда ўзларини қасбий фаолиятга тайёрланишлари мумкин. “Ким бўлсан экан?” муаммоси “Кандай қасб эгаси бўлиш керак” муаммоси билан бирликда ҳал қилиниши лозим. Мактаб ўқувчиларни қасбга йўналтиришга оид ишларни таълим йўлларни ёрқали узвийлик ва изчиллик билан олиб борилиши керак.

Қасб танланига йўналтириш меҳнат таълими жараёнида ғоят самарали шакл қасб этади. Бу соҳада П.Т. Магзумов, А.Ш.Магдиев ва И.Шодиевларнинг хизматлари каттадир. Уларнинг қасб танлашга оид педагогик асарларнда ўсмиirlарнинг хаёт йўлини танлаши учун мураббий ўқитувчилар ва ота-оналарнинг масъулияти тўғрисида фикр юритади. Мураббий бу борада тўғри маслаҳат бериш учун тарбияланувчи ким бўлишини хоҳлаётганини ва нимага умид килаётганини, бунинг учун у кандай куч-гайрат сарфлаётганини ва унинг муддаётлари канчалик амалга ошиши мумкинлигини бўлиши керак.

Психолог олимларнинг ишлари умуман шахсни ўрганиш ва хусусан болалар ва ўсмиirlар шахсини ўрганишнинг назарий негизларнiga асос солди. Уларнинг асосий тавсияномалари мактаб ўқувчиларнини тарбиялаш тажрибасида қўлланилмоқда. Айрим олимлар тадқиқотлари ёнларнинг қобилиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг меҳнат йўлини асосли равишда танлашнинг

психофизиологик жиҳатларини очиб беришга бағишланган уларнинг асарларида касбга йўналтиришнинг ижтимоний-икти- содий масалалари ёритилган, касбнинг яроқлилиги ва унинг таркиб топиш муаммолари очиб берилган. Демак, олимларнинг асарлари ёшларнинг корхоналарда мослашиши (кўниги) масалаларини кўриб чиқиш чоғида катта аҳамиятга эгадир.

Кейинги йилларда мамлакатимизнинг умумтаълим мактабларида касбга йўналтириш ишини амалга ошириши соҳасида, шунингдек ёшларни кичик мутахассислар касбларига йўналтириш юзасидан мактаб, оила ва касб-хунар колледжлари биргаликда иш олиб бориш йўналишида катта ижобий тажриба тўпланди ва бу тажриба умумлаштирилди.

Муаллифлар ана шу муаммога доир ўз илмий ишларида барча мустакил ҳамкорлик давлатларидағи умумтаълим мактабларининг тажрибасига таянадилар, уни тарғиб қиласидар ва шу тажрибани давлатимиздаги мактабларда жорий қилишнинг аниқ йўлларини ишлаб чиқмоқдалар.

Мактаб ўқувчиларини касбга йўналтириш муаммосига оид эълон қилинган асарларнинг тақиидий таҳлили ва оммавий мактаблар тажрибасини умумлаштириш асосида ўқувчиларнинг эътиборини ёш авлодга меҳнат тарбияси бериш ва уларни касбга йўналтиришга доир етарли даражада яхши ишлаб чиқилмаган бир қанча муаммоларга алоҳида қаратиш лозим. Булар:

- а) юқори синфларнинг ўқувчиларини кичик мутахассис касбларига йўналтириш масаласини ҳал қилиш;
- б) минтақа шаронтларини, миллый анъаналарини ҳисобга олиб, умумтаълим мактаблари учун касбга йўналтириш талбирларини ишлаб чиқни;
- в) касбга йўналтириш вазифаларини амалга ошириш билан V-VII; VIII-IX синфлар ўқувчиларининг умумий меҳнат, политехник йўналиши ва касбий тайёргарлиги ўртасида узвий алоқанинг йўклиги муаммоларидир.

Касбга йўналтириш ишида иктиносидий муаммолар мухим ўрин тутади. Булар орасида бозор иктиносидиётини ривожлантириш ва етук мутахассислар тайёрлаш муаммолари алоҳида аҳамият касб этади. Бу масалаларни касбга йўналтириш жиҳатлари билан ўзаро боғлиқ тарзда талабаларнинг мустакил машгулотларида кўриб чиқиш тавсия этилади.

II БОБ. КАСБ ТАНЛАШГА ЙЎЛЛАШНИНГ ТИЗИМИ

§ 2.1. Касбга йўналтириш ишнининг педагогик асослари

Еши авлодни хаётга, меҳнатга тайёрлаш - гоят муҳим вазифадир. Шу бонедан ёшлиарнинг касб танлаш муаммоси ўрта умумий таълим мактаби ичида катта ўрин тутади.

“Ким бўлсан экан” деган савол ҳар бир йигит ва қиз учун энг асосий муаммолардан бириди. Одамнинг шундан кейинги бутун хаёти ана шу муаммони хал қилишга боғлиқ. Касбни тўғри танлаш меҳнатда ва ижтимоий фаолитда энг юксак кўрсаткичларга эринишга ёрдам беради, меҳнат жараённида ва унинг натижаларидан қоникиш эса ижодкорликни энг кўп намоён этиш, энг яхши ҳиссий қайфиятда бўлиш, танҳо бир кишининг ҳам, умуман жамиятнинг ҳам барча хаётий режаларини бирмунча тўла амалга ошириш имконини беради.

Жамият ҳамма замонларда ёш авлодга ижтимоий ва касбий тажрибани берини тўғрисида гамхўрлик қилиб келди. Инсоният яшанининг иш даврларида бу тажриба мерос бўлиб колар, авлоддан-авлодга ўтар эди. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан одамга ишбатан кўйилган талаблар ҳам ошди, бу эса турли касбларда ишлаш учун ходимларни танлашнинг илмий асосларини ишлаб чиқин зарурлигини такозо этди.

Ўзбекистон Республикаси мустакилликка эришган дастлабки йилларида иш ёшлиарни касб танлашга йўналтириши масалаларига катта ётибор берилди. К.Д. Давлатов, Н.Н.Шодиев, П.Т.Магзумов, А.Р.Хужабоев, А.Ш.Магдиев ва бошқалар ўкувчиларни касбга йўналтиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш билан шугулландилар.

Хозирги вактда, ижтимоий ва илмий-техникавий таракқиёт шаронтида мактаб ўкувчиларини касбга йўналтиришнинг муҳимлиги анча онди. Бир томондан-ишлаб чиқаришни мураккаблантираётган хилма-хил касблар ва мутахассисликларнинг мавжудлиги, иккинчи томондан-бир қатор барқарор шахсий хусусиятлари билан ажратиб турган одамларнинг мавжудлиги касбларни, олий ўкув юртларини танлашда, кичик мутахассисларни иш ўринларига жойлаштиришда ва қайта жойлаштиришда ана шу омилларни, умуман инсон омилини хисобга олишни қатъий талаб килади.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари инсон омили энг асосий омиллардан бири сифатида биринчи ўринга чиқариб кўйди. Ижтимоий адолат одам ўз индивидуал қобилияtlарини намоён этишига кўпроқ эътибор берилишини тақозо қилмоқда. Бу вазифани ҳал қилишда шахсий манфаатлар ва жамиятнинг кадрларга бўлган талаб-эҳтиёжлари ёшларни эркни ва онгли равишда касб танлашга тайёрлашнинг илмий асосланган тизими бўлмини касб танлашга йўналтиришга муҳим ўрин ажратилмоқда.

Ёш авлодни онгли равишда касб танлашга тайёрлаш масаласига ёшларни ҳар томонлама ва уйғун ривожлантиришнинг муҳим шартни сифатида қаралмоқда. Бу иш шахсни миллий гоявий, маънавий-аҳлоқий, меҳнатсеварлик, ақлий, эстетик ва жисмоний жиҳатдан камол топтириш билан, яъни бутун таълим тарбия жараёнини, унинг бутун яхлитлик билан узвий бирлиқда ва ҳамжиҳатлиқда амалга оширилади.

Халқ таълим вазирлиги тассаруфидаги ўкув муассасаларида шу соҳадаги бир қатор карорларида таъкидлаб ўтилганидек, вужудга келтирилаётган касбга йўналтиришнинг давлат тизимида умумий таълим мактабига, ўқитувчига етакчи ўрин ажратилмоқда. Айни ўқитувчи меҳнат аҳлига бўлган замонавий талабларни ҳисобга олиб, умуммехнат ва касбий маҳорат ҳамда малакаларни эгаллашдагина эмас, балки касбни тўғри танлашда ҳам ўсмиrlарга ёрдам беринши лозим. Касб тўғри танланганда улар ўз қобилияtlари ва қизиқишларини яхшироқ рӯёбга чиқаришлари ҳамда жамиятга кўпроқ наф келтиришлари мумкин.

Мактабда касбга йўналтириш иши зарур натижаларни бериши учун у узлуксиз жараён бўлиши ва ўзаро боғланган бир қанча босқичлардан иборат бўлиши лозим.

Илк касбга йўналтириш (I-IV синклар) болаларни меҳнатга тайёрлашдан, ёш хусусиятларини ҳисобга олиб, уларни касблар. меҳнат олами билан таништиришдан, уларда ўз меҳнати билай бошқаларга наф келтириш эҳтиёжини шакллантиришдан иборат Бунга эса болаларни кўлдан келадиган ижтимоий-фойдали меҳнатга ўкув ва ўйин фаолиятининг ҳар хил турларига жалб этиш мумкин.

Ўрта бўғинда (V-VII синклар) мактаб ўкувчилари ижтимоий-фойдали, унумли меҳнатга киришадилар, уларда касб танлашнинг ижтимоий аҳамиятга молик сабаблари, меҳнат фаолиятининг аниф соҳасига бўлган қизиқиш шаклланади.

Навбатдаги босқычда (VIII-IX синфлар) ўкувчиларда тизимлаштирилган билимлар, касблар оламида мүлжал ола билиш маҳорати, аниқ касбга бўлган қизиқиши шаклланиши лозим, асосий эътибор юқори синф ўкувчиларини моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги меҳнатта тайёрлаш ижтимоий-касбий жиҳатдан бир макеадин кўзда туттанингига қаратилиши керак.

§ 2.2. Касбга йўналтириш босқичлари мазмуни

I-IV синфларнинг ўкувчилари касб танлашдан ҳали узоқ турадилар. Бирок улар ўртасида тўғри йўлга кўйилган касб танлаш иши шундай бир негиз бўлиши керакки, юқори синфлардаги ўкувчиларнинг касбга бўлган қизиқишилари, ўй ва ниятлари кейинчалик шу негиз асосида ривожланадиган бўлсин.

Барча касблар учун зарур ва муҳим бўлган шахс ҳислатлари бор, булар- меҳнатсеварлик, ҳамма касб ва мутахассисликдаги меҳнат ахлига нисбатан ҳурмат-эҳтиром, меҳнат қилиш зарурлигини тушуниш ва англаш, ўз ишини режалаштириш ва назорат қила билиш, иш жойини тўғри ташкил қилиш, ишда тартибли ва интизомли бўлиш, продавийлик, саботлилик, топшириқни бажаришининг энг оқилона усулини танлаб ола билиш, материаллар ҳамда вақти тежаш ва шу кабилардир. Ана шу ҳислатлар ва фазилатларнинг ҳаммасини болаларда бошланғич синфдан бошлаб шакллантириш лозим.

Болаларни касблар оламига аста-секин олиб кириш, уларни шу оламда мүлжал олишга ўргатиш зарур. Ўқитувчи ўкувчини дарсларда кузатиш, у билан сухбатлашиш, бола фаолияти маҳсулуни таҳнил қилини жараёнида унинг баъзи бир хусусиятларини, майстарини, тайқаб олини бу ҳислатларни ривожлантириш юзасидан тегишини ишларни адо этгандан кейин булар кейинчалик касбни белгилашда асосий омил бўлиши мумкин.

Боланинг касбий муҳим ҳислатларини барвақт аниқлаш эса кейинчалик унга ўз хусусиятларига караб касбни тўғри танлаш, уни муваффакиятли равишда ўзлаштириш, меҳнатда юксак натижаларга эришиш имконини берниши мумкин.

Кўнгина олимлар ўтказган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мактаб ўкувчиларининг таҳминан 30 фоизида танлаган касбига нисбатан барқарор қизиқишилар бошланғич синфлардаёқ шаклланар экан. Ўқитувчининг вазифаси ўкувчиларнинг қизиқишиларини мумкин қадар олинироқ аниқланидан ва жамият талаб-эҳтиёжларига

мувофиқ шу қизиқишиларни ривожлаштирилдап, инсон шахснин хар томонлама уйғун камол топтириши учун шарт-шаронтлар яратыныдан иборат.

Мехнат таълими дарслари касбга йўналтиришини олиб бориш учун алоҳида имкониятларга эга. Буни меҳнат дарслари касбга йўналтиришга қаратилган йўлининг таҳлили мисолида хам кўриш мумкин. I-IV синфларда меҳнат таълимийинги асосий мақсадларидан бири - ўқувчиларда инсон учун меҳнат биринчи зарурят, ижтимоий бурч эканлигига, хар кандай касбни эгалланаш учун мустаҳкам ва чуқур билимлар кераклигига инсончи хосил килишдан иборат. Меҳнатга муҳаббатини ва ишилани истагини факат меҳнатда тарбиялаш мумкин. Шу бонсдан хам меҳнат таълими дарсларида қарийб қўпроқ фониз вакт амалий ишлар учун ажратилган.

Шу билан бирга дарсларда болалар одамлар меҳнат фаолиятининг асосий соҳалари билан, уларнинг қизиқишилари ва қобилиятигининг асосий соҳалари билан, уларнинг қизиқишилари ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришинга онд ёнг кўп таркалган касблар билан таништирилади. Ўқитувчи нағари туғзали касбга йўналтириши режасига мувофиқ тарзда даре режа-концепцияни ёза туриб, касбга йўналтириш дарси олдига мақсад кўйиб, касбга йўналтиришга онд маълумотларни унга киритади. Бу эса бирон-бир касб, асбоб, ишилаб чиқариш технологияси, муайян меҳнат операцияларини ўргатындан, касб жиҳатидан мухим хислатларни тарбиялашдан, ўқувчиларни илгари белгиланган режа асосида ўрганишдан ёки ани шу таркибий кисмларнинг ҳаммасини кўшиб олиб боришдан цборат бўлшини мумкин.

Куйи синфларнинг ўқувчилари хилма-хил материаллар (когоз, картон, табиий материаллар, тунука, сим, ёғоч, фанера, пластмасса, толали материаллар) билан иш кўрадилар, улар ишилашга онд ўзларига боп, маъкул бўлган операцияларни ўрганадилар. Улар техник ва технологик тусдаги масалаларни ечишини ўрганадилар, турли материаллар хосил килиши ва кўлланиши шинни, бу материалларнинг одамлар турмушидаги аҳамиятини билдиб оладилар, у ёки бу технологик операцияларни бажарини учун мўлжал-лангган энг оддий асбоблардан фойдаланиши йўллари билан танишадилар ва фойдаланишни ўрганадилар, тегишили касблар тўғрисида маълумотлар оладилар. Чунончи, ўқувчилар учун ишилаб чиқилган “Транспорт” конструктори болаларни 18 хил турли транспорт машиналари ва касблар билан таништириши имконини беради.

Үқувчилар курилиш конструктори билан ишлаб, курилиш касблари, уларнинг муҳимлиги ва зарурлиги тўғрисида, курилиш билан бўлгани одамлар меҳнатининг мазмуни хақида маълумотлар оладилар, курилиш обьектларини моделлаштиришни ўрганидилар. Бу ишлар болаларда техник тафаккурни, маконга оид тасаввурларни, ижодий қобилиятларни ривожлантиришга ёрдам беради, уларда курувчи меҳнатига хурмат билан қараш ҳиссини тарбиялади.

Техник конструктор билан ишлаш чогида бажариладиган топшириклар ўқувчиларни машинасозлик ва электротехника асослари билан таништиради, уларда техник тафаккурни ривожлантиради, техникага муҳаббат ҳисларини тарбиялади, уичалик мураккаб бўлмаган техник курилмаларни билиб олиш имконини беради. Болалар машинасозликка оид кенг тарқалган ва зарур касблар, ана шу касбларнинг меҳнат мазмуни билан танишадилар.

“Ўсимликларни ўстириш ва ҳайвонлар ҳаёти билан таништириши” бўлимлари болаларни қишлоқ хўжалик асослари билан таништиришини кўзда тутади. Ўқувчилар ҳонаки ўсимликларни парвариш қиласидилар, пиёз, ҳонаки ўсимликлар етиштириш юзасидан тажриба ўтказадилар. Улар мактаб ўкув-тажриба участкасида ишлаб, ерда меҳнат қиласидилар тупроқни юмшатадилар, ўсимликларни ўток қилиб, бегона ўтлардан тозалайдилар, ўсимликларнинг ўсишини кўзатадилар, ўз меҳнатининг натижаларини кўрадилар, одамлар меҳнатини қадрлашни, ерин эъзозланини ўрганидилар.

Ўқувчилар чорвачилик касблари билан ҳам танишадилар, ҳайвонларни тўгри парвариш қилишини ўрганидилар.

Ўқитувчининг ўқувчиларда ерга омилкорлик билан қараш ҳиссини шакллантириши, қишлоқ хўжалигидаги меҳнат тўғрисида тўгри тасаввур берини, ўз меҳнати ва ўз жамоаси меҳнати натижаларидан хурсанд бўлишини ўргатиши муҳимdir. Шу боисдан инни ғуидай режалаштириш керакки, болалар чорва молларни парвариш қиласидиган, ҳосилни йигиштириб оладиган, меҳнати натижаларини ҳисоб-китоб қиласидиган бўлсинлар. Бундай ҳолларда болаларнинг ишга қизиқиши кучаяди ва касбга йўналтириш иши алоҳида мазмун касб этади.

Юкори синфларда ўқувчилар касблар билан профессиограммалар ёрдамида танишадилар. Кичик ёшдаги

ўқувчилар учун эса ҳикоя қилиб бериш, сухбатлар ўтказини, касб намояндалари билан учрашиш, видеофильмлар, динафильмлар, кинофильмлар кўриш, альбомларни кўздан кечириш, саёҳатлар ўтказиш кўпроқ мақбулди.

Бу соҳада олиб борилаётган барча иш шаклларидан сухбат ўтказиш ҳаммадан кўп фойдаланилмоқда. Сухбат болалариниң фаол иштирокида ўтиши мухимдир. Шу максадда ўқитувчи касблар тўгрисида, айниқса ота-оналари, кариндошлари ёки танишибилишлари мазкур касбларда ишлаётганларниң болалари синифда бўлса, шу кишиларнинг касблари хакида маълумотлар тўплаш юзасидан ўқувчиларга топшириклар берини мумкин. Сухбатлар ҳикоя қилиб бериш, фотосуратларни намойини килиш, тўлимишинг техник воситаларини кўллаш билан тўлдирилишин мумкин. Информатика ва ҳисоблаш техникаси имкониятидан фойдаланиш айниқса мухимдир.

Дарснинг амалий қисми мазкур касбдаги одамлариниң меҳнати билан боғланса айни муддао бўлур эди. Масалан, «Толали материаллар билан ишлани» бўлимини ўргана туриб, ўқувчилар бичикчи касби билан танишадилар, мураккаб бўлмаган бичини ишларини бажарадилар; кийим тикини касби билан танишадилар; турли чоклаш ишларини бажариб, тутмалар қадаб, кийимларини майда тузатиш ишларини адo этиб, олган маълумотларини мустаҳкамлайдилар.

Ўқувчиларни дастурда кўзда тутилган касблар билан таништиришдан ташқари касбни тарғиб қилиш, яъни болаларни ушбу туман учун зарур бўлган касблар билан таништириши, уларда ана шу касбларга нисбатан хурмат-эҳтиромни тарбиялаш, шу касбларнинг жозибали жиҳатларини очиб берини лозим.

Бу борада дарслардан ташқари ўқув дастурида кўзда тутилган корхоналарга қилинадиган экспурсиялар катта аҳамият ўйнаши мумкин.

Касбга йўналтириш ишига яхлит ёндашиш ўқувчиларни хар томонлама ўрганишни ҳам кўзда тутади. Бу тадбир ўқувчилар шахсининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга, улар билан бундан буён ишлашнинг тўғри шакллари ва методларини қидириб топишга ёрдам беради. Ўрганишни турли методлар билан ўтказиш, энг мухими-бу ишни мунтазам равниша ва событқадамлик билан амалга ошириш керак.

Кузатини - ўқувчиларни ўрганишнинг кенг оммалашган методидир. Бу метод муайян максадни кўзлайди, иш режа асосида олиб боришади, кузатининг якунловчи натижалари қайд килинади. Мехнат таълими дарслари кузатиш ўтказиш учун кенг имкониятлар яратиб беради.

Диагностик сухбатлар ўтказиш хам кўлланилади. Бундай сухбатлар якка тартибда ёки жамоа тарзида ўтказилиши мумкин.

Куйи синфларда ўтказиладиган меҳнат дарсларида ўқувчилар фаолияти натижаларини тахлил қилиш учун яхши имкониятлар мавжуд. Чунки меҳнатнинг турли обьектларини тайёрлаш чогида хар бир боланинг шахсий хусусиятлари гоят равшан намоён бўлади: бир хил бола техник конструкторни яхши билади, иккинчи хил бола тикинша маҳорат кўрсатади, учинчи хил бола эса мактаб участкасида ўз қобилиятларини намоён этади ва ҳоказо.

Ўқувчиларнинг хужжатларини ва амалий иш-харакатларини тахлил қилиш хам бола шахсини ўрганишда ўқитувчига ёрдам бериши мумкин.

Ўқувчиларнинг шахсини ўрганиш уларни тарбиялаш билан чамбарчас боғлиқдир. Ўқитувчи ўқувчининг алоҳида хусусиятларини пайқаб, унда мавжуд истеъодд низомоналарини ривожлантириш методларини топа олиши, унинг хулк-атворидаги салбий жиҳатларни бартараф этиши мумкин ва ҳоказо. Баъзи болаларда касбга мойиллик яхши намоён бўлади, кўпчилик болаларда бу нарса бирданнiga аниқланмайди. Ўқитувчининг боладаги истеъодд низомоналарини аниқлаши, бўларни ўқувчининг ўзига ва унинг ота-онасига айтиб бериши, боланинг қобилиятини ривожлантириш ва шакллантиришда кўмаклашиши мухимdir.

Юкорида таъкидлаб ўтилганидек, касбга йўналтириш иши - ўқув жараёнининг узвий таркиби кисмидир. Куйи синфлардан бошланадиган бу иш жамият учун зарур, хар бир кишининг хусусиятларига мос касбларга барқарор қизиқишини тарбиялашга ёрдам беради. Меҳнатга қизиқишининг мавжудлиги ва меҳнат қилишга шайлиқ - шахс етуклигининг энг мухим кўрсаткичларидан биридир.

Синфдан ва мактабдан ташкири иш ўқувчиларни касбкорни онгли равишда ташлашга, уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга, моддий ишлаб чиқариш, фан, техника борасида ва шу каби соҳаларда уларда ишга қизиқишини шакллантиришга кўп жиҳатдан ёрдам беради.

Синфдан ташқари машғулотларда олиб борилаётган қасбга йўналтириш ишида ўқувчиларнинг ёш ва билиш хусусиятларига қараб бир неча босқични кўрсатиб ўтиш мумкин.

Биринчи босқич (I-IV синфларнинг ўқувчилари билан ишлаш) - моддий ишлаб чиқариш соҳасида меҳнатга бўлган ижтимоий қизиқишлирни, ўқувчиларда умуман меҳнат ҳақида тасаввурларини шакллантириш

- меҳнатга муҳаббат, меҳнат ахлига ҳурмат хисларини сингдириш, унумли меҳнатга ижтимоий майлларни шакллантириш;
- барқарор қасбий қизиқишлир ва майлларни шакллантириш ва ривожлантириш;
- мутахассисликни, қасбни танлаш ва уни ўзлаштириш йўлларини танлаш мақсадида ўtkазилади.

Техника тўгаракларида машғулотларда олиб бориладиган қасбга йўналтириш иши мазмуни ўқувчиларни тўгарак йўналишига мувофиқ қасблар, предметлар ва меҳнат технологияси билан, ишчи шахсига нисбатан қўйилаётган талаблар, мазкур қасбга онд мутахассислар тайёрлаш шартлари билан, ижодий иш ва ана шу қасб эгаларининг қасбий ўсиш истиқболлари билан, ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти ўқувчилар ташкилотларида, техник ижодкорлик тўгаракларида, бозор иқтисодиёти муаммоларини ижодий ҳал қилиш масалалари билан таништиришни ўз ичига олади.

Ўқувчиларни таништириш учун меҳнат соҳалари ва қасб доиралари рўйхатини тузган чоғда ишлаб чиқариш учун зарур кадрларга бўлган талаб-эҳтиёжларга амал қилиш ва айни вақтда яқин атрофдаги қасб-хунар коллеж қасблари бўйича тайёрлов курслар ва олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрлаш йўналишиларини ҳисобга олиш зарур.

Тўгаракларда ўтказиладиган машғулотлар ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини, қизиқишлирни, шунингдек бозор иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий йўналишиларини ҳисобга олган ҳолда уларни қасбга йўналтириш учун кенг имкониятлар очиб беради. Бу нарса ўқувчиларнинг музайян ёшига мўлжалланган ва политехник мазмун қасб этган техника ижодкорлиги тўгаракларининг тегишли дастурлари билан таъминланади. Чунончи, одатда, таълимнинг биринчи йили дастури VI-VII синфларнинг ўқувчиларига, таълимнинг иккинчи йили дастури VII-IX синфларнинг ўқувчиларига мўлжаллангандир, кўнгина ҳолларда шахсий (якка тартибдаги) дастур асосида шуғулланадилар. III-V синфларнинг

ўқувчилари бошланғич техник моделлаштириши тұғараклари дастурлари асосыда иш күрадилар. I-II синфларнинг ўқувчилари ўзлари учун маңсус ташкил қилинадиган “Мохир күллар”, “Ўйнишоклар фабрикасы”, “Ёш техник”, “Кичик ўқувчиларнинг эркін устахонаси” тұғаракларида ва бошка шу каби тұғаракларда шугулланадилар. Бу тұғараклар ўз ишини бोшланғич синфларнинг меңнат хонаси негизида олиб боради.

Хар бир тұғарак бүйінча намунашып дастурлар назарий материални ва амалий ишиларнинг етарлы даражадаги рүйхатини ўз ичине олади. Бу дастурларга күзде тутилмаган, лекин у ёки бу мавзуга мувоффик бўлган конструкциялар ёки моделларнинг иш режасини ҳам киритиш мумкин. Маҳаллий шароитларга ва тұғарак аъзоларининг қизиқишлигинга караб ўрганиладиган материални кисқартириши ёки кўпайтириши мумкин.

Техника ижодкорлиги тұғараклари ўқувчиларнинг хозирги замон ишилаб чиқарнишга, техника ва фанга бўлган қизиқишлигини кенгайтиришига ёрдам беради, ижодий ва техникавий тафаккурни ривожлантиради, конструкцияларни, моделлаштириши ва рационализаторлик иши малакалари ва қўниқмаларини шакллантиради.

Тегишли тұғаракда ўқувчиларнинг муваффакиятли шугулла-нишлари фаолиятнинг муайян турига қизиқиши ривожлантиради, бажари-ладиган ишга ижобий муносабатда бўлинин шакллантирилади. Болалар-нинг қизнқишилари зса уларнинг майллари билан чамбарчас боғлангандир. Ўқувчиларда қизиқишилар ва майларнинг ривожланиши кўп жиҳатдан тұғаракларнинг машғулотларида уларнинг билиш фаолияти тұғри ташкил этилганилигига боғликдир. Билиш фаолияти ўқувчининг муайян иш турини муваффакиятли бажаришга бўлган шахсий қобиلىятини аниқлашга, унинг касбий мақсадини шакллантиришга имкон беради. Шу бойсдан билин шафоятни ташкил қилинган чогда касбга оны ахборот ўқувчиларга ўз вақтида этиб бориши ва уларнинг имкониятнега мос булини мухимдир.

Маълумки, машғулотлар чоғида ўқувчиларда умумтехникавий, умуммехнат ва маңсус билимлар ҳамда қўниқмалар шаклланади. Ўқувчилар ишилаб чиқарышда оммалашган асбоблар ва мосламалар билан иш күрадилар, байзан эса уларни ўзлари ҳам тайёрланадилар. Ўқувчиларнинг техник ижодкорлик тұғаракларидаги фаолияти кўнгина холларда ижтимоий аҳамиятта молик бўлган муайян буюмларни тайёрланаш билан ҳам боғликдир.

Аник техника тўгараги машгулотлари учун касбга йўналтиришнинг диққатга сазовор жиҳатларини кўрсатиб ўтиш қийин эмас. Тўгракда бирмунча муваффакиятли ёритилиши мумкин бўлган бундай жиҳатларга ишчи фаолиятини тавсифлаш, ишлаб чиқариш мутахассиси сифатида унинг вазифалари, меҳнат мазмуни, шунингдек қичик мутахассиснинг самарали ишлаш учун зарур бўлган билимлар, кўнікма ва малакалар билан таништириш, меҳнат куроллари ва объектлари киради.

Техника тўгараги машгулотларида касбга йўналтириш иши тўгарак ишлаб турган бутун давр мобайнида мунтазам равишда олиб борилиши учун эслатиб ўтилган барча омиллар ва хусусиятлари хисобга олиб, намунавий дастур асосида касбга йўналтириш бўйича касбий иш юзасидан иш режасини тузиш лозим.

Кўйида тўгарак иши жараёнида касбга йўналтириш ишининг намунавий режаси келтирилади:

Касбга йўналтириш системаси хаёт йўлни танилаб олишда, касбга йўналтиришда машиносозлик ва машинашунослик, фермер хўжалиги дехконлари ва меҳнаткаш зиёлиларнинг сафларини тўлдиришда ёшларга қўмаклашиши ва умуман меҳнат ресурсларини оқилона тақсимлашда таъсирир ўтказиши лозим.

№	Тўгарак машғулотлари	Касбга йўналтириш ишининг мазмуни	Иш методлари ва усуллари
1.	Кириш машғулоти	Йилги машгулотлар Рўзгорда, ишлаб чиқаришда, кишлоқ хўжалагида, транспорт ва шу кабиларда техникадан фойдаланиш “фан ва техника” видеофильм, кинофильмларни кўриш. Ўтган йиллардаги тўгарак аъзолари тайёрлаган буюмларни намойиш қилиш.	Ҳикоя килиб бериш, маҳсус адабиёт ўқиши, видеофильм, кинофильмларни намойиш қилиш.
2.	Материаллар ва ассоблар	Ўрмон-бизнинг бойлингимиз. Ўрмонни муҳофаза қилиши ва бу ишда мактаб	Ганирию бериш, намойиш

		ўқувчиларининг қатишиши. Ўрмончи касби билан таништириш.	қилиш, сұхбатлар.
		Қандай кәсбдаги ишчилар қайчи, пичоқ, болға, ясси жаяғли омбур, мүйқалам ишилатадылар? Ана шу каеблар түғрисида қисқача ахборот.	
3.	Графика саводи	Чизма-техника тили. Чизмачилик касби билан таништириш. Режалаш- материалларни тежашда дастлабки босқичлардан біри. Ясси шақыларни белгілашда ижодий масалаларни ечиш намуналари	Сұхбат, ҳикоя қилиб беріш, намойиш қилиш
4.	Техникавий ва конструкторлық- технологик масалар.	Корхонанинг конструкторлық бюросига экскурсия. Машиналарни лойихалаш ва шылаб чыкаришининг асосий босқичлари билан таништириш. Күл асбобини вазифаси жиһатидан ана шундай машиналар (пармалаш машинаси, пармалаш дастгохи, ранда, эгов, фрезалаш дастгохи, спилликлаш дастгохи) билан такқослаш. “Эгизак асбоблар”, . “уларнинг вазифасини айтиб беринг”, “Бу қандай материалдардан ясалған?”, “Бу материалларни німа билан ишлов берилады?” мавзуларидаги сұхбатлар.	Экскурсия, сұхбат, үйинлар
5.	Ясси бүлакларни	Ихтироочи конструктор	Учрашув,

	конструкциялаш.	Республика ихтироочилар ва рационализаторлар жамиятининг аъзоси билан учрапувни ташкил этиш. Техник қурилма бўлакларини оқилона жойлаштиришнинг аҳамияти тўғрисида ҳикоя. Ясси шакиллар заготовкалари термасидан ясси моделларни иш бўйича “ким тезрок йигади” ўйини.	сухбат-
6.	Ҳажми катта бўлган буюмларни конструкциялаш	Оддий геометрик жисмлардан иборат буюмларни конструкциялаш чогида конструкторнинг ижодий иш боекчилари. “Конструкторлар” фильмини намойиш килиш. Турли шаклдаги катта ҳажмли заготовкалардан ишланган транспорт машиналари моделларини йигини ўйини	Гапириб бериш, сухбат, намойиш килиш.
7.	Техник моделлаштириш.	Конструкциялаш мажбурий таркибий қисми сифатида моделлаштиришнинг аҳамияти. Моделларда илмий тадқикотларда фойдаланиш. Тўгарак машгулотларнда тайёрланган ва турли мақсадларда ишлабтирадиган моделларни намойиш килиш	Сухбат, намойиш килиш
8.	Техник ўйинлар, атракционлар	“Ота-оналарингизнинг касблари” мавзусида сухбат ҳамда ота-оналар ишлайдиган ускунлар ва асбобларнинг моделларини намойиш килиш. Ана шундай	

		таниришлар билан ўйинлар ташкил қилиниш.	
9.	Якунловчи машгулотлар	Тўғарак ишларининг кўргазмасини ташкил қилиш ва унга экспонатлар тайёрлаш. Ёзги таътил даврида касбга йўналтиришга онд материялларни йигишига донр тонширикларни тақсимлаш	

Иккинчи йилги машгулотларни ишлаб чиқиш учун ҳам ана шу тамоийл асос қилиб олиниади

Ёшлиарга кўмакланишини ва умуман меҳнат ресурсларини оқилона тақсимлашуда таъсири ўтказниши лозим.

Мазкур вазифани амалий жиҳатдан рўёбга чиқариш учун умумий таълим, меҳнат политехник мактаби таълим-тарбия иши мазмунида асос солинган.

Илгор педагогика фани шунга асосландикси, умумий маълумот хеч қачон бирдан-бир мақсад бўлмай, балки кейинчалик ёшларнинг касб таълимига ўтиши учун ҳамиша восита бўлиб келди.

Еш авлодни кәёб танлашга йўналтириш давлат тизимида мактаб стакчи бўғин хисобланади.

Мактаб-ўқувчиларда касбга қизиқиши ўйғотишда ва биттирувчиларни касбни онгли равишда танлашга тайёрлашда асосий таянич нуктасидир.

Қизиқиши, мойнилик, қобиляният, политехник билим ва маҳорат каби шахсий фазилатлар ўқувчиларни касбни ўзлари танлашига фаол ундоъчи сабабдир.

Фаолият муайян сабаблар мавжуд бўлган чогда вужудга келади. Ижобий важлар фаолият вужудга келишининг мажбурий шарти бўлиб, шу туфайли касбий йўналиш шаклланади.

Касбга йўналтиришга касб танлаш важларини илмий бошқариш тизими, ёшларни бозор иқтисодиётида кичик мутахассисларга бўлган таълаб-эҳтиёжини хисобга олиб, онгли равишда касб танлашга тайёрлаш деб карашмоқда.

Касб таълими ўқувчиларни турли касбларнинг хусусиятлари, улардан бирини тўғри танлаш шартлари тўғрисида билимларнинг

муайян мажмуаси билан қуроллантиришнин: уларда касбий ва ижтимоий фаолиятнинг ҳар хил турдарига ижобий муносабатда бўлиш хиссиини тарбияланиши; асосни касони шакллантиришини (жамиятнинг ижтимоий-иктисодий талаб-эҳтиёжларини ва шахснинг психофизиологик хусусиятларини англани ана шу ниятлариниң асосини ташкил этади) кўзда тутади.

Касб таълимисиз ўкувчиларни касбларни онгли равишда танлашга самарали тайёрлаш мумкин эмас. Ана шу таркибий қисмнинг ижтимоий нуктаи назардан караганди аҳамияти шундаки, шу таркибий қисм туфайли касбни танлани эрканилиги доираси кенгайиб боради: йигит ёки қиз ишлаб чиқарни ва касбларининг турли хилларини, меҳнат шароитларини, у ёки бу касбни қаерда ўрганиш мумкин эканини ва шу кабиларни қанчалик кўп билса, унинг касб танлаши шу даражада онгли бўлади.

Ўқитувчи ўз навбатида касбий ахборотни, касбий тарғиботни ва касбий ташвиқотни ўз ичига олади. Бу элементлар ҳам ички жиҳатдан бир-бири билан ўзаро боғланганлир. Бўлариниң максади бозор иктиносидиётининг энг оммавий касблари тўғрисида ўкувчиларга муайян маълумотлар беринидан, ана шу касбларни эгаллаш усуллари ва шарт-шароитлари хакида уларни хабардор килишдан, иктиносидий минтақа бозор иктиносидиёти айни вактда гоят катта эҳтиёж сезаётган касбларнинг ижтимоий аҳамиятини тарғиб килишдан иборат.

Нотўғри шакллантириш маънавий зарап сіккавари. Башарни ўсмир ўз имкониятига мос бўлмаган соҳта мўлжал олиб, шу асосда касб танласа, у ўз ишини ҳеч қачон касб талаб килинадек бажармайди.

Меҳнатнинг ҳозирги турлари гоят кўп ва ҳилма-ҳил бўлган, куч ишлатиш имкониятлари жуда ҳам кенгайиб бораётгани ҳозирги шароитда касб таълими (касбий ахборотни, касбий тарғиботни, касбий ташвиқотни) тўғри йўлга кўймай туриб, ёшлигининг тўғри касб танлаши анча кийиндир.

Касбларнинг ҳилма-ҳилларни муносабати билан қашдайдир бир касбни ёки бозор иктиносидиёти тармоқдарини мактабда синифлар бўйича тарғиб қилишни тавсия этиш жуда ҳам кийин ва бу нарса мақсадга мувофиқ ҳам бўлмаса керак. Бунда касбни тарғиб қилишнинг баъзи йўналишларинигина қайд қилиб ўтиши мумкин. Бу меҳнат фаолиятининг севимли турига мухаббатни шакллантириш, бошқа оддий касблар билан, сўнгра эса ўкувчиларнинг ёни ва билимларига караб, мамлакат бозор иктиносидининг ва аниқ

минитаканинг якин 10-15 йил мобайнида кичик мутахассисларга бўлган талаб-ҳутиёжини хисобга олиб, бирмунча мураккаб қасблар билан таништиришидир. Таргибот мазмун жиҳатидан чукур бўлиши, хиссий таъсир ўтказиш кучига эга бўлиши, ёшлиарнинг кўз ўнгидаги учнчалик оммабоп бўлмаган қасблар (хизмат қўрсатиш, коммунал хўжалик, енгил ва озик-овқат саноати соҳасига оид қасблар, хизмат қўрсатиш, қишилек хўжалик мутахассисликлари) нуфузини ошириши хам мухимдир.

Ўкувчиларниң қасб фаолияти ҳар хил турларига бўлган қизикини ва майлни ривожлантириш қасбга йўналтиришнинг мухим таркибий қисмидир. Ана шундай қизикиш бўлмаса, йигит ёки қизларни қасбни тўғри танлашга тайёрлаш мумкин эмас. Қасбга бўлган бундай майл ва иштиёқ қасбга бўлган қизикини шакллантириш ва тарбиялаш, ушбу қасбга хурмат билан караш, меҳнатга мухаббатни, ишга психологоик шайликни тарбиялаш сингари элементлардан таркиб топади.

Бир қаша мактабларниң тажрибаси шунни қўрсатади, ўкувчиларда қасбий фаолиятининг ҳар хил турларига бўлган қизикиш ва иштиёқни ривожлантиришга ўкувчиларга бир максадни кўзлаб меҳнат таълимини бериш ва уларни ижтимоий фойдали меҳнат билан банд қилиш катта таъсир ўтказмоқда. Жуда кўп хилма-ҳил қасблар билан шунчаки назарий жиҳатдангина танишиб колмай, балки бирмунча оммавий қасбларни билиб олиш, ишлаб чиқариш жамоаларининг хаётига қўшилиши учун зарур бўлган бъязи бир билди ва қўйинкмаларни хам эгаллаш ўкувчиларнинг қасб танлашга онгли ёндашувларига имкон беради. Мактаб ўкувчиларига меҳнат таълимини бериш ва уларни тарбиялашнинг собит қадамлилиги ҳар бир иктисадий туманинг ва умуман мамлакатнинг ижтимоий ишлаб чиқаринини ривожлантириш тенденцияларига мувофик уларнинг қасбий идеалларини шакллантиришни таъминлади.

Лекин мазкур фаолиятининг самарали бўлиши учун ўкувчилар билан якка тартибда ишлашга алоҳида эътибор бериш: ҳар бир қишининг шахсий хислатлари ва имкониятларига энг кўп даражада мос бўлган муайян машгулотни топиш мухимдир.

Ана шу гоят жиддий ва масъулиятли фаолиятда меҳнат таълимни ўқитувчининиң аҳамияти каттадир.

Қасб психодиагностикасининг максади — қасба йўналтириш максадида мактаб ўкувчисининг шахсини ўрганишдир. Қасб диагностикаси жараённада шахснинг ўзига хос хусусиятлари:

кимматли мўлжаллари, қизиқишлиари, талаб-эхтиёжлари, майллари, қобилиятлари, касбий ниятлари, касбий йўналишлари, характер хусусиятлари, темпераменти, соглиги ўрганилади.

Касб ҳакида маслаҳат бериш мақсадида мактабда факат тахминий психодиагностиканинг айрим элементларигина амалга оширилади ва бундай ҳолда психодиагностика таркиб топадиган касб тўғрисида маслаҳат беришдан иборат бўлади.

Касб ҳакида маслаҳат бериш шахсий психологик ва шахсий хусусиятлар у ёки бу касбнинг ўзига хос хусусиятларига мос бўлишини аниқлашни ўз олдига мақсад қилиб кўяди. Маслаҳат беришнинг қуйидаги турлари: маълумотнома, диагностик, шакллантирувчи ва тиббий турлари бор. Маълумот тарзидағи маслаҳат чоғида ўқувчилар ишга жойлашиш йўлларини, ишга ва ўкишга қабул қилишга нисбатан қўйиладиган талабларни, турли касбларни ўзлаштириш имкониятларини, тайёргарлик муддатларини, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини, касбий ўсиш иетикболларини билиб оладилар. Диагностик маслаҳатлар шахсни, унинг қизиқишлиари, майллари, қобилиятларини ўрганишга қаратилган бўлиб, бунда шахснинг ана шу хусусиятлари унинг танлайдиган касбига ёки унга яқин бўлган хунарга мослигини аниқлаш кузда тутилади. Шакллантирувчи маслаҳатларда мактаб ўқувчиларининг касб танлашига раҳбарлик қилишни, тузатиш (тўғрилаш)ни амалга ошириш мақсади кўзда тутилган бўлиб, бундай маслаҳатлар узок муддатга мўлжалланган бўлади, ўқувчи шахсида юз берадиган ўзгаришларни мунтазам равишда кайд қилишини кўзда тутади. Тиббий маслаҳатлар ўқувчининг соглигини, унинг танлайдиган касбига нисбатан психологик хусусиятларини аниқлашни мақсад қилиб кўяди. Бунда, агар зарур бўлиб қолса, психофизиологик маълумотларга мос бўлган бошқа касбни ёки фаолиятнинг танлаб олинидиган соҳасига яқин бўлган касбни аниқлаш мақсад қилиб кўйилади.

Касб танлаш, одатда, мактабдан ташқари маҳсус лабораторияларда ва асосан, гоят кийин меҳнат шароитлари билан боғлиқ касблар бўйича амалга оширилади. Касб танлашдан мақсад одамнинг меҳнатнинг аниқ турига яроқли ёки яроқсиз эканини аниқлашдан иборат. Бунда башарти касбий фаолиятнинг ушбу турига даъвогарда бирон касбий муҳим хислат йўқлиги аниқланиб қолса, у вактда унга ишга жойлашиш рад этилади. Лекин бундан касб танлашни шахснинг ижтимоий эркинлигини чекловчи

инсонпарварвар иш, деб карамаслик керак. Аксинча, чинакам инсонпарварварлик йигит ёки кизни тартибсиз касб танлашнинг кўнгилесиз, эҳтимол жиҳдий салбий оқибатларидан саклашдан иборат.

Касб танлашни амалга оширган чогда бирмунча юксак, касбий мухим хислатлар, хусусиятларнинг муайян белгиланган норматив даражасига ва буларни ривожлантиришнинг кулагай истиқболларига эга бўлган даъвогарларга афзалик берилади.

Касб танланани касбий саралашдан ажрата билиш керак. Касб танлаган чогда муайян касб учун жуда мос ва мувофиқ бўлгаль шахслар танланади, яъни бунда касбдан шахс томон борилади, касбий саралангандек вақтда эса мазкур шахс учун тегишли касб танланади, яъни бунда шахсадан касб сари борилади.

Касбга мослашинш (кўниши) касбга йўналтиришнинг якунловчи таркибий кисмидир. Касбга кўниши йигит ёки кизнинг ишлаб чиқарнишига, уни ўраб олган янги ижтимоий мухитга, меҳнат шароитларига ва конкрет мутахассислик хусусиятларига мослашувининг фаол жараёнидир. Касбга муваффакиятли равишда кўниши - касбни тўғри танлашнинг асосий мезонларидан бири, касбга йўналтириш соҳасидаги бутун ишнинг самарадорлигига баҳо беринидир. Касбга муваффакиятли равишда кўниши конкрет касбий фаолиятга мойилликни саклаб колиш ва янада ривожлантириш билан, меҳнатнинг ижтимоий ва шахсий важлари мос келиши билан характерланади. Бундай кўнишик ижтимоий кўниши билан биргаликда амалга оширилади.

Ўқувчиларни касбий тарбиялаш касбга йўналтириш бөёғининг асосий таркибий кисмларидан биридир. Касбий тарбиялаш деганда ўқувчиларда шахснинг касб жиҳатидан мухим хислатлари: инсонпарварварлик, касбий бурч ва шарафни, масъулиятни, касбий ифтихорни, ахлоқийлик ва шу кабиларни тарбиялаш тушиунилади.

Касбга йўналтиришининг барча таркибий кисмлари ўзаро чамбарчас бояланган бўлиб, уларнинг мавжудлиги умуман тизим қонуниятлари билан белгиланади, тизимдан ташқари улар ўз фаолият йўналишини йўқотиб кўяди. Қасбга йўналтириш тузилмасининг ўзи эса бошка тузилмалар билан юксак даражада ҳамкорлик қиласи.

Профессиография - одамларнинг касбий фаолиятини ўрганадиган профессиологиянинг мухим соҳаларидан биридир.

Касбларнинг ёки мутахассисликларнинг, булар одамга, унинг психофизиологик ва жисмоний хислатларига нисбатан кўяётган асосий талабларнинг таснифи, шунингдек мазкур касбий фаолият шахсга муваффакият ёки муваффақиятсизлик, қониқиши ёки қониқмаслик келтирувчи омиллар профессиология вазифаларига киради.

Меҳнатдан психологик жиҳатдан фойдаланиш ва кейинчалик амалий фаолиятда фойдаланиш учун мўлжалланган ишининг конкрет турини яхлит тарзда, мунтазам ва кўп томонлама таснифлаш психологик профессиограмма деб аталади. Профессиограммалар касб маорифи жараёнида ўкувчиларни турли касблар билан таништириш учун қўлланилади.

Энди касбга йўналтиришнинг умумий тавсифини кўриб чиқишдан булардан ҳар бирини алоҳида-алоҳида батафсил ўрганишга ўтамиш.

Касбга йўналтириш соҳасида олиб бориладиган бутун ишни шартли равишда кўйидаги асосий босқичларга бўлиш мумкни: касб маорифи (касб ахбороти); касбий тарбия; касб ҳақида маслаҳат бериш; касбга кўникиш; касб танлаш (касбнинг яроқли бўлиши).

Шу нарсани назарда тутиш керакки, мазкур иш босқичлари алоҳида-алоҳида кўриб чиқилса ҳам, лекин ҳақиқатда яхлит қўлланилади. Масалан, агар ўкувчи касб билан танишгай чоғда ниманидир тушунмай қолса, ниманидир била олмаса, касб ҳақида ахборот билан айни бир вактда у ёки бу касб ҳақида, унинг мазмуни тўғрисида маслаҳат олиши мумкни. Лекин ҳар икки босқич ўкувчи танлаган меҳнат турига нисбатан дастлабки касбга қизиқишини ҳосил килиш учун асос бўлиб хизмат килади, ана шу меҳнат тури шундан кейинги касбга йўналтириш соҳасидаги иш давомида ривожлантирилиши ва мустаҳкамланиши лозим. Шундай килиб, ўкувчиларнинг меҳнат фаолияти у ёки.бу турини танлашга бўлган қизиқиши ва майллари хилма-хил бўлиб, мустаҳкам қарор топмаган бўлади. Ўкувчиларнинг касбга қизиқишлиари ривожланиши ва ўзгариши динамикасини кузатиш учун шундан кейинги ҳар бир синифда сўроқ варагини батафсил тўлдириш маъкулдир.

У ёки бу ўкувчининг касбий ишитларида ўзгаришилар рўй берганлиги аниқланган тақдирда ўқитувчи, мураббий ана шу ўзгаришларнинг сабабларини билиб олиши лозим. Ана шундай

аниккапидан кейингиңиңа у ёки бу ўқувчида қизиқишиң ва майлларни ривожлантириш юзасидан буидан бүёнги ишларнинг муваффакиятли ўтказилишига амин бўлиш мумкин.

Касбга бўлган қизиқишиңиг чукурлиги ва баркарорлиги ўқувчиларнинг бошқа қизиқишлири ана шу касбга бўлган қизиқиши. билан қанчалик бөглиқ бўлишига, уни мустаҳкамлашинга бөглиқ. Масалан, ўқув меҳнат фаолияти ва амалий фаолият, синифдан ташқари иш уни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Шу боисдан қишлоқ хўжалик, техника ва хизмат кўрсатиш меҳнатига оид дарслар, техника ижодкорлиги тўгараклари ана шу талабларга энг кўп даражада мос бўлиб тушади.

Чунончи, қишлоқ мактаби ўқувчиларида қишлоқ хўжалик меҳнати касбига қизиқиши шакллантириш учун меҳнат таълимининг қишлоқ хўжалик тажрибаси, фермерлар, ёш механизаторлар, ихтирочинлар, табиатшунослар тўгараклари каби шакл ва методларидан фойдаланиш лозим.

Қишлоқ мактабида ўқувчиларни меҳнатга тайёрлаш натижага-

сизда улар агротехник билим ва малакага, меҳнат фаолияти малакаларига оғзи бўлади. Бу оса уларда қишлоқ хўжалик касбларига бўлган қизиқиши ривожлантиради. Қишлоқ ёшларида қишлоқ хўжалигига энг кўп оммалашган ва ёйилган фермерлик, механизаторлик касбларига айниқса зўр қизиқиши кузатилмоқда.

Бу ерда механизатор меҳнати шу жиҳатдан дикқатга сазоворки, техникий билим ва малака агротехник билимлар билан кўшилиб кетади. Ўқув устахоналарида ўтказиладиган меҳнат дарслари ўқувчиларни саноат меҳнатининг ҳар хил турларига жалб этишда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Лекин бу масалада муваффакиятга эришиш кўп жиҳатдан ўқувчининг ўзига, унинг интизомлилиги ва тиришқоқлигига, ишга жиддий ва пухта ўйлаб ёндошишига бөглиқ. Металл ишлаш дастгоҳларида ўқувчиларнинг қўл асбоблари ва механизациялашгани асбоблар ёрдами билан конкрет ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажаринлари уларни саноат ишлаб чиқаришида кенг оммалашган касблар (чилангарлик, токарлик, фрезаловчи, рандаловчи каби касблар) билан танишини имкониятини берибгина колмай, балки уларда меҳнатининг ана шу турларига баркарор қизиқиши ҳам

ривожлантиради. Ўқитувчилик қасбига қизикишин тарбиялай туриб, ўқитувчи меҳнатининг мазмунини очиб беришгина эмас, балки ана шу машаққатли, лекин шу билан бирга шарафли ишдан аста-секин баҳраманд килиш ҳам муҳимдир. Ўқувчилар қизикиши барқарорлиги даражасини аниқлаш учун уларга қўлидан келадиган топшириклар берниш ва шунга мувофик тарзда қасбга йўналтириш ишини тузилиш жиҳатидан ҳам, мазмун жиҳатидан ҳам ана шунга мос равишда ташкил қилиш керак.

§ 2.3 Қасбга йўналтириш ишининг мактаб тизими

Қасбга йўналтириш ишини амалга оширишининг умумий тизимида мактаб тизими дастлабки босқич хисобланади.

Қасбга йўналтириш иши мактаб тизимининг вазифаларига:

- шахснинг миллийгоя асосида юксак маънавий-ахлоқий фазилатларига эга бўлган фуқароларни тарбиялашдан;
- политехник ва бошлангич қасбий малакаларининг муайян тизимини эгаллаган бўлгуси малакали мутахассисни тайёрлашдан;
- ҳам шахсий меҳнат, ҳам жамоа меҳнати муайян ташкилотчилик малакаларини шакллайтиришдан иборат.

Қасб эгаллашгача бўлган тайёргарлик мактаб ёшлиарини моддий ишлаб чиқариш соҳасида меҳнатга хизирлашининг умумий қисми бўлиб колади. Зарур политехник тайёргарликни олган йигит ёки қиз ишлаб чиқариш қасбини тез эгаллади, бунда қасб-хунар таълимни дөғёёнининг шундан кейинги ҳамма босқичларида қасбий маълумот ёки олий маълумот олиш жараёни жадаллашади.

Ўқувчиларни қасб ташлашга тайёрлаш — бутун педагоглар жа-моасининг, ота-оналар ва ташкилот-корхоналар жамоатчилигининг қўп йиллик таълим-тарбия ишидир. Ёшларни маънавий-психологик жиҳатдан меҳнат фаолиятига тайёрлашга шахсни ҳар томонлама камол топтиришнинг ўзаро боғлиқ жараёни деб қаралади, бу жараёнда қобилият ва эътиқод билан бирга ўсмирнинг шахси харакатлантирувчи куч сифатида намоён бўлади.

Кообщигат ва кизикиниларни шакллантиришнинг политехник асослари ва мактаб ёшлари бошланғич меҳнат тайёргарлигини кенгайтириш билан узвий боғлиқ бўлиши ишчи касбларини эгаллашга йўналтиришнинг ҳал қилувчи шартидир.

Меҳнат тарбияси жараёни бирмунча илк босқичда амалга оширилган тақдирида бунга эришилади.

Касб-хунар ва олий босқич таълимида давомийлик шу нарсада ифодаланадиги, ўқувчилар узвийлик асосида тузилган ягона дастурлар бўйича ишлайдилар. Бундай дастурлар узвийлик ва узликсизликда оддийдан мураккабга ҳараб боришни, билимларни, кўнинка ва малакани, меҳнатнинг муайян усулларини эгаллашини таъминлайди.

Таълим ва касбга йўналтириш билан қўшилган унумли меҳнатда мунтазам қатнашиш энг кўп педагогик самара беради. Ўрга умумгаглим мактабларни тамомлаб ёки касб-хунар коллеж таълими тузилмасида, ўқув техник марказларида зарур тайёргарликдан ўтиб, бозор иқтисодиётининг турли тармоқларида дарҳол ишлай бошлаган ёшларнинг сони йил сайни кўпайиб бормоқда.

Мактабда касбга йўналтириш соҳасидаги ҳамма ишларнинг бир-бирига мувофиқлантирилишини таъминлаш мақсадида мактаб раҳбари раненлигида касбга йўналтирувчи кенгаш тузилади.

Кенгаш таркибига мактаб раҳбарининг тарбиявий ишлар бўйича муовини, касбга йўналтирувчи ўқув-методик хона мудири, психолог, меҳнат таълими, ўқувчиларнинг ижтимоий-фойдали, унумли меҳнатини касбга йўналтирувчи ёки ташкилотчи, бигиравчи синифларининг синф раҳбари, мактаб кутубхоначиси, мактаб ўқувчилар ташкилотининг вакиллари, мактаб врачи, ота-оналар кўмитасининг аъзолари, хокимият ва халқ таълим булимлари, ташхиз марказлари вакиллари киради.

Касбга йўналтирувчи кенгашнинг иш режасини халқ таълими бўйича мактаб кенгashi кўриб чиқади ва тасдиқлайди.

Касбга йўналтирувчи кенгашнинг вазифалари касбга йўналтириш бўйича умуммактаб ва синифларнинг тадбирларини режалантириш ва ташкил қилишдан, касбга йўналтириш ишига

оид илгор тажриба маълумотларини ўнгни, умумлантириши ва оммалаштиришдан иборат. Касбга йўналтирувчи кептани туман ўкув техник марказларда, халик ионблари туман хокимияти хузурйидаги ёшлиарни касбга йўналтириш ва ишга жойлаштириш комиссияси, касб-хунар коллежларининг таълими тузилмасидаги ўкув юртлари, корхоналар ва ташкилотлар, ўкувчиларнинг ота-оналари билан алоқа боялаб туради.

Касбга йўналтириши ишини режалаштирган чогда кенгайи мажаллий шароитларини ва мактаб ишининг ўзига хос-хусусиятларини хисобга олнини дозим. Кенгашининг касбга йўналтириш иш режаси мактаб таълим-тарбия иши умуммактаб режасининг таркиби қисмидир.

Касбга йўналтириш кенгашининг мажлисларига туман ўкув техник марказлари ходимлари, муассасалар, якин жойлашган корхона, қишлоқ касб-хунар коллежлари, олий ўкув юртларининг вакиллари, балогатга етмаганилар иши бўйича комиссия аъзолари ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиши органдарининг вакиллари таклиф қилинадилар.

Ўкувчиларни касбга йўналтириш ишини ўтказган чогда мактаб ходимлари ва мактаб маъмуриятининг вазифалари ўкувчиларни касбга йўналтиришга оид йўрикномалар, бўйруклар, қарорлар билан танининдан, илмий-методик адабиётни ўрганишдан, чиқарилган методик тавсияномаларни ўрганиш ва ўз ишларида фойдаланишдан иборат.

Синф раҳбарининг вазифалари аввало ўкувчининг шаклланётган шахсини, унинг майплари, қизиқинилари, кобилиятларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганишдан иборат. Бу соҳада унга фан ўқитувчилари, ота-оналар билан сухбатлар, савол варагасини тўлдириш ва ўкувчининг шахсий варакача тавсифномасини тўлдириган холда уни мунтазам равишда кузатиш ёрдам беради. Синф раҳбари ўкувчининг шахсини ўрганиш негизида муайян дастур асосида бир мақсадга қаратиб касбга йўналтириш ишини олиб боради. Бунда синф соатларидан, факультатив машгулотлардан ва экскурсиядан фойдаланади. Касбга йўналтириш иши ўкувчиларнинг ота-оналари билан мустаҳкам алоқада ўтказилади.

Ўкувчилар йилига бир марта савол варагасини тўлдиради. Бундан мақсад-ўкувчиларининг ҳаётни режаларини анклаб олишдир. Синф раҳбарлари савол варагаси асосида ўкув ўнди

охирида касбга йўналтирувчи мактаб кенгашига топшириш учун у ёки бу касбни онгли равиша танлаган ёки зарур малака даражаси бўйича касб эгаллаган ҳамда ўкиш ва иш хусусидаги ўз истакларини билдирган IX синф ўқувчиларининг рўйхатларини тузадилар.

Ўқувчилар меҳнат таълими дарсларида меҳнатнинг ҳар хил турларига оид билимларнигина олиб қолмай, шу билан бирга ўз фаолиятлари жараёнида маҳсус малакаларга ҳам эга бўладилар, ўз кобилиятларини ривожлантирадилар, меҳнатда ўз кучларини синаб кўрадилар. Шу боисдан меҳнат таълими ўқитувчиси меҳнат дарсини шундай ташкил қилиши керакки, токи ҳар бир ўқувчи меҳнатни севишни ўрганиб олсин, одамларга наф келтирадиган бўлсин, иш жараёнидан ва унинг натижаларидан завклансин.

Меҳнат ўқитувчиси ўз ишида билим ва малакани эгаллашда ўқувчиларга энг кўп фаоллик ва мустақилликни таъминлайдиган иш шакллари ва методларидан фойдаланиши лозим. Лаборатория-амалий, ўқув-ишлаб чиқариш ишлари, ишлаб чиқариш экскурсиялари, ишлаб чиқариш тажрибаси шундай иш шакллари ва методлари жумласига киради. Бу ишлар мустақил кузатишлар, тажрибалар, таҳлиллар, хисоб-китоблар, ишлаб чиқариш ва ижодий вазифаларни ҳал қилишни ҳамда бевосита ижтимоний-фойдаларни, унумли меҳнатни ўз ичига олади (юкорида акс эттирилган бобда бу ҳакида батафсил маълумот берилган).

Меҳнат ўқитувчиси меҳнат таълими жараёнида касб килиб олинган меҳнат тўғрисидаги маълумотларни аник мавзуларни ўрганиш билан мантикий боғлаши мумкин. Чунончи, физика фанининг электротехника бўлимини ўргангандан чогда ўқитувчи бозор муносабатлари шароитида электр қувватининг ахамиятини, уни ишлаб чиқариш ҳамда истеъмолчига етказиб бериш усулларини кўрсатини, шунингдек ушбу тармок касблари учта катта гурухга бўлинишини тушунтириб бериши мумкин. Биринчи гурухга электротехника ускуналари, машиналари, аппаратлари ва асбобларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ касблар (электротехника машиналарини йигувчи слесар, созловчи слесар, ўровчи электро-монтажёр, изоляция килувчи ва шу кабилар); иккинчи гурухга электр қувватини ўзатиш билан боғлиқ касблар (полстанцияларини электро-монтажёри, электр тармоқларини

ишлатувчи электро-монтажёр ва шу кабилар); учинчى гурухга электр күвватидан фойдаланиш билан боғлук касблар (электромонтажчи слесар, таъмирчи электро-монтажёр ва шу кабилар) киради.

Ўқувчиларни касбга йўналтиришда ўқитувчининг шахси жуда катта аҳамият ўйнайди.

Ўқитувчининг шахси - ўқитувчининг ижодий ривожланшини, юқсак педагогик маҳоратини, ишда доимий ташаббускорлигини, омилкорлигини, болаларга нисбатан муҳаббат ва ҳурматини белгилаб берадиган хислатлар мажмуидир. Айни шундай ўқитувчи ўқувчиларда ўзига нисбатан ҳурмат-эхтиром, ишга ҳавас туғдиради, ўзига ўхшаш бўлиш, у билан дўстлашиш ва энг эзгу истаклар, истикбол тўғрисидаги, ўз касби ҳақидаги орзуларни баҳам кўриш иштиёқини яратади.

Мактабда қизиқишлиар бўйича ўтказиладиган хилма-хил маш-гулотлар орасида тўгарап иши алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Мактабда тўгаракларнинг асосий кўпчилигини меҳнат таълими ўқитувчилари олиб боради. Булар - ишлаб чиқариш техника тўгаракларидир. Ўқитувчи бундай тўгаракларда ўқувчиларда ихтирочилик, конструкторлик сингари маҳсус кобилиятларни ижодий ривожлантириш учун барча шарт-шароитларни яратиш имкониятига эга.

Меҳнат таълими ўқитувчиси ўқувчи шахсини ўрганган чоғда касбга йўналтириш мақсадида қўйидаги коидаларга: шахс камол топадиган муайян вазиятда, муайян жамоада шахснинг хулк атворини кузатиш; фаолият орқали шахсни ўрганиш; шахсни қандайдир қотиб қолган нарса тариқасида эмас, балки ривожланишда кўриш; шахснинг вақтинча психологик ҳолатини, ўртоқларига муносабатини хисобга олиш каби коидаларга амал қилиши мақсадга мувофиқдир.

Меҳнат таълим ўқитувчининг ишида психологик ташҳизга катта ўрин ажратиласди. Психологик ташҳиз жараённида у мактаб, касб-хунар коллежлардаги касб маслаҳатчиси билан биргаликда ҳар бир ўқувчининг келгусидаги касбни танлаши жараённида шахсий хусусиятларини аниқлаши мумкин.

Шундай қилиб, меҳнат таълими ўқитувчиси ишида қўйидаги йўналишларни:

- касб таълими ўқувчиларни меҳнат фаолияти соҳалари, бозор иктисодиётининг айрим тармоклари, касблар ва мутахассисликлар билан танишириш;
- психологик-педагогик маслаҳат-меҳнат фаолиятининг турлари тўғрисида, ўқувчи хислатлари, билимлари ва майлларига энг мувофиқ бўлган касблар ва мутахассисликлар хақида ўқувчига гапириб бериш;
- касб тарбияси - ўқувчиларда у ёки бу касбга нисбатан баркарор қизиқишиларни шакллантириш;
- амалий касбий кўнигиш - меҳнат фаолиятининг турли соҳаларида кучларни амалий жиҳатдан синааб кўриш учун шарт-шаронитлар яратиш;
- касбга йўналтириш мақсадида ўқувчининг шахсини ўрганиши, меҳнатга бўлган қизиқишлиарни ва касбга қизиқишиларни шакллантириш каби йўналишларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Меҳнат таълими ўқитувчисининг касбга йўналтириш иши ўзаро боғлиқ таркиби кисмларнинг бутун бир яхлитлик билан, шу жумладан касбга йўналтирувчи ўкув методик хона фаолияти, синф раҳбарининг, фан ўқитувчиларининг иши, ота-оналар ва шу кабилар билан маҳкам боғлангандир. Меҳнат ўқитувчиси булар билан яқиндан алоқа боғламай туриб самарали ишлани мумкин эмас.

Меҳнат таълими дарсларида касбга йўналтириш ишини олиб борган ўқувчиларни меҳнат фаолиятига тайёрлашдаги бошқа фанлар билан ўзаро алоқани ҳам ҳисобга олиш лозим.

Мактабда ҳар бир ўкув фани ўқувчиларни касбга йўналти-ришни амалга оширишда ўзига хос имкониятларига эга, лекин у меҳнат турлари, касбларнинг хилма-хиллиги ва шу кабилар тўғрисида ўқувчилар билимларини шакллантиришнинг бирдан-бир манбаи бўлиши мумкин эмас. Шу сабабдан ҳам касбга йўналтириши ишида меҳнат ўқитувчисининг фаолиятини синф раҳбарлари ва фан ўқитувчилари иши билан мувофиқлаштириш гоят муҳимдир.

Тажриба шуни кўрсатадики, ўқувчиларда касбга бўлган баркарор қизиқиши шакллантириш ишлари самарадорлигини ошириш учун:

- фан асосларини ўқитишнинг, меҳнат таълимининг ва фа-

- культатив машғулотларнинг фанлараро алоқалариин, давомий-лигини, политехник ва касбга йўналтириш йўналишини рўёбга чиқариш;
- политехник маълумот, меҳнат таълими ва касбга йўналтиришнинг ўкувчилар ижтимоий-фойдали, унумли меҳнати билан ўзаро алоқасини таъминлаш;
 - ўкувчиларнинг бир мақсадга қаратилган ижтимоий аҳамиятли ўкув-ишлиб чиқариш тоширикларини бажаришлари;
 - бозор иктисодиётининг турли соҳаларида ўкувчиларнинг қизиқишини ривожлантиришга шахсий табақалаштирилган ёндашувни амалга ошириш;
 - ўкувчиларни касбга йўналтириш соҳасида мактаб ўқитувчилари билан ишилаб чиқариш жамоаларининг биргаликда иш кўриши;
 - саноат ва қишлоқ хўжалик касбларини таргиги килиш лозим.

Табиий математик туркум фанларни ўргангандан чоғда ўкувчилар муайян иктисодий тумандаги етакчи касблар бўйича меҳнат мазмуни билан танишиш, ана шу касбларни мувваффакиятли эгаллаш учун зарур бўлган билим, кўнишка ва малакаларни олиш имкониятига эгадирлар.

Мактаб ўкувчилари гуманитар фанлар бўйича ўтказиладиган машғулотларда касб танлаш масалаларида гояв маънавий-ахлоқий, дунёқарашга оид билим оладилар.

Фан ўқитувчиси онгли равиша касб танлашда ўкувчиларга ёрдам бериш учун уларни меҳнат ва касбларнинг ҳар хил турлари билан танишириши; ўкувчиларнинг майли, хусусиятлари ва касбга қизиқишларини ўрганиши, уларда касб танлашнинг ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли сабабларини шакллантириши; билим олишни давом эттириш ва ишга жойлашиш билан боғлик масалалар юзасидан уларга маслаҳатлар бериши зарур. Ўз фани доирасида касбга йўналтириш ишини олиб бориш учун фан ўқитувчининг ўзи тегишли назарий ва амалий тайёргарликка эга бўлиши керак.

Назарий тайёргарлик аввало, касбга йўналтириш мақсадлари, вазифалари ва йўлларини, муайян фанини, касбга йўналтиришнинг психологик-педагогик асосларини ўқитиш

шаронтида уни амалга оширини методларини билиб олишдан изборат.

Ўқув жараёнида касбга йўналтириш вазифаларига мувофиқ фан ўқитувчилари учун иш босқичлари қўйидагича:

- дастурда касбга йўналтирувчи мазмунни киритиш мақсадга мувофиқ бўлган мавзуларни белгилаш;
- у ёки бу мавзу мазмунига энг мос бўлган касбга йўналтирувчи матнини бериш шаклларини белгилаш, тегишли кўргазмали қуроллар, видео лавҳалар танлаш;
- бозор иқтисодиёти тармоқлари тўғрисидаги ва мазкур фанга оид мазмун билан бөглиқ асосий касблар ҳақидаги адабиётни ўрганиш. Бунда ўз иқтисодий туманидаги касбларни ўрганишга алоҳида эътибор берилиши керак. Дарсларда ўқувчиларни таништириш мумкин бўлган касблар рўйхатини аниқлаб олиш;
- ўқувчиларининг қизиқинилари ва майлларини ўрганиш, буларни ўқувчилар ва синф раҳбарлари билан бирга мухокама қилиш натижаларини қайд қилиш;
- ўқувчиларда ўрганилаётган фанга ва у билан бөглиқ касбларга қизиқиш ва ҳавасни шакллантириш мақсадида улар билан якка-якка ишларни мунтазам равишда олиб борини;
- мактабда касбга йўналтириш хонасидағи мазкур фанни ўрганиш билан бөглиқ касбларга оид материалларни янгилашиб туриш;
- касбга йўналтиришга, педагогикага ва шахс психологиясига оид, уни ўрганиш методларига доир ўз билимларини чукурлаштириш босқичларини кўрсатиш мумкин.

Мехнат ўқитувчиси, синф раҳбари ва фан ўқитувчилари биргаликда ишланишини асосий мақсади шуки, ўқувчилар билан турухда ва индивидаул иш олиб боришнинг турли шакллари ва методларидан фойдаланиб, иқтисодий туманларининг талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олиб, ўқувчиларни касбларни асосланган тарзда танлашга тайёрлашдир.

Шунинг учун ҳам касбга йўналтиришга оид ишни ўз тумани иқтисодиётини ўрганишдан, корхона ва ташкилотларнинг бўйичаларга бўлган талаб-эҳтиёжларини, маҳсус маълумот олиш имкониятларини ўрганишдан бошлиш мақбулдир. Айни вактда ўқувчиларни меҳнат фаолиятининг муайян турлари билан,

касблар билан танинтириши, шунингдек, ўқувчиларининг меҳнатга бўлган ва касбга қизикиниларини ҳамда ияятларини шакллантириш имкониятларини аниқлаш мақсадида ўқув фанларининг дастурини таҳлил килини лозим.

Бу соҳада ўқитувчига профессиографик варакчалар катта ёрдам бериши мумкин, бу варакчалар қўйидагича тузилган: Синф	Фан	Дарс мавзуси	Ўқитувчи ўқувчиларни танинтирадиган тармоқ касб (мутахассислик)	Касблар тўғрисидаги ахборотнинг кискача мазмани
--	-----	--------------	---	---

Бирок мутахассислар тузган касб таснифларини ҳамма вақт ҳам топиб бўлмайди. Шу бонсдан ҳар бир ўқитувчи касбга йўналтирувчи материални танлаш методикасини эгалланни зарур. Буни қўйидаги схема, яъни:

- ўқувчиларнинг дикқат-эътибори қаратилиши лозим бўлган ўқув дастурлари ва мактаб дарслекларини ўрганиши ва таҳлил килиш;
- касб-малака тавсифномаларини, касбга тайёрлаш дастурларини ўрганиш ва таҳлил килиш;
- корхоналар, ташкилотлар ва илгор мутахассисларнинг иш таж-рибасини ўрганиш;
- меҳнат таълими мактаб дастурларини таҳлил килини асосида бажариш мумкин.

Профессиографик варакчалар ўқув фанлари бўйича тавсифланади. Бундай варакчаларни энг тажрибали ўқитувчилар (меҳнат таълими, фан ўқитувчилари) тузадилар. Бундай материаллар ўқитувчиларнинг илгор тажрибаси асосида доимо тўлдирилади, такомиллаштирилади, бу оса ҳар бир ўқитувчига иш стажидан қатний назар касбга йўналтириши ишларини олиб бориш, уни ўрганилаётган фанлар мазмунни билан режали равишда ва узвий боғлаш имконини беради.

Ўқитувчи ўқувчиларни касбга йўналтириши соҳасидаги асосий ишни дарсда олиб боради. У дарсда:

- ўқувчиларга энг оммавий қасблар түгрисида муайян билимлар беради, қасбларниң ижтимоий-иктисодий, технологик ва психологик жиҳатларини очиб беради;
- ўқувчиларга танланған қасбларни әгаллаш йұллари түгрисида, ўқув юртлари, ихтиес берадиган қасблар, ўқиши муддатлари, қасбий үсіш истиқболлары ва шу кабилар юзасидан маълумотлар беради;
- моддий ишлаб чыкариш соҳасидаги меңнатта ва мазкур иктисодий минтақада әхтиёж сезилаёттан муайян қасбларга ижобий муносабатда бўлишни шакллантиради;
- жамияттинг ижтимоий-иктисодий талабларини англашга, шунингдек ўқувчиларнинг психофизиологик хусусиятларини билишга таянадиган барқарор қасбга қизиқишларни ва түгри асос-ланган қасбий ниятларини шакллантиради.

Дарсда қасбга йўналтиришнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ўқитувчининг қасбга йўналтирувчи материални дастурий материаллар билан боғлай олишига, ўқувчиларда таълимнинг замонавий методларида фойдаланиб, ҳозирги кичик мутахассиснинг меңнатига ишебатан ижобий муносабатда бўлишни шакллантира билининг боғлик. Қасбга йўналтирувчи материални танлашда гальм мазмунидан келиб чиқадиган куйидаги принципларга: қасбга йўналтириш мазмунининг ижтимоий ва илмий-техника тараққиёти даражасига мослиги принципига; — қасбга йўналтириш иши мазмунининг шакллари ва методлари мослиги принципига амал қилиш лозим. Қасбга йўналтириш ишини амалга ошириш учун зарур бўлган профессиографик материалларни танлашнинг асосий мезонлари ана шу принциплардан келиб чиқади. Бу асосий мезонлар куйидагилардан иборат: 1.Мезоннинг яхлитлиги. Бу мезоннинг моҳияти шундани иборатки, ўқувчиларни қасбга йўналтириш мазмунида ижтимоий ва илмий-техника тараққиёти ютуклари, шунингдек фаолиятнинг ҳар хил турлари учун шаронтлар яратиш ҳамда политехник билимларни ва умум меңнат малакаларини шакллантириш, шахсни ҳар томонлама тарбиялаш, шахснинг қасбий иsteъодлари, қобилияtlари ва қизиқишларини аниqlаш ва ривожлантариш аке этади. 2.Юксак илмий-амалий аҳамиятлилик мезони. Ана шу мезонга асосланиб, қасбга

йўналтириш материаллари мазмунига фан ва амалиётнинг хамма эътироф қилган ютукларини объектив фанлараро алоқага ва амалий қўлланишига эга бўлган политехник йўналишдаги техникавий маълумотларни киритиш лозим.

3.Хаммабоплик мезони. Мазкур мезонга асосан ўқувчиларни касбга йўналтириш мазмуни уларнинг ёш хусусиятларига мувофиқ, ҳаммабоп бўлиши керак. 4.Окилоналик мезони. Бу мезоннинг моҳияти шуки, касбга йўналтирувчи материалларнинг ҳажми ўқувчиларга жуда кўп, ортиқча иш топширмай, шу материалларни ўрганиш учун ажратилган вакт микдорига мос бўлиши лозим.5.Узвий ўзаро бөглилик мезони. Ушбу мезоннинг моҳияти шундан ибораткин профессиографик материаллар табиий равишда дарс ва тарбиявий тадбирлар мазмунига киритилиши,булар зўрлаб кабул қилдирилмаслиги ва лўнда бўлиши керак.

Касбга йўналтирувчи ўқув-методик хонани ташкил қилишда ва унинг ишига ёрдамлашишда меҳнат таълими ўқитувчиси катта ахамият ўйнайди. Кўпгина мактабларда меҳнат таълими ўқитувчилари ана шундай хоналарнинг ташкилотчилари ҳисобланадилар. Мактабдаги касбга йўналтирувчи ўқув-методик хонаси ўқувчиларни касбни онгли равишда танлашга тайёрлаш соҳасида улар билан, ота-оналар билан мунтазам иш олиб бориш учун, шунингдек касбга йўналтириш ишини адо этишда ўқитувчиларга, корхоналарнинг ходимларига методик ёрдам бериш учун хизмат килади. Шу сабабдан хонанинг жиҳозланиши ва вазияти ўқувчиларнинг муайян психологик кайфиятини кўтаришга кўмакланиши, бу ерда уларни қизиқтирувчи саволларга жавоб олиш имконияти яратилиши, хонага келиш эҳтиёжини туғдириши муҳимdir.

Касбга йўналтириш хонасининг иш мазмуни:

- бозор иктисадиётининг турли тармоқлари тўгрисида ўқувчиларни хабардор килиши, энг кўп таркалган касблар билан уларни таништиришни;
- ўқувчиларнинг меҳнат фаолиятининг муайян турларига оид қизиқшлари, майллари ва қобилиятларини аниқлаш ҳамда ривожлантиришни;
- ўқувчиларда шахснинг тегишли психофизиологик ҳислатларига мос бўлган ва жамиятнинг кадрларга бўлган талаб-

ұхтиәжларини қисобға оладиган касбий ниятларини шакллантириши;

- касб танлани, ишінде жойлашиш ва ўқишин давом эттириш масалалари юзасидан ўқувчилар учун педагогик маслаҳаттар ташкил килинши;
- ўқитувчилар ва бошқа ходимлар билан методик ишлар олиб бориш (педагогик ўқишлоар, маъruzалар, семинарлар, якка тартибдаги машгулотлар ўтказиш)ни;
- ўқувчиларни касбға йўналтиришга оид илгор тажрибани ўрганиш ва умумлаштириши;
- ота-оналар билан иш олиб бориш (йигилишлар, лекциялар, учранувлар, якка тартибдаги маслаҳатлар ўтказиш)ни;
- ўқувчиларни касбға йўналтириш масалалари юзасидан меҳнат жамоалари ва жамоатчилик билан алоқани амалга оширишни ўз ичига олади.

Ана шу ишларни олиб бориш учун касбға йўналтириш бўйяёадёда, одатда, икки бўлимдан: ахборот ва методик бўлимлардан иборат экспозиция жихозланади.

Ахборот бўлимида ўқувчиларнинг касб танлашига қўмакла-шадиган маълумотлар билан педагоглар, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари учун материаллар тўпланади.

Методик бўлимда ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан касбға йўналтириш ишини олиб боришни ташкил килишға, унинг шакл ва методларига оид ўқитувчилар учун тавсиялар берилгани бўлади.

Касбға йўналтириш хонасига қуйидаги мазмундаги материаллар кўйилади:

- атокли жамоат арбоблари, олимлар, ёзувчилар, педагоглар ва шу кабиларнинг меҳнат ва касб танлаш ҳақида билдирган фикрлари; шу соҳага оид давлат хужжатларидан олинган материаллар;
- «Касбни тўғри танлаш нимани билдиради», «Одамга касб томонидан қандай талаблар кўйилади», «Касб танлашда хато қильмаслик учун нималарни билиш керак», «Шифокор маслаҳатлари» (касб танлашга тўғри келмайдиган фикрлар ҳақидағи стенд), «Психолог маслаҳати» (ўз касб танлашини тушунганилик тўғрисида, кизиқишлоар ва қобилиятларни ривожлантериш ҳақида);

- маълумотнома материаллари: «Ўқиши учун қаерга бориш керак» (кишлек касб-хунар колледжлар, олий ўкув юргизиладиги, буларга қабул қилиш шартлари, буларда эгаилаш мумкин бўлган касблар ва мутахассисликлар хақида маълумотлар), «Ишлаш учун қаерга бориш керак» (ишлаб чикариш корхоналарнинг етакчи касблари, шаҳар, туман, вилоят муҳтоҷ бўлган касблар тўғрисида маълумотлар); профессиограммалар;
- «Ота-оналарингизнинг касблари» (ота-оналардан ишлаб чикариш илгорлари, рационализаторлар тўғрисида ёркин, марокли ҳикоялар), «Биз танлаётган йўллар» (мактабларни битириб чўкувчилар, уларнинг меҳнатда эришган муваффакиятлари хақида), «Йўл кўрсатувчиларимиз» (ишлаб чикариш корхоналарнинг илгор ишчилари тўғрисида).

Бундан ташқари, хонага асбоб-ускуналарнинг макетлари, тайёр маҳсулот намуналари қўйилган бўлиши мумкин.

Аудиовизуал ахборотни ташкил қилиш учун хона таълимнинг техникавий воситалари (ТТВ): кинопроекторлар ва слайдо-проекторлар, кинофильмлар ва слайдлар, киноэкран, магнитофонлар, мусиқали ва магнитли материаллари бўлган фонотека, видеотекаси бўлган видеомагнитофонлар билан жиҳозланади.

Хонада маънавий-аҳлоқий, маълумотнома, илмий-оммабоп китоблардан ва тегишли бадиий адабиётдан иборат кутубхона, рўзномалар, ойномалар албатта бўлиши керак. Баъзи хоналарда касбга йўналтиришга оид библиография тузадилар, бундан ўкувчилар ҳам, ўқитувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Мамлакатдаги касбга йўналтирувчи бир қанча хоналарнинг иш тажрибаси шуни кўрсатдики, хона материалларини фаол ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш учун шу хоналарда ўкувчилардан маслаҳатчи экскурсаводлар ролини бажарадиган фаолларни, шунингдек мактабларнинг юкори синф ўкувчилари, битирувчилари, ота-оналар, ишлаб чикариш таълими усталари, ишлаб чикариш пешқадамлари, ىшлаб чикариш корхоналари кичик мутахассислари, мактаб ўқитувчилари иштироқида маъruzачилар гуруҳини ташкил қилиш мақсаддага мувофиқдир.

Мактаб радио рўзномаси хона ишининг таркибий қисми бўлиб хизмат қиласи, бундай рўзнома хона материалларини тўлдиради, кенгайтиради ва чуқурлаштиради. Катта танаффуслар вақтида ёки машғулотларнинг бошланиши олдидан мактаб радиоси орқали касб танлашга онд ҳар хил сухбатлар, ўз касблари тўғрисида

пешкадамлар ва кичик мутахассисларнинг хикоялари, касбларни қандай таңлаганиллари тўғрисида уларнинг айтганлари эшиттирилса, радиорўзноманинг педагогик таъсири янада кучаяди. Бундай эшиттиришлар киска, мавзу жихатидан, рангбаранг ва баён этиши шакли жихатидан кизикарли бўлиши лозим. Магнитофон лентасига ёзиб олинган энг кизикарли ва müваффакиятли чиқсан материалларни такрор-такрор эшиттириш мумкин, бу эса радиоэшиттиришларнинг маҳсус фондини вужудга келтириш имконини беради. Бу фондга базавий корхоналарнинг реклама-ахборот тарзидаги эшиттиришларини ҳамда ўкувчиларнинг касблар ҳакидаги саволларига ўқитувчилар ва мутахассисларнинг жавобларини ҳам киритиш мумкин.

Ўзига ёккан касбни танлаб олган битирувчиларнинг чиқишилари ўкувчиларга ижобий таъсир ўтказади. Уларнинг хатларидан, нутқлари матнларидан, бевосита учрашув кечаларида сўзлаган нутқларидан альбомлар тайёрлаш, деворий рўзномалар чиқариш учун фойдаланиш мумкин.

«Касбларни химоя қилиш» маросимида ўзларига маъкул бўлган касблар тўғрисида ўкувчиларнинг ўзлари сўзлаб беришлари мумкин. Ўкувчиларнинг ишлаб чиқарини илгорлари тўғрисидаги энг яхши рефератлари, очеркларини ҳам касбга йўналтирувчи мактаб иш тажрибасига оид материаллар сингари хонада саклаш максадга мувофиқидир.

Бундай материалларни қўйидаги схема бўйича ишлаб чиқиш мумкин:

- меҳнат таржиман холининг бошланиши (ўкув юртида касбга тайёрлани ҳам бунга киради);
- касбларни эгаллаш соҳасидаги қийинчиликлар;
- касбни танлашда катта ёшдаги ўртоқларнинг ёрдами;
- очерк муаллифнинг фикрича, ўз ишининг устаси қандай хислатларга эга бўлиши керак;
- таңлаган мутахассислик бўйича ишда нималар ёқади ва нималарни ўзгартириши, яхшилаш лозим;
- ишдан таникари кизикинилар; жамоатчилик эҳтироми, ютуклар, мукофотлар.

Касбга йўналтириш хонасида бу борадаги иш учун экскурсиялар тўғрисидаги энг яхши хисботлар, болалари таңлаган касблар тўғрисида ота-оналарнинг билдирган фикрлари, корхоналарнинг тасниф рефератлари ҳам фойдаланилиши мумкин.

Хона ишни яхшироқ ташкил қилиш учун түпнанган бутун ахборот материалини системага солиши, мавжуд ускуна учун эса картотека жиҳозлаши мухимдир.

Сўнгра битиривчилар ҳақида маълумот олишни давом эттириш ва ишга жойлашиш йўллари хусусида асосланган тавсияномалар ишлаб чиқиш мақсадида ўкувчиларнинг қизикишлар ва майлларининг ривожланиши, уларнинг касбий ниятларини мунтазам равишда кўзатиш натижалари хонада йигилади ва сақланади.

Қабинет раҳбари ишни яхшироқ ташкил қилиш мақсадида ўкув чораги учун мўлжалланган жорий тадбирлар режа-графигини тузади.

Қасбга йўналтирувчи мактаб ўкув-методик хонасини ташкил қилишда ўкувчиларнинг ўзларига катта эътибор берниши лозим. Улар меҳнат ўқитувчиси раҳбарлигида хонани жиҳозлашда, экспонатлар йигиш, сақлаш учун планшетлар, тагликлар ва шу кабиларни тайёрлашда ёрдам беришлари мумкин. Касб диагностикаси бўйича асбоблар тайёрлаш жараёни болаларда катта қизикиш туғдиради. VII-IX синфларнинг ўкувчилари саноат намуналарини асос қилиб олиб, ана шундай конструкцияларни, техника объектларини яратишлари мумкин. Баъзан мактаб ўкувчилари яратган асбоблар саноатда ясалган асбоблардан ҳатто устун туради. Ўкувчилар ўзлари яратган касб диагностика ускуналарида ишлаб, мустаҳкам амалий малакалар ва муайян техникавий билимлар оладилар. Бу билимлар ривожлантирилиб, илм-фаннынг муайян соҳасини чукур ўрганиш учун хизмат қилиши, кейинчалик онгли равишда касб танлашга ёрдам бериши мумкин.

Шундай қилиб, меҳнат таълими ўқитувчиси мактабининг ўкув-методик хонаси билан маҳкам алоқа боғлаб, касбга йўналтириш иши самарадорлигини анча оширади, ўкувчиларнинг ўзлари касб танлашлари учун мустаҳкам замин яратади, уларни дурадгорлик, чилангарлик, токарлик, фрезерлик ва шу каби бошқа касблар билан таништириб, ўкувчиларни меҳнат фаолиятини танлашга тайёрлаш учун шарт-шароитлар вужудга келтиради. Ўкувчиларни меҳнат фаолиятининг ана шу турлари билан таништириш ҳар бир фермер хўжалиги, туман, шаҳардаги ишлаб чиқариш объектларида босқичма-босқич олиб борилади.

Чунончи, биринчи босқич (касб таълими жараёнида, яъни касб танлашнинг тайёргарлик даврида) касбга онд маслаҳатлар бериш, ўкувчиларнинг майлларини, кобилиятларини ва индивидуал

хусусиятлариниң хисобға олиб, касб танлашда уларға ёрдам күрсатылышдан иборат.

Иккінчи босқич касбий тайёргарлик давомида танлаган касб билан болғанғандыр. Недағог ўқувчиларнинг жисмоний ва ақлий рівожланышынни, қызметтерінің, қызметтерінниң, үзлаштиришини, ушбу касбни әгаллашта тайёргарлик даражасини, тиббий зид далилларни билиши керак.

Бу босқични касбға доир маслаҳат беришнинг якунловчи босқичи деңиши мүмкін. Бундай маслаҳаттарни йил охирида битирудукчи синифда фан ўқытувчилари, синф раҳбарлари, мектбларнинг касбға йўналтирудукчи комиссиялари ва касбға йўналтирудукчи ходимларни, корхоналар, ўқув юртлари ва ишга жойлаштыриш органдарнинг ходимлари берадилар.

Учинчи босқичда аникловчи маслаҳат ўтказилади. Бундай маслаҳатдан кўзда тутилган мақсад – амалга оширилган танловни аниқлаши, касб хато танланған тақдирда эса буни одоблилик билан тушунтириб, бошқа касбни танлашни маслаҳат бериш лозим.

Касбға онц маслаҳатининг ана шу тури, одатда, мектбларни битирудукчилар корхоналарда инилгани чогида ёки улар ўқув юртларидаги ўнгани вакидаги ўтказилади. Бу ишни бажарадиган комиссия корхоналардаги техника таълимни бўлимлари (ТТБ)нинг ходимларидан ва ўқув юртларидаги имтиҳон қабул қилиш комиссиясининг аъзоларидан иборат бўлади. Комиссияларнинг таркиби га心理健康 билим врачанинг ҳам кириши мақбулдир.

Касб танлаш (касбға яроқлилик) - касбий ишнинг бутун тизимида якунловчи босқичдир. Айни ана шу босқичда ходимнинг танлаган касбға узни-кесип мувофиқлиги ёки номувофиқлиги аникланади. Лекин касб танлаш (касбға яроқлилик) методларидан касбға йўналтиришиниң факат якунловчи босқичида фойдаланиш мүмкін, деб хисоблаш ипотўри бўлур эди. У ёки бу касбни әгаллагани холда дастлабки тиббий-физиологик ва психологик қўриқдан ўтмаган йигит ёки кизга танлаган қасби зид бўлиши ҳам мүмкін. Шу бонедан касб танлаш бошланғич босқичда ҳам, шунингдек якунловчи босқичда ҳам ўтказилиши лозим.

Касбға яроқлилик - мазкур кишининиң ушбу касб бўйича меҳнат вазифаларини бажарини учун яроқли ёки яроқлизлигини кайд қилишдангина иборат эмас, албаттга. Касбға яроқлиликни бошқа жиҳатдан ҳам:

1) одам ўзи танлаган касбға яроқлами ёки йўклиги;

2) ҳаёт йўлини танлаган чоғда у нималарга амал килиши лозимлиги;
3) уни ўқитиши масаласига қандай килиб бирмунича оқилона
ёндашиш, яъни унда касбга яроқлиликини қандай килиб гоят
мақсадга мўвофик тарзда шакллантириши, тарбиялаш ва
ривожлантириш мумкинлиги жижатидан ҳам кўриб чиқши керак.

Бошқача қилиб айтганида, у ёки бу касбларни оғалланига харакат
қилаётган одамларнинг тиббий кўрсаткичлари билан бир каторда
уларда дикқат, тафаккур, психомоторика ва шу каби психик
функцияларни ривожлантириши билан бөглиқ муайян психологик
кайфиятни ҳам шакллантириш зарур. Касбга яроқлилик ўкув ва
мехнат фаолиятида шаклланадиган ишахе фазилатидир. Касбга
яроқлилики одамнинг касбга ишбаташ кўйилган талабларга мос
бўлган тугма ёки ҳосил қилинган и психофизиологик хусусиятлари
йигиндиси деб караш ярамайди. Факат баъзи касблар (созанда,
рассом ва шу кабилар) учун муайян табиий маълумотлар талаб
қилинади. Шу боисдан психологик, меҳнат ўқитувчиси ва
бошқаларнинг вазифаси ўкувчи касб (мутахассислик)ни ёки ўкув
юртини тўғри ёки потўғри танлаганини; танлаган касби ёки ўкув
юрти унинг майллари ёки қобилиятларига мос ёхуд мос эмаслигини;
касбни ёки ўкув юртини танлайтиш вайлари, ота-оналарнинг
ўқитувчиларнинг ва шу кабиларнинг фикри қандай эканлигини
аниқлашдан иборат. Ўқувчиларнинг касбга бўлган қизиқишлари ва
майллари ана шундай маълумотлар асосида аниқланиди.

Ўқувчиларни касбга йўналтириши ишини амалга оширишида
ўқитувчилар ва синф раҳбарлари: “Камолот” йўллар Ижтимоий
харакати бўлими ташкилоти; ота-оналар кўмітаси кенгаши;
тўғарақларнинг раҳбарлари бевосита иш олиб борадилар.

Мактабдан ташкари муассасалар, олатда, қизиқишлари ва
майллари етарли даражала намоён бўлган болаларни бирлаштиради.
Бундай болаларда ижодкорлик ва ташаббус руҳи устунилик килади,
улар амалий фаолиятининг хусусияти эса муайян ижтимоий аҳамият
касб этади. Мактабдан ташкари муассасалар (ўқувчилар уйи,
болалар кутубхоналари, ёш табиатшунослар ва ёш тажрибачилар
техника станциялари, ёшлар клублари, қашғиётчилар бюоролари ва
шу кабилар) касбга йўналтириши умумий иши тизимида фаол
катнашадилар.

Синфдан ва мактабдан ташкари ишда ўқувчиларнинг маҳсус
қизиқишлари шаклланади ва уларнинг қобилиятлари ривожланади.
Булар умумий таълимни ва меҳнат политехник таълимнини

түлдиради, ўкувчиларда касб таңлашнинг ижтимоий аҳамиятга мөнк асосли сабабларини шакллантиришга ёрдам беради, халқ хўйкалариги турди тармоқлари билан танишишини кенгайтиради, ўкувчиларни қизиктирадиган касблар ва мутахассисликларни, аввало, ўз туман, вилоятидаги касблар ва мутахассисликларни чукур билиб олишга имкон беради. Касбга йўналтириш бўйича факультатив курс касбга онд маълумот олиш, узил-кесил касб таңлаш, реал ишга жойлашиш масалалари юзасидан ўкувчиларга маслаҳат бериш имкониятларини кенгайтиради.

Ўкувчиларни касбга йўналтириш иши шаклларини бир қанча белгиларига караб куйидагича тавсифлаш мақсадга мувофиқдир:

I. *Ўтказилётган тадбирларда қатнашадиган ўқувчилар сонига қараб:*

1. Бир неча параллел синфлар, аралаш синфлар қатнашадиган тадбирлар.

2. Якка тартибда ўқувчилар қатнашадиган тадбирлар.

II. *Таъкид этиши усулларига қараб:*

1. Ялни тадбирлар – маърузалар, йигилишлар, конференциялар, олимпиадалар, видеофильмларни кўриш; тематик кечалар, ишлаб чиқариш илиорлари билан ўтказиладиган учрашув кечалари; касб бўйича календар кунлари.

2. Гурухда ўтказиладиган тадбирлар – экскурсиялар, маслаҳатлар, касблар бўйича танловӣлар, ёш техникларининг мусобақалари, корхоналар ва стакчи касблар билан танишиш мақсадида жонажон ўлика бўйиб сайдёнлик торишлари.

3. Якка тартибда ўтказиладиган тадбирлар – касб ҳақида маслаҳат бериладиган сұхбатлар, касблар тўғрисида тавсия этилган китобларни ўқиши, учрашувлар, конструкторлик, тажриба иши юзасидан якка тартибда бериладиган топшириклар; ўқувчини қизиктирадиган фан ва техника соҳасини чукурлаштириш ва ривожлантириш мақсадида кўшимча адабиётлар билан ишлаш.

III. *Мазмун манбаларига қараб:*

Касблар билан танишитириш; саёҳатлар, малақали устозлар ва мутахассислар билан учрашувлар, ўқитувчининг ҳикояси ёки сұхбати, кинолардан шарчалар, фотосуратлар, рўзнома ва ойномалардан олинган маҳсус матерналларни намойиш қилиш учун проекцион аппаратлардан фойдаланиш; таклиф қилингандан ишлаб чиқариш мутахассиснинг сұхбати; касблар ҳақидаги маълумотномалар билан танишини; меҳнат ва ишлаб чиқариш

таълими билан бөглиқ касблар түгрисидаги очеркларни ўқиши; мутахассислар билан сұхбатлар үтказып ёрдамида ахборот материалларини түплаш; фотосураттар, фотоальбомлар күрсатып; ишлаб чыкарыш шаронтида малакали мутахассислар касбий фаолияти түгрисидаги кинофильмдарни пайдалыши көрүп; базавиј хұжаликда ишлаб чыкарып тажрибасы практида қасблар билан танишиш.

IV. Касбга йўналтириш тадбирларини рўёбга чыкариши воситалари бўйича:

«Ўкиш учун қаерга кириш керак» маълумотномасини нашр этиш, касблар ва касб-хунар коллекциялари ҳақидағи плакатлар, эълонлар, реклама варакалари: мазкур иқтисодий туманида мавжуд касбларнинг кисқача тавсифлари бўлған түпламалар; «Мехнат йўлини танлаш», «Менинг касбим - энг яхши касб» мавзусидаги видеофильмлар; реклама қилинадиган телевизион фильмлар, цехлар, ўкув юртларидан олинган телевизион репортажлар; касблар ва мусобақа илфорлари түгрисида радиоэшиттиришлар, касб-хунар коллекцияларда ёшлиарнинг турмуш ва ўқишини ҳакида хикоя қўлиувчи Республикамиз ва маҳаллий рўзномаларда босилган мақолалар; шаҳар кинотеатрлари фойслирида. супермаркетларнинг витриналарида, катта кўчаларнинг чоррахаларида касбларни тарғиб қилувчи баннерлар ва кўргазмалар; кўчалар ва майдонлардаги ёшлиарни касб-хунар коллекцияларига ўқишига даъват ётувчи ёрқин буёқли чақириклар.

Мактаб касбга йўналтиришни тизимини таркиб топтириш ҳали ниҳоясига етказилгани йўқ. Касбга йўналтириш тизими таркибий тузилиши касбга йўналтириш максал ва вазифаларини: мактаб таълими босқичларни бўйича унинг мазмунини; базавий корхоналар, ота-оналар жамоатчилиги иштирокида касбга йўналтириш ишининг йўналишларини; касбга йўналтириш тадбирларини амалга ошириши шакллари, методларини ва воситаларини; муайян ишчи касбларни бўйича унумли меҳнатда мактаб ёшлиари иштирокининг конкрет йўлларини ўз ичига олиши лозим.

Умумтаълим мактабларида ўкувчиларни касбга йўналтиришини ривожлантириш қуйидагича босқичма-босқич амалга оширилади, булар:

I. Бозор иқтисодиёти тармоқлари билан умумий таништириши.

II. Ишлаб чикарини техникаси, технологияси ва иктисадиётини умуман ўрганиши.

III. Касбларининг асосий гурухлари билан таништириш.

IV. Вилюят, туман хўжалиги бирон тармоғининг, бázавий қўшма-корхонасининг танланган касбнин дастлабки эгаллаш босқичларидир.

Касбга йўналтириш мактаб тизимининг асосий принциплари сифатида қўйнадигиларни кўрсатиш мумкин:

а) касбга йўналтириш ҳар томонлама камол топган, фаол шахсни шакллайтиришга каратилган педагогик жараённинг режали равинида амалга ошириладиган узвий кисми сифатида;

б) ижтимоий ишлаб чикаришнинг ҳақиқий талаби асосида меҳнат йўлини танлашнинг шахсий ва ижтимоий муаммолини тўгри ҳал қилиш;

в) касбга йўналтиришининг оғзаки методларини атроф-теваракдаги корхоналар етакчи касблари асосларини эгаллаш борасидаги конкрет амалий харакатлар билан кўшиб олиб бориш;

г) мактабдаги барча дарсларда юкорига қўтарилиб борувчи чизик бўйича касб таълими ва касбни тарғиб қилишнинг погонали тузилиши;

д) мактаб, оила ва ишлаб чикаришнинг биргаликдаги куч-ғайратлари билан ишчи касбларнига кизикишни тарбиялашнинг фаол методлари.

Намунавий дастур талабларига мувофик ҳар бир ўкув фани бўйича дарслар мазмунини ҳисобга олиб, касбга йўналтиришни синфдан синфга режалаштириш масалалари энг мураккаб ишdir.

Оммавий мактабларда касбга йўналтиришнинг амалий вазифаларини ҳал қилишга тизимли ёндашиш усули қўлланилади. Касбга йўналтиришнинг синфлар бўйича асосий мазмуни қўйнадигича бўлиши мумкин:

Бошлангич синфларда: атроф-теваракдаги маҳаллий ишлаб чикариш корхоналари ва табиатдан фойдаланган холда меҳнат фаолияти турлари билан таништириш.

Ўрта синфларда: умумий таълим туркум ўкув фанлари дарсларида оғзаки методлар ёрдами билан ҳамма ишларни ўз ичига оладиган ва бирга қўшилган касбларнинг асосий гурухлари билан, меҳнат таълими дарсларида эса металл ишлов бериш, электротехника, ёғочга ишлов бериш касблари меҳнат усуллари билан кўргазмали таништириш.

Юқори синфларда: конкрет ишчи касблари асосларини эгалаган холда ишлаб чиқаришининг муайян соҳалари негизида касбга йўналтириш.

Шундай килиб, кўриб чиқилган тарздаги юқори касбга йўналтириш мактаб тизими мазкур муаммонинг ҳамма жиҳатларини қамраб олиш имконини яратади, ҳозирги шароитда туман, шаҳар, вилоят ва республика доирасида янги иктисодий тафаккур асосларини ҳал қилишни хисобга олиб, уни такомиллаштириш йўлларини белгилашга ёрдам беради.

§ 2.4. Касбга йўналтиришиниг тарбиявий ахамияти

V-IX синф ўқувчиларини касб танлашга, мустакил ҳаёт йўлни танлашга тайёрлаш керакми?

Ўн беш ўн олти ешли ўсмир хисобланган тўққизиничи синф ўқувчиси ўз майлларини ва меҳнатга бўлган қизиқишиларини озми-кўпми аниқ белгилаб олиши лозим.

Мактаб ёш авлодга барвакт касб-хунар ўрганиш принципини рад этиб, ўқувчиларнинг шахсий истеъдод нишоналари ва қизиқишиларини ҳар томонлама ривожлантиришга интилади, мактаб ўқувчиларида жамиятга наф келтирадиган фаолиятга қизиқиши, касб танлашга тайёрлаш учун негиз бўлиб хизмат қиласидан қизиқиши тарбиялайди. Бу эса меҳнат тарбиясининг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Мактаб ўқувчиларга фан асосларидан мустаҳкам билим бериши, уларда дунёкарашни ҳамда иш ҳаракат ва ҳулқ-атворда умуминсоний йўналишларни шакллантириши лозим.

Дарҳакиқат, мактаб ўсмирларнинг шахсий қизиқишилари, истеъдод куртаклари ва қобилиятларини шакллантиришга каратилган хилма-хил ишларни ташкил килиб, бола шахсини ҳар томонлама ривожлантиришга кўмаклашади, севимли ишни аниқлаб олишга ёрдам беради. Хўш, мактаб ўқувчиларининг касбкорлик масаласини муваффакиятли ҳал қилиш учун барча зарур маълумотлар бера оладими, ҳар бир ўқувчидаги касб танлаш муаммосига пухта ўйлаб муносабатда бўлиш хис-туйгусини тарбиялай оладими, шу муаммони ҳал қилишининг тўғри йўлларини кўрсатиб бера биладими?

Афсуски, хозирги вактда кўпгина мактаблар ана шу вазифаки эплай олмаятилар. Тукизинчи синфларнинг ўқувчилариғина эмас, балки бундан юкори синфларнинг касб-хунар коллажлари ва академик лицей ўқувчилари ҳам касб танлаш масаласига кўпинча чукур ўйлаб, жиддий муносабатда бўлмаятилар. Кўпгина мактабларда «Мен ким бўлмоқчиман» мавзууда ўтказилган анкета ва рўзнома сахифаларида ҳамда бошқа воситаларда истеъод мавзууда давом этаётган мунозара ана шундан далолат бермоқда.

Ўқувчиларнинг қайтарган жавобларини тахлил қилиш шуни кўрсатадилкі, уларнинг келгусида эгаллаши мумкин бўлган касблари синфлан-синифга ўтишлари билан ўзгариб туради.

Кўпинча ўқувчи ўзишининг физиологик, психологияк ёки аклий имкониятларига батамом мос бўлмаган касб тўғрисида орзу қилади. Шундай ҳоллар ҳам бўладики (бундай ҳоллар кам эмас), мактаб ўқувчиси келгусида ким бўлишини умуман билмайди, буни олдиндан ўйлаб ҳам кўрмаган.

Бирок, ўсмирларнинг «Мен ким бўлишни хоҳлайман» деган саволга қайтарган жавобларни қанчалик хилма-хил бўлмасин, бошқа бир нарса орзу қилинаёттан касблар тўғрисида уларнинг гоят ноаник тасаввурлари ва келгусидаги меҳнат фаолиятига тайёргарлик кўриш муносабати билан ўз бурчлари хақида муайян тасаввурга эга эмасликлари фикр юртишига мажбур этмоқда.

Кўпгина ўқувчилар ўз ишлоларида бўлғуси касбга тайёргарлик кўриш борасида хозирча ҳеч бир иш қилмаётганликларини ошкора ёзмоқладар. Уларнинг баъзилари у ёки бу касбга тайёргарлик кўриш учун умуман нима қилиш кераклигини айтиб ўтишга уринадилар-у, лекин ўзлари нима қилаётганликлари хақида лом-мим демайдилар.

Одатда жавоблар куйидагичадир: «Шифокорнинг иродаси кучли бўлиши, қўллари юмшок ва мулойим бўлиши лозим, мен эса шифокор бўлиши учун кўп нарсанни билишим ва ҳамма нарсанни қила олишим керак»; ёки: «Ўқитувчи, шифокор ёки мухандис бўлиш учун яхши ўкиш, беадаб, ҳалол, интизомли бўлиш керак, биз ҳаммамиз бунга эришишимиз зарур».

Бундан ҳам умумий тарздаги жавоблар бор. Бу жавобларда шундай дейилган: «У ёки бу касбни эгаллаш учун узоқ вакт давомида астойдил ишлаш керак» ёки: «Бунинг учун эса кўп нарсанни билиш лозим, демак яхши ўкиш зарур».

Аммо шундай ўқувчилар ҳам борки, улар у ёки бу касб тұғрисида орзу килибгина қолмай, балқы бу хакда күп нарсаларни билишга ҳам интиладилар, шу касб билан боглик бўлган китобларни ўқийдилар. Бироқ, улар зарур адабиётни кўпинча тайлаб олишни билмайдилар, тасодифий китобларни ўқийдилар, уларни ўқиган чоғларида нимага зътибор бериш кераклигини билмайдилар.

Чунончи, уларнинг баъзилари иншоларида кўп китоб ўқиётгандикларини умумий тарзда баён қиласидилар, бошқалари эса «барча фанларга оид» ёки муайян фан бўйича, масалан, физика, кимёга доир адабиёт ўқиётгандикларини айтадилар. Бирмунча аник жавоблар ҳам бор: «Саломатлик тұғрисидаги ойномани ўқидим», «Опамнинг IX синф учун мўлжалланган астрономияга оид дарслигини ўқийман, кўп нарсаларни тушунмаяпман, рўзномаларда босилаётган ракета, йўлдош ҳақидаги ҳабарларни ўқийман» (астроном бўлишини орзу қиласи), «Болалар ҳақидаги ва болалар учун мўлжалланган китобларни ўқийман» (ўқитувчи бўлмоқчи), «Адабиётга оид китобларни ўқийман», «Двигателлар тұғрисидаги адабиётни ўқийман» ва ҳоказо.

Кўпгина ўқувчилар касблар билан танишишни шу касблар ҳақидаги адабиётни ўқиши билан чеклайдилар, мазкур фаолиятга бўлган ўз қобилиятлари ва қизиқишлигининг баркарорлигини текшириб кўриш учун мактабда шунга ўхшаш нарсалар билан шуғуланишга уриниб кўрмайдилар, у ёки бу касб учун зарур бўлган ўз қобилиятларини қандай қилиб ривожлантириш ва бошқариш кераклигини бир томонлама, содда тасаввур қиласидилар.

Бироқ шундай ўқувчилар ҳам борки, улар бўлгуси касб тұғрисида кўпроқ нарсаларни билишга ҳаракат қилиб қолмай, балқы унга амалий тайёргарлик кўришга ҳам уринадилар. Бундай ўқувчилар турли тўгаракларда, хилма-хил ижтимоий фойдали ишларда қатнашадилар.

Хўш, мактаб ўқувчиларининг касб танилашдаги хатолари нималардан иборат, булардан энг типиклари қандай?

1. Ўқувчилар у ёки бу касбдаги одамга муносабатни касбнинг ўзига бўлган муносабат билан бир хил деб карайдилар. Муайян одам, унинг юксак маънавий хислатлари, ақл фаросати, дадил ишлари ўқувчига маъқул бўлади. Бундай койил қолиш бенхтиёр севимли қаҳрамон шуғуланаётган ишга ҳам ўтади. Бинобарин, ўсмир унга тақлид қилиш йўлидаги муддаосида қандайдир ахлоқий хислатлардагина унга ўхшаш бўлишини эмас, балқи ўзини ҳам ана шу

касбга багишкашни истайди. Бунда ўқувчи ўша маънавий фазилатлар бошқа ишда ҳам намоён бўлиши мумкинлиги ҳакида ўзига кўпинча ҳисоб бермайди.

Бадиий адабиётлардаги, кинофильмлардаги қаҳрамонлар кўпинча ана шундай муносабатни туғдиради, таниш-билишлардан, қариндош-уруглардан биронгаси, чунончи ўқитувчилар таклид қилиш учун кўпинча намуна бўлиб хизмат қиласидар.

Таклид қилиш учун ўқитувчи намуна бўлган чоғда ўқувчи унга бўлган яқинлиги, меҳрибонлигини ў ўқиётган фанга ҳам татбиқ этади. Шундай ҳам бўладики, масалан, ўқувчидаги биологик фанларга бўлган қизиқиши, ҳавас аниқ-равшан кўриниб туради, лекин унга адабиёт ўқитувчиси ёқканлиги учун у ўзининг бутун фикр зикрини адабиёт билан бояйди.

2. Ўқув фанини каеб билан бир хил деб тушуниш. Ўсмир мактабдаги фанларни ўзлаштиришдаги мудаввафакиятларига асосланиб, кўпинча бўлгуси касбни белгилайди. Ўқувчига адабиёт ёки қолган бўлса, бу у адабиётни амалий жиҳатдан қўлланиш билан боялиқ бўлган касблар тўғрисида тасаввурга эга бўлмаса ҳам адабиёт менинг севган фаним, дейди. У касбни эмас, балки билимнинг ўзини қизиктирувчи соҳасининг танлайди, бу соҳада нимани истаётганини ва шимга қилиши мумкинлигини мутлақо тасаввур қиласиди.

* 3. Касбнинг ташки жиҳати билангина қизиқиши. Ўсмирларни романтика билан йўғрилган касблар қизиктиради. Улар учувчи, геолог, ихтирочи бўлишни орзу қиласидар. Бу — мутлақо табиий ҳол, албатта. Лекин ўқувчилар кўпинча ўзларини қизиктираётган касбларнинг фақат романтик жиҳатларинигина кўриб, шу касбларга хос бўлган қийинчиликларни билмайдилар.

Чунончи, геолог касбида ўқувчиларни кўпинча саёҳат қилиш имконияти қизиктиради, аммо улар геологнинг қундулиқ оғир ишини: узоқ вақт давомида машаққатли кузатишими, жуда аниқ ўлчашлар билан шуғулланиш зарурлигини, турли жойларда ўша бир хил қидирув ишини ой сайян тақрорлаш кераклигини эсдан чиқариб кўядилар ёки билмайдилар.

Учувчи касби эса кўпинча турли жасоратлар, одатдан ташқари тез парвозлар, қаҳрамонона куткарув экспедициялари, дадил учиншлар ва шу кабилар ҳакидаги тасаввурлар билан боғланган. Ҳолбуки, учувчилар аввалин ва Ҳаммадан кўпроқ йўловчи, юк ва

багаж ташиш билан шугулланадилар, учувчининг фаолияти эса ҳайдовчининг ишини эслатади.

Ўқувчилар у ёки бу каеб тўғрисидаги ўз романтик тасаввурларигагина амал қилиб, касб оғалишга ўзларини чинакам тайёрламайдилар ва маҳсус ўқув юртларида ёки тажрибада касб қийинчиликларига дуч келганларида кўпинча ҳафсалалари пир бўлади.

4. Меҳнатнинг ақлий мазмуни ва баъзи касбларда, айникса оммавий касбларда ўсиш имкониятлари ҳакидаги нотўғри тасаввурнинг мавжудлиги навбатдаги камчиликдир. Ўзларимиз, одатда, енгил йўлларни кидирмайдилар, балки маҳнавий хислатларни, қобилиятларни, маҳоратни ривожлантириши мумкин бўлган жойларда ишлашга ҳаракат киладилар. Бу эса жуда соз, албатта. Лекин айни шу сабабдан мактаб ўқувчилари жамиятга зарур бўлган касблар ижодий, ақлий жиҳатдан ўсиш учун етарли даражада имконият бермайди, деб ана шундай касбларни кўпинча эътиборсиз қолдирадилар. Қийим тикиниша зўр коблият кўрсатаётган киз қандай бўлмасин шифокор бўлишини орзу килишини, дастгоҳда юксак маҳорат билан ишлабтган йигит токарлик касби ҳакида эшитишни ҳам истамаётганлиги синвари фактларни айни шу нарса билан изоҳлаш мумкин.

5. Ўз қобилиятларига тўғри баҳо бера билмаслик. Ўқувчи бирон ишни адо этиш ўчун ўзида кўпроқ қандай қобилият борлигини кўпинча аниклай олмайди. мактаб эса бу борада унга кам қўмаклашади. Бироқ ҳамма жойда унинг олдила барча йўллар очик эканини, ҳаммадан кўра кўпроқ қизикарли бўлган нарасаларни килиш лозимлигини унга таъкидлайдилар. Шу боисдан касбни умуман у танлайди: ўз хусусиятлари ва имкониятларини хисобга олмай, кўпроқ ёки камроқ ёқадими, барибири маълум касбни танлаб олади.

Шундай ҳоллар ҳам бўладики, ўсмир чизган сурат ва расмлар ўргамейёр бўлса ҳам у зўр бериб рассом бўлишга ёки математикани яхши билмаса ҳам санъат касб-хунар коллежларига ўқишга киришга ҳаракат килади.

Афсуски, бундай ҳоллар кам эмас. Ана шундай ёшлар турмушда омадсизларнинг, нотавон ходимларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

6. Ўқувчиларнинг бу ёки бу касбга зид бўлган ўз жисмоний хусусиятлари ва нуксонларини назар-писанд қилмаслик. Масалан майда иш (Уз. ДЭУ, Файз-холдинг. Узватотеххизмат, аниқ асбобсоз

ишилаб чикаринш корхонасига шу каби жойларда) билан боғлиқ қасблар учун күриш органининг занфлиги, транспортда ишилаш учун тўғри келмайдиган дальтонизм хасталиги, ўсмир геолог бўлишни хоҳласа ҳам лекин юрагининг заиф бўлиши, радиолокацияда ишилашни танлаган ёшлиарнинг эшитиш борасидаги камчилиги, дениздан сузини ва ердаги транспортнинг баъзи турларини ва шу кабиллар ана шундай камчилликлар жумласандандир. Ўсмирлар ўзлари танлаган қасбларга тўғри келмайдиган бу нуқсонларини билмасликлари оқибатидаги мос бўлмаган қасблар бўйича ишга ёки тегишли ўкув юртларига қабул қилимаганларида жуда ҳам хафа бўладилар, тушкунликка тушадилар.

7. Ўртоқларининг таъсири билан қасб танлаш. Ўкувчи ўз истакларини рӯёбга чикаринши ўйлаб ҳам кўрмаган бир пайтда унинг сипфодиши ўртоқлари қасб танлаш ҳақида фикр юритадилар. Ўкувчи бунда ўртоқларидан ажратиб колишини хоҳламайди чунки уларининг орзулари ёркин, жозибалидир. Шу тариқа ўкувчи «Мен улар билан бирга бўламан, чунки менга барибир» дейди. Кейинчалик эса у кийнала бошлайди, азоб чекади: нотўғри қасб танлаганинга пушаймон бўлади, ўзини қизиқтиргмаган, ўзига ёқмаган қасбда ишилаётганидан хафа бўлади.

8. Тасодифий сабаблар таъсири остида қасб танлаш. Баъзан ўсмир механика ишилаб чикаринш корхонаси хонадонимизга яқин бўлгани учун чилангар бўлиб ишга кирдим, дейди. Аммо ўзи бу қасбни унча ёқтиргмайди.

Педагогика йўналишдаги ўкув муассасига киришга конкурс унча катта бўлмаганилиги ёки кейинчалик бошка олий ўкув юртларига ўтказиб кетаман деган фикр билан билим даргоҳида ўқишига карор келидим, дейиниши айрим ёшлиар. Бироқ улар ўқитувчи бўлишини ҳаёлларига ҳам келтирмаган бўладилар. Баъзан йигит ёки киз лаборант бўлиб ишга кирдим, чунки танишларим ёрдам қилди, дейиншади. Лекин бу ишининг ўзига манзур бўлиш-бўлмаслигини сира ҳам ўйлашмайди.

Ўсмирларнинг етарли даражада тажрибага эга бўлмаганиларни ва катта ёшдаги кишиларнинг дуруст, малакали ёрдам бермаганиларни оқибатидаги қасб танлашдаги бундай хатолари олдини қандай қилиб олини мумкин?

Бунга факат бир хил жавоб беринш мумкин: бу борада катта ёшдаги кишилар бир мақсаддага қаратиб, муттасил, малакали ёрдам бериншлари керак. Ўсмирлар эса ана шу ёрдамга таяниб, келгусидаги

ҳаёт йўли тўғрисидаги масалани мустакил ҳал қилишлари лозим. Оммавий мактаб шаронтида ана шундай ёрдамни таникли қилиб, унинг қуидаги асосий вазифаларини назарда тутиш керак:

-VIII -IX синфларининг ўқувчиларида касб танланни масаласига жиддий ва масъулиятли муносабатда бўлинини тарбиялаш;

- ўсминаларнинг, қизиқишилари ва қобилиятларини, физиологик ва психологик хусусиятларини хамда -имкониятларини ўрганиш, ҳар бир ўқувчи ўз ҳаётини бағишланиши истайдиган фаолият соҳасини белгилаб олишида унга ёрдамлашини;

- V-IX синфларининг ўқувчилари ана шу синфларда тўрт йил мобайнида таълим олган чоғларидан уларни ҳалк ҳўжалигимизнинг асосий касблари билан аста-сскини таништириш, уларда асосий касбларнинг соҳиби бўлган одамлар фаолиятининг хусусиятлари тўғрисида тўғри тасаввурларни шакллантириш, ҳозирги вактда давлат, вилоят, туман ғоят муҳтоҷ бўлган оммавий касбларга катта қизиқиши ўйготиш лозим. Бунинг учун ҳар бир ўқувчини қизиқтирадиган касб билан чуқур таништириши, танлаб олиниадиган меҳнат соҳасида муваффакиятли ишланини учун зарур бўлган малака ва хислатларни ҳосил қилиши, шу касбга барқарор қизиқишини, танланган фаолиятга ўхаш бўлган ишида ўз имкониятларини мактабдаёқ текшириб кўриш истагини тарбиялаш юзасидан пухта ишлашни ташкил қилиш зарур.

Корхоналар ва ташкилотлар, жамоа ҳўжаликлари ва давлат ҳўжаликлари мустакил иқтисодий муносабатларга ўтиши ва уларда мулкчиликнинг муайян тури ташкил қилинини хамда ишнинг бошка шакллари жорий этилиши туфайли касбга йўналтириш муаммоларига муносабатларни ўзгартириш тўғрисидаги масала ҳам кўндаланг бўлиб қоляпти. Шунга мувофиқ тарзда касбга йўналтириш вазифаси ва V—IX синфларда ўқувчиларни касб танлашга тайёрлаш иши ҳам бошкача ташкил этилиши лозим. Бунда барча ўқувчилар касблар билан кенг ва пухта таништирилиши, қобилиятлари ва жисмоний имкониятларига мувофиқ уларнинг муайян фаолият турига бўлган барқарор қизиқишиларини аниклаш, касбга оид гурух тарзида ва якка тартибда маслаҳатлар ўтказиш, IX синфи тамомлагандан кейин маҳсус ўкув юртларига ўқишига киришни хоҳловчи ёшларнинг ўкув юртларини танлашида кўмаклашиб лозим.

Янги иқтисодий тафаккур ҳукм сурган ҳозирги шаронтида касбга йўналтиришда тарбиявий ёнлашувининг асосий хусусиятини

ва бу соҳада ошнб бориллаётган ишини умуман шахсни шакллантириш ишининг бир киёми хисобланади. Дарҳақиқат, қасб танлаш реал воқеаликдан ажралгаи тасодифий фаолият эмас. Йигит ва қизнинг қандай қарорга келиши ва улар бу қарорни қандай қабул қилиши кўпгина омилларга: бозор иқтисодиётининг мутахассисларга бўлган талаб-эхтиёжлари мухимлигига, мазкур жойда иш кучига бўлган талабларга ва иш шароитларига, ҳалк хўжалиги учун мутахассислар тайёрлайдиган ўкув юртларининг мавжудлигига ва уларда танловларининг каттагалигига боғлиқ. Қасб танлаш онлавий ахвол, яшаш жойи, қасбларнинг бир хилда оммабоп бўлмаслиги ва шу кабиларга боғлиқдир. Лекин қасб танлашни мухитдаги шарт-шароитларигина белгиламайди. Ўқувчилар билан алокада бўлаётган шахсларнинг таъсири ҳам катта аҳамиятга эгадир. Ўсмирларнинг ҳаёт йўлини белгилаб бернишда ота-оналарнинг роли накадар катта эканлиги ҳаммага маълум. Кўпинча ўқувчилар у ёки бу ишга дўстлари, ўртоклари, қариндош-уруглари, таниш-билишларининг маслаҳати билан кирадилар. Бу борада мактабнинг таъсири ҳам кам эмас. Ниҳоят, ўқувчилардан сўраш кўрсатганидек, бу соҳада ижтимоий ахборот воситалари: вактли матбуот, радио, телевидение, адабиётлар катта рол ўйнайди.

Табиийки, атрофдаги қишилар ва вазиятларнинг таъсири қасб танланни шакллантиради. Лекин бунда шахс уларни турлича қабул қилиши ва баҳолани мумкинлигини хисобга олмаслик мумкин эмас. Масалан, ўқувчилар ўзлари учун энг яқин қишилар бўлмиш ота-оналарининг истаги билан хисоблашмасдан қасб танлашлари мумкин. Атрофдаги қишиларнинг фикрига қарамасдан қасб танлаш ҳоллари мавжуд. Бунга сабаб шуки, қасб танлаш мухит таъсирига пассив жавоб сифатида эмас, балки онгли ҳаракат сифатида рўй беради. Бунда ташки таъсирлар қайта ишланади ва идрок килинади. Қасб танланда онглилик даражаси шахс қасбни қандай танлашига, у жамият талабларини, идвидуал хусусиятлар ва қизикишларни қанчалик хисобга олишига боғлиқ бўлади. Бинобарин, қасбни онгли равишда танлаш шахснинг муайян «етуклиги»ни, хусусаң маълум умумий маълумот даражасига эга бўлишни, меҳнатга тайёргарлик, ишлашга шайлик, қасб танлашга қизикиш, майлар, ижтимоий жихатдан қимматли бўлган сабаблар ўз қобилиятларига ўзи тўғри баҳо берин ва шу кабиларнинг мавжудлигини кўзда тутади.

Шахснинг ҳулқ-атвори учун асос бўладиган унинг фазилат ва хусусиятлари бирдан намоён бўлмайди ва ўзидан-ўзи вужудга

келмайди. Одатда, бу фазилат ва хусусиятлар шахснинг узок вакт давомидаги камолоти маҳсули, таълим ва тарбия шаронтига шахе фаолиятининг натижасидир. Касб танлаш бундан мустасно эмас. Касб танлаш ҳам шахснинг бундан олдинги бутун камол тоиниши билан тайёрланган. Шахснинг шаклланиш натижалари унинг касб танлашга кандай ёндашишига таъсир ўтказади. Бинобарин, касбга йўналтиришни ўқувчиларга таълим ва тарбия беришдан иборат умумий ишдан ташқари кўриб чиқиш ярамайди. Касбга йўналтириш маҳсус вазифага қаратилган бўлса ҳам, унга айрим «гадбирлар» деб қараш мумкин эмас. Касб танлашга тайёргарлик масаласини мактаб ўқувчиларига таълим ва тарбия бериш жиҳати деб қараш керак.

Шу нуқтаи назардан, масалан, касбга йўналтиришни ўшларнинг факат касбий қобилияtlарини аниқлашга ва қобилияtlари бўйича касб танлашда уларга ёрдам беришга қаратилган фаолият, деб хисоблаш нотўғри бўлур эди. Касб танлашда қобилияtlарининг мухим аҳамият ўйнашини ҳеч ким инкор кила олмайди. Лекин бунда шахснинг бошқа жиҳатларини ҳам назарда тутиш лозим.

Касбга йўналтириш муаммосини шахснинг факат қизикишларини ёки типологик хусусиятларини хисобга олиб ҳал этиш йўлидаги уринишларни ҳам нотўғри уринишлар, деб хисоблаш керак. Масалан, қизикишлар шахснинг мақсадини ифодаласа ҳам, лекин унинг касбий жиҳатдан мухим хусусиятлари ва хислатларини тўлик акс эттиrmайди. Бундан ташқари, қизикишлар гез-тез ўзгариб турари ва ҳамма вакт ҳам етарли даражада асосланган бўлмайди. Шу нарсани ҳам ёддан чиқармаслик керакки, ўшларнинг касбий қизикишлари жамиятнинг талаб-эҳтиёжларига мос бўлиб тушмаслиги мумкин.

Юкорида айтилганларнинг ҳаммасини касбга йўналтириш ишида одамлинг шахсий хусусиятларини ўрганишнинг ролини камситишdir, деб талқин килиш ярамайди. Аксинча, одамининг шахсий хусусиятларини хисобга олмай туриб, шахснинг собитқадам шаклланишига эришиб бўлмайди. Ўқувчиларнинг шахе хусусиятлари, қобилияtlари, қизикишлари, характеристини, жисмоний камолотини билиш ўқувчиларни фаолиятнинг кайси бир турига тайёрлаш максадга мувофик эканини белгилаш учун зарур. Бунда одам ўзининг табиий хусусиятлари билан белгиланган ёзгу касбни кидириш ва-зифаси ўртага қўйилаётгани йўқ, балки таркиб тоиган психологик хусусиятлар ва жисмоний белгилар бўйича шу одам учун бирмунча максадга мувофик бўлган касбий фаолиятнинг

умумий характери ёки касблар типигина аникланади. Шахсни ўрганини халдан ташқари бир томонлама туsgа эга бўлмаслиги лозим, чунки бу хол унинг касбга яроқлилигига баҳо беришда ва унинг камол топини йўналишини белгилашда нотўғри хуносалар чиқаринишга олиб келиши мумкин.

Шундай килиб, мактабдаги бутун таълим ва тарбия тизими ўқувчиларни онгли равишда касб танлашга тайёрлашни таъминлайди. Ўқувчиларни касб танлашга тайёрлаш умумий политехник ва меҳнат таълими жараёнида, синфдан ташқари ва мактабдан ташқари иш жараёнида олиб борилади.

Шундай килиб, касбга йўналтириш ишининг мазмуни:

- политехник таълим, мактабдан ташқари ва синфдан ташқари иш жараёнида ўқувчиларни бозор иктисадиётининг турли тармоклари (саноат, транспорт, алоқа, курилиш, уй-жой коммунал хўжалиги, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, согликни сақлаш, таълим, маданият ва санъат, ижтимоий-иктисадий соҳа, савдо умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш соҳалари), энг оммалашган касблар билан таништиришни;

- ишилаб чиқариш шароитларида турли ишларни бажариш учун зарур бўлган кўникма ва малакаларни ўқувчиларга сингдиришни, меҳнат таълими жараёнида уларда кичик мутахассислар касбларига кизикини тарбиялашни;

- болаларнинг техник ижодкорлиги, тажрибачилик ва таълим-тарбия ишининг бошка шакллари жараёнида ўқувчиларда касбкорлик қобилиятларини, майлларини ва кизиишларини ривожлантиришни;

- ўқувчиларда ишчи касбларига кизиқиш ва хурмат билан карашни тарбиялашни, ўқувчиларни ана шу касбларни танлашга тайёрлаш ҳамда мактаб, оила ва ишилаб чиқаришнинг биргаликда иш олиб борини тизимида меҳнат ва касбий анъанааларни қўллаб-куvvatлашни;

- педагогик маслаҳатлар бериш йўли билан касбни тўғри танлашда ўқувчиларга ёрдам беришни ўз ичига олади.

Мактаб ўқувчиларни касбга йўналтириш жараёнида уларда касбга бўлган кизикинилар ва идеалларнинг ахлокий асосларини, касб танлашнинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган важ-сабабларини шакллантиради.

Касбга йўналтириш иши - бутун педагоглар жамоасининг ишидид. Бу иш таълим-тарбия жараёнининг таркибий кисми бўлиб

қолиши лозим. Шу билан бирга бу ишни муваффақиятли олиб бориш учун умумий таълим мактаби имкониятлари донрасидан келиб чикадиган маҳсус иш шаклларини жорий этиш зарур. Бундай иш шаклларига, аввало, аниқ қасбларга оид меҳнат мазмуни ва шу қасбларнинг одамга қўядиган ўзига хос талаблари тўғрисидаги ахборот, иш ва қасбга ўргатиш шаронитлари ҳакида, корхоналарда ва таълим муассасаларида кадрларга бўлган талаблар тўғрисидаги ахборот, қасблар ҳакида маслаҳатлар бериш киради. Шунинг учун ҳам мактаб ўқувчилари билан қасбга йўналтириш ишнинг ўтказинига корхоналарни, жамоатчиликни, оммавий ахбо-рот воситаларни жалб қилиш, қасбга оид маҳсус маслаҳат пунктларини тузиш керак бўлади, бундай пунктларда ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари қасб танлаш учун зарур бўлган маълумотларни олишлари мумкин. Буларнинг ҳаммасини қасбга йўналтириш хизмати деб аташ мумкин. Бундай хизматнинг вазифаси - ўқувчиларни аниқ қасбга йўналтириш масаласини тўғри ҳал қилишда мактабга ёрдам беришдан иборатдир.

Қасбга йўналтириш ишнiga тарбиявий ёндашув гояси янги гоя эмас, албатта. Бу борада вужудга келгани назария ва амалиёт икки йўналиш бўйича: бир томондан, қасбий қобилиятларни ташхиз қилиш йўналиши, иккинчи томондан, қобилиятларни ривожлантириш, қасбга бўлган қизикишни тарбиялаш йўналиши бўйича ривожланмоқда. Чунончи, ташхиз қилиш йўналиши одамнинг қобилиятлари тугма ва унинг табиий асосини на таълим берib, на тарбиялаб, на фаолият жараёнида ўзгаририб бўлади, деган фикрга асосланади. Шу боисдан одамнинг келажакдаги қасби олдиндан белгилаб қўйилган, уни имкони борича барвакт пайкаш керак. Шу муносабат билан одамнинг қасбга яроқлилигини аниқлаш ва ходимларни ўтказилган текшириш натижаларига караб иш ўринларига жойлаштириш қасбга йўналтиришнинг асосий вазифасидир. Бу натижалар инсон учун маълумот даражасини ва ихтисосини ҳам олдиндан белгилаб бериши лозим.

Туғма қобилиятлар тўғрисидаги таълимот тарафдорлари шахсни ўрганиш методи сифатида тестларни⁸ тилга оладилар ва уларни биринчи ўринга қўядилар.

Маълумки, назарий концепция тадқиқот методикасинигина эмас, балки иш тажрибаси(амалиёт)ни, шунингдек маълум даражада унинг ташкил этилишини олдиндан белгилаб беради. Ана шу йўналиш тадқиқотчилари қасб учун одамларни танлаш қасбга йўналтириш ишининг асосий шаклинилар. Бунда

каеб учун одамларни тапшынганда жойлаштириш учун номзодларни «олакдан ўтказни» сифатида тушупшилади: қобиляйтларнинг ишлаб чинилган нормаларига мөс бўлган одамлар қабул қилинади, зарур кўреаткічларга мөс келмаган кишилар эса ишга олинмайди.

Қобиляйтлар - одам бошлангич табиий белгилари ва унинг фаолияти натижаларининг «қорищмаси»дир; фаолият натижалари «қурилиш материали» сифатида қобиляят қаторига киради (С. Л. Рубинштейн); бинобарин, қасбга яроклилик ҳам муайян даражада физиологияни натижасигидир.

Қизиқишига кўра гурух аъзолари ундаги асосий ва аралаш касблар бўйича материалларни, яъни нашрлардан кирқиб олинган профессионал меҳнат ва ишлаб чиқариш илғорлари ҳақидаги фотосуратларни, ишлаб чиқаришининг турли масалалари бўйича статистик маълумотлар, ҳалк хўжалиги турли соҳаларининг тараққиётини кўрсатадиган схема диаграммаларни ҳамда мазкур иктиносидий туманинг ишчи кадрларга бўлган эҳтиёжи ҳақидаги маълумотларни йигишлари лозим. Тўпланган материаллар «Менинг севган касбим» деб номланган маҳсусе стендга жойлаштирилади.

Бирок қизиқишига кўра гурухларнинг фаолияти материаллар тўилаш билан чекланиб қолмайди. Гурухларда эътибор кўпроқ ихтиносслар бўйича ўқувчиларнинг амалий-фаолиятига, уларнинг меҳнат мазмунини анилтишларига, асосий меҳнат усулларини эгаллашларига қаратилмоғи лозим. Қизиқишига кўра гурухларда ишининг бундай ташкил қилиниши унинг аъзолари ўртасида касбга қизиқиши таркиб топтиришини таъминлайди.

Қизиқишига кўра клублар ишининг мазмуни ҳам қизиқишига кўра гурухлар ишининг мазмунига ўхшаб кетади. Бироқ клубларда бажариладиган иш ҳажми ва унга қатнашувчилар сони гурухларнинидан анча кўпроқ бўлади. Улар орасидаги асосий фарқ ҳам шундан иборатдир.

Касбга қизиқиши ривожлантириш формасига мисол тарпиасида: «Ёш темир йўлчилар клуби», «Ёш қурувчилар клуби», «Ёш менежерлар клуби» ва ҳоказоларни киритиш мумкин. Қизиқишига кўра клублар турли хил мактаблардан жуда кўп ўқувчиларни ўзига қамраб олиган.

Клубларда касбларни ўрганиш ва касбга қизиқиши методлари қизиқишига кўра гурухларни билан бир хил бўлади. Қизиқишига кўра клубларда касбга онд ахборотлар тўилаш учун, ишда тажриба

алмашиш ҳамда ишчи касби ҳақида билимларни ташвиқот килиши учун яхши шароитлар яратилған.

Касблар ва касбларға қызықшы ҳақида рефераттар.

Үқувчилар өрасида бундай шипларни амалга оширишдан мақсад касб билан яқинроқ таништириші ва мекнатининг муайян бир турига бўлган қизиқишини кучайтиришдан иборатдири.

Мехнат таълими дастурларида мактабда үқувчиларга катор касблар ҳамда металл ва ёғочга шидов берини технологиясини, хизмат кўрсатиш меҳнати, кишилек хўжалини ихтиослари билан танишиш имконини беради.

Бирок, бу касблар мазмунини тўла ўрганиши учун бу маълумотлар етарли эмас. Шунинг учун ҳам қандайдир аниқ касбга муайян даражада ҳаваси бўлган үқувчиларга реферат темаларини таклиф этиш зарур.

Механизаторлик касби бўйича рефератларининг тахминий режаси куйидагича бўлини мумкин:

1. Сен механизатор касбини қандай тасаввур киласан?
2. Бу касб сенга нима учун ёқиб қолди?
3. Мустакилликка эришгандан аввал кишилек хўжалиги механизация

билин қандай таъминланған эди ва ҳозир қандай?

4. Фермер хўжаликларда қандай кишилек хўжалиги манишаларидан фойдаланилди, мамлакатимизда кишилек хўжалик техникини тараққиётининг исшқболлари қандай?

5. Механизатор меҳнатининг мазмуни нимадан иборат?
6. Қаерда ва қайси ўқув юртларида бу касбни эгаллаш мумкин?

Уқиш шароитлари ва келгусидаги истиқболи.

7. Келажакда сенинг режалариниг қандай?

Мазкур касбга доир реферат учун материаллар тайёрлаш ва йиғиш, уни турли кишилек хўжалик манишаларига шилаб туриб параллел ҳолда ўрганиш ўқувчиларга бу касбни яхши билишинига эмас, балки унга бўлган барқарор қизиқишини таркиб топтириш имконини ҳам беради.

§ 3.4 Касбга доир консультация ишларининг мазмани ва турлари.

Касбга доир консультациялар ташкил қилишда хатосиз касб танлашда ёшларга ёрдам бериш, ёш инсон қобилиятини янада тўлароқ ривожланиши учун шаронглар яратиш асосий вазифа қилиб қўйилади.

Касбга доир консультация мактабини битириувчи синфлар билан ўтказилган бир марталик сухбат характерини олиб қолмай, балки шартли боскичларга бўлгинган ҳолда таълимнинг барча даврлари мобайнида ўтказиб турилиши керак.

Чунончи, биринчи боскичда (касбни тушунтириш жараёнида, яъни касб танлашга тайёрлаш даврида) касбга доир консультация иштиёқ ва қобилиятининг ривожланиши бўйича йўналтирилган ишларни танинида ўқувчиларга ёрдам беришга, ўқувчи индивидуал хусусиятларини ўрганиши асосида касбга қизиқишини шакллантиришга қаратилган бўлиши керак. Шундай қилиб, касбга тайёрлаш консультациялари факат касбга қизиқиш бўйича ишларни эмас, балки шахенинг шаклланишини ҳам назарда тутади.

Иккичи боскич ўқувчиларнинг жисмоний ва ақлий ривожланиши, касбга қизиқиши ва қобилияти, мазкур касбга қаинчалик тайёрлиги сифати, даражаси, соглиги ҳақидаги омилларни хисобга олган ҳолда профессионал тайёргарлик кўриш йўли ва аниқ касб ганилаш билан боғлиқдир.

Бу боскични касбга оид консультациянинг якуний боскичи деб аташ ҳам мумкин. Бу боскич ўқувчиларнинг VIII—IX синфларни битиришлари олдидан фан ўқигувчилари, синф раҳбарлари, мактабининг касбга оид комиссияси, касб танлашга йўллаш хонаси, корхоналарининг вакиллари, таълим муассасалари ва буюргмачиларнинг ходимлари томонидан ўтказилади.

Учинчи боскичда касб танлашларга аниқлик киритиш ҳамда ўқувчиларнинг касб танлашдаги хатоларини тузатишдан иборат аниқловчи консультация амалга оширилади. Касбга оид консультациянинг бу тури, одатда, собиқ ўқувчилар корхонада ишлаётган ёки касб-хунар коллежларида ўқиётган вақтида ўтказилади.

Касбга оид консультациялар куйидаги асосий формалари билан фарқ қиласади:

1. Ташкилий-маълумотнома.
2. Медицина.
3. Психология-педагогика.

Ташкилий-маълумотнома консультацияси.

Касбга оид консультациянинг бу тури хамиша инглатинадиган ахборот- маълумотнома материаллари тизими етарли даражада бўлганда яхши натижা берини мумкин. Мехнат ресурсларидан фойдаланиш бўйича бўлим ва касб- хунар таълими боникармаларида жамланадиган пишли кадрларга бўлган эҳтиёж ҳакидаги, касб-хунар коллажларига қабул қилини ва хоказолар ҳакидаги маълумотлар ахборот-маълумотнома материаллари ўрнида фойдаланилиши мумкин.

Шуни эсда тутиш керакки, касб-хунар коллажлар, академик лицейлар ва олий ўкув юртлари ҳакидаги маълумотлар тегишили справочникларда тўплангани бўлади. Бу справочниклар хар йили қайта нашр этилади ва китоб дўконларига сотувга чиқарилади.

Касбга доир консультациялар ўтказишда зарур маълумотларни саклаш, қидириш ва улардан фойдаланиш учун маҳсус ташкил этилган картотекалар катта кулайликлар тугдиради. Фойдаланиш учун мукаммалроғи ва қулайрогоғи чети тешикли карточкалар хисобланади. Перфокарталар одатдаги карточкага иисбатан ўз ичига касбга оид консультациялар бўйича зарур материалларни кўпроқ олади.

Касбга оид консультациялар учун кўпроқ ахборот материаллари хозирги вактда адабиётларда жамланган. Бироқ, улардан фойдаланишнинг қийинлиги шундаки, касбга ва касб танлашга йўллашга оид маълумотлар турли хил манбаларда мавжуд. Шунинг учун касблар ҳакида ахборот берувчи консультантдан факат касб ҳакидаги тавсия адабиётларининг рўйхати эмас, балки келажакда касб танлаш билан боғлиқ бўлган баъзи (масалаларни аниқлашда эҳтиёж сезадиган, ўкувчилар фойдаланишини мумкин бўлган) адабиётларнинг ўзи хам бўлиши зарур.

Бироқ, касбга доир консультантининг иши ташкилий-маълумотнома консультацияларига катта аҳамият бериш эмас, балки ўкувчилар мақсадини мазкур иктиносидий туманининг кадрларга бўлган эҳтиёжига яқинлаштириш имконини берадиган йўналишларини қидириб тоини хамдири. Бу ишлар шифокор ва психологларнинг консультацияларини хам мустасно этмайди.

Хар бир ўкувчи ўзинга адашмай касб танлар экан, унинг мазмунини билиши ва унга кизикишини англатишнинг ўзи етарли бўлмайди. У касбнинг инсонга қўядиган барча талабларига ўкувчининг соглиги жавоб бера олишинни ҳам билиш зарур.

Маълумки, ўкувчиларнинг медицина кўригидан ўтиб туриши мактаб шифокори ва маҳсус тиббий ташхис назоратига юклатилган. Мактаб шифокори ўкувчининг ўсиш ва ривожланиш хусусиятларини, улар соглигининг ахволини мунтазам кузатиб бориши лозим. Касб танлашига доир барча маслаҳатлар хар бир ўкувчининг индивидуал хусусиятларидан келиб чиккан ҳолда берилishi лозим, чунки организмдаги касалликлар айрим касбларни танлани ва эгаллашга йўл бермаслиги мумкин.

Нокулай шаронитлар таъсири остида ўкувчилар организмida функционал, баъзан эса потологик бузилишлар нисбатан тез-тез пайдо бўлади. Мактаб ёшидаги болаларда одатда ўз имкониятини ортиқча баҳолаш ҳамда атроф муҳитни тўғри баҳолай олмаслик ҳоллари учрайди. Шу сабабдан кўпгина ўсмиirlар ўз соғликлари танланадиган мөхнат турига мос келиши-келмаслиги-ни ҳамма вакт ҳам ҳисобга олавермайдилар, бу масалага ота-оналар ҳам доимо тўғри муносабатда бўлавермайдилар, нотўғри танланган касб саломатликни кескин ёмонлашишига олиб келишйни камдан-кам ўйладидилар.

Шунинг учун ҳам касб танлаганда шахсий майл ва кизикишдан ташкири, организмининг функционал имконияти, хусусан, соғлиқнинг ахволи, жисмоний ривожланганлик, асаб системаси ва юрак-кон томир хусусиятлари, куч ва кобилияти, эшитиш, кўриш ва бошқа хусусиятлардан келиб чиқни лозим бўлади.

Кишини физиологик маълумотларининг касб талабларига мос келмаслиги бир хил шаронитда бир боланинг ишни яхши уddaлашига, иккинчи боланинг ишни удалай олмаслигига олиб келади.

Демак, касбга яроқликини тиббий назорат комиссияси томонидан ҳисобга олини касал ўкувчиларгагина эмас, балки соглом ўкувчиларга ҳам зарур.

Ўкувчиларнинг касб танлашида уларнинг жисмоний ривожланишини, организмидаги физиологик ўзгариш хусусиятларини, ўсмирининг соглигини ҳисобга олган ҳолда тўғри йўл тутиш тўғри ривожланиш ҳамда меҳнат кобилиятини

йўқотишни илгарироқ олдини олишга шарт-шаронглар яратади. Бундан ташкири, организминг компенсаторлик имкониятларини ривожлантириш учун мослашиш жараёнларини фаоллаштириш усулларидан бирни саналади. Шунинг учун саломатлигида ёки бу даражада касалликлар мавжуд бўлган ўсмирларда касбни тўгри танлаш ва ишга жойлашиш кўпчилик ҳолларда уларнинг соғайиб кетишига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Психологик-педагогик консультация

Касбга доир консультациянинг бу тури ўкувчиларга ўз имкониятларини тўгри баҳолаш, фаолиятнинг индивидуал услубини ҳосил қилиш имконини беради, шахсий қизиқишиш ва қобилиятларини бозор иктисадиётининг малакали кадрларга бўлган эҳтиёjlари билан мослаштириш учун яхши шаронитни таъминтайди. Бироқ, касбга доир консультациянинг бу тури бўйича бир катор назарий ва методик масалаларни етарлии ишлаб чиқишимагани ва тайёргарлиги бўлган мутахассисларнинг камлигиги муайян даражада қийинчиликлар туғ-диради. Мавжуд қийинчиликларга қарамай, ҳозирги найтда психологик-педагогик консультация масалалари бўйича муайян ишлар қилинмоқда, кейинрок уларни амалга оширини юзасидан катор методик тавсияларни берамиз.

Энг кўп тарқалган методлардан бири сухбат методи. Бу методнинг максади ўкувчи шахсининг майли ва касбга доир қизиқишиларини аниклашдан, зарур ҳолларда эса касбга доир қизиқишиларни жамиятнинг ижтимоий эҳтиёjlарига мувофиқ равишда тузатишдан иборатdir.

Психологик консультациялар тизимида сухбатлар аниқланган қизиқишини рағбатлантириш ва ривожлантиришга, ёки аксинча, хато, кераксизларини тўхтатиш ҳамда муайян майл ва касбга доир қизиқишини бошқа йўналишга солиб юборишга каратилган бўлади. Бунда психологик-дидактикани тушунтириш, ишонтириш, рағбатлантириш, койиш каби усулларидан фойдаланиш зарур. Ўкувчи билан консультант ўртасида муваффакиятли психологик алоқа ўрнатиш, уни маҳорат билан ўтказилишига боғлиқ, оптималь психологик шаронглар яратиш эса консультант билан ўкувчи муаммосининг бошлангич боскичида тез-тез учраб турадиган танглик тўсигини бартараф этишга ёрдам беради. Аммо касбга доир консультация сухбатининг характеристи, консультация ўтказилаётган

даврга караб, хар хил: бу дастлабки даври — кириш ва ташхис, кейинги даври — аникловчи ва ахборот характерида бўлиши мумкин. Масалан, аниклаш сухбатининг мақсади ўқувчининг касб танлашининг хакиқий сабаби, унинг тўғри танлашига бўлган ишонч даражасини аниклашдан иборат, чунки касбга доир консультантнинг мазкур ўқувчи билан бундан кейинги олиб бориладиган ишларининг муваффақияти шунга баглий.

Аникловчи сухбатдан олдин ўқувчилар текширувдан ўтадилар. Текширув анкета саволларига жавоб олиш, қизикиш, карталарини тўлдиртириш, ота-оналар, фан ўқитувчиларининг ўқувчиларга бергани характеристикаси ёрдамида амалга оширилади.

Ўқувчиларининг шахсий сифатлари хакидаги маълумотларини тўпланида кўлданадиган хужжатлар намунаси ҳамда улардан фойдаланиши методикаси турли хил кўлланмаларда берилган.

IV БОБ. КАСБЛАР КЛАССИФИКАЦИЯСЫ

§ 4.1. Классификациянынг умумий күринші

Дунёда минглаб касблар бор. Мана шу рангбаранға касблар оламида қандай қилиб мұлжал олиш керак? Ҳаёт йўлини меҳнат фаолиятини тўғри бошлаш учун қайси касбни танлаган маъкул? Бу ишда касблар классификациясы сизга яхши ёрдам беринші мүмкін,

Кўпгина предметларни ўрганиш чогида сиз ҳар хил оддий ва мураккаб обьектлар, фактлар, воеа-ходисалар ва бошқа шунга ўхашаш нарсалар қандай тизимлаштирилишини билиб олгансиз. Масалан, ўсимлик ва ҳайвон организмлари типларга, туркумларга, турларга, оиласларга, отрядларга бирлаштирилади.


Касблар классификациясы учун ҳар хил белгиларни асос қилиб олиш мүмкін. Масалан, уларниң номлари бошланадиган биринчи ҳарфлар бўйича бўлиб чиқиши мүмкін. Бу худди лугатларининг тузилишига ўхшаган бўлади. Тўғри, бундай классификациядан касб танлаш учун фойдаланиш уччалик кулай бўлмайди, чунки каеб танлаш учун энг аввало ўша касбнинг номини билдириш керак. Ҳамма гап шундаки, кўп ҳолларда касбнинг номи, унинг қандай аталиши касб танлаётган кишига маълум бўлмайди. Масалан, айтайлик, сиз яхши расм. чизасиз, бу машғулот сизга жуда ёқади ва сиз бундан кейин ҳам ўзингиздаги мана шу расм чизиш қобилияти керак бўладиган жойда ишлашни хоҳлайсиз. Хўш, айтингчи, сиз газмол ишлаб чиқаришда расмлардан нусха кўчирувчи деган касб борлигини, полиграфияда — дизайнер, колорист, ретушёр касби, бадиий-заргарлик буюмлари ишлаб чиқарадиган корхоналарда инкрустатор касби борлигини биласизми? Бу рўйхатни яна давом эттириш мүмкін.

Касбларни яна улар бозор иктисолиётининг қайсан соҳасига тааллукли эканлигига қараб ҳам жойлаштириб чиқиши мүмкін. Бундай классификация корхоналар ва ўкув юртларининг раҳбарлари учун қулай бўлса ҳам, лекин касб танлаётган кишига уччалик кўл келмайди. Чиндан ҳам, масалан, биргина тикувчилик саноатининг ўзида модельер-конструкторлар, технологик жиҳозларни созловчилар, чилангарлар, газмолни саралайдиган хисобчи-танловчилар, киркувчилар, тикувчи-мотористлар, хисобчилар, иктисоличилар, сингари жуда кўп касблар мавжуд. Лекин кишининг шахсий фазилатлари (қизиқишилари, майлари, қобилятилари, хосил

кишининг тарбиятни) бидай саноатининг бир тармоғидаги касбларни бутунлай қамраб олиш мумкиним? Албатта, йўқ. Шунинг учун ҳам тармок белгилари бўйича тузилаган классификациядан эмас, балки одамининг ўзидан, яъни меҳнатда бевосита иштирок этадиган кишининг ўзидан келиб чиқадиган белгиларга қараб тузиб чиқилган классификациядан фойдаланиш касб таилаётган киши учун қулай бўлади.

Чинди ҳам, одамни таилаётган вақтда унинг дикқат-эътибори соҳида эмас (бу соҳа қитчалик яхши, обрў-эътиборли ва бошқа кўнгина афзалликларга эга бўлишига қарамай), балки меҳнат предмети (объекти)га қаратилган бўлади. Мана шу предметни ишлатиб, нимадир қилиш керак (бу энди меҳнатнинг мақсади бўлади). Ҳар қандай меҳнатда қуроллар, воситалар мавжуддир. Нихоят, одам учун унинг қандай шароитда ишлаши муҳим аҳамиятга эга дир. Касб таилашни ўйлаётган киши учун қулай бўлган касблар классификацияси мана шу тўртга белгига қараб тузилади.

Схематик тарзда олганда, бундай классификацияни тўрт қаватдан иборат пирамида шаклида тасаввур қилиш мумкин. Унинг қаватлари: касбларнинг типлари; касбларнинг туркумлари; касбларнинг бўлимлари; касбларнинг группаларидан иборат бўлади (1 -расм). Энг юкорида бўш колдирилган тўғри бурчак сизнинг бўлажак касбнингизга мўлжалланган.



1- расм. Касблар классификациясини кўрсатувчи схема

Ушбу схемани сиз ўзингизнинг келажақдаги меҳнат йўлингизни таилаётганингизда ўйлаб олишинингизга имкон берадиган,

аста-секин пастдан юкорига қараб чиңиб борининніз мүмкін бўлган (касб типини аниклашдаи бошлаб унинг туркумини мухокама қилишга ўтиш ва ҳоказо) бир «пиллатоя» сифатида қараши мүмкін.

1. Касбларни кандай белгиларга қараб қласификация қилиш мүмкин?

2. Нима учун касблар қласификациясини билдиш зарур?

§ 4.2 Касбларниң типлари

Мехнат предметига қараб барча касблар бешта тиңга бўлиниади.

1. «Одам — табиат». Бу ерда меҳнатининг асосий, етакчи предмети жонли табиатидир. Бу тиңга, масалан, қуйидаги касблар киради: уругшунос, мева-сабзвотишучос, давлат уруғчилик инспекциясининг лаборантти, чорвалор-уста, химик-бактериологик анализ лаборантти, зоотехник, агроном.

«Одам-табиат» типидаги касблардан қуйидагиларни ажратиб қўрсатиш мүмкин:

ўсимликлар организмни меҳнат предмети бўлган касблар;
хайвонлар организмни меҳнат предмети бўлган касблар;
микроорганизмлар меҳнат предмети бўлган касблар.

Юқорида қўрсатиб ўтилган бўлиниши «одам-табиат» тиңидаги касбга мансуб бўлган кишинилар меҳнати факат эслатиб ўтилган предметлар гагина қаратилган бўллади, деган маъноини англатмайди, албатта. Ўсимлиқшунослар, масалан, жамоа орасида ишлайдилар, хилма-хил техникадан фойдаланадилар, уларнинг ўз меҳнатларини хисобга олиш, унга иқтисодий баҳо берини масалалари билан ҳам шуғулланишларига тўғри келади, лекин барни бир ўсимлиқшуносларнинг диккат-эътиборини жалб этадиган ва улар ғамхўрлик қиласидиган асосий предмет — бу ўсимликлар ва улар ўсадиган муҳит хисобланади.

Мазкур типдаги касбни танлаши вактида сиз ўзингиш табиатга қандай муносабатда бўлишингиз жуда муҳим аҳамиятга эгадир: сиз унга дам оладиган, кўнгил хушлик қиласидиган жой деб караيسизми ёки ўзингизни бутун куч-гайратинингизни бирор маҳсулот ишилаб чиқаришга сарф этишга шайланадиган устахона деб караисизми? Бу саволга жавоб берини учун одам ўзини ишилаб чиқарини билан боғлик бўлган, жонли табиатга алоқадор ижтимоий фойдалари меҳнат

жараённда ёки тегишини түтәреклар, қизиқиши бүйича тузилган гурухларининг машгулотларида қатнашиб синааб кўриши мумкин.

«Одам-табнат» тинидаги қасбларни танлаш вақтида ҳисобга олиш зарур бўлган яна бир жиҳат бор. Мехнатнинг биологик обьектларининг ўзига хос-хусусияти шундан иборатки, улар (ўзички қонуниятларига кўра) мураккаб, ўзгарувчан ва ностандарт бўладилар. Ўсимликлар ҳам, жониворлар ҳам, микроорганизмлар ҳам дунёга келиб яшайдилар, ўсадилар, ривожланадилар. Шунингдек қасалликка чалинадилар ва ҳалок бўладилар. Бу соҳада ишлайди-ган ходим тирик организмлар тўғрисида жуда кўп нарсаларни шунчаки билибгина қолмай, шу билан бирга кўпинча мукаррар равишда содир бўладиган ёки содир бўлиши эҳтимол тутилган ўзгаришларни ҳам олдиндан кўра билиши керак. Конкрет меҳнат визуфларини ҳам қилини вақтида одамдан ташаббускорлик ва мустақалик талаб қилинади, у табнатга нисбатан ғамхўр ва узоқни кўра оладиган киши бўлиши керак.

Ўз иш дафтариңизга кўйидаги саволларни ёзib олинг ва улара жавоб беринг:

Бу иш сизга ёқадими, кўйидаги ишларни бажаришни хоҳлармидиниз?

1. Ёнсиятнидан лаборатория ишлари ва амалий маани улотларни бажаришни истайсизми?

2. Мактаб ўкув-тажриба участкасида, тирик бурчакда, ўқувчилар ишлаб чиқарини бригадаси далаларида ишлаш сизга ёқадими?

3. Ўз томорқангизда, ботингизда, полизингизда ишланиши истайсизми?

4. Уй хайвонларини бокинини истайсизми?

5. Жонли табнат тўғрисидаги илмий-оммабоп, бадиий адабиётни ўқишни севасизми?

Агар мана шу саволларининг кўпчилигига «ҳа» деб жавоб берадиган бўлсангиз, у холда «одам-табнат» типидаги қасбларнинг сизга тўғри келиши эҳтимолдан узок эмас. Бироқ, ҳозирча бу хуносани ҳали узни-кесил хуноса деб ҳисоблаб бўлмайди. Кейинчалик сиз яна бир тапкаб омилилар йигинидисини билиб оласизки, қасб танлашда шу омилиларни ҳисобга олмоқ зарур.

2. «Одам-техника». Бундай қасблар тинидаги меҳнатнинг асосий етакчи предмети техника обьектлари (машиналар, механизмлар ва

бошқа шунга ўхшашибар), материаллар, энергия турларидан иборат бўлади. Жонсиз табиат обьектлари (Ер ости бойликлари, тупроқ, сув, ўрмон ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари) хам кўп жиҳатдан шуларга ўхшаган бўлади.

Бу ерда ходимларининг меҳнати факат техникагагина қаратилиб колмайди, албатта. Чунончи, троллейбус хайдовчиси иш вактида йўловчилар билан мулокотга киршиади, кран машинисти (кранчи) қишлоқ хўжалик ҳайвоилари камалган кафасчани ортиш билан машғул бўлиши мумкин ва хоказо. Лекин барибири мазкур ҳолатларда ходимларининг касбий диккат-эътибори қаратиласидиган ва улар ғамхўрлик қиласидиган етакчи предмет - техника обьектлари ва уларнинг хусусиятлари бўлиб қолаверади.

«Одам-техника» тиннидаги касблардан куйнадагиларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

казиб олинган тупроқ, тог жинсларига ишлов берини билан боғлиқ бўлган касблар: бульдозер машинисти, бўргулаш курилмасининг дизелисти, кон техники, мухандис-геолог ва шунга ўхшашибар;

нометалл саноат материаллари, буюмлар, чала маҳсулотларга ишлов бериш ва улардан фойдаланиши билан боғлиқ бўлган касблар: дурадгор, кенг профилдаги оптика, тўкувчи, тикувчи-модельер, мухандис-технолог ва бошқалар;

металл ишлаб чиқариш ва унга ишлов берини, машиналарни, приборларни механик усулда йигини ва монтаж қилиш билан боғлиқ бўлган касблар: токар, программа билан бошқариладиган станоклар оператори, слесар-асбобсоз, техник-металлург, ярим автомат машиналарда электр билан пайвандловчи ва хоказо;

технология машиналари, жиҳозлари, транспорт воситаларини ремонт қилиш, созлаш ва уларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган касблар: таъмирловчи-чилангар, технологик жиҳозлар созловчиси, мухандис-механик ва бошқалар;

бинолар, иншоотлар, конструкцияларни монтаж, тамирлаш билан боғлиқ бўлган касблар: арматурачи-бетончи, кўлда ишлатиладиган асбоб билан кавшарловчи-электр пайвандловчи, чилангар-тамирловчиси, архитектор ва бошқалар;

электр жиҳозларини, приборларни ва аппаратурини йигини, монтаж қилиш билан боғлиқ бўлган касблар: электр монтажчи, радиоаппаратлар ва приборлар монтажчиси, микросхемаларини йигувчи, соатсоз йигувчи, инженер-физик ва бошқалар;

электр жиҳозлари, приборлар, аппаратлар ремонти, созланиши ва уларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган қасблар: радио ва телевизион аппаратларга хизмат кўрсатиш ва уларнинг ремонти бўйича радиомеханик, электрочилангар, программа билан бошқариладиган станокларни созловчи, электр алоқалари техники, радио-физик ва бошқалар;

юқ кўтариши, транспорт воситаларини кўлланиш ва уларни бошқарни билан боғлиқ бўлган қасблар: автомобил хайдовчиси, механизатор, авиакомпанияларнинг учувчиси, автомобил транспортидан фойдаланиши мухандиси ва бошқалар;

қилинг хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган қасблар: ошпаз, нонвой, озик-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мухандис-технолог ва бошқалар.

Техника обьектларини қайта ишлаш, ўзгартириш, қайта жойлаштириши ёки баҳоланида ходимдан ниҳоятда аниқ ишлаш, ўз хатти-харакатларинда катъиятли бўлиш талаб килинади. Модомики техника обьектлари амалда хар доим одамнинг ўз кўли билан яратилар эсац, техника оламида новаторлик, фикр-мулоҳаза қилиб кўрини учун, техника ижодкорлигини намойиш қилиш учун айниқса катта имкониятлар мавжуддир. Ишга ижодий ёндашиш билан бир каторда техника соҳасида одамдан юксак даражада ижрочилик интизоми талаб килинади.

Куйидаги саволларга жавоб беринг:

Бу ишлар сизга ёқадими, куйидаги ишларни тайёрлашни хоҳлармидингиз:

1. Янги материаллар, асбоблар, машиналар тўғрисида билинши истайсизми?

2. Кандайдир материалларни, буюмларни (газламалардан, ёғочдан, когоздан, металлдан ясалган, озик-овқат маҳсулотларидан тайёрланган) ва бошка шуига ўхшашларни) караб чиқишини хоҳлайсизми?

3. Буюмларнинг .хусусиятларини ва нималарга ишлатилишини билинши истайсизми?

4. Ўз кўлингиз билан буюмни, маҳсулотни тайёрлаш истагингиз борми?

5. Янги буюмлар ўйлаб топишга ёки мавжуд буюмларни

бошқачароқ қилиб ясашга хоҳишиңгиз қалай?

6. Ҳар хил предметларни йиңгіб ишлаш сизга ёқадимі?

7. Кундалик турмушға керак бўладиган нарсаларни, маниший техникани, кийим-кечакларни тартибга солиш (тамирлаш, қайтадан ясаш)ни яхши кўрасизми?

8. Техник чизмаларни, схемаларни тушуна оласизми?

9. Ўлчов воситаларидан фойдаланишини биласизми?

10. Чизмалар чизишни биласизми?

Борди-ю, сиз кўп саволларга «ҳа» деб жавоб берар экансиз, чамаси, сизга «одам — техника» типидаги касб тўгри келади.

3. «Одам-одам». Бу ерда асосий меҳнат предмети одамлардир. Мазкур меҳнат соҳасида майллар, кизиқишилар қай даражада эканини аниқлашда ўкув предметларидан ташқари, сиз шахсан ўзингиз жамоа бўлиб ўтказиладиган тадбирларни ташкил этишида иштирок этиб ортирган тажрибангиз ҳам ёрдам беради.

Макзур типга кирадиган қуйндаги касбларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Радиоэлектрон аппаратлар ва приборлар монтажчиси электр ва радиотехника соҳасида чукур билимга эга бўлмоги керак.

Одамларни ўқитиш ва тарбиялаш билан, болалар жамоасини уюштириш билан бօғлиқ, бўлган касблар: мактабгача тарбия муассасаси тарбиячиси, ишлаб чиқариш таълими устаси, ўқитувчи ва бошқалар;

ишлаб чиқаришни бопкариши, одамларга, жамоаларга раҳбарлик қилиш билан бօғлиқ бўлган касблар: автотранспорт қорхонасининг диспетчери, ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича мухандис-иктисодчи ва бошқалар;

маниший, савдо хизмати кўрсатиш билан бօғлиқ бўлган касблар: сотувчи, сартарош, комплекс қабул пунктида буюртмаларни қабул қилувчи ва бошқалар;

ахборот хизмати кўрсатиш билан бօғлиқ бўлган касблар, шаҳарлараро, алоқа оператори, маълумотлар бюросининг ходими, экскурсовод ва бошқалар;

одамларга ахборот-бадний хизмат кўрсатиш ҳамда бадний жамоаларга раҳбарлик қилиш билан бօғлиқ бўлган касблар: клуб ходими, дирижёр ва бошқалар;

тиббий хизмати кўрсатиш билан бօғлиқ бўлган касблар: фельдшер, тиббиёт ҳамшираси, шинфокор ва бошқалар.

«Одам-одам» тинидаги касбларга оңд мөхнатнинг асосий мазмунин одамларнинг ўзаро бир-бирига таъсир кўрсатишидан иборатдир. Бундай бир-бирига таъсир кўрсатишнинг муҳим қисми ўзаро мұносабатлар ҳисобланади.

Мазкур типдаги касб бўйича муваффакиятли ишлаш учун одамлар билан алоқага киришиш ва улар билан доимий равища мулокотда бўлишни, одамларни тушунишни, уларнинг ўзига хос-хусусиятларини билиб муомала қилишни ўрганиб олиш керак, шунингдек, ишлаб чиқарни, фан, техника, санъат ва бошқа шу сингари тегишли соҳага оңд билимларни эгаллаб олиш лозим.

Одамлар билан ишлаш учачлик осон ишлардан эмас. Мисол учун сотувчилик касбнин олиб кўрайлик. Сотувчи иш вақтида ҳар дақиқа янги-янги одамлар билан муомала қилиши керак. Харидорлар ҳар хил бўлади: улар орасида ўта синчковлари ҳам, мол ташлашда иккиланиб турадиганлари ҳам, ҳаддан ташқари кўп гапирадиганлари ҳам учраб туради ва ҳоказо. Харидорлар билан муомала кила олини эса сотувчининг вазифасидир.

Бу ерда сотувчига ўзига хос истеъод: оғирвазмин, хушмуомала, хуши феъл бўлиши маҳорати зарур бўлади.

«Одам — одам» тинидаги касб ташлаш учун жуда муҳим ва зарур бўлган шахсий фазилатларнинг кисқача рўйхати кўйидагилардан иборат:

одамлар билан ишлаш жараёнида бўрқарор яхши кайфиятда бўлиши;

одамлар муомалада бўлишга ўзида эҳтиёж сезиш, жамоат, оталиқ ишларида сидқидилдидаи иштирок этиши;

бошқа кишиларнинг ниятини, ўй-фикрларини, кайфиятини тушуна олиш, фикран ўзини бошқа кишининг ўрнига қўйиб кўриш қобилияти;

одамлар ўргасидаги ўзаро мұносабатларни тезда билиб олиш, кўпчилик кишиларнинг шахсий фазилатларини яхши тушуниш ва билини маҳоратига эга бўлиши;

турли кишилар билан умумий тил топа олиш.

Кўйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Бошқа одамлар сизни муомалада тез хафа бўладиган, табнати нозик ва сал танин кўнгли кўтармайдиган киши, деб ҳисоблайдиларми (таникдга, таинбехга жавоб беришда)?

2. Муомала вақтида пайдо бўлған кайфият (кувонч, хафа-гарчилик, қайгу)дан кўнглинингизда колган нарсалар узок муддат сақланиб қоладими?

3. Сизнинг кайфиятинигиз гоҳ кўтарилиб, гоҳ тушиб, яхши-ёмон кайфиятлар тез-тез алмашиниб турадими?

4. Сиз ўз номингизга айтилган танқидий фикрларни кўнглингизга оғир олиб, узок вақт изтироб чекиб юрасизми?

5. Сершовқин, кувноқ одамлар орасига тушиб колганда каттиқ чарчамайсизми?

6. Янги одамлар билан танишишга тўғри келиб қолган вақтларда қийналиб, истихола қилиб юрмайсизми?

7. Сиз бирор янги гапни бошқа кишилардан сўраб билинидан кўра уни китобдан ўкиб билиб олини осон ва қулай деб хисоблайсизми?

8. Сизда ёлғиз ўзингиз колиб, тинч-осойишта бир жойда лам олиш истаги тез-тез бўлиб турадими?

9. Бирор билан гапланаштган вақтинингизда керакли сўзларни топиб айтиш учун узок вақт ўйламайсизми?

10. Сиз жуда кўп янги танишлар орттиришдан кўра кичик бир даврадаги доимий дўстларни афзал кўрмайсизми?

Башарти, мана шу саволларнинг кўпчилигига сиз «ха» деб жавоб берадиган бўлсангиз, у холда, афтидаи, одамлар билан боғлик бўладиган касблар сизга унчалик тўғри келмайди. Хар холда бу соҳада муваффақиятга эришини учун ўз устинингизда кўпроқ ишлашингизга тўғри келади.

4. «Одам-белгилар тизим». Касбларнинг бу тинида шартли белгилар, ракамлар, кодлар, табиий ёки сунъий тиллар асосий етакчи меҳнат предмети хисобланади. Ҳозирги замон кишини белгилар ва белги тизимлари дунёсида текстлар, чизмалар, схемалар, карталар, жадваллар, формуулалар, йўл белгилари ичига яшайди. Бинобарин, буларнинг ҳаммасини биладиган тегиншли мутахассислар хам зарур.

«Одам-белгилар тизими» типидаги касблар қўйидагиларни ўз ичига олади:

хужжатларни (она тилида ёки чет тилида) расмийлаштириш, иш юритиш, матнлар ва уларнинг кайта ёзилиши, кайта кодлаштирилиши билан боғлик бўлған касблар: таржимон, секретарь-машинистка, телеграфчи, техник редактор ва бошқалар;

сонлар, миқдорий үнисбатлар меңнат предмети хисобланган касблар: хисоблаш машиналарининг оператори, назоратчи-газначи, дастурчи, хисобчи, техник-режалаштирувчи ва бошқалар;

шартли белгилар тизими, объектларнинг схематик тасвири кўринишидаги ахборотларни қайта ишлаш билан боғлик бўлган касблар: чизмачи, топограф, техник-геодезист, мухандис ва бошқалар.

Мазкур типдаги касбларнинг бирортасида муваффакиятли ишлаш учун мана шу белгилар оламига, сиртдан караганда курук белги бўлиб кўринадиган оламга хаёлан шўнгига кетадиган, теварак-атрофии ўраб олган хаётдаги предметли хусусиятларни бирдан унута оладиган ва бутун диккат-эътиборни у ёки бу белгидан иборат маълумотларга қарата оладиган даражадаги алоҳида кобилият зарур бўлади. Шартли белгилар шаклидаги ахборотларни қайта ишлаш вақтида маълумотларни назорат қилиш, текшириш, хисобга олиш, қайта ишлани вазифаси, шунингдек, янги-янги белгилар, белги тизимларини яратини вазифаси пайдо бўлади.

Турли предметлар, станоклар, хисоблашлар, чизмалар, схемалар, ёзувлар олиб борниш, ҳар хил турдаги маълумотлар (газеталардан қирқиб олинган маколалар, хужожатлардан кўчирмалар), бир тилдан иккинчи тилга қилинган таржималарнинг тартибга солиб тўпланиши ва сакланиши бўйича бажарган ёзма ишингизда ўз тажрибанигизга баҳо беришга ҳаракат қилиб кўринг. Агар мана шу ишларни сиз эринимасдан қизиқиш билан бажарган бўлсангиз, эҳтимол, бу сизнинг келгусидаги машғул бўладиган ишингиз профессионал фаолият қўрсатадиган соҳангиз бўлиб колиши мумкин.

5. «Одам бадиий образ». Касбларнинг бу типада бадиий образлар, уларнинг тузилиш/усуллари етакчи меңнат предмети хисобланади. Бу ерда қуйидаги касбларни ажратиб қўрсатиш мумкин:

тасвирий фаолияти билан боғлик бўлган касблар: бадиий мебеллар ишлаб чиқариш бўйича дурадгор, тошга ўйиб гул солувчи, ёритиш электротехники (театрда), пойабзал канструктор-модельери, дизайнер-рассом ва бошқалар;

музыка фаолияти билан боғлик бўлган касблар: пианино ва роялларни созловчи, оркестр артисти, бастакор ва бошқалар;

адабий-бадиий фаолият билан боғлик бўлган касблар: бадиий адабиёт мухаррири, адабий ходим ва бошқалар;

актёрлик-саҳна фаолияти билан бөлгөн касблар: театр артисти, эстрада артисти ва бошқалар.

«Одам бадний образ» типидаги касбларниң ўзига хос-хусусиятларидан бири шундан иборатки, ходим амалга оширган, сарф қылган меҳнатининг анчагина қисми ташки томондан қараган кишининг кўзига кўринмай, яширинча қолади. Бундан ташқари, меҳнатниң сўнги натижасига эришиш учун, яъни ижрониниг енгил, зўриқмасдан бажарилиши ва ўйналаётган ролниң табиий чиқиши учун кўпинча маҳсус куч-ғайрат сарф қилишга тўғри келади. Чунончи, саҳнада бор-йўғи бир неча дакиқа давом этадиган томошани кўрсатиш учун артист ҳар куни бир неча соатлаб меҳнат қилиши керак.

Мазкур типдаги касбни танламоқчи бўлсангиз, меҳнатниң мана шу яширин томони тўғрисида ўйлаб кўринг, эҳтимол, бу ишни бажариш сизнинг кўлингиздан келмай қолиши ҳам мумкин.

Шундай қилиб, биз меҳнатининг бошқа типини ажратиб кўрсатдик ва уларниң ҳар бирини ўзига мувоғиқ равинида Таб., Т, О, Б.т., Б.о., ҳарфлари билан белгилаб чиқдик. Бу ҳарфлар пирамиданинг биринчи яруси қаватини ташкил этади (1-расмга каранг).

1. Касбларниң типлари қандай аталишини айтинг, ҳар бир типга қисқача характеристика беринг.

2. Сизда касбларниң қайси тиپига кизиқиш уйғонди? Ўз жавобингизни асослаб беришга ҳаракат қилинг.

3. Мактаб ёнида жойлашган корхонадаги қандай касбларни биласиз? Уларни кўриб чиқилгани класификацияниң қайси типларига киритиш мумкин?

§ 4.3 Касбларниң туркумлари

Меҳнатниң мақсади одам фаолияти мазмунининг мухим характеристикаси ҳисобланади. Меҳнатниң мақсадлари хилма-хил бўлишига қарамасдан, уларни учта катта групнага: билим, ўзгартириш, ўйлаб топиш группаларига бўлиш мумкин. Меҳнатниң мақсадига қараб касбларни уч туркумга ажратиб кўрсатиш мумкин.

1. Гностик касблар (Γ). Бу касбларниң иоми лотинча «гноэзис»—билим, билиш деган маъниони англатувчи сўздан олинган. Агар сиз ақлий меҳнат (яъни билиб олиш, гностик меҳнат) билан фақат иш столида, хонада шугулланниш мумкин деб ўзингизга одат

бўлиб қолган тарзда ўйлайдиган бўлсангиж, у ҳолда бундай фикрдан воз кечишга тўғри келади. Билиш, ўрганиш меҳнати билан боғлиқ бўлган кўпгина касблар мавжуд бўлиб, улар билан бевосита моддий ишлаб чиқариш жараёнида шуғулланишга тўғри келади. Масалан, назоратчилар, сортга ажратувчилар, пиromетристлар ана шундай касбдаги кишилардир.

Бу туркумдаги касбга онд меҳнатининг мақсади турлича: маҳсулотни навларга ажратиш, олдиндан маълум бўлган белгиларга қараб текшириш, баҳо беришдан иборат бўлиши мумкин.

Масалан, корхонадаги техника назорати бўлимининг назоратчиини тайёрланган маҳсулотни УзРСТ талаблари, маҳсулот намуналари билан солиштириб, таққослаб текширади. У маҳсулотни қандай навга киритини кераклиги тўғрисинда масъулиятли қарор чиқаради, брак маҳсулотни аниклайди. Назоратчи ўз меҳнатида хилма-хил ўтчов асбобларидан ва жиҳозлардан фойдаланади.

Гностик касбларни ишлари қараб чиқилган бешта типдаги касбларниң ҳар бири орасида топиш мумкин. Мана, бунга бир неча мисол келтирамиз. Таб. типидаги касб тухумларни сортларга ажратувчи, химик-биологик анализ лаборанти; Т типидаги касб радиоаппаратлар назоратчиини, вагонларни қараб юрувчи; О типидаги касб — транспортдаги нормировщик, санитария врачи; Б.т. — тинидаги касб — корректор, нормировщик; Б.о. типидаги касб — мусинка асбобларниң назоратчиини, адабий тайқидчи.

Мазкур туркумдаги касблар ходим олдига муайян талаблар кўяди. Унда яққол намоён бўлиб турган билиш фаоллиги, кузатувчанлик, юксак даражадаги ишчанлик ҳамда диккат, хотира ва тафаккурининг барқарор бўлиши инҳоятда муҳимдир. Маҳсулот сифати устидан ўринатиладиган назорат, обьектларга, шарт-шаронтиларга у ёки бу хилда баҳо бериш кўпинча бошқа кишиларниң манфаатларига ҳам таалукли бўлиши туфайли бу ишда позицияниң катъий бўлиши, хulosалар чиқаришда принципиаллик курсатиш гоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Куйинда гностик касб вакијларниң меҳнати мазмунига жуда кисқа тарзда берилиган учта изоҳ келтирилади. Сиз уларда:
а) классификация, б) баҳо берини, в) тадқиқот мақсадларидан қайси бири устун турганингни аникланига ҳаракат қилинг. Товаршунос (тайёр кийимлар ва газмоллар дўконида) олинган газламаларда узунасига босилиган гулиниң бир текис чиқканлигини, уларда ишлаб чиқарини нуқсони ёки додлар эҳтиётсизлик билан ортиб-тушириш

вактида кир-чир бўлган-бўлмаганингини, омборларла нотўғри сақлаш, нотўғри ташини натижасида хосил бўлган додларнинг бор-йўклигини текширади, тайёр кийимлариниң сифатли тикилишига эътиборни қаратади. Радиодеталларнинг электр параметларини ўлчовчи (ишлаб чикариш корхонасида) ўзни жойида электр ўлчов асбобига (ёки асбоблар комплексига), текшириладиган ва текшириб бўлинган (брек килинган ёки ярокли) маҳсулотни солини учун тараға, радиодеталларнинг параметларида йўл кўйини мумкин бўлган четга чиқишлилар тўғрисида маълумот берувчи, ҳаво мухитини ҳароратга қараб тузатиш киритиш тўғрисида, приборлардан ҳатодилар тўғрисида маълумотлар ёзилиган жадвалларга эга бўлади. Ўлчовчи киши детални қўлига олиб, уни ўлчов асбобининг контактига улади, шкалага қараб, у ёки бу қарорга келганидан кейин, детални тегишли идиш (тара) га солади.

Вагонларни қараб юрувчи (темир йўлда) қўли билан буқслар (сирпаниш подшипнигига эга бўлган курнилма)ни ушилаб кўрини йўли билан унинг ҳароратини белгилайди, буқсларда металга чангларнинг изи бор-йўклигини қараб текширади ва бошка шунга ўхшани ишларни бажаради. Таъмиrlаиш операциялари ўтказиш зарурлиги тўғрисида бир қарорга келади.

2. Ўзгартирувчи касблар (П). Жуда кўп касблар меҳнат предметларини ўзгартириши билан боғлиқ бўлади.

Одамнинг ўзгартирувчи фаолияти факат буюмларгагина қаратилиб қолмай, шу билан бирга энергия турларига, ахборотларга, жараёнларга, ижтимоний ҳаётиниң тузилишинига қаратилган бўлини ҳам мумкин. Мана, бунга факат биргина мисол келтирамиз. Етакчи ўқувчиларни уюштириди ва улар кўчат ўтказишда фаол иштирок этдилар. Мана шу мисолда факат табиатнинг ўзгарганилиги тўғрисида гапириш кифоя қилмайди. Бу ерда энг мухими болаларнинг меҳнатга, бир-биirlарига бўлган муносабатлари ўзгаради ва ҳоказо.

Гоҳо ўзгариш меҳнат предметига бевосита таъсири кўрсанни жараённида, айтайлик, чилангариниң ишида, чизмачи, картограф ёки тошга ўйиб гўл солувчи устанинг ишида содир бўлиши мумкин.

Ўзгартирувчи касблар туркумнига онд мисолларни илгари кўриб чиқилган касбларнинг беш типидан истаган биттасида кўплаб топиш мумкин. Ўзгартирувчи касблар ходимдан муайян фазилатларга эга бўлишни талаб киласди. Шунчаки талаб килибгина қолмай, шу билан бирга ўша фазилатларни фаол равиншида ривожлантиради ҳам.

Мазкур туркумга оид касбларнинг яна бир ўзига хос хусусиятини таъкидлаб ўтиш керак. Мехнат предметини амалий равишда ўзгартирини ходимдан аклий фаолият қўрсатишни талаб қилади. Мехнатнинг аклий (интеллектуал) томони қўпинча ташкаридан қузатганда кўзга кўринмайди. Шунинг учун ҳам баъзи бир ишларнинг (уларни юзаки қузатганда) интеллектуал юки йўқдай бўлиб туюлади. Касб танлаётган вақтда ва кейинчалик ўша касбни пухта эгаллаб олинаётган вақтда меҳнатнинг ана шу кўзга кўринмайдиган, яширин томонини кўра билишни ўрганиш мухим ахамиятга эгадир. Масалан, шундай бир амалий вазиятни кўздан кечириб чиқайлик.

Токар кесиши асбобини танляяпти, дейлик. Ташкаридан караганда, бу бир дақиқалик иш: бундай каради-ю, дарҳол баҳолаб ўзига кераклисини танлаб олди. Хўш, аслидачи? Аслини олганда, бу ерда нималар содир бўлди? У ҳаёлан кўз олдida турган барча кесиши асбобларининг қирраларини, учларини, бурчакларини алоҳида алоҳида текшириб чиқади. Сўнгра, яна ҳаёлан у ёки бу кескични танлаб ўзига керак бўлган маълум гурухга (масалан, резьба очадиган ёки киркалигани ёхуд бошқа бир турдаги кесиши асбоблари гурухига) киригади. Шундан кейин у яна ўз диккат-эътиборини киркилаётган предметга яқинлаштирилган муайян кесиши асбобига (унинг жойлаштирилишига, кесиладиган бурчакларга) жалб қиласди, ушбу асбобини ҳаёлан бошқа шунга ўхшаган типдаги асбоблар гуруҳига киригади.

Юкорида келтирилган мисолларнинг қайси бирида ходимларининг ўзгартиувчи фаолияти ёркинроқ намоён бўлганингини аниқланг.

Озиқ-овқат махсулотлари сотувчиси. Иш куни мобайнида сотувчи бўлимдаги молларни текшириб туради, уларни сотувчилар учун кулагай бўлган жойларга олиб қўяди, харид қилинган молларга тўгри ҳак тўланаштирилганни текширади ва бошқа шу сингари ишларни бажаради.

Болалар богчасининг тарбиячиси. Болаларнинг ўйинларига, меҳнатига, ўз-ўзига хизмат қўрсатишига раҳбарлик қиласди, болаларда элементтар математик тасаввурларни ривожлантириш, шукр ўстириш, расм чизиш, ҳайкалчалар ясаш, мусика бўйича машгулотлар ўтказади; одамлар жамиятда ўзларини қандай тутшилари тўгрисидаги қоидалар, ахлок-одоб нормалари билан

болаларни таништиради, онларда бола тарбияси масалалари бүйінча ота-оналар хузурида нутк сұзлады.

3. Тадқиқотчилик касблари (И). Мазкур туркумнинг номи изох беришни талаб килади. Бу номга қараб, мазкур касб қиди्रув ишлари билан (масалан, геологик қиди्रув ишлари билан) ёки илмий тадқиқотлар билан, албатта, бөглиқ касб бўлса керак, деб ўйламаслик керак. Бу ерда ўзgartирувчи туркумга яқин бўлган касблар тўғрисида гап боради.

Мазкур туркумдаги касбда килинадиган меҳнатининг максади — қандайдир бир номаълум нарсанни, бунинг устига кўпинча чекланган бир вакт шароитида қидиришдан иборат бўлади. Буни биз пойабзал сиртини тайёрлайдиган бичикчи устанинг иши мисолида тасвирлаб беришга ҳаракат қиласиз. У бир парча чармни қўлига олиб, уни пресснинг плитаси устига қўяди, материал устига кирқиши асбони — кескични жойлаштиради, ударникни иш устига шундай яқинлаштиради, у шундайгина кескич устига келиб қолади ва шундан кейингина станокни юргизади. Сиртдан қараганда, ҳаммаси оддий ишга ўхшаб туюлади. Лекин ҳар бир парча парчаси ўзининг шакли, ўлчови, якъол кўзга кўриниб турган ва кўринмай турган сифатлари бўйича бошқа ҳеч бир шундай чарм парчасига ўхшамайдиган даражада бетакрордир (чармнинг турли жойлари қалинлиги билан бир-биридан фарқ килади, турлича деформацияланади, унда ёрилган, кесилган жойлар ва бошқа шунга ўхшаш нуксонлар мавжуд бўлади, материалининг турли кисмлари пойабзалнинг муайян деталларини тайёрлаш учун ярокли бўлади). Чарм — қимматбаҳо материал, шунинг учун ундан жуда оз даражада чиқинди чиқадиган қилиб бичиш айниқса мухим аҳамиятга эгадир. Ҳар бир материал парчаси кўлга олинганида бу ҳақда узок ўйлаб ўтириш учун вакт йўқ. Шундай бўлгач, ҳар сафар айни мана шу чарм парчаси бичигининг қандай қилиб энг яхши вариантини топни мумкин, қандай қилинганда энг тежамли ва энг сифатли вариант бўлади, деган мураккаб вазифа кўндаланг бўлиб туради.

Ўзgartирувчи туркумдаги касбларга разметкачилик (кемасозлик соҳасида, металлга ишлов бериш саноатида), якка тартибда кийим тикиш ательесининг бичикчилик касбини ва бошқа шунга ўхшаш касбларни киритиш мумкин.

Куйида келтирилган икки хил касб ишчилари меҳнатини бир-бирига таққосланг. Улардан қайси бирин кўпроқ мураккаб амалий вазифаларни ҳал этади?

Кўчма бетон қориш машинасининг мотористи. Белгиланган рецептларга мувофиқ у юк ташиш қурилмаларининг ёрдамида цемент, кум ва бошка зарур компонентларни аралаштириш агрегатларига тўқади. Мана шу агрегатларни токка улаб юргизади, ўчиради ва шу йўл билан бетон, қоришма ҳамда бошка шунга ўхшаш нарсалар ишлаб чиқариш бўйича берилган режимни баъзаради.

Скрепер машинисти (ер қазиш-транспорт машинаси машинисти). Курилишда скрепер машинистлари қурилишга биринчи бўлиб қадам қўядиган кишилардир. Улар ҳали йўл қурилмаган сайдонликда биринчи бўлиб иш бошлайдилар; баъзан жуда чукур жойлардан, масалан, котлованилардан юриб ўтишга тўғри келади. Машинист ковшнинг ҳолатини кузатиб боради, ковш тупроққа қандай тўлиб бораётганлигини текшириб туради. Тупроқнинг хусусиятига қараб (у яхлаган бўлиши, сочма бўлиши, лой аралашган тошлоқ бўлиши мумкин ва ҳоказо) уни суриш режимини мувофиқлаштириб туради, яъни суриб текисланадиган тупроқ катламининг қалинлигини ўзгартиради. Машинист ўз ишида техника ҳужжатларига (технология картасига, барпо этилаётган иншоот схемасига) амал қиласди.

Юкорида келтириб ўтилган касбларнинг уч туркумга бўлинганлиги — шартли бўлинишдир. Шундай касблар ҳам борки, улар икки ёки ҳатто мана шу учала туркумдаги касбларнинг ҳаммасига хос бўлган белгиларни турли дараҷада ўзида мужассамлаштирган бўлади. Чунончи, ўқитувчилик касби ўзгартирувчи касблар синфига мансубдир, бироқ имтиҳонлар даврига келиб, ўқитувчи ўқувчиларнинг билимини текшираётган, баҳолаётган вақтда меҳнатининг мақсади кўпроқ гностик касбларга хос бўлиб қолади. Созловчи-чилигар дастлаб механизмнинг бузилган жойини топади, кейин уни тузатади, бундай бузилиш бошка тақрорланмаслиги учун нималар килиш кераклиги тўғрисида ўйлади. Бу ерда меҳнат мақсадининг ҳар учала тури билиш, ўзгартириш ва тадқиқ этиш турлари мавжуд. Лекин ҳар қандай касбда ҳам меҳнатининг асосий мақсади нимадан иборат эканлигини белгилаб олиш мум-кин ва у мана шу мақсадга қараб муайян бир туркумга киритилади.

1. Мехнатнинг мақсадига қараб касблар қандай классификация килинади?
2. Ҳар бир туркумдаги касб учун хос бўлган меҳнатнинг асосий мақсадларини айтиб беринг?

3. Нима учун касбларнинг туркумларга бўлиниши шартини бўлиниш бўлади? Ўз жавобингизни беришга харакат қилинг.

Мактаб ёнида жойлашган корхонадаги касблардан мисоллар келтиринг. Бу мисолларда корхонадаги меҳнатнинг мазмуни мураккаб амалий вазифаларни ҳал қилиш заруриятини назарда тутадиган бўлсин.

§ 4.4 Касбларнинг бўлимлари ва групналари

Касбларнинг бўлимлари. Меҳнат воситаларига қараб касблар бўлимларга бўлинади.

1. Кўл меҳнатидан фойдаланиш билан боғлик бўлган касблар (Р). Мазкур касбда ишловчи кишилар қўл меҳнатидан ва механизациялаштирилган меҳнат куролларидан фойдаланадилар. Масалан, отвёртка, скальпел (жарроҳлик пичоги), штихель (ёгочга ёки металлга ўйиб гул солиш асбоби), рейсфедер, торцовка (бўёқчилар чўткасининг бир хили), электр дрель, бўёқ пуркагич, пневматик отбойка болгаси ва ҳоказолар ана шундай иш куроли ҳисобланади.

Кўл меҳнатида ишлатиладиган механизациялаштирилган асбоблар, ҳунармандчиликнинг ўзи сингари, такомиллашиб бормоқда. Бундай асбобларни ишлатиш вақтида кишидан юксак даражада меҳнат маданияти, чидамлилик, фақат ишнинг натижаларигагина эмас, шу билан бирга ўша иш жараёнининг ўзиға ҳам алоҳида қизиқиш билан қараш талаб қилинади.

2. Кўлда бошқариладиган машиналардан фойдаланиш билан боғлик бўлган касблар (М). Бошқача қилиб айтганда, уларни ҳам машинада, ҳам кўлда иш бажариладиган касблар дейиши мумкин — токарь, фрезерчи, кран машинисти, кенг профилдаги тракторчи-машинист, электровоз машинисти ва бошқалар ана шундай ҳам қўл меҳнати, ҳам машинадан фойдаланиладиган касблар қаторига киради. Бундай касбларда ишлайдиган кишилардан фақат технологик билимларга эга бўлиш талаб қилинмасдан, шу билан бирга улардан қўл меҳнати малакасига эга бўлиш ҳам талаб қилинади. Улар кутилмаган сигналларга ва тўсатдан бўладиган воқеа-ходисаларга тайёр бўлиб туришлари керак. Бундай вактларда улардан ниҳоятда тез бир карорга келиш ва содир бўлаётган ишларнинг оқибатини олдиндан кўра олиш ва шошилинич чоралар

тарзинда бажарыладыган қарапатларга тайёр бўлиб туриш талаб килинади.

3. Автоматлаштирилган ва автоматик системалардан, аппаратлардан фойдаланиш билан борлик бўлган касблар (А). Автоматлаштириш даражасига караб ишилётган кишининг зиммасига ҳар хил вазифа тушиши мумкин. Бу вазифа умуман агрегатни ва унинг таъмири билан боғлик бўлган ишларни бошқаришдан тортиб ўша агрегат ишини кузатиб туриш ва агар зарурат туғилса, керакли мутахассисни чақиришгача бўлган ишларни ўз ичига олади. Мазкур касб бўлимининг вакиллари прокат станининг оператори, энергосистема диспетчери, химия ишлаб чиқариши аппаратчиси, автоматик линиялар оператори, пўлат куювчи ва бошқалардир.

4. Функционал воситалар, меҳнат қуроллари кўпроқ талаб килинадыган касблар (Ф). Бу ерда одам хулк-авторидаги функционал воситалар ва унинг нутқидаги ана шундай воситалар, яъни имо-ишоралар, товушлар, сўзлар, жумлаларнинг талафуз қилиниши, маъно ташувчи ва эмоционал интонациялар, паузалар, юз мимикаси меҳнат қуроли ролини бажаради. Бу бўлимга: ўқитувчи, тарбиячи, санъаткор, актёр, хор ёки оркестр дирижёри сингари касблар киради.

Одам организми ҳам функционал восита ролини бажариши мумкин (балет артисти; спорт педагог-мураббиний, ашулачи, цирк акробати).

Мана шу касбларни эгаллаган кишилар учун ўз хотирасида жуда кўп қоидаларни, маълумотларни сақлаб қолиш қобилияти, ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз-ўзини бошқариш қобилияти характерли бўлади.

Касб гурухлари. Нихоят, пирамиданинг охиридан олдинги қавати (1-расмга қаранг)—меҳнат шароитлари бўйича касблар классификациясига тўхталиб ўтамиз. Касблар тўртта гурухга бўлинади:

1. Одатдаги («маиший») микроклим шароитидаги меҳнат (Б). Ҳисобчи, иқтисодчи, чизмачи, ўқитувчи ва бошқаларни мана шу касб группасига киритиш мумкин.

2. Ҳарорат, намлиқ кескин ўзгариб турувчи очиқ ҳавода ишлиш билан боғлиқ бўлган меҳнат (О). Қуйидаги касблар бунга мисол бўла олади: қурувчи, ўт ўчирувчи, сугорувчи ва бошқалар.

3. Одатдан ташқари меҳнат: ер остида, сув остида, баландлиқда, ҳавода, қайноқ цехларда, соғлиқ учун муқаррар заарали таъсири

бўлган цехларда ишлаш (Н). Бундай касбга мисоллар: учувчи, шахтёр, гаввос ва ҳоказо.

4. Одамларнинг соғлиги, ҳаёти учун, катта-катта жамоат бойликлари, моддий неъматлар учун оширилган маънавий масъулият билан боғлиқ бўлган меҳнат (М). Ўқитувчи, шифокор, милиция нозири, техника хавфсизлиги мухандиси ва бошқа касбларни мана шу меҳнат гурухига киритиш мумкин.

Юқорида келтириб ўтилган касбларнинг меҳнат шароитига қараб бўлинishi бу, албатта, шартли бўлинишdir. Кўп ҳолларда бир хил касбдаги кишиларнинг меҳнати турлича шароитда кечади. Шунинг учун бундай вактларда ўша шароитларнинг энг асосийларини ҳисобга олишга тўғри келади.

1. Касблар меҳнат воситаларига қараб кай тарика бўлинади? Меҳнат шароитига қараб-чи?

2. Ҳар бир касб бўлимига характеристика беринг.

3. Ҳар бир касб гурухини таърифлаб беринг.

Ўзингиз танламоқчи бўлган касб қайси бўлимга тааллуқли эканлигини аниқланг ва буни асослаб беринг.

Бўлғуси касбингизни қайси гурухга киритиш мумкинлигини аниқланг.

§ 4.5 Касб ташлаш формуласи

Пирамиданинг тўртта-қавати тўлдирилган (1-расмга қаранг). Бешинчиси ҳозирча бўш қолдирилган. Бу ерга сиз ўзингиз танлаган касбнинг бир неча ҳарфдан иборат бўлган формуласи шартли белгисини ёзиб қўйишингиз керак. Бу ҳарфлар сиз ёқтирган касбнинг типига, туркумига, бўлимига, гурухига мувофиқ келади.

Масалан, сиз ўсимликлар билан иш олиб боришни хоҳлайсиз, дейлик. Сиз қўл меҳнатини енгиллаширадиган иш қуролларидан фойдаланиб фаол равишда ўзгартирувчилик фаолияти билан машгул бўласиз. Лекин бунда ўз меҳнатингиз кундалик, оддий, майшини шароитларга яқин бўлган бир вазиятда кечишини истайсиз. Бундай вактда сиз танлаган касбнинг формуласи шундай бўлади: ПГРБ («Одам-табиат» типидаги касб, ўзгартирувчи касблар гурухидан, қўл меҳнати ишлатиладиган касблардан, меҳнат шароити — майший). Мана шу йўналишда олиб борилган аниқ мақсадни кўзловчи изланишлар машғулотнинг конкрет турини топишга ёрдам беради: масалан, ушбу формулага теварак-атрофдаги иқлимдан химоя

килингап тупрок шаронтида (теплица хўжалигида)* ишловчи мева-сабзавотчи (гулчи) касби тўғри келади.

Сиз энди яхши биласизки, ҳар кандай касбни муайян классификация тўрига фақат шартли равишдагина киритиш мумкин. Амалда эса бир касбнинг ўша классификациянинг бир неча турига тегишли эканлигини кўрсатувчи мисоллар жуда қўп. Ахир, бир типга мансуб бўлган ҳар кандай касбда албатта, бошқа касбга хос бўлган белгилар ҳам учрайди. Ҳамма гап шундаки, мана шу ўхшаш жиҳатларининг қайсилари асосий белгилар - у, қайси бири иккинчи режага олинишини, лекин барибир мухим белги бўлиб қолишини аниқлаб олиш керак. Шуларнинг ҳаммасини формулада хисобга олиш мумкин. Бунинг учун унга кўшимча ҳарфли индекслар киритиш лозим. Масалан, сиз ўзингиз хохлаган бўлгуси касбингизда Таб. ва Б.о. типига хос белгилар бўлишини истайсиз, дейлик (буни биз Таб.,Б.о. деб белгилаймиз). Бунда сизга ёқадиган касбларнинг бири гулчилик-декораторлик бўлиб чиқади.

Шундай ҳам бўлиши мумкинки, ҳосил қилинганди формулага ҳозирча ҳеч бир касб тўғри келмайди, яъни ҳали хаётда бундай касбнинг ўзи йўқ. У ҳолда формулани бошқатдан тузишга тўғри келади, уни реал хаётга яқинлаштирилади. Бундай қилинаётган вактда касб танлашга: «керак, қўлимдан келади, хохлайман» деган шиор асос қилиб олинмоги керак.

«Керак» дегани сўз муайян касбдаги кадрларга жамиятда мавжуд бўлган эҳтиёжни кўрсатади. Башарти, сиз бирор иш билан шуғуллана олсангиз ва шуғуланишини истасангиз-у, лекин у иш жамиятда керак бўлмаса, унда сизнинг қизиқиши ва қобилияtingиз ўз маъносини йўқотади.

1. Касб танлаш формуласи нима? 2. Жуда қўп турдаги касблар оламида керакли касб-ҳунарни танлаб олишда касб танлаш формуласи кандай ёрдам беради?

Ўзингиз хохлаган бўлгуси касбингиз формуласини тузинг ҳамда унга мос келадиган конкрет касбни топишга ҳаракат қилинг.

V. БОБ ОДАМ ВА КАСБ

§ 5.1 Қизиқишилар, майллар, қобилиялар

Қизиқишилар, майллар. Қизиқиши деганда одамнинг у ёки бу предметга қаратилган актив билиш фаолияти тушунилади. Касб танлашга нисбатан олганда қизиқишилар бу одамнинг муайян меҳнат соҳасига ижобий муносабати, унинг билишга ва фаолият кўрсатишига бўлган интилишидир.

Қизиқишилар ўзининг мазмуни, кўлами, узоқ давом этиши ва теранлигига қараб бир-биридан фарқ қиласди. Қизиқишиларнинг мазмуни ва кўлами одамнинг билим даражасини ҳамда ҳар нарсага қизиқувчанилигини акс эттиради. Қизиқишиларнинг теранлиги ва узоқ вақт давом этиши уларнинг барқарорлигини кўрсатади.

Қизиқишилар ўз тараққиёти мобайнида бир нечта босқичдан ўтади. Дастрлаб улар вактинча, эпизодик характерда бўлади ҳамда муайян бир предметга нисбатан ижобий муносабатда намоён бўлади. Бундай қизиқишилар ривожлантириб борилмаса, улар тез орада сусайиб кетади ёки мутлако сўнади. У ёки бу предметнинг чуқур ва мунтазам равнида ўрганиб борилишига, меҳнат фаолиятининг қизиқкан соҳасига синчковлик билан киришиб кетилишига қараб қизиқишилар мустаҳкамланиб, қучайиб бориши ва аста-секин барқарор қизиқишига айланиб қолиши мумкин (2-расем). Бундай қизиқишилар кўпинча ўсиб, улгая бориб, майлга — кишининг муаян фаолият билан шугулланишига бўлган интилишига ҳамда мазкур фаолият турига мувофиқ келадиган маҳорат ва малакаларни такомиллаштириб, доимий равнида ўз билимини оптириб борни учун интилишига айланади.



Агар қизиқишилар «билишни истайман» деган формула билан ифодаланадиган бўлса, майллар «бажаришни истайман» деган формула билан ифодаланади. Ҳайвоилар тўғрисидаги китобларни ўқишига бўлган қизиқищ хайвонот бодигига бориб туришни яхши кўриш, «Ҳайвонот оламида» деб аталадиган телевизиони кўрсатувнинг бирортасини кўймай кўриб борни бошка-ю, ҳакикий жониворларни ҳар купи парварини килини натижасида хосил қилинадиган бир олам кувонч бошқадир.

Вактнанчалык

Эпизодик

Барқарор




2- расм. Қизиқишиларнинг ривожланиш босқичлари



Техник қобилият - техникани эгаллашга ва техника фанларини ўзлаштиришга бўлган қобилият. Техникага, техника ижодиётига бўлган қизиқиши, машина ва станокларда асбоблар билан ишлашга интилиш, физика, химия, математика, чизмачилик ва шу каби фанларни муваффакият билан ўзлаштириш.

Математик қобилият - фикрлашнинг математик методларини эгаллаш қобилияти. Математикага бўлган қизиқиши, мантикий фикрлаш, анализ қилиш ва умумлаштириш қобилияти, математик билимларни муваф-фақиятли эгаллаш ва шу кабилар.

Педагогик қобилият - ўқитиш ва таълим-тарбия бериш мақсадида бошқа бир кишига таъсир кўрсатади. Педагогик фаолиятга қизиқиши, болаларни севиши, болалар жамоасини уюштира билиш маҳорати, нутқнинг равон ва ишонтира оладиган бўлиши, талабчанлик, хушмуомалалик, адолатлилик, холисиятли бўлиш ва шу кабилар.



Ташкилотчилик қобилияти қандайдир бир ишни қила олиш ва одамларни ўюштира олиш маҳорати.

Одамлар билан тезда тил топиб кетиш, одам психологиясини тушуниш, одамлар ўргасида меҳнатни тўғри тақсимлай олиш, ўз вазифасини ҳалол бажариш, тиришқоқ бўлиш, ўз хатти харакатларига танқидий қараш ва шу кабилар.

Адабий-лингвистик қобилият - адабий фаолиятга, тилларни ўрганиб олишга бўлган қобилият.

Нутқнинг яхши ўсганлиги, луғат бойлиги ривожланганлиги, тилларни эгаллашга, адабиётни ўрганишга кизиқиши, эшишиб эслаб колиш хотирасининг кучлилиги, кузатувчанлик, ассоциацияларнинг бой бўлиши ва бошқа шунга ўхшашлар.

Санъатга бўлган қобилият - ижодий тасавурга эга бўлиш, образли фикрлаш қобилияти.

Рассом учун кўриб тасаввур килишининг ёрқинлиги, ранг ва шаклни ҳис қилиш, актёр учун - дикция (талаффуз), мимика (имо-ишора), бошқалар қиёфасига кира олиш қобилияти, нутқнинг ифодали бўлиши, табиатдаги ва теварак-атрофдаги ҳаётда гўзал нарсаларни кўра билиш.

3- расм. Махсус қобилиятларнинг касб танлашга таъсири

Фаолият кўрсатиши мобайнида кишининг майллари фақат намоён бўлигина колмасдан, шу билан бирга унинг майллари шаклланиб хам боради. Шунинг учун меҳнатнинг ҳар хил тури тасодифан дуч келишини кутиб ўтирмай, у ишларга онгли равишда кириниб кетавериш керак. Фақат турли йўналишда олиб борилган актив фаолиятгина сизга ўз майлларингизни билиб олиш ва синаб кўриш имконини беради.

Шундай қилиб, касбни барқарор қизиқиш, майлга мувофик танлаш керак экан.

Қобилиятлар. Булар қизиқиш ва майллар билан маҳкам боғлиқ бўлади хамда одамнинг касбга лаёкатини кўрсатувчи белгиларнинг ажралмас кисми хисобланади.

Хўш, қобилиятнинг ўзи нима? Одамнинг бирор фаолият соҳасида муваффақият қозонишига ёрдам берадиган ҳар қандай индивидуал психологияк хусусиятни қобилият деб хисоблаш мумкин. Қобилиятни фақат билим ва малакалардан иборат деб хисоблаб бўлмайди. Масалан, агар одам хидларнинг бир-биридан фарқини яхши билса ва уларни эсда саклаб қола олса, у ҳолда бундай фазилат химиқ учун, десгустатор учун, ошпаз ва бошка шунга ўхашаш касбдаги кишинилар учун жуда зарур бўлган қобилият хисобланади. Башарти, кишининг хотирасида жуда кўп рақамлар, ҳарфлар, сўзлар ёки ташқи аломатлар яхши (мустаҳкам) сакланиб қоладиган бўлса, у киши мана шу ўз хотирасидаги маълумотларни керак пайтда ишлата олса, у ҳолда бу хам жуда зарур фазилат, математика, дастурчига, конструкторга ва бошка шунга ўхашаш касбдаги кишилар учун зарур бўлган қобилият хисобланади.

Ҳар қандай фаолият муайян қобилиятлар жамини ишлатишни тақозо этади. Масалан, ветеринария фельдшери ёки шифокор кузатувчан ёки ташаббускор киши бўлиши, чуқур ақл идрокка эга бўлган чақон-эпчил одам бўлмоғи, ўз ишига гоят ҳалол муносабатда бўлиши керак.


Ҳамма учун зарур бўлган умумий қобилиятлар (масалан, ижодкорликка бўлган қобилият) ёки жуда кўп касблар ва фаолият турлари учун зарур бўлган қобилиятлар (ташкилотчилик қобилиятлари) айрим касблар ёки нисбатан тор доирадаги касблар учун муҳим хисобланган маҳсус қобилиятлар бўлади (З-расм), электромеханик релени регулировка килувчи кишининг кўлларида сезувчанлик жуда яхши ривожланган бўлиши керак, бир хил оҳангдаги қўзгатувчиларга нисбатан бардошлилик — транспорт

воситаларини ҳайдовчи киши учун зарур, чизмаларга қараб мураккаб буюмлар тайёрлайдиган кишилар учун эса жисмларниң фазодаги ҳолатини тасаввур қила олиш қобилияти яхши ривожланган бўлмоғи керак. Ҳар қандай қасбда ҳам умумий ва маҳсус қобилиятлар бирга қўшилиб келган тақдирдагина ишнинг муваффақияти таъминланиши мумкин.

Хўш, агар кишида танланган қасб учун зарур қобилиятларниң ҳаммаси бўлмасачи? Бундай ҳолда икки йўл бўлинши мумкин: ё танланган қасбни ўзгартирини ёхуд етишмайтган ёки кам намоён бўлган қобилиятлар ўрнини қоплаш йўлларини қидириб кўриш керак бўлади. Масалан, хотирада камчиллик бўлса, мунтазам равишида ҳар хил ёзувлар олиб бориш, картотека тузиш ва бошқа шунга ўхаш тадбирлар билан ўша етишмовчилик ўрнини қоплаш мумкин. Жисмнинг фазодаги тасвирини тасаввур этишдаги камчиликларни тўлдириш учун ҳажмли моделлардан фойдаланилади ва хоказо. Қобилиятнинг бўш ривожланган ўрнини қоплани — бу одатдаги ва зарур ҳодиса бўлиб, агар киши ўз иши соҳасида чиндан ҳам юксак маҳоратни эгаллаши керак бўлса, кўшимча машғулотлар унинг ҳаётида катта ўринни эгаллаши керак.

Мактабда олиб бориладиган актив ўқув фаолияти сизнинг ҳар бирингизга ўз аклий қобилиятингизни ва энг аввало тафаккур тинклигини, мантиқан тўғри фикрлашни, тафаккурниң мустакил ва оригинал бўлишини, топқирликни, чукур мулоҳаза қилишини, аклий теранлик ва ўзига танқидий муносабатда бўлишни ривожлантириш имконини беради.

Иродавий сифатларни, яъни: дадиллик, қатъият, интизомлилик, ўзига ва ўз кучига ишониш, ўзини идора қила билиш, оғирвазмин бўлиш сингари фазилатларни ривожлантиришга ҳам ҳаракат қилиш керак. Мана шу сифатларниң ҳаммаси бирга қўшилиб меҳнатга бўлган қобилиятни таъминлайди.



4- расм. Кизиқиш, майл ва қобилиятларнинг касб танлашга таъсири.

Кизиқишлар, майллар ва қобилиятларнинг касб танлашга кўрсатадиган таъсирини 4- расмдаги схема тарзида тасаввур қилиш мумкин. Шундай килиб, ҳар бир киши конкрет фаолият соҳасида ўз кизиқишлари, майллари ва қобилиятларини шакллантириб ҳамда ривожлантириб, танланадиган касбга яхши тайёргарлик кўриб бормоги керак.

1. Касб танлашда кизиқишлар, майллар, қобилиятлар қандай роль ўйнаиди?

2. Қобилиятлар умумий ва маҳсус турларга бўлинади, шуларнинг фарқини тушунтириб беринг ва мисоллар келтиринг.

3. Қобилият ўринини қоплаш деганда сиз нимани тушунасиз?

Сизда кўпроқ қандай касбларга кизиқиш ва майллар мавжуд эканлигини аниклашга ҳаракат қилиб кўринг (иловага каранг).

Ўзингиз танлаган касб бўйича муваффакиятли фаолият кўрсатиш учун зарур бўлган умумий ва маҳсус қобилиятларни ажратиб кўрсатишга ҳамда уларнинг номини айтиб беришга ҳаракат қилиб кўринг.

§ 5.2 Саломатлик ва қасб

Агар кишининг саломатлиги яхши бўлмаса, у муайян касбда ишлаш учун шифокорлар хulosasi бўйича яроқли эмас, деб топилган бўлса ўша киши мазкур қасбга яроқсиз деб ҳисобланади. Бунинг маъноси шуки, киши мазкур ишни ё мутлақо бажара олмайди ёки бу иш унинг соглигидаги (хозирча, балки, унча сезилмайдиган) ўзгаришларни кўпайтириб, дардини кучайтиради. Кишининг саломатлиги маълум бир қасб талабларига мувофиқ келиш-келмаслигини аниқлаш — шифокорнинг вазифасидир. Шунинг учун ҳам ишга ёки таълим муассасига кираётган ҳар бир киши, албатта, тиббий кўрикдан ўтади. Лекин кўпинча шундай бўладики, киши ўзининг назарида қасб ташлаб бўлганидан кейин бундай тиббий кўрик амалга оширилади. Кейин афсусланиб ёки изтироб чекиб юрмаслик учун ўз вактида шифокор билан маслаҳатлашиб олиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Қасб танлаётган ҳар бир киши организм учун ноқулай деб ҳисобланадиган омилларни билиб олмоги керак. Бу ҳол унга ўз имкониятларини тўғри баҳолашга ёрдам беради. Хўш, булар кандай омиллар? Баъзи ҳолларда булар-катта жисмоний нагруззкалар, онтимал микроклимдан чекинилган вақтлар (хароратнинг паст ёки юқори бўлиши) ҳисобланса, бошқа ҳолларда бу омил ортиқ даражадаги чангтўзондан, шовқин ва тебранишдан, учинчى бир ҳолларда эса заҳарли моддаларни ишлатишдан иборат бўлади ва ҳоказо.

Мехнат шароитининг одам организмига кўрсатадиган таъсири бўйича қасбларни тўрт гурухга ажратиш мумкин.

Биринчи гурухга меҳнат шароити манийи қасбларга якшаб бўлган қасблар киради. Мисол тарикасида соат ишлаб чиқариш, миший хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган қасбларни келтириш мумкин. Бу ишчи қасблари ичida энг кўп сонли гурухдир.

Иккинчи гурух қасблари, масалан, ошпазлик қасби ишлаб чиқариш омилининг мўътадил ёки нотекис таъсири этиши билан, боғлиқ бўлган қасблардир. Бундай қасблар бўйича ишлаган вақтда организмга вақтинча юқори даражадаги ҳаво ҳарорати, намлик ва бошқа шу сингари омиллар таъсири кўрсатади. Бу эса томир уришининг тезлашиб кетишига, тер ажралиб чиқишининг кучайишига сабаб бўлади. Бинобарин, бундай қасбларни факат терморегуляцияси яхши бўлган кишиларгагина, шунингдек, юрак-

томир системасида, нафас органларида касаллиги бўлмаган кишиларгагина тавсия этиш мумкин.

Учинчи группага ҳар хил нокулай ишлаб чиқариш омилларининг йигиндиси характерли бўлган касблар киради. Тўқимачи касбини бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Юраги, ўпкаси, эшиниш органлари, таянч ҳаракат аппарати касал бўлган (ёки касаллик аломатларига мойиллик сезилган), кўзи яхши кўрмайдиган кишилар учун бу касб тўғри келмайди.

Тўртинчи группа оғир ва заарали меҳнат шароити билан боғлиқ бўлган касблардан иборатдир. Масалан, электр пайвандчи, пўлат куювчи ва бошқалар ана шундай касблар қаторига киради.

Бизнинг давлатимиз ҳар бир кишининг соғлиги тўғрисида гамхўрлик қиласи, касб касалликларининг олдини олиш бўйича тадбирлар тизимили амалга оширилади. Кичик мутахассисларга бир қатор енгилликлар яратиб берилган ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда касб-хунарларининг рўйхати белгилаб чиқилган ва таасиқланган. Мана шу рўйхатга кирган касбда ишловчи кишилар тегишли имтиёзлардан фойдаланадилар: улар учун қисқартирилган иш куни, кўшимча таътил, пархез таомлар, 45—50 ёшдан бошлаб пенсия билан таъминлашни хукуқи ва бошқа шу сингари имтиёзлар берилган.

Бирор касб танилангаётган вақтда тиббиёт кўрсаткичларининг тўғри келмаслиги энг аввало касаллик характеристи билан белгиланади. Таниланган касбга сизнинг соғлигиниз тўғри келиш-келмаслиги ҳақидаги хulosани фақат шифокор бериши мумкин.

Бироқ, шуни ҳам назарда тутиш керақки, турли касалликларга организмнинг қаршилик кўрсатиш имкониятлари жуда катта бўлиб, одам ўзи севган касбини эгаллаш учун бутун иродада кучини ишга солиб касалникни енгиши мумкин.

Ҳар бир киши ёшлигидан бошлаб ўз саломатлиги тўғрисида ўйлаши, гигиена соҳасидаги билимларини, биринчи тиббий ёрдами кўрсатиш малақаларини эгаллаб олиши, соғлом турмуш тарзи билан яшашни ўрганиб олмоги керақ.

Организмни чиниқтириш, спорт билан шугулланиш, меҳнат ва дам олиш, овқатланиш режимига риоя қилиш, ўз бўш вақтини оқилона ташқил этиш ва бошқа шунга ўхшаш тадбирлар жисмоний жиҳатдан бақувват ва соғлом бўлиб ўсишнинг зарур шартларидир. Соглом бўлиб ўсишни истаган киши спиртли ичимликлар ичиш ва чекиш сингари ярамас одатлардан батамом воз кечиши керак,

албатта. Чунки улар организмга нихоятда заарлы таъсир күрсатады: соғлиқни ишдан чиқаради, қизиқиши доирасини торайтиради, ақлий активликни пасайтиради ва нихоят, шахсни таназзулга олиб келади.

1. Касб танлаш вактида нима учун саломатликни ҳисобга олиш керак?

2. Организм учун қандай ишлаб чиқариш омиллари нокулай омиллар ҳисобланади?

Сиз танлаган касбдаги мутахассислар қандай меңнат шароитида ишлашини аникланг. У касбни қайси гурухга киритиш мумкин?

§ 5.3 Касбга яроқлилик

Касбга яроқлилик - одам билан унинг иши касби ўртасидаги ўзаро мувофиқликдир. Айни мана шу мувофиқлик бўлган тақдирдагина: «одам — касб» формуласини рўёбга чиқариш имкони туғилади. Мана шундай ўзаро муносабат хусусида тўхталиб ўтамиз.

Ҳар қандай кишининг ўзигагина хос бўлган муайян шахсий фазилатлар, хусусиятлар мавжуд бўлади. Танланётган касбнинг шахсга нисбатан қўядиган талабларига мана шу шахсий сифатлар қай даражада мос келишига қараб одамнинг у ёки бу касбга яроқлилиги тўғрисида бир қарорга келиш мумкин.

Касбга яроқлиликни тўрт хил даражага бўлиб, уларни бир-биридан фарқ қилиш мумкин.

1. Яроқсизлик (мазкур касбга яроқсизлик). У вактинча ҳам бўлиши мумкин ёки амалий жиҳатдан рўёбга чиқмайдиган бўлиши ҳам мумкин. Кишининг саломатлиги ёмон бўлганда, у ёки бу соҳадаги ишга ўша кишининг соғлиғи, шифокорларнинг нуқтаи назарига қараганда тўғри келмайди, деб топилган ҳолларда касбга яроқсизлик тўғрисида гапириш мумкин.

Танланган касбга соғлиқнинг тўғри келмаслиги хусусидаги ушбу гурух тўғрисида биз бундан олдинги параграфда муфассал тўхталиб ўтган эдик. Лекин танланган касбга факат соғлиқ эмас, балки бундан бошқа омиллар ҳам монелик қилиши мумкин. Гап шундаки, бутун бир гурухни ташкил этувчи бир қатор касблар одамга нисбатан жуда катта талаблар қўяди. У касбларга факат маҳсус қобилиятга эга бўлган кишиларгина мувофиқ келиши мумкин. Агар кишида мана шундай маҳсус қобилият йўқ бўлса,

үинниң ўрининиң хеч нараса билан тұлдырып бўлмайди. Бундай ҳолларда кишиидан ўз қасбига нисбатан мутлақо ярокли бўлиш талаб қилинади, деб айтадилар.

Бажарадиган ишлари жараённанда одамларнинг соғлиғи ва ҳаёти учун хавфли бўлган, кутилмаган вазиятлар содир бўлиши эҳтимол тўтилган касблар (учувчи, хирург, энергосистемалар оператори ва бошқалар) вакиллари учун ўз қасбига ана шундай мутлақо ярокли бўлинини піарты қўлланилади. Санъат билан боғлиқ бўлган касблар тўғрисида ҳам худди мана шу тағларини айтиш мумкин: масалан, агар кишининг тасвирий санъат соҳасида ишлаш учун қобилияти бўлмаса, рассом, архитектор, ҳайкалтарош бўлиб етишиши амри маҳолидир.

2. Яроклилик (у ёки бу касб ёхуд гурухга яроклилик). Касбга яроклиникнинг ушбу даражаси шу билан ажратиб турадики, бунда бирор соҳадаги меҳнатта нисбатан монелик қилувчи омиллар бўлмайди, лекин айни маҳалда кишида мазкур касбга яққол кўзга ташланниб турган майлар ҳам бўлмайди. «Сиз мана шу касбни танлашингиз мумкин. Ажаб эмас, сиз шу соҳада яхши мутахассис бўлиб етишарсиз» - деб тасалли беришади, бу касбни танлаган кишиларга. Бу жиҳатдан касбга яроклилик даражасини ҳам юкоридаги таърифдан билиб олиш мумкин.

3. Мос келини (у ёки бу фаолият соҳасига одамнинг мос келинини). Бундай ҳолларда одамнинг айрим шахсий фазилатларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу фазилатлар муайян касб ёки касблар гурухи талабларига аниқ (шубҳасиз) мос келади. Масалан, бирор кишида муайян бир соҳада у ёки бу меҳнат обьектига масалан, биология, техника ва ҳоказо обьектларга нисбатан қизиқиш бўлиши ёхуд бирор соҳада ўзини амалий ишда синаб кўриш вактида баъзи бир ютукларни кўлга киритган кишилардаги мувофиқлик, ўз қасбига мос келини бунинг мисолидир. Касбга яроклиникнинг бу даражасидаги кишиларга нисбатан шундай деб мурожаат қилиш мумкин: «Сиз мана шу қасбни танласангиз бўлади, сиз яхши мутахассис бўлиб етишишингиз жуда мумкин».

4. Ҳавас (мазкур касбга, фаолият соҳасига). Ишга ҳаваси (рагбати) бўлган бундай кишини меҳнатчи сифатида инсон таракқиётининг мазкур босқичида касбга яроклиникнинг олий даражаси деб ҳисоблани мумкин. Бу ерда тағ одамни бошқалардан ажратиб турадиган сифатлар тўғрисида бормоқда. Киши тахминан ўзи билан бир хил шароитда ишлабтган ва ўқиётган тенгдошларидан

яққол ажралиб туради. Касбга яроклиликнинг бундай даражасига қўйидагича таъриф бериш мумкин: «Сиз фаолиятнинг шу соҳаси-да, ха, айни мана шу соҳада яхши мутахассис бўлиб етишасиз».

Касбга яроклилик туғма сифат эмас. У меҳнат фаолиятида шаклланиб боради. Меҳнат жараёнида факат касбий идрок, хотира ва тафаккур ривожланибгина қолмай, одамда муайян хулк-атвор типи ҳам, унинг жамоада ишлашга хос йўналиши ҳам, талабчаниги ҳам, бурчни англаш ҳисси ҳам, шахснинг бошқа шу сингари фазилатлари ҳам ривожланиб боради.

Кўпчилик касбларда уларга яроклилик масаласида одамга мутлак талаблар қўйилмайди; унда етишмайдиган зарур фазилатлар, хусусиятлар, қобилиятлар ўрнини бошқаларини ривожлантириш ҳисобига қоплаш мумкин.

Одамда мавжуд бўлган барча фазилатларни касбий жиҳатдан кимматли, заарли ёки нейтрал (холис) сифатлар деб бир неча турга ажратиш мумкинми? Йўқ. Гап шундаки, ҳатто энг оддий бирор касб тўғрисида гап кетганда ҳам касбий жиҳатдан ягона ва шубҳасиз кимматли фазилатлар тўғрисида гапириб бўлмайди. Мисол учун, кўп станокчи тўкувчилар касбини олиб кўрайлик. Уларнинг бир хиллари тез ҳаракат килиш ҳисобига юксак натижаларга эришадилар, бошқалари эса эҳтиёткорлик, пухта ишлаш, ишининг кўзини билини ҳисобига ютукка эришадилар, учинчи бир хиллари, эса, ишни бир маромда, бир хил суръатда ташкил этиш ҳисобига муваффакиятга эришадилар. Ходим қанчалик малакали бўлса, у ўзининг кучли томонларидан шунчалик кўпроқ, максимал даражада фойдаланади ҳамда ўзининг заиф томонларини енгиб, ҳар хил воситалар билан уларнинг ўрнини коплади. Натижада ишда такрорланимас индивидуал услуг вужудга келади. Шунинг учун ҳам: «Ни устасидан кўркар»- деган доно мақол тўқилган.

Одамнинг ўз касбига ярокли эканини қўйидаги асосий фазилатларига қараб белгиланади: фуқораликлик фазилатлари (масалан, диний эътиқод, ватанпарварлик, жамоатчилик, умумфойдаси учун меҳнат қилиш эҳтиёжи ва бошқалар); меҳнатсеварлик, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиш, мазкур соҳадаги фаолиятга нисбатан ижобий кизиқиши ва майлларининг мавжудлиги, акл-идрокнинг кенг ва теранлиги, пухталик, интизомлилик, ўз-ўзини назорат қилишнинг ривожланганлиги, ташаббускорлик, саломатлигининг яхшилиги ва бошқа шунга ўхшашиб сифатлар маҳсус қобилиятлар (масалан, пианино ва

роялларни созловчи киши учун мусиқани тинглай олиш қобилиятининг яхши ривожланган бўлиши, Камолот ЁИҲ етакчиси учун кўпчилик билан мулоқотга киришиб, тезда тил топишиб кета олиш қобилияти зарур ва хоказо).

Ўз касбингизга яроклилик учун зарур бўладиган айрим фазилатларни ўзингиз мунтазам равишда шакллантириб боришингиз мумкин ва лозим (эътиқод, ҳалоллик, бурч ҳисси, жамоа бўлиб ишлаш ана шундай мунтазам равишда шакллантириб боришини талаб қиласидиган фазилатлар хисобланади).

Биз хозир «одам касб» формуласидаги ўзаро алоқадорликнинг бир томонини караб чиқдик. Энди одам учун касбнинг ўзи яроқсиз бўлиб қолиши мумкин бўлган ҳолат тўғрисида гаплашамиз. Буни қуидаги мисолини караб чиқиш орқали тушунтириш мумкин.

Конструкторлар кудратли юк кўтариш машинаси яратдилар, лекин буни қарангки, бу машинани бошқариш жуда оғир экан (тушириш, тормозлаш, тўхтатиш ричагини босиш, уни бир жойдан иккинчи жойга суриш учун ҳаддан ташқари катта жисмоний куч талаб қилинар экан). Бундай ҳолда кишининг, масалан, аёл кишининг бу машинада машинист бўлиб ишлаш касбига лойик эмаслиги тўғрисида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади, машинани бошқарни усулинни ўзгартириш керак бўлади.

Юкорида айтилганлардан шундай хulosа келиб чиқадики, одамнинг касбга яроклилиги ўзгарувчан характеристикадир. Касбга яроклиликни шакллантириш бу фактат одамдаги муайян фазилатларни (масалан, ўз-ўзини тарбиялаш воситалари билан) ривожлантиришдангина иборат бўлиб колмай, шу билан бирга меҳнат шаронитини, ишлаб чиқариш воситаларини ўзгартиришни ҳам тақозо этар экан.

1. Кишининг касбга яроклилиги тўғрисида унинг қандай фазилатларига қараб баҳо бериш мумкин?

2. Сиз касбга яроклиликнинг қандай турларини биласиз? Мутлақо яроклиликни талаб қиласидиган касбларни санаб беринг?

3. Касбга яроклиликни шакллантириб бўладими? Мисоллар келтиринг.

4. Сиз ўзингиз танлаган касб учун қандай фазилатларни муҳим деб хисоблашингизни айтиб беринг?

§ 5.4 Қасб танлашдаги онглилік ва мустақиллік

Мәхнат фаолияттің бошлап учун қасб танлашда бу ишга онгли равишида ёндашмоқ ва уни мустақил равишида хал қылмок керак. Муайян іктисодий тұманнинг ходимларга бўлган эҳтиёжи, танланадиган қасб талабларига кишининг қизиқиши, майллари, қобилияти, соғлиғи мувоғиқ келиши, конкрет мәхнат соҳасида орттирилган амалий фаолият тажрибаси, мәхнат шароити каби мұхим омиллар ҳисобга олинсагина қасбни онгли равишида танланган деб ҳисоблаш мүмкін (5-расм).


Қасб танлашдаги мустақиллік деганда кишининг бу соҳадаги максимал даҳлсизлиги, ўзининг ташаббускорлиги тўла намоён бўлиши тушунилади. Лекин бу, сиз ишни яхши биладиган, тажрибали кишиларнинг насиҳатларига кулоқ солмаслигингиз керак, деган маънени англатмайди, албатта. Бунда энг аввало оиласидаги катта ёшли кишиларнинг фикрлари назарда тутилади. Башарти, қасб танлаш тўғрисидаги масалада сизнинг ва ота-оналарнингизнинг фикри бир жойдан чиқса, бу яхши, албатта. Мабодо бундай ҳамфирлик бўлмаса, ўз имкониятларингизни чамалаб, сиздан каттароқ ёшдаги кишиларнинг фикр мулоҳазаларини таҳлил қилиб кўринг. Шундан кейин ўз танлаган қасбингиз фойдасига ишончли далиллар келтириб фикрингизни ўзгартирмайсиз ёки сизга билдирилган эътиrozлар ўринилди бўлса, ўз карорингизни ўзгартирасиз — бу масалани хал килишида, албатта, ўзингиз мустақил бир фикрга келишингиз керак.

Мустақиллікни ўжарлік билан аралаштириб юбормаслик керак. Мустақил одам, ўжар кишидан фарқли ўлароқ, кимнингдир унга берадиган маслаҳатлари ўзини тўғри йўлдан адаштириб қўяди, деб кўрқмайди, у ўша маслаҳатларнинг фойдасини тушунади, доно фикрларни ўзига қабул қиласди, шоша-пиша бир хulosага келишини ўйламайди.




МОДДИЙ ШАРОИТЛАР

Иш ҳақи, дам олишга йўлланмалар, уй-жой билан таъминлаш ва бошкалар




САНИТАРИЯ-ГИГИЕНА ШАРОИТЛАРИ

Хароратнинг кескин ўзгариши, намлик, шовкин, тебраниш, жисмоний зўрикиш, кўзнинг, кулокнинг толикиб чарчаши ва бошкалар



ПСИХОЛОГИК ШАРОИТЛАР

Хотиранинг самарали ишлаши, тафаккурнинг мустакил ва мослашувчан бўлиши кераклиги, иродавий сифатларнинг ривожланган бўлиши (дадиллик, сабр-токаз, катъият, ўзини тута билиш) зарурлиги ва шу кабилар



ИЖТИМОЙ ШАРОИТЛАР

Касбий ва ижтимоий жиҳатдан ўсишга эришиш истиқболлари (разрядлар ва классларнинг оширилиши, илмий даражада ёки унвон олиш, юкори лавозимга кўтарилиш), жамоага мослашиб кетиш



ГЕОГРАФИК ШАРОИТЛАР

Касбнинг кай даражада кенг тарқалганилиги: ҳамма ерда мавжудлиги ёки чекланганлиги.

5- расм. Мехнат шароитлари классификацияси

Касб танлашда онглилик ва мустақиллик одамнинг ўз кизиқиши, қобилиятлари, иродавий сифатларига ўзи реалистик баҳо беринини тақозо этади. Бундай ўз-ўзига баҳо бериш ҳар кимниңг ҳам қўлидан келавермайди. Шунинг учун фан ўқитувчиларнинг, мураббийларининг фикрларига қулок солиш ва амал қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки ҳар бир педагог сизнинг хулк-авторнингиз, иш фаолиятингизни кузатиб бориб, қизинкишларинингиз характерингиз, қобилиятингиз ва меҳнатга қай даражада тайёр эканингиз тўғрисида ҳаммадан қўра яхширок фикр билдириши мумкин.

Онгли равиша касб танлаш деган гапнинг маъноси шуки, сизнинг ҳар бирингиз ўз имкониятларингизни жамиятимиз эҳтиёжлари билан, унинг ахлоқий принциплари билан тақкослаб кўришингиз керак. Бунда факат жамиятнинг бугунги кундаги эҳтиёжлари ва имкониятларинигина ҳисобга олиш билан чекланибгина қолмай, шу билан бирга мамлакатимизнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини жадаллаштиришга қаратилган тадбирларини назардан кочирмаслик муҳимdir.

Мутахассисларнинг башорат қилишларига қараганда, сизнинг ҳар бирингиз ўз хаётингиз давомида 5-6 марта касбий билим ва малакаларни янгилашингизга тўғри келади. Бунинг учун эса мустаҳкам пойдевор умумий ўрта маълумот бўлиши керак. Айни мана шунда билимлар тизими ҳар қандай касбий фаолиятнинг негизини ташқил этади, умумий қобилиятларни ҳамда касбий жихатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган фазилатларни ривожлантиришга ёрдам беради, ўнлаб турли машгулотларнинг тушунарли бўлишини, маҳоратни тез суръатлар билан ўстиришини таъминлайди, агар зарур бўлса фаолият соҳасини ўзgartириш имконини беради.

1. Касб танлаш тўғрисида ўйлаётган вақтда қандай асосий шарт-шароитларни, вазиятларни ҳисобга олмок керак?

2. Нима учун киши ўзининг бутун меҳнат фаолияти давомида ўз билимини, такомиллаштириб, ўз қобилиятини ривожлантириб бориши лозим?

3. Ўзингиз мўлжаллаган касбни нима учун танлаганингизни асослаб беришга ҳаракат қилинг.

§ 5.5 Ўз-ўзини тарбиялаш ва қасб танлаш

Сиз ўзинингизнинг бўлгуси қасбингизни танлаш тўғрисида ўйлар экансиз, ўз қизиқиниларнингиз, майларнингиз, имкониятларнингизга баҳо бера бошилайсиз. Хуласа, сиз ўз фазилатларнингизнинг мураккаб оламини таҳнида қилишини ўрганинсануз. Зоро ҳар бир киши ўзининг бўлгуси меҳнат йўли тўғрисида ўйлаётган вактда бу фазилатларни эътиборга олмай иложи йўқ.

Киши ўз устида ишлашни, ўз характерини, ирода кучини шакллантиришни, ўз қасбий қобилиятларини ривожлантиришни истаса, ҳеч қачон кеч бўлмайди, лекин бу ишни ёшлик пайтидан бошлагани маъкул.

Абдулла Оринов ўз характери ва иродаси устида зўр бериб ишлашнинг ажойиб намунаси бўлиши мумкин. Дохий ёшлик йилларида кишини ҳайратга соладиган даражада аниқ мақсадни кўзлаб ишлаганилиги ва инҳоятда зўр иш қобилиятига эга бўлганлиги тўғрисида Э.Вохидов бундай ҳикоя килади: «У жуда ёш пайтидан бошлаб, ҳали мактабда ўқиб юрган йилларидаёқ қаттиқ меҳнат килингана ўрганган ва умуман ҳар бир куни ўзи тузиб чиқкан қатъий жадвал асосида ўтказнинга ўрганган эди. Бу жадвалга ўкиш ҳам, дарс тайёрлаш ҳам, китоблар мутолаа қилиш ҳам, дам олиш ҳам, сайдор килиш ҳам, турли ўйинлар билан машғул бўлиш ҳам киритилган эди. У ёки бу машғулот канча вакт, яъни соат нечадан нечагача давом этиши жадвалда аниқ кўрсатилар эди. Ҳеч қандай куч ёки сабаб унинг ўзи томонидан белгилаб қўйилган иш тартибини ўзгартиришга мажбур кила олмас эди. Факат янгидан пайдо бўлган оқилона ишларгина, унинг ўзига боялиқ бўлмаган мухим шароитларгина машғулотларни ўтказишдаги белгиланган изчиликини ўзгартириши мумкин эди».

Бу ишдаги биринчи қадамни ўзидаги мустаҳкамланиши ва ривожлантирилиши зарур бўлган фазилатлар рўйхатини тушиб чиқишидан бошлаш керак. Шунингдек, ҳар бир киши фақат ўзигагина хос бўлган баъзи бир хусусиятларни йўқотишни ҳам, ўзгартиришни ҳам режалантириши, ўзидаги салбий сифатлар ўрнига ижобий сифатларни ривожлантириши, кўп машқ қилиши, меҳнатни ташкил этишининг яна ҳам такомиллаштирилган усусларидан, янгича иш режаларидан фойдаланмоги керак ва ҳоказо. Демак, киши ўзини-ўзи бошқаринин ўрганиб олиши учун биринчи галда ўзини билмоғи керак. Ўз эҳтиёжлари ва қобилиятига,

қизиқишлиари ва хулк-атвори мотивларнга, изтироблари кечинималари ва фикр-ўйларига онгли муносабатда бўлмоги керак. Киши ўзини-ўзи факат конкрет меҳнатдагина билиши мумкин, яъни меҳнат фаолиятининг талабларига ўзидаги билим, маҳорат ва малакалар мос келиш-келмаслигини текшириб кўриши, ўзининг жисмоний имкониятларига, ирода сифатларига, колектив ичида ишлай олиш маҳоратига, одамлар билан муомала қилиш маданиятига чукур баҳо бермоги керак ва хоказо. Бундай ўз-ўзини назорат қилиши, ўз-ўзини таҳлил қилиш натижаларини шахсий қундалик дафтарга ёзиб бориш фойдалидир, бу ҳар ким ўзига объектив баҳо бериш ҳамда ўз-ўзини такомиллаштириб камолга етказиб бориш реал режасини тузиб олини имконини беради.

Мана, масалан, улуғ ўзбек ёзувчisi Мухаммад Юсуф тутган кунда-ликдан олинган куйидаги баъзи бир фикрларни ўқиб кўрининг: «Сен ҳар куни эрталаб туриб бутун кун бўйи нима ишлар қилишининг кераклигини ўзинг учун тоғшириқ тарзида ёзиб чиқ ва белгиланган ишларнинг ҳаммасини бажар. Ўз сўзингга амал қил. Башарти, сен бирор ишни қилишга киришган бўлсанг, ўзингдаги бутун куч-кувват ва кобилиятни мана шу ишни бажаришга қарат».

Ҳар ким ўзига, ўз қобилияtlарига, ахлоқий сифатларига, хатти-харакатларига танқидий баҳо бериши ўзи танлаётган касб талабларига ўз имкониятлари канчалик мувофиқ келишини таққослаб кўриш имконини беради. Киши ўзига-ўзи паst баҳо кўядиган бўлса, бу унинг ўз имкониятларини рӯёбга чиқаришига ҳалал беради, агар киши ўзига-ўзи ортиқ баҳо берадиган бўлса, бу аянчли оқибатларга, жамоа ўртасида келишмовчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлади.

Ҳар бир киши ўз устида муваффакиятли иш олиб бориши учун интизомли бўлмоғи керак, яъни у белгиланган ахлоқ-одоб қоидаларига, машғулот тартибига бўйсунмоғи, олдиндан белгилаб кўйилган яшаш ва меҳнат қилиш тартиби талабларига қатъий риоя қилмоғи лозим. Мана, масалан, машхур ўзбек педагоги С.Р.Ражабов ўз ҳаётида қандай қоидаларга амал қылганлигини ўқиб кўрининг:

«Мукаммал даражада вазминликка, жуда бўлмаганда, сиртдан вазмин бўлиб туришга эришиш.

Сўзда ва амалий ишларда ростгўй бўлиш.

Ҳар бир хатти-харакатни пухта ўйлаб кўриниш.

Қатъиятли бўлиш.

Агар зарурат бўлмаса, ўз ҳақинингда бир оғиз ҳам сўз айтмаслик.

Вактни беҳуда ўтказмаслик, дуч келган ишни эмас, балки ўзи хохлаган ишни килиш.

Хар күни кечкүрун ўз хатти-харакатлари тўғрисида ҳалоллик билан хисобот бериш.

Қилингани ишлар билан ҳам, ҳозир қилинаётган ишлар билан ҳам, энди қилинажак ишлар билан ҳам ҳеч қачон “мақтанимаслик”.

Характернинг, ирода кучининг аниқ мақсадга йўналтирилган холда шакллантирилиши, бу сиз қандай касбни танлашингиздан катъи назар, бозор иктисодиётининг истаган бир соҳасида муваффакиятли равишда ишлаш учун зарур бўлган шахсий сифатларни ривожлантиришнинг таркибий қисмидир.

Сиз ўзингиз танлаган бўлгуси касбингизга яроқлиликни шакллантириш учун ўзингизда ривожлантириб боришингиз лозим бўлган сифатлар рўйхатини тузишга ҳаракат қилиб қўринг.

VI БОБ. КАСБ ТАНЛАШ ОМИЛЛАРИ

§ 6.1 Касбга доир режа

Кўлланманинг бундан аввалги бўлимларидан сиз касблар классификацияси нималигини билиб олдингиз, касб танлаш формуласини қандай тузиш, ўз кизикишларингиз, майлларингиз, қобилиятингиз қандайлигини билиб олиш, бу фазилатлар сиз танлайдиган касб қўядиган талабларга қанчалик мувофиқ келишини таққослаб қўриш тўғрисида тасаввур хосил қилдингиз. Амалий машғулотларда, ижтимоий фойдали, ишлаб чиқариш меҳнати билан шуғулланган вактингизда сиз конкрет меҳнат фаолиятида ўз кучингизни синаб қўриш имконига эга бўлдингиз. Хуллас, сиз энди бирор тўплаган тажрибангизни касб танлаш масаласини ҳал қилиш вақтида ишга солиб, ундан фойдаланишингиз мумкин.

Энди сиз ўз меҳнат фаолиятингизни яқин келажакда ва узок истиқболда қандай тасаввур этишингизни қофозга туширишга, яъни шахсий касбга доир режангизни тузиб чиқишга харакат қилинг.

Албатта касбга доир плannинг ягона бир шаклини тавсия этиш кийин унинг мазмуни ҳам, тузилиш йўли ҳам кишининг акл идрокига, унинг умумий билим савиясига, эътиқоди ва бошқа кўп нарсаларга боғлик бўлади. Шунинг учун биз мана шу айтилган омилларнинг фактат энг асосийи устида режада, албатта, кўрсатилиши шарт бўлган омил тўғрисида тўхталиб ўтамиш.

Кўзда тутилган асосий мақсад режанинг негизини ташкил этиши керак, яъни унда нима иш билан шуғулланиш, ким бўлиб этишиш, умумхалқ ишига қандай хисса қўшиш, бу ишда кимларга тенглашиш ўз аксини топмоғи керак. Шундан кейин мазкур мақсадга эришмоқ учун ҳар бир киши ўз имкониятларига: кизикишлари, майллари ва қобилиятларига, саломатлигига, иродавий сифатларига реал баҳо беришга харакат қилиб қўриши зарур.

Касбга доир режа тузиш вақтида мақсадга эришиш йўллари ва воситаларини: ўз кучини қаерда ва қандай қилиб синаб қўриш мумкинлигини, керакли маълумотни қайси таълим муассасаридан олиш мумкинлигини, касб маҳоратини қандай қилиб ошириш мумкинлиги ва ҳоказоларни белгилаб олиш керак.

Ўз мақсадингизга етишиш йўлида учраши мумкин бўлган қийинчиликларни ҳам олдиндан кўра билиш керак, бу беҳуда изтироб чекишининг олдини олиш ва мабодо зарур бўлиб колса, таиланған касбни бошқаси билан алмаштириш имконини беради.

Касбга доир режала кишининг ўз-ўзини тарбия килиш дастури: касбий жиҳатдан муҳим бўлган қандай фазилатларни шакллантириш ва ривожлантириш, ўз соглигини қандай килиб мустаҳкамлаш мумкинлиги ва бошқа шу сингари тадбирлар ҳам ўз ифодасини топиши керак. Ўз билимини мустақил ошириб бориш ўз устида ишлани масалаларига ҳам: қандай адабиётни ўқиш, қандай тўғаракларда ёки кизикиш бўйича тузилган гурухларда шугулланиш, қандай кўргазмаларни бориб кўриш сингари масалаларга ҳам алоҳида ўтибор берини лозим.

Шундай килиб, ўзингиз кўриб турганингиздек, шахсий касбга доир режалар яхши ва ҳар томонлама ўйланган бўлиши керак, уларни тузиш вактида ҳар бир киши мустақиллик қўрсатиши ва масъулиятни хис этиб туриши лозим.

Тузилган касбга доир режага вакт-вакти билан мурожаат килиб туриш керак бўлади. Кизиқишлар чуқурлашиб, касб тўғрисидаги билимлар ортиб, амалий фаолият соҳасида муайян тажриба тўпланингига караб режа ҳам ўзгариб бориши, у анча реал режага айлантирилиши мумкин.

Куйида мисол тариқасида касбга доир режанинг фрагменти қандай ўзгариб бориши мумкинлигини келтириб ўтамиш. Бу ўзини кишилек хўжалик экинлари етиштириш билан бөглик бўлган ишга багишлаган кишининг режасидир:

- биология ва кишилек хўжалик экинлари (сабзавотчилик) агротехникасига оид адабиётларни ўқиб-ўрганиш;
- биология ва кишилек хўжалик экинлари агротехникасига доир кизикарли китоблар ва маколалар номини тўплаб картотека тузиш, мазкур масалага доир китобларни йиғиб кутубхонача ташкил этиш;
- ўкувчилар фермер далаларида ишлаб, мўл ҳосил олинишига эриниш;
- сабзавот экинлари етиштириш соҳасидаги иш тажрибалари юзасидан жамоа фермерлардан, илмий муассасаларнинг ходимлари ва олимларидан топшириклар олиш учун улар билан аюла ўрнатиш;
- бошқа мактабларнинг ёш табиатшунослари билан тажриба алмишиш.

1. Касбга доир режа деганда сиз нимани тушунасиз?
2. Касбга доир режаны тузиш вактида қандай талабларга амал килинш зарур?
3. Касбга доир ўз шахсий режангизни тузиб чикинг, уни ота-онангиз, ўқитувчиларингиз, ўртокларингиз билан бирга муҳокама килинг.

§ 6.2 Касб танлашда учрайдиган хатоликлар ва қийинчиликларниң асосий сабаблари

Тұғри касб танлаш бу осон ишлардан әмаслигитиң өнді үзининг ҳам биласиз. Демек, касбни шундай танлаш керакки, келгусида бажарадиган ишиңгиз үзингиңда қонкіш ҳосил қылсип ва жамиятга фойда келтирсін.

Бирдания յоксак ёки олий малакали касбни назаридан тутиб иш күриш керак. Ҳар қандай фаолият соҳасында маҳораттннг дастлабки босқичларидан мұваффакиятлы ўтган кишиндер мекнантда յоксак натижаларға эришадилар. Масалан, кимки дастлаб кичик мутахассис бўлиб ишлаган бўлса, у яхши мухандис бўлиб етишини мумкин, кимки ўз вактида тиришкок бўлган бўлса ва ишиңнинг барча нозик томонларини билса, ўша киши яхши раҳбар бўлиши мумкин.

Сиз В.Джанибеков, Э.Вохидов сингари машхур кишиларннг номларини яхши биласиз. Лекин улар ўз хаёт йўлларини фабрика- завод шогирдликдан бошлаганликларини биласизми?

Мана яна бир мисол. Асакадаги «УзДЭУавто» деб аталған ишлаб чиқариш бирлашмаси колективи ўргасында шу заводининг бони директори, Узавтопром рәиси, А.Парпиев алоҳидә ҳурматга сазовордир. У үзининг мекнант соҳасидаги мустакил ҳаётини мана шу завода слесарга шогирдликдан бошлаган эди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Мана шунинг учун ҳам сизнинг ҳар бирингиз келгусида ўз ишиңнинг ҳақиқий устаси бўлган кишилар бўлиб етишиш учун ўз мекнант фаолиятннгизни нимадан бошлиш тўғрисида жиҳдий ўйлаб кўрмогингиз керак.

Касблар нуфузли ва нуфузсиз бўлади деган хато түшүнчя. Бир катор касблар хусусида айрим одамлар нотўғри тасаввурда бўладилар. Уларннг фикрича, мекнант фаолиятининг баъзи бир муҳим турлари эътиборга сазовор бўлмаган, нуфузсиз касб хисобланармиш, бу сохта, асоссиз тушунчадир. Сизнинг үзининг ҳам яхши биласизки, бизнинг мустакил давлатимизда ҳар қандай мекнант муҳим ва ҳурматга сазовордир.

«Шериклардан оркада қолмаслик учун» касб танлаш. Тұққизинчи синфиңи битирған болаларнинг күпчилик қисми үртөсінен әкин дүстлік принциптері бүйічесе касб танлайдылар, фактада биргә бўлишини мақсад қилиб ўқишига, ишга кирадилар. Хўш, бу яхшими ёки ёмонми?

Агар дўстларнинг қизиқишлиари, майллари, қобилиятлари бир хил касб соҳасидаги фаолиятга мос келиб қолган ҳолларда бу яхши, албатта. Лекин уларнинг бирор таси «шериклари шу касбни танлагани учун» бундай қылган бўлса, у ҳолда ёмон, албатта. Бундай ҳолларда одатда киши афсусланиб қолади ва орадан узок вакт ўтгач, баъзан эса машақкатли сарсонгарчиликдан кейин дастлабки танлаган касбини ўзгартиришга мажбур бўлади. Албатта, би-рор жойда ўртогинг билан ёнма-ён ишлашга нима етсин. Лекин ҳар бир киши ўз меҳнат йўлини танлар экан, энг аввало, шу касб мен ишлай оладиган соҳамикан, бу ишни эплай олармиканман, шу касбга мос келармиканман, шу соҳада ишласам кандай натижаларни қўлга киритаркинман? деган саволлар тўғрисида ўйлаб кўрмоғи керак.

Бирор касб эгаси бўлган кишига қаратилган муносабатни касбнинг ўзига кўчириш. Кўпинча шахсан бир кишига иззат-хурматда бўлиш ёшларда шу кишининг касбини эгаллаш истагини пайдо қиласди. Хўш, шундай қилиш тўғрими? Йўқ, ҳар доим ҳам шундай қилиш ўзини октайвермайди. Масалан, сизга ўртогингизнинг катта акаси жуда ёқади. У акли, зукко, қувноқ ва энчил йигитининг касби геолог ва сиз ҳам ҳар бир ишда унга ўхшашга харакат қиласиз ва ўзингиз ҳам геолог бўлмокчисиз. Эҳтимол, бундай килиш, яъни геолог бўлиш ёмон эмасдир. Бироқ, бир одамга тақлид қилиб, ўшанга ўхшаган киши бўлиш орзусини касб танлаш учун етарли даражадаги асос деб хисоблаб бўлмайди. Бу ерда энг аввало геолог меҳнатининг ўзига хос-хусусиятларини хисобга олмок керак. Бу эса анча қийин ишдир. Геолог узок муддат зўр машақкат чекиб кидирав, кузатиш ишларини олиб боради, ўз уйидан узокда бўлган жойларда ойлаб қолиб кетиб ишлашга, ишлаганда ҳам баъзан ниҳоятда оғир үклим шароитларида ишлашга, ниҳоятда нозик ўлчаш, хисоблаш ишлари билан шуғулланишга, битта кидирав ишини ҳар хил жойларда тақрорлашга тўғри келади. Худди мана шу иш шароитини унутмаслик, касб танлаётганда энг аввало у ёки бу касб вакилига бўлган шахсий хурмат-эҳтиромгагина асосланмасдан, энг аввало, ўша касбнинг юқорида айтилган ўзига хос-хусусиятларига асосланниш керак.

Касбнинг фақат ташқи ёки хусусий бир томонига қизиқиш. Сизларнинг кўпчилигингиз учувчилик касбни кўпинча жасоратлар билан, одатдан ташқари катта тезлиқда парвоз қилиш билан, қаҳрамонона қидирув экспедициялари билан боғлиқ ҳолда тасаввур қиласиз. Учувчининг кундалик меҳнатига хос бўлган хусусиятлар тўғрисида жуда оз нарса биласиз, албатта. Учувчи энг аввало, ўзини қатъий режимга бўйсундира олиши, узок муддат давом этадиган асосий нагрузкаларга чидамли бўлиши зарур, авария холатига тушиб колган кезларда ўзини йўқотиб қўймаслиги, ўзига ишониб топширилган техникани аъло даражада билмоги лозим. Шунинг учун касб танлашга жиддий муносабатда бўлиши ўша касб тўғрисида ҳар томонлама билимга эга бўлишини тақозо этади.

Ўкув предметининг касбга тенглантирилиши. Ҳар бир ўкув предмети заминида жуда катта ва кўп микдордаги конкрет ишлар ётади ва касб танлаётганда буни унумаслик керак. Масалан, агар сиз адабиёт фанига қизиксангиз ва ўзингизнинг бутун хаётингизни шунга бағишлишни истасангиз, у ҳолда сиз мазкур предмет заминида кандай реал касблар, машгулотлар туришини билиб олмоғингиз керак. «Умуман адабиётчи» деган тушунча бўлмайди, балки адабиёт ўқитувчиси, газетанинг адабий ходими, наширёт редактори, тадқиқотчи-адабиётшунос, кутубхона китоб фондиини ходими, кутубхоначи, библиограф ва бошқа шунга ўхшаш касблар мазжуд. Сиз мазкур касб вакиллариининг меҳнати билан муфассал танишиб чиққанингиздан кейин, эҳтимол, адабиётга бўлган муҳаббатингиз - бу фақат шунчаки китобхон қизиқиши экан, деган хуносага келишингиз мумкин. Бу қизиқиш юкорида санаб ўтилган касблардан бирортасини реал тарзда эгаллаб олиш билан мутлақо боғлиқ бўлмаслиги мумкин. Ҳар кандай касблаги кинни ҳам китобни севиши, ўзининг бўш вактларида китоб ўкиши мумкин ва лозим.

Агар сиз математикани севсангиз, яна барибир тегишли ўкув юритини тамомлаганингиздан кейин ушбу ўкув предмети билан кандай меҳнат машгулоти боғлиқ бўлиши тўғрисида ўйлаб кўрмогингиз керак. Жумладан, бу соҳадаги кишилар оператор-дастурчи, математика ўқитувчиси, инженер, илмий ходим бўлиб ишлашлари мумкин.

Моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги меҳнатининг характери тўғрисидаги эски тушунчалар. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш даврида кўпгина касблар бўйича меҳнатнинг мазмуни тез ўзгариб бормоқда. Касблар, айниқса, ишчи касблар

моддий жиҳатдан мураккаб техника билан қуролланмоқда. Бу эса меҳнат унумдорлигини ва меҳнат маданиятини анча юксак даражага кўтаради. Ишчилар меҳнати қўл меҳнатидан, жисмоний меҳнатдан, куч ишлатиладиган меҳнатдан тобора кўпроқ озод бўлиб бормоқ-да. Шунинг учун кичик мутахассис фан асосларини, техника, технология, иқтисодиётва ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича юкори билимга эга бўлиши керак.

Мана, фақат биргина мисол. Ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш, поток автомат линиялар, рақамли дастурлар билан бошқариладиган станоклар, робот техникиси комплексларининг жорий этилиши ремонтчи-слесарь меҳнатининг характеристикини сезиларли даражада ўзгартириб юборди. Автомат линиялар ва агрегат станокларининг созловчилари эндиликда айрим станокларни эмас, балки хилма-хил машиналардан иборат мураккаб комплексни созлаб ишга туширишлари керак. Бу улар меҳнатини инженер меҳнатига яқинлаштиради (албатта, ишчи ўз устида доимий равишда ишлаб, ўз малакасини муттасил ошириб борған тақдирдагина бунга эришиш мумкин).

Амалий жиҳатдан олганда, вақти келиб барча касблар ҳам ўз киёфасини ўзгартиради. Гоҳо шундай ҳам бўладики, касбнинг номи эскича қолгани билан унинг мазмуни мутлақо янги касбий меҳнат характеристига эга бўлади. Мана шунинг учун ҳам касбнинг айни ҳозирги замон киёфаси тўғрисида имкони борича кўпроқ билимга эга бўлишга ҳаракат килиш лозим.

Касб танлаш вақтида ўзининг жисмоний хусусиятларини, мухим камчиликларини билмаслик ёки уларга етарли баҳо бермаслик. Сиз биласизки, организмнинг у ёки бу хусусиятлари туфайли, соглиқнинг унча яхши бўлмаслиги сабабли кишига бир қатор касблар тўғри келмаслиги мумкин. Бунда ўша одам касбни эгаллаб олишга кодир бўлмаганлиги учун эмас, балки ўша касбда ишлаш унинг соглиғига ёмон таъсир қилиши мумкинлиги учун ҳам унга бу касб тўғри келмайди.

Ўз қобилиятларини, ва касб танлаш сабабларини яхши билмаслик. Ўз-ўзини, ўз шахсий хусусиятларини билиш, ўз қобилиятларига реал баҳо бера олиш мураккаб вазифадир. Уни қандай қилиб яхшироқ амалга ошириш мумкин? Биринчидан, киши ўз қобилиятларини ўрганишга уриниб кўриши керак. Иккинчидан, мана шу қобилиятларини ўзининг бўлажак касби талаблари билан тақкослаб кўриши керак. Ўз қобилиятларини ўрганиш билан

чекланиб қолмай, уларни турли йўналишдаги фаолиятда синаб кўрмоги лозим. Бунда хулоса чиқаришга шошилмаслик керак. Шуни эсда тутиш керакки, меҳнатсиз, иродиа кучнини сарф килмасдан туриб, ҳеч қандай натижага эришиб бўлмайди. Хатто ўзингиз севганини хам сабротоқатни, зўр бериб ишланини, мураккаб, кутилмаган вазиятлардан йўл топиб чиқиб кетиш учун ҳаракат қилишини, уринишни талаб қиласди.

1. Касб танлашда қандай сабаблар хатоларга олиб келади?
2. Сиз ўз меҳнат йўлингизни белгилаб олиш вақтида қандай қийинчиликларга дуч келмоқдасиз?
3. Касб танлаш вақтида бошдан кечирган хато ва қийинчиликларингизни ўз ўртоқларингиз билан мухокама килинг.
4. Бу хато ва қийинчиликларни енгиб ўтиш йўлларини белгилаб олинг.

§ 6.3 Касблар бўйича консультация

Сизнинг ҳар бирингиз касбга доир режка тузини ва уни амалга ошириш вақтида бир катор проблемаларга дуч келасиз: касб танланни формуласидан конкрет касбнинг ўзига қандай ўтиш мумкин? Ўша касбга ўзингиз ярокли эканлигинингизни қандай қилиб билиш мумкин? Ўз-ўзини тарбиялаш режаси қандай тузилади? — деган саволлар пайдо бўлади. Мана шу проблемаларининг ҳал этилишига касблар бўйича консультация ёрдам беради.

Касблар бўйича консультация — ёшларга касб танлашида ёрдам бериш мақсадида мутахассислар (психологлар, врачлар, педагоглар ва бошқалар) нинг маслаҳатлари ва тавсияларидир. Бизнинг мамлакатимизда шахарларда ва вилоят ва туманларда касблар бўйича консультация, яъни касбга йўналтирувчи ташхис марказлари ташкил этилган, корхоналарда, ўкув юртларида, мактаблараро техник марказларда ва мактабларда касблар бўйича консультация пунктлари, қасбга йўналтириш хоналари тузилган.

Касблар бўйича консультацияниң бир исча тини мавжуд бўлиб, улар бир-биридан фарқ қиласди (6-расм).

Ахборот берувчи касб консультацияси танланған касбнинг мазмуни билан кишини иложи борича чуқурроқ таништиришга қаратилгандир. У сизни ўша касб одамнинг сифатларига қандай талаблар қўйиши билан таништиради, шунингдек, бу касбни қаерда, қандай қилиб ўрганиш йўлларини, ишга жойлашиш имкониятларини

түшүнгүриб беради, шу консультацияннің ўзінда сиз касб маҳораттің ошириш йўллари тұғриенде ҳам күпгина маълумотларни биліб олишиніңиз мүмкін.

Одатда бундай консультациянның сиз тәнлашингиз мүмкін бўлган касбда узоқ вактдан бери ишлаётган тажрибали мутахассислар ўтказадилар.

Ташхиз касб консультацияси кишини ҳар томонлама ўрганиш асосида ундағы кизиқишилар, майлар, қобиляйтлар ҳамда шахсдаги касб жиҳатидан муҳим бўлган айрим сифатларни аниклаб ўрганишга қаратилғандир. Бундай консультацияндан мақсад фаолиятнинг қандай соҳасында сиз мувваффакиятли ишлашингиз мүмкинligини, яъни сиз қайси соҳада жамият учун максимал фойда келтиришингиз мүмкинligини ҳамда ўз меҳнатингиздан мүмкін қадар кўпроқ қоникиш ҳосил қилишингизни олдиндан белгилаб беришдан иборат (7-расм).

Диагностик касб консультациясими психологиялар ўтказадилар. Улар шахсні ўрганишнин аикета тұлдириш, тестлар билан синаш сингары ҳар хил методларини кўлладилар. Сизнинг орангизда бирор фаолият турига аниқ қизиқиши бўлмаган ўсмиirlар учун ҳам мана шундай консультация зарур. Бироқ, ҳар хил анкеталардаги саволларга жавоб беришнинг ўзи етарли ва психолог ЭХМ ёрламида ким бўлишингин аниқ айтаб, кўлингга рецепт тутқазади. Деб ўйламаслик керак. Чуниқ ҳатто шаҳе хусусиятларини чукур ва ҳар томонлама ўрганиб чиқыпганидан кейин ҳам қандай касбни танлаш тұғриенде бир фикрга келиш қийини. Бу ерда гап факт бир-бирига яқии бўлган жуда кўп касблар доирасыда бориши мүмкін. Сиз эса ана шу касблардан бирини ўзингиз мустакил равишда танлаб олишингиз керак.



6- расм. Касб маслаҳатининг типлари


Тиббий касб консультацияси одамнинг саломатлиги у танлаган касб талабларига қай даражада мувофиқ келишини аниқлаб олишга ёрдам беради. Агар сиз мўлжаллаётган касб қандайдир бир сабаб билан соғлигингизга тўғри келмайди, деб тошлигудек бўлса, у холда врач сизга бошқа бир касбни, яъни сизнинг қизиқиши ва майлларингизга яқин бўлган, соғлигингизга зарар етмайдиган касбни танлашни тавсия қиласди. Масалан, айтайлик, сиз ўз ҳаётингизни авиация билан боғлик бўлган касбга бағишламоқчисиз. Лекин сизнинг кўзингиз унчалик ўткир эмас, бундай ҳолларда консультант-врач, учувчилик касби сизга тўғри келмайди, лекин сиз авиатехник, авиаконструктор ва бошқа шунига ўхшаш касбларни бемалол танлашингиз мумкин, деб маслаҳат беради.

Тузатиш киритувчи касб консультацияси одам бир касбни танласаю, лекин унинг реал имкониятлари ва кобилиятларига ўша касб мувофиқ келмаган ҳолларда зарур бўлади. Бундай вазиятда касбий режани қайтадан кўриб чиқиш ёки унга аниқлик киритиш зарур бўлиб қиласди.

Айтайлик, шахсни ўрганиш вақтида олинган маълумотлар асосида консультант сизга бошқа бир касбни танлашни тавсия этади. У билан бирга сиз янги касбга доир режа тўғрисида ўйлаб кўрасиз. Бўлгуси касбингизнинг бўлажак боскичларини белгилаб оласиз.

Мабодо, сизнинг қасбий режаларнинг башқа кишиларнинг, масалан, ота-онанингизнинг иштаклари билан мос келмай қолса, у ҳолда консультант бу проблемани ҳам ҳал килишга уриниб кўради.

Юқорида санаб ўтилған касблар бүйіча консультацияның типлари бир-бири билан ұзаро маҳкам болғылғыдир. Тиббий касб консультациясыда маълумотнома-ахборот беріш харakterидаги ва тузатиш кири тувшырылған элементлар мавжуд бўлса, ташхис касб консультациясыда тиббий касб консультациясининг элементлари учрайди ва хоказо. Бунда энг муҳими – ҳар қандай касб консультациясы сизга ўз индивидуал хусусиятларингизни яхшироқ билдиб олишида, ўз олдингизга кўйган мақсадга эришиш учун қандай фазилатларни ривожлантириб ва ўрнини тўлдириб бориши зарурлигини аниклаб олишида ёрдам беради.



Шахс интилишлари билан жамият эҳтиёжларининг бис келиш зонаси

ШАХЕРДАРЛЫК НЫЛДАРНИҢ ЖАМИНТ ЭХТЕНДІЛІКТЕРІ БИЛАҢ МОС КЕПІШ ЗОНАСЫ

Касб танлашнинг оптимал зонаси

7- рәсм. Қасб тапшыннинг онтимал шартлари

Агар сиз касблар бўйича консультация олишни истасангиз, бунга сиз олдиндан тайёргарлик кўриб боришингиз керак: ўзингизни қизиктирган саволларни ўйлаб кўришингиз керак, касб танлаш бўйича ўқитувчиларингиз берган маслаҳатларга ҳам қулоқ солиб мулоҳаза килиб кўришингиз зарур; бу масаланинг психологик томони ҳам ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга сиз ҳар бир маслаҳатга дикқат-эътибор билан қарашингиз ва бундан тўғри, пухта хуносалар чиқариб олмоғингиз керак.

1. Касблар бўйича консультациянинг вазифалари нималардан иборат?

2. Касблар бўйича консультациянинг қандай типлари мавжуд?

Сиз касблар бўйича консультант билан бирга муҳокама қилмоқчи бўлган масалаларни ўзингиз учун аниқлаб чиқишга ҳаракат қилинг.

§ 6.4 Касб характеристикаси — профессиограмма

Тўғри касб танлаш меҳнатнинг мазмуни, характеристини иложи борича кўпроқ билишни ҳамда бўлгуси меҳнат фаолияти жараёнидаги муносабатлар хусусида иложи борича тўларок маълумотга эга бўлишни тақозо этади. Ўқув машгулотлари, синфдан ташқари олиб бориладиган турли иш.формалари, ижтимоий фойдали, ишлаб чиқариш меҳнати, мутахассислар билан бўладиган учрашув-сұхбатлар, адабиётларни мустақил равишда ўрганиш ва бошқа шу сингари тадбирлар касб тўғрисида тегишли билимга эга бўлиш манбаидир.

Касб тўғрисидаги энг муҳим манбалардан бирни профессиограмма ҳисобланади. Профессиограмма - касбга берилган характеристика бўлиб, ўша касб одамнинг шахсий фазилатлари: ақлий, психологик, жисмоний ва бошқа фазилатларига қўядиган асосий талабларни ўз ичига олади.

Барча профессиограммалар тахминан қуйидагича схема асосида тузилади:

касбнинг номи;

касбнинг бозор иктисодиёти шароитидаги аҳамияти ва ўрини;

меҳнатнинг тури: қўл меҳнати, механизациялаштирилган, автоматлаштирилган меҳнат;

меҳнат предмети ва маҳсулоти;

иш бажариш учун зарур бўлган билим ва маҳорат;

иш шаронглари, иш жойи;
мехнат тартиби (сменалийлик, бир хиллик ва шу кабилар) ва дам олиш тартиби;
касбнинг соғлиққа түғри келмаслиги ҳақида тиббий хulosаси;
шахснинг иродавий, ишчанлик ва бошқа фазилатларига кўйинладиган таъибтар;
касбнинг шахсга унинг умумий маданият даражасининг шаклланишига, аклий қобилияtlарининг ривожланишига, характеристига ва шу каби сифатларига кўрсатадиган таъсири;
касб ўрганиш йўллари, таълим муассасаларининг характеристикаси ва уларга кириш шартлари;
касбий ўсиш истиқболлари;
турдон касблар.

Ҳар бир ўсмир ўз меҳнат йўли кандай бошланиши тўғрисида ўйлар экан, ўзи учун мўлжалланаётган касбнинг профессиограммасини тушиб чиқиши фойдали бўлади. Бундай иш унга ўзининг бўлажак касби тўғрисида кўпроқ нарсаларни билиб олиш, ўша касбга ўзининг касб жиҳатидан қай даражада мос келишини баҳолаш имконини беради. Профессиограмма тузиш сиз ўзингизда шакллантиришини ёки ривожлентиришни зарур деб хисоблаштган касб жиҳатидан мухим сифатларни белгилаб олишга ёрдам беради (улар професионал режага асос қилиб олинмоғи керак). Профессиограмма тузаётган вақтда «Касблар олами» энциклопедиясидан олинган мақолалардан, ҳар хил справочник нашрларидан фойдаланиш мумкин. Амалий характеристдаги оид баъзи маълумотларни буюртмачи корхона мутахассислари билан ёки касбий консультант билан ўтказиладиган сұхбатлардан олиш мумкин.

Кўйинда мисол тарикасида иккى касб: «Станоклар ва автомат линияларининг созловчиси», «Мелиорация ишлари механизатори» касбларининг профессиограммаси келтирилган.

Станоклар ва автомат линияларининг созловчиси

Созловчилик касби — энг янги ва истиқболли касблардан бириндир. У саноатда мураккаб автомаг ва ярим автомат ускуналар билан бир вақтда пайдо бўлди. Автоматлаштирилган ишлаб чиқариш шаронтида бу касбнинг аҳамияти доимий равишда ортиб бормоқда.

Созловчининг ишлаб чиқаришдаги асосий вазифаси — станокларни ва автомат линияларини маълум бир турдаги маҳсулотларга ишлов беришга тайёrlашдан иборатdir. Созловчи деталларга синов тарикасида ишлов бериш тадбирини амалга оширади, асбоб-ускуналарнинг ишини кузатиб боради. Берилган ўлчамлардан қандайдир чекинишни сезганда созловчи машинанинг каери бузилганлигини аниқлади ҳамда ўз билими, маҳорати ва малакаларига таянган холда у камчиликларни йўқотиб машинани тузатади. Шунингдек, у турли хилдаги ремонт ишларида, ускуналарни синаш тадбирларида қатнашади, ҳар хил тиндаги станокларни, контрол автоматларни, автомат линияларининг транспорт қурилмаларини созлаб беради, роботларни созлаиди. Станокларни созлаш билан бөглиқ бўлган тегишли ҳисоб-китоб ишларини бажаради.

Станоклар ва автомат линияларининг созловчиси юксак даражада техник билимга ва яхши хотирага эга бўлиши керак.

Турли-туман техник вазифаларни ҳал қилиш заруринати билан бөглиқ бўлган ишларни бажараётган созловчи учун мантиқий жиҳатдан тўғри ўйлаш ва ижодий фикрлаш foят муҳим аҳатинятга эгадир. Ускуналардаги бузуклик кўзга яққол кўринниб турмаслиги сабабли одатда кузатувчанлик ва хушёрлик билан иш юритадиган созловчилар ўз ишида ижодий натижаларга эришишлари мумкин. Шунингдек оғир вазиятлар вужудга келиб қолганда сабр-тоқатли бўлиш, пухта ишлаш ва ўзини йўқотиб қўймаслик ҳам муҳимdir.

Созловчилар машинасозлик, озиқ-овқат, тўқимачилиқ саноати корхоналарида ва бошқа шунга ўхшаш жойларда меҳнат қиёладилар.

Бу касбни касб-хунар коллежларида ўрганиш мумкин. Бу соҳада билим олишни эса машинасозлик касблари бўйича олий таълим муассасаларида давом эттириш мумкин.

Машина ва ускуналарни созловчи, дастур билан бошқариладиган станокларнинг оператори, техник-механик касблари турдош касблар ҳисобланади.

Мелиорация ишлари механизатори

Мелиорация ишлари ерларнинг ҳолатини тубдан яхшилашга қаратилган. Бу табиий шароитлар комплексини кинилок лўйжаланиги

учун зарур бўлган йўналишида ўзгартириш, янги ерларни қишлоқ хўжалик учун фойдаланишга киритиш, мамлакатнинг турли туманларида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун энг қулай имкониятларни вужудга келтириш деган сўздир. Хозирги вақтда деярли барча мелиорация ишлари механизациялантирилган.

Механизатор ер ковлаш машиналари тиркалган трактор агрегатларида, экскаваторларда ва грейдерларда хилма-хил тупроқ ишларини бажаради. Сунъий суғориладиган далаларда у насосли, ёмғир ёғдирадиган ва бошқа шунга ўхшаш гидротехника ускуналари билан ишлайди. Машиналарни ишга тайёрлаб қўйиш, уларни артиб, тозалаб туриш, айрим механизмларни текшириш ва созлаб қўйиш сингари ишлар механизаторнинг вазифасидир.

Барча мелиорация ишлари технологик карталар бўйича ўтказилади. Механизаторнинг вазифаси технологик картани диққат билан тез ва аниқ ўрганиб чиқишдан ҳамда ўз ишини режалаштиришдан иборатдир. У тупроқнинг ташки белгиларини ва хусусиятларини билиши, техниканинг бузилиб қолиш эҳтимоли бўлган жойларини аниқлай олиши ва уларни дала шароитида тузатишни бўлмоғи керак. Организмга шовқин, тебраниш, чангтўзи, покусий обҳаво шаронитларининг таъсири билан боғлиқ бўлган бу иш кишидан ўзининг бутун иродада кучини ҳамда актив ақлий фаолият кўрсатишини талаб қиласди. Узоқ муддатли хизмат сафарларига бориш ҳам эҳтимолдан йироқ эмас. Мазкур касбни танлаган кишиларнинг соғлиғи яхши бўлиши ва улар турли кийинчилкларга саботли, бардошли кишилар бўлмоғи керак. Уларда ранг ва ёргуларни сезиш, товушларни эшлиб фарқлаш кобилиятни ривожлантириш бўлиши лозим.

Бу касбни кишилардаги касб-хунар коллежларида ўрганиш, бу соҳадаги билимни эса агрор университетда ва бошқа олий ўқув юртларида давом эттириш мумкин.

Кенг соҳадаги механизатор, суғорищ усталари, дренаж машиналарининг машинисти турдош касблар ҳисобланади.

1. Профессиограмма нима?

2. Унга қандай маълумотлар киради?

3. Касб ташлаётгандарга профессиограммалар қандай ёрдам кўрсатиши мумкин?

4. Ўзингизнинг бўлғуси касбингиз характеристикасини тушиб чиқинг.

§ 6.5 Қаерда қасб ўрганиш мүмкін?

Умумтағым үрта мактабини тугатғандан кейин сизларниң ҳар бириңиз: энди қаерға кириб үкиш керак, қасб тағымынни қаерда давом эттириш мүмкін? — деган масаланы ҳал қилишингиз керак бўлади.

Кўпгина қасблар узок муддат маҳсус тайёргарликни талаб қилади. Бундай қасбларга ўргатиш қасб-хунар коллежларида амалга оширилади. Улар 3-4-разрядли малакали кичик мутахассисларни тайёрлайди. Қасб-хунар коллеж ўқувчилари кичик мутахассислик билан бирга умумий үрта маълумот ҳам оладилар. Қасб-хунар коллежларида ўқиш муддати 3 йил.

Қасб-хунар коллежларга қабул тўлиқсиз үрта умумтағым мактабини тўғатганлик тўғрисидаги шаҳодатномага қўйилган баҳолар бўйича конкурс тарзида танлаб олиш йўли билан амалга оширилади. Бунда ўқишга кираётган ўсмирнинг у ёки бу қасбда ишлиши соғлигига тўғри келиш-келмаслиги ҳам ҳисобга олинади.. Ўқишида ва жамоат ишларида ўзини қўрсатган илғор ўқувчилар учун ҳар хил мукофотлар ва стипендиялар (шу жумладан, Қасаба уюшмалари Марказий Кенгаши маҳсус стипендиялари) тайинланади. Ўқиш даврида, ишлаб чиқариш амалиётида килинган ишлар учун ўқувчиларига иш ҳақи тўланади.

Қасб-хунар коллежларда ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятининг бошлангич ташкилотлари, илмий жамиятлар, тўгараклар, спорт секциялари ва шу кабилар иш олиб боради. Қасб-хунар коллежларга ўқувчилари томонидан киритилган рационализаторлик таклифлари кўпинча корхоналарда ишлаб чиқаришга жорий этилади ҳамда сезиларли даражада иктисадий самара беради. Қасб-хунар коллежларни битириб чиқкан ёшлар олган қасблари ва мутахассисларнига мувоффик келадиган ин билан таъминланадилар.

Қасб-хунар коллежларда мамлакатимиз ҳалқ хўжалигининг барча тармоқлари учун үрта бўғиннинг кичик мутахассисларни тайёрлаш амалга оширилади. Бундай қасб-хунар коллежларига педагогика, медицина, мусиқа, бадиий-рассомчилик ва бошқа билим юртлари киради. Қасб-хунар коллежларни битириб чиқкан ёшлар бозор иктисадиётида энг кўп сонли мутахассислар ташкил килади. Улар мураккаб ускуналарга ва автоматлаштирилган тизимларга

хизмат күрсатадилар, ишлаб чиқаришнинг технологик тайёргарлигини амалга оширадилар.

Олий таълим муассасалари бозор иқтисодиётининг барча тармоқлари: саноат, кишилек хўжалиги, транспорт, қурилиш, солишни саклаш, маданият, таълим, сервис хизмат ва бошка тармоқлар учун кенг профилдаги олий маълумотли мутахассислар тайёрлайди. Олий ўкув юртларига университетлар, институтлар, академиялар, консерваториялар киради. Олий ўкув юртларида ўқиш муддати бакалавриат 4 йил, магистратура 2 йил.

Олий ўкув юртларига қабул конкурс тест натижалари бўйича амалга оширилади. Муддатли ҳарбий хизматни тугатиб кайтган ёниларга ҳарбий кисм томонидан Олий ўкув юртига ўкишга кириш учун йўлланма берилганлар Вазирлар Махкамаси томонидан ўрнатилган имтиёзлардан фойдаланадилар (максимал баллдан 20% қўшимча балл сифатида қўшиб берилади). Юқорида санаб ўтилган таълим муассасаларининг барча типлари тўғрисида маҳсус справочниклардан, мактабдаги, етакчи корхонасидаги касб танлаш марказлари ва хоналарида, шунингдек мазкур таълим муассасининг бевосита қабул комиссияларида атрофлича ахборот олиш мумкин.

Хозирги бозор муносабатлари шароитида ишлаб чиқаришидагфан-техника тараққиёти техника ва технологиянинг доимий равища янгиланиб бориши оқибатида маҳсус билимлар тезда эскириб янги билимларга эҳтиёж пайдо бўлмоқда.

Ўз майлини ўзи баҳолаш картаси

Айтайлик, сиз тегишли таълим олганингиздан кейин қуйида санаб ўтилган ишлардан исталган бирини бажаришингиз мумкин. Бироқ, сизга агар мана шу касбларнинг факатгина иккитасидан бирини танлаб олиш имконияти бериладиган бўлса, у ҳолда сиз қайси фаолият тури билан шуғулланишни афзал кўрардингиз? Қуйида а ва б индекслари билан белгилаб кўйилган 20 жуфт касб таклиф этилган бўлиб, улар ҳар хил фаолият турларини қиска шаклда ёритиб беради. Сиз ўз иш дафтарингизда худди мана шундай шаклни чизиб, уни «Жавоблар вараги» деб атанг ҳамда ҳар икки эътироф қилган касбингизни дикқат билан ўқиб-ўрганиб чиққанингиздан кейин ўзингиз учун мароқлирок бўлиб туюлган касбга «+» аломатини қўйиб белгилаб чиқинг.

Жавоблар вараги

Одам	Техника	Табнат	Белгилар тизими	Бадий образ
2а	16	1а	26	3а
4б	4а	3б	5а	5б
6б	7б	6а	9б	7а
8а	9а	10а	10б	8б
12а	11а	11а	12б	13а
14б	14а	13б	15а	15б
16б	17б	16а	19б	17а
18а	19а	20а	20б	18б

1а. Ҳайвонларни бөзиш	ёки	16. Машиналарга хизмат күрсатпш
2а. Бемор кишиларга ёрдам бериш, уларни даволаш	ёки	26. Жадваллар, схемалар, хисоблаш машиналар учун дастурлар тузиш
3а. Китоблар, плакатлар, журналларни безашда иштирок этиш	ёки	36. Үсимликлар холати ва уларнинг ривожланишини кузатиб боринш
4а. Материаллар (ёғоч, газлама, металл, пластмасса ва бошқалар)га ишлов бериш	ёки	46. Товарларни истеъмолчига етказиб беринш (реклама қилиш)
5а. Илмий-оммабоп китобларни, мақолаларни муҳокама килиш	ёки	56. Бадий китобларни (ёки пъесалар, концертларни) муҳокама килиш
6а. Ҳайвонларни парвариш қилиш	ёки	66. Үртоқларни (ёки кичик ёшдаги мактаб кувчиларини) қандайдир бирор ҳаракат)ни бажарниша машқ килидириш

7а. Раеслар, таевирлардан нусха күчириш (ёки мусиқа асбобларини созлаш)	ёки	7б. Күттарма кран, трактор, тепловоз ва шу кабиларни бошқариш
8а. Одамларга қандайдир ахборотларни (справка бюросида, экскурсияларда) маълум килиш (тушунтириб бериш)	ёки	8б. Кўргазмаларни, витриналарни бадиий безатиш (ёки пьесалар, концертлар тайёрлашда иштирок этиш)
9а. Нарсаларни (кийим- кечакларни, техникини) турар жойни таъмирлаш	ёки	9б. Текстлардаги, жадваллардаги, расмлардаги хатоларни топиш ва тузатиш
10а. Ҳайвонларни даволаш	ёки	10б. Санаш, хисоб-китоб ишларини бажариш
11а. Ўсимликларнинг янги навларини етиштириш	ёки	11б. Буюмлар (машина, кий-им-кечак, уй ва шунга ўхшашлар)нинг янги хилини конструкция лойиҳасини яратиш
12а. Бахе— мунизараларни ҳал қилиш, жанжалларнинг олдини олиш, ишонтириш, тушунтириш, рагбатлантириш, жазо берини	ёки	12б. Чизмаларни, схемаларни, жадвалларни таҳлил қилиш (текшириш, аниқлаш, тартиба келтириш)
13а. Бадиий ҳаваскорлик тўғарақлари ишида иштирок этиш	ёки	13б. Микроблар ҳаётини кузатиш, ўрганиш
14а. Тиббиёт приборлари, аппаратларини созлаш	ёки	14б. Ярадор бўлган, жароҳатланган вақтда ва бошқа шунга ўхшаш холларда одамларга тиббий ёрдами кўрсатиш
15а. Кузагиладиган ходисалар, воқеалар,	ёки	15б. Воқеалар (кузатилади- ган ёки

ўлчанадиган обеъктлар ва шу кабилар тўғрисида аниқ ёзма изохлар, ҳисоботлар тузиш		тасаввур килинадиган ҳодисалар)ни бадиий тарзда баён этиш, акс эттириш
16а. Касалхонада лаборатория анализларини бажариш	ёки	16б. Беморларни қабул қи-лиш, кўриш, улар билан сұхбатлашиш, даво бел-гилаш
17а. Деворлар ёки хоналарни буюмларнинг сиртини бўяш ёки уларга нақш чизиш, гул солиш	ёки	17б. Биноларни монтаж қилиш ёки машиналар, приборларин йигинш
18а. Тенгдошлар ёки кичик ёшдаги ўртоклар билан (театрга, музейга) экспкурсиялар, туристик юришлар ва бошқа шунга ўхшаш ишларни ташкил килиш	ёки	18б. Сахнада ўйнаш, концертларда иштирок этиш
19а. Чизмаларга қараб деталлар, буюмлар (машиналар, кийим-кечаклар) тайёрлаш, бинолар куриш	ёки	19б. Чизмачилик билан шу-ғулланиш, чизмалардан, карталардан нусха кўчириш
20а. Ўсимликлардаги касалликларга, боғ ўрмонлардаги зааркунандаларга қарши кураш олиб бориш	ёки	20б. Клавишли машиналар (ёзув машинкаси, телетайп ва бошқалар)да ишлаш

«Жавоблар вараги»ни тўлдирганингиздан кейин ҳар бир вертикал катордаги (касларнинг типларига мувофиқ бундай қаторлар бешта) «+» белгилари сонини ҳисоблаб чиқинг. Уларнинг йигиндиси касларнинг типлари (О; Т; Таб.; Б.т.; Б.о.) дан бирига нисбатан сизнинг онгли равишда ифодаланган майлингиз кўрсаткичي бўлади.

VII БОБ. КАСБ ТАНЛАШГА ЙУЛЛАШНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ХОЛАТИ

§ 7.1 Касбга йўналтириши ишларига қўйиладиган талаблар

Касбга йўналтиришга ёшларнинг касбни эркин ва мустақил танлашнинг илмий-амалий тизими сифатида қараш лозим. У ҳар бир шахснинг ҳам инди-видуал хусусиятларини ҳам бозор иқтисодиёти манфаатлари нуқтаи назаридан меҳнат ресурсларини тўлаконли таъминлаши заруратини хисобга олиш керак. Вазирлар Маҳкамасининг "Академик лицейлар ва касб-хунар колледжлари ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида" ги 1998 йил 14 май № 204 қарор-ининг қабул қилиниши ёшларнинг мажбурий

ихтиёрий таълим министрларини таъминлашадиган талабларни ишлаб чиқариш амалиёти билан янада мустаҳкамлашларида муҳим ахамиятга эгадир.

Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчилар касбга йўналтиришининг илмий - педагогик асосларини ишлаб чиқиш лозим.

Бунинг учун қуйидаги камчиликлар бартараф этилмоги лозим. Хозирги кун талаблари асосидаги ихтисосликлар классификаторининг йўклиги;

- касб танлаш меъзон ва меъёрларининг ишлаб чиқилмаганлиги;
- касб танлаш характеристи бўйича ахборотнинг талаб даражасида эмаслиги;
- танлаш натижалари бўйича тезкор алоқанинг ўрнатилмаганлиги.

Касб танлаш учун ўқувчи ўз имкониятларини баҳолай олиш кўникмасига, яъни ақли, қизиқиш ҳар хил касблар бўйича билими, бу касбларнинг имкониятлари, келажаги ҳақида ахборотига эга бўлиши керак.

Шахсда касб йўналтиришини маҳсус илмий амалий фаолият орқали амалга оширилади, ўқувчининг инсон сифатида шаклланиш босқичларида шахс ва жамият ягона бир тизим сифатида қаралади, бозор иқтисодиёти муносабатлари талаблари инобатга олинади.

Касбга йўналтиришини шакллантириш воситалари:

- касбий ахборот ва таълим-тарбия;
- ўқувчи қизиқишларини ўрганиб бориш ва маҳорат билан ўстириш;
- касбий маслаҳат;
- касб танлови;

- касбни танлаб олиш;

- касбий мослашиш.

Кўрсатилган воситалар касбга йўналтириш мазмунининг асосини ташкил этади.

Ўкувчиларни касб танлашга тайёрлигини кўрсатувчи меъзонлар:

- когнитив (ахборотга эга эканлиги);

- касбга қизиқиш мезони;

- амалий меъзон.

Касб танлаш (йўналтириш) бўйича алоҳида Давлат таълим стандарти бўлиши ва у қуидагиларни ўз ичига олиши лозим:

1. Ўкувчиларни касб танлашга йўналтиришга тайёрлашини ёш

босқичлари мазмуни:

а) кичик ёшдаги;

б) ўрта ёшдаги;

в) катта ёшдаги ўкувчилар.

2. Ёш босқичлари бўйича бошлангич (I-IV синфлар), ўрта ёшдаги

(V-VII), катта ёшдаги (VII-IX) ўкувчиларни касбий тайёргарлигини аниқлаш меъзон, кўрсатгич ва ўлчовлари.

3. Мактаб ўкувчиларининг касб бўйича босқичларини кўрсатувчи тиббий-физиологик меъёрлар.

4. Турли ёш босқичларидан ўкувчиларни касбга тайёрлиги даражасини ўлчовлари.

Ўкувчиларни касбга йўналтиришни ёш босқичлари бошлангич синф ўкувчиларида қуидаги мазмунга эга бўлади:

Бошлангич синф ўкувчиларини касбга йўналтиришдан асосий мақсад уларни меҳнат, касб турлари, йўналишлари билан танишишиб бориш ва касб фаолиятига қизиқини шакллантиришдан иборат.

Бунга эришиш учун қуидаги вазифаларини амалга ошириш зарур:

- ўз -ўзини баҳолай билиш малакаларига ўргатиш;

- интеллектуал ва хиссий-иродавий хислатларини ривожлантириш;

- реалистик жихатдан ўз -ўзини бохалашини ривожлантириш.

Бу ёндаги болаларда принципиал ахамиятга эга бўлган, яъни касбга йўналтиришида қўйидаги когнитив йўналиш кўрсатгичларини шакллантириш керак:

- хар хил фаолиятда иш жойини тайёрлаш қоидаларини билиш (дарсга нима керак, бир маротабалик топшириқни, уй вазифасини бажариш учун);
- меҳнат воситалари ва предметларини иш ўрнида жойлаштириш;
- ўкув ёзув қуролларини қўлланилиши ва улардан фойдаланини қоидаларини;
- ишнинг боришини аргументлаш, асослаш ва меҳнат операцияларини бажарилиш кетма-кетлигини тушини;
- ўз-ўзини текширишни, ўз меҳнатини ва ўртоклари меҳнатини баҳолашни билиши керак.

Бошлигич синф ўкувчиларида касбга йўналтиришдаги амалиёт қўйидагиларда намоён бўлади:

- ўзининг шахсий буюмларига ўкув қуролларига ва мактаб жихозларига эътиборида;
- нафакат яхши эътибор билан қараш ва зарур бўлганда таъмирлаш ишларини (елимлаш, тартибга келтириш) бажаришга интилишида;
- хар кандай ишни бажаришда интилевчанлиги, табиат, атроф-мухитга ва унинг бойликларини саклаш ва бошқаларда.

Касбга йўналтиришнинг омилкорона-кимматли йўналиши бу ёндаги ўкувчиларда ўз меҳнати натижаларидан эстетик жиҳатдан рухланишида намоён бўлади. Меҳнатга эстетик эътиборининг йўналишида мотивлар турлича бўлиши мумкин. У ҳаракат килишда, фаолликда, ўртоклари билан алокасида ва ишонч билдиргалигидан коникишида сезилади.

V-VII синф (ўрта ёшдаги) ўкувчиларини касбга йўналтириш мазмуни улардаги қизикиш, лаёкат, шахс сифатидаги жамиятда тутган ўрни тўғрисидаги тушунчалар ва касб танлаш кўнимасини шакллантириши зарурати билан белгиланади. Бўлгуси касбий фаолиятлар бу ёшдаги ўкувчилар учун ҳаётдаги ўз ўрнини белгилаш ва тайёрлашда туртки, ўз шаклланиш имкониятларини очиши ва касб танлаши учун зарур бўлади.

Бу ёшдаги ўкувчиларда ижтимоий-психологик лаёкатлар, ўзи улгаяётганлигига, янги бир позицияда ўзига эътиборида, атрофга ва оламга мунасабатида шаклланиши керак.

V-VII синф таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларни кизиқишилари, изланишлари, лаёқати бўйича касб танлашга ва хаётда ўз ўрнини топишга йўналтирилади.

Бу ишлар реал меҳнат бозорини хисобга олган холда амалга оширилиши керак.

VIII-IX синф ўқувчиларида касбга йўналтириш ишлари мазмунни шахснинг маънавий хислатлари ва жамият олдидаги бурчи, жавобгарлик хислатларини шакллантириш билан ажралиб туради.

Бу эса улардан мустакиллик, ташаббус билан чиқиш, мустакил қарор қабул қилиш ҳатти ҳаракатлари натижасини билиши ва фаолияти нимага олиб келишини сезиши билан белгиланади.

Бу босқичда шахснинг ўзига баҳоси, танқидий қараши, ўзини-ўзи таҳлил қилиши, ўз-ўзини бошкарниш, тарбиялаши, ўзининг кизиқишини атрофдагиларники билан кўшиб олиб бориши принципиал мухим аҳамиятга эга.

Бу жараён касб танлаш ва касбий фаолият тармоқларини билиши натижасидир.

VIII - IX синф ўқувчиларида олдинги босқичларда олган билимлари ва тажрибалари асосида қўйидаги йўналишлар бўйича касбий фаолият амалга ошириллади.

- ўқув ва маҳсус фанларни чукур ўрганиши асосида;

- диккатини, танланган фаолиятида касбий мухим сифатларнинг шаклланишига қаратилишида;

- касбий режалари устидан назорат ва уларни асосланиш даражасини очиб беришда;

- касбий фаолиятга ўзини тайёрлаш йўллари, ўзига тайхис қўйиш, натижаларини баҳолашда;

- ижтимоий-касбий кўнини, касбни танлаш сабаблари, касбий йўналиш асослари шаклланишида.

§ 7.2 Ўқувчиларни меҳнатга ва касб-танлашга тайёрлашда мактаб касбга йўналтириш хоналарининг ўрни.

Касбга йўналтириш хонаси амалий ишлар учун ахборот материалларини йигиб боради ва саклайди; хона касб танлаш масалалари ва ўрта маҳсус, касб хунар таълим ўқувчи томонидан ихтиёрий танлашларига хизмат кўрсатадиган маълумот - маслаҳат маркази вазифасини бажаради; ўқувчилар билан касб танлаш бўйича машғулотлар, шунингдек ота-оналар, ўқитувчилар, буюртмачилар,

хомий ташкилотлар ва касбга йўналтириш фаолиятида иштирок этадиган бошка кишилар билан ишлар олиб боради.

Касбга йўналтириш хонаси ишининг мазмуни.

- ўқувчилар билан методик ишлари олиб бориш (иҳтиёрий мажбурий таълим, академик лицейлар, касб-хунар колледжлар ва бонқалар тўғрисида маъruzалар, семинарлар, педагогик ўқишилар ва х.к.);

- ўқувчилар билан касб таълими асослари бўйича машғулотлар ўтказиш (фақультативлар, касбга йўналтириш бўйича синф соатлари ва х.к.);

- ҳалқ хўжалиги тармокларининг илғор намоёндалари фахрийлар ва бонқалар билан учрашувлар ташкил этиш;

- касбга йўналтириш бўйича оммавий тадбирлар уюштириш;

- ўқувчилар ижодий фаолиятларини кўргазмаларини ташкил этиш;

- ўқувчилар билан якка тартибда иш олиб бориш (ҳалқ хўжалигининг ўқувчи яшайдиган, ўқувчининг индивидуал хусусиятларини танлаган касб йўналишига мос келиши-келмаслигини тахлил қилиш бўйича маслаҳатлар, “Таълим тўғрисида”ги конун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридан келиб чиқиб кадрлар тайёрлаш йўллари ва шакллари, меҳнат қонунчилиги ва х.к.).

Касб танлаш масалалари юзасидан ота-оналар йигилишларини маслаҳат бериш:

- йигилишларни ўтказиш ва уларга фарзандларини касб танлаши бўйича маслаҳатлар бериш;

- мактаб ўқувчиларини касбга йўналтириш бўйича педагоглар жамоасини ўрганиш ва тахлил қилиш;

- вилоят, туман, ташхис марказлари билан доимий хамкорликда фаолият кўрсатиш;

Касбга йўналтириш тизимининг асосий компонентлари қўйнагилардан иборат:

- касблар тўғрисида ахборот;

- дастлабки касбий ташхис;

- касб танлашига оид консультация;

- касбга саралаб олиш;

- ижтимоий-касбий мосланиш;

- касбий тарбия.

Касблар тўғрисида ахборот берини - ўқувчиларни турли хил меҳнат турлари билан, касблар шажараси, касбларнинг ўзига хос-хусусиятлари, халқ ҳўжалигининг касбларга бўлган эҳтиёжлари билан таништиришдир. Танишиш жараёнида ўқувчилар касблар оламида тўғри йўл топишга хизмат қилувчи билимларни эгалайдилар ва обьектларга ўзлари баҳо бериш асосида қатъий бир қарорга келадилар. Касблар ҳақида тартибсиз мавлумот бермаслик учун (дунёда 40 миндан ортиқ касблар мавжуд) ўқувчилар оладиган билимларни мавлум бир тизимга солин лозим. Буниг учун меҳнат предмети бўйича Э. А. Климовининг касблар таснифидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Касблар ҳақида ахборот бериш ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини хисобга олган холда олиб борилиши лозим.

Дастлабки касбий ишларнинг мазмуни қўйидаги компонентарни ўрганишни ўз ичига олади:

- қизикиши, нияти, лаёқати, қобилияти;
- шахсий руҳий хусусиятлари;
- асаб системасининг шахсий хусусиятлари ;
- мавжуд билим, қўникма ва малакалар.

Изоҳ: Бу компонентларни айримларини аппаратуралари методлар ёрдамида амалга оширилишини хисобга олиб, моддий техника базаси мавжуд жойларда таълим муассасалари касбга йўналтириш хоналарида, старлі бўлмаган жойларда эса туман психологик педагогик ташхис марказлари базасида хамкорликда ўтказилади.

Касбга оид консультацияларининг мақсади - ўқувчиларга касб танлашда ёрдам беришдан иборат бўлиб, уларнинг қизикишлари мойиллликлари. қобилияtlари ва бошка хусусиятларни ўрганишга таянади ва қўйидаги босқичларда амалга оширилади:

- дастлабки касбга оид консультация;
- касбга оид ахборот-мавлумот консультацияси;
- касбга оид бошлангич шакллантириш консультацияси;
- касбга шахсни мослигини аниқлаш консультацияси;
- касбга оид мувофиқлаштириш;
- касбга оид асосий шакллантириш ;
- касбга оид назорат консультацияси.

Бу консультацияларнинг ҳар бирининг мазмуни қўйидагича:

Дастлабки касбга оид консультацияни - мураббийлар. ўқитувчилар, психолог-педагоглар амалга оширади. Улар

ўкувчиларни касбга оид дастлабки орзулари билан танишадилар. Бу орзулари ўкувчиларни шахси лаёкатлари, қобиляйтлари соглиқларига қай даражада мос келишини мухокама қиласылар. Мухокама холосаси яккама-якка сұхбат пайтида ўкувчига маълум қилинади: орзунинг түғрилгиги маъқулланади ёки касбларга оид ахборот маълумот материалларини ўрганиш маслаҳат берилади.

Касбларга оид ахборот маълумот-консультацияси вақтида дастлабки консультация натижаларига қараб ахборот-маълумот беріб борилади (касблар таснифлагиши, психограммалар, қайси касбларга эхтиёж борлиги түгрисида ахборотлар). Ўкувчи ушбу маълумотлар асосида ўзини қизиқтирган, жамият учун зарур бўлган касбни танлайди.

Касбга оид бошлангич бионлимларини шакллантириш - консультацияда ўкувчининг бундан олдинги босқичларга оид олган билимларини чуқурлаштириши меҳнат таълими жараёнида дастлабки қўникма ва малакаларни шаклланганлик даражасини аниқлайди ва маслаҳатлар беради.

Касбга оид мувофиқлаштириш консультацияси - бундан олдинги босқичларда ўтказилган тадқиқод натижалари ва индивидуал психофизиологик хусусиятларига қараб ўкувчи томонидан потүғри танилганини касб таълими туридан унинг шахсий қўрасаткичлари касбга яроқлилиги, лаёкатига мос касб таълимига мувофиқлаштириш маслаҳатларини беради.

Касбга оид билимларини шакллантириш кансультатцияси - шахсни касб таълими турида олаётган билем, қўникма ва малакаларини шакллантиришини давом эттиришни ва ўрта маҳсус ёки касб-хунар таълими йўналишини ташлашни ва маълум бир мутахассисленинг оғалланини амалга оширади.

Касбга оид назорат консультатциясида - юқорида келтирилган маслаҳатлар босқичлари тўғри амалга оширилганлигини қўникма ва малакалар ихтиёрий мажбурий таълимда (ўрта маҳсус, касб-хунар таълимида) давом этаётганилигини яъни шу соҳа бўйича таълим олиниётганилигини назорат қиласи. Агар соҳаси бўйича ихтиёрий мажбурий таълим давом этмаётган бўлса, сабаблари ўрганилади ва келгуси фаолиятида фойдаланиши таҳлил қилинади ва амалий холосалар чиқарилади.

Шу нарса тадқиқотларда аниқланганки, мактаб ўкувчиларнинг 50 фонзи индивидуал касб маслаҳатларига мухтож. Буларга куйидагилар киради;

- у ёки бу сабаб билан мустақил касб танлай олган ўкувчилар;
- ота-оналари билан зиддият пайдо бўлган ўкувчилар;
- ўзининг танлаган касб йўлининг тўғрилигини исбот қилиш истагида бўлган ўкувчилар;

Шу сабабли ҳам мактаб касбга йўналтириш хонаси билан касбга йўналтириш ва психологик педагогик ташхис маркази билан биргаликда касбга оид консультатция ишларига алоҳида эътибор билан ёндашиши талаб этади.

Умумий ўрта таълим мактабида ўкув методик хонаси ташкил этиш, касбга йўналтириш бўйича амалий ишларининг моддий базасини яратиш ва мустаҳкамлашдаги дастлабки муҳим қадам хисобланади.


Жиҳозланган хона касбга йўналтириш бўйича турли хил тадбирларни тайёрлаш ва ўtkазиш учун моддий техника, ташкилий санитария-гиgiene шароитларини яратиш ва ахборотлар билан таъминлаш вазифасини ўтайди.

Хонанинг белгиланган вазифаларини бажарнишга мослигини куйидаги белгиларга қараб аникланади. Хона учун камнида 50-54 квадрат метр (6×9) катталиқда келадиган биринчи каватдаги синф хонасини ажратиш мақсадга мувофик. Хона раҳбари энг зарур жиҳозлар руйҳатини тузади, уларни олишнинг ҳар хил варианtlарини кўриб чиқади. Жиҳозларнинг бир қисми мактаб устахонасида, ҳомий ташкилот ёрдамида тайёрланиши мумкин.

Касбга йўналтириш хонаси куйидаги жиҳозлар билан таъминлаш лозим (8- расм):

- машгулот олиб борувчи учун стол ва стул (5; 6);
- ўкув уста хоналари, хона материаллари ва хужжатларини саклаш учун мебел ва мосламалар (шкаф, стенdlар, яшиклар, полкалар);
- . - ўкув қуролларини, педагогик технология метериаллари ўкувчиларнинг энг яхши ишларини намойиш этадиган мосламалар (винтлар, стенdlар, ва х.к.) (7; 8);
- техник воситалари мажмуаси (9,10,11,12,13,14,);
- техник воситаларидан фойдаланиладиган мосламалар (экран деразаларга парда тортиш учун мосламалар ўрнатиладиган тагликлар);

- ўқув күргазмали куроллари (1. Табиий объектлар: хом аёш ва ярим фабрикат намуналари корхоналар, маҳсулотлар, иш куроллари, меҳнат воситалари ва бошқалар; 2.Ҳажмли макетлар ва моделлар (ўқувчилар техник ижодиёти намуналари, техник мослама, қурилишининг макетлари ва моделлари; к/х маҳсулотлари нусхалари); 3.Ясси тасвиirlар (портретлар,картиналар, фотосуратлар, схемалар, ҳариталар, жадваллар, диаграммалар ва бошқалар); 4.Аудиовизуал кўлланмалар (твоз ёзувлар, кинофильмлар, видеофильмлар, лазерли дисклар ва х.к); 5.Асабларга оид ижтимоий - сиёсий, илмий оммабоп. услубий, мемуар, луғат адабиётлар, инструктив материаллар ва методик кўлланмалар).



8-расм 1-касбга йўналтириш методик учун стол, 2-стул,3-бошқарниш пулти, 4-телевизор, 5-ўқувчилар учун столлар, 6-стуллар, 7-ўқувчиларнинг ижодий иншлари кўргазмаси, 8-касбга йўналтириш материаллари сақланадиган шкафлар, 9-кодоскоп, шаффофф экран, 10-видеопроектор, 11-ойна-кўзгу, 12-Видеомагнитафон (телевизорлар 4 га қўшилган), 13-компьютер, 14-экран.

§ 7.3 Касбга йўналтириш ишига раҳбарлик қилиш ва уни режалаштириш

Таълим муассасасин касбга йўналтириш хонасига умумий раҳбарликни таълим муассасасин директори ва маънавият бўйича директор ўринбосари олиб боради.Касбга йўналтириш ишларини режалаштириш ва олиб бориш учун таълим муассасаси директори ўқувчилар орасида шу соҳа бўйича малакали мутахassisларни касбга йўналтириш ўқув методик хонаси мудирини тайинлайди.Хона мудири мунтазам ўз малакаларини ошириш, касбга йўналтириши бўйича илгор тажрибаларни доимо ўрганиб бориши ва

туман психолого-педагогик ташхис маркази билан доимий алоқада бўлмоғи керак.

Хона мудири қўйидагиларни билиши керак:

- мактабда ўқув-тарбия ишларини ташкил қилиш тизимини;
- умумий ўрта ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими асосларини;
- меҳнат қонунчилигини;
- меҳнат таълими ва қасбга йўналтириш бўйича нашр этилган методик адабиётлар, норматив хужжатларни.

Хона мудири ўз фаолияти давомида ўқувчилар, синф раҳбарлари, ўқувчилар, ота-оналар, академик лицейлар, қасб-хунар коллежлари ва буюртмачи корхоналар ходимларидан иборат фаолларга таянади. У қасбга йўналтириш ишини режалаштиради, ташкил этади ва бажарилишга жавоб беради. У йигилишларини, меҳнат фахрийлари ва бошқалар билан учрашувларни ташкил қиласди ва ўтказади. Қасбга йўналтириш бўйича факультатив машғулотлар ўтказади, методик тавсиялар ишлаб чиқиш ва уни қўллашда қатнашади.

Ўқувчиларни қасбга қизиқиш, мойилликларини ўрганиш мақсадида вакти-вакти билан анкета-сўровнома тарқатади, йигиб таҳлил қиласди, хуносалар чиқаради ва туман ташхис маркази билан ҳамкорликда таълим муассасасида келгусида қасбга йўналтириш бўйича қилинадиган ишлар режасига тузатишлар киритади. Ўқувчилар билан қасбга йўналтириш аҳборот - маълумот консультациясини ўтказиб боради. Хона мудири қўйидаги хукуқларга эга:

- таълим муассасаси педагогик кенгаши таркибига аъзо бўлади;
- таълим муассасасида педагогик кенгашида қасбга йўналтириш ишини яхшилаш юзасидан таклифлар киритади;
- туман педагогик-психологик ташхис маркази билан таълим муассасасида қасбга оид шахсий маслаҳатлар ўтказишда қатнашади;

Қасбга йўналтириш хонаси мудири қўйидагиларни учун жавобгар:

- таълим муассасаси ўқувчилари билан ўтказиладиган қасбга йўналтириш, уларнинг сифати ва самарадорлиги назорат қилиш;
- ўқув- методик хужжатлар, кўргазма куроллар ва техник воситаларини тўғри сақлаш;
- қасбга йўналтириш бўйича қабул қилинаётган адабиётлар ва

бонка материалларни хисобга олиш;

- хисобот ҳужжатларини тұғри тузиш;
- хона мудири ҳар йили касбга йұналтиришга доир иш режасини тушиб чикади (1-илова) ва тасдиқлатади, бажарилиши учун жавобгар хисобланади.

§ 7.4 Таълим муассасида ўқувчиларига касблар хакида маълумот бериш ва улар билан олиб бориладиган ишларни индивидуаллаштириш

Таълим муассаси ўқувчиларига касблар тұғрисида маълумотлар беришга күйидагиларни киритиш мүмкін: ўқувчиларда мамлакат ва худуд учун зарур бўлган касблар, касб-хунар колледжларида мавжуд ихтиосликлар тұғрисида тасаввурларни ривожлантариш; уларни ушбу ихтиосликларга кизиқтираётган ихтиёрий таълим йұналтиришинин танлашларига амалий маслаҳатлар бериш; шахснинг индивидуал хусусиятлари билан касбларни инсонга қўядиган талабларга мос келмаслигини англашига ёрдамлашиш ва бошқариш.

Хона шароитида касблар тұғрисида ахборот маълумотлар бериш шакллари хилма-хилдир: меҳнат қаҳрамонлари билан учрашувлар, касблар бўйича танловлар, баҳслар, кўргазмалар уюштириш, касблар таснифлагич, касблар билан таништириш, синф соатлари ўтказиш ва хаказолар.

Хона базасида юқори синф ўқувчилари учун "Касб танлашнинг психологик-педагогик асослари", "Мактаб ўқувчиларининг ихтиёрий таълим йұналишларини онгли танлашга тайёрлаш" каби факультативларни ташкил этиш мақсадга мувофик. Худудда жойлашган касб-хунар колледжлар, академик лицейлар тұғрисидаги тарғибот ишлари хам хонада олиб борилиши ижобий натижалар беради. Бунда ўқувчиларга туман учун худудий иқтисодий зарур касблар, ихтиосликлар бўйича маълумотлар берилади, бу касбларни эгаллаши лозим бўлган касб-хунар колледжлари фаолияти билан таништирилади, очик эшиклар кунлари, хона учун колледжлар тұғрисидаги альбомлар, видеофильмлар, диафильмлар, кинофильмлар кўриниш ва ҳаказолар, саёҳатлар, ишлаб чиқариш усталари ва коллеж ўқувчилари билан учрашувлар вактида касб эгаллаш ва ўрта маълумот олишининг афзаллукларини тушунтириб бериш кабилар.

Касбга йұналтириш хонасининг яна бир асосий вазифаларидан бири касб танлаш бўйича таълим муассаси ўқувчилари билан бирга

индувидуал иш олиб бориш ҳисобланади. Хона мудири бу ишни синф раҳбарлари, фан ўқитувчилари, ота-оналар, таълим муассаси шифокори, туман психологик - педагогик ташхис маркази билан ҳамкорликда олиб борилади. Унинг вазифаси ўқувчилар шахсини ўрганишда ўқитувчиларга ёрдам берини, касбни ихтиёрий таълим йўналишини мустакил танлашида таълим муассасаси ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш йўллари тўғрисида ўқитувчилар учун тавсия ишлаб чиқиш ўқувчи касб танлашга қўйналаётган ҳолларда маслаҳат беришдан иборат.

Касбга йўналтириш хона мудири таълим муассасаси психологи ёки туман ташхис маркази психологи билан ҳамкорликда ўқувчилар билан касбга йўналтириш ишини олиб боришнинг муваффакияти қўп жиҳатдан уларнинг малакалари кай даражадалигига боғлиқ, айниқса консультантнинг таълим муассасаси касбга йўналтириш ишлари умумий асослари тўғрисидаги билимларининг чуқурлигига, индивидуал тавсифномалар тузиши, ўқувчилар, уларнинг ота-оналари, ўқитувчилар билан шахсий маслаҳатлар олиб бориши, касб маслаҳатларга оид хуласолар чиқара олишига боғлиқ.

Маслаҳатчи ишини шартли равишда икки босқичга бўлиши мумкин:

биринчи босқич - ўқувчининг бирор бир иш фолиятидаги мувофиқлигини аниқлаш мақсадида унинг шахсини ҳар тамонлама ўрганиши, яъни унинг индивидуал хусусиятларини ташхис килиш;

иккинчи босқич - касбни (ихтиёрий таълим йўналишини) асосли танловга тайёрлаш.

Шахсни индивидуал хусусиятларини ташхис килишининг мажмуавий методлари кўйидагиларни ўз ичига олади:

Синфда ва синфда ташқари ишларда қузатини. VII-IX синф ўқувчилари, уларнинг ота-оналарига анкета-сўровномалар тарқатиш, индивидуал сухбатлар, психологик тестлар ўтказиш ва ҳ.к Мазкур методлар ёрдамида олинган барча маълумотлар "Касб консультация ҳаритаси"да умумлаштирилади. Ўқувчиларнинг кизиқишилари мойилликлари, кобилиятларига, ижидивидуал хусусиятларига караб касб йўналиши тўғрисида консультациянинг дастлабки хulosаси чиқарилади ва уларнинг касб ташлани учун психологик-педагогик маслаҳат берилади.

Ўқувчиларнинг ижодий фикрлашини ва мустакиллигини ошириш мақсадида кўйидаги мавзуларда иншолар, рефератлар ёзиши тавсия этиш мумкин:

1. Бозор иктисодиёти ва касблар.
2. Халқ хўжалиги учун зарур бўлган касблар.
3. Худуд учун зарур бўлган "одам- одам", "одам- техника" туркимидағи касблар.
4. "Одам-табиат", "одам-белги тизими" ва "одам-бадиий образ" туркимидағи касблар.
5. Касбларни инсонга кўядиган психофизиологик талаблари.
Касбларга яроклилик .
6. Мамлакат учун устивор деб хисобланган касблар.
7. "Таълим тўғрисида"ги Конунда ва "Кадрлар тайёрлаш миллний дастури"да ёшларни касбларга йўналтириш ва тайёрлаш муаммосининг қаралиши.
8. Узлуксиз касбий таълим тизими.
9. "Баркамол авлод – Узбекистон тараққиётининг пойдевори" асарида кадрлар тайёрлаш миллний тизими тўғрисида.

Мехнат ва касбга йўналтирини хонасида олиб бориладиган ўкув-методик ишларнинг тахминий режаси

№	Ишларнинг мазмунни	Бажарилиши вақти	Масъул ходимлар
1	2	3	4
I	<i>T a i s k i l i й i s h l a p</i>		
1	Мактаб педагогик жамоаси таркибидан ўқитувчилар, методистлар, ишлаб чиқариш илгорлари, махалла оқсоколлари, тиббиёт ходимларидан иборат ўкувчиларни касбларга йўналтириш ишлари бўйича комиссия таркибини тузиш.	Сентябрь	Ўкув муассасаси директори, хона мудири.
2	"Ким бўлсан экан?" мактаб газетасини мухарририяти аъзаларини сайлаш ва мунтазам чиқарилишини таъминлаш.	Сентябрь	Ўкув муассасаси директори, хона мудири.
3	Худуд учун ходимлар эҳтиёжини уч, беш ва ўн йилликдаги истикболларини аниклаш ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари билан умумий ўрта таълим мактабларини касбга йўналтириш бўйича ҳамкорликдаги ишларини доимий олиб бориш.	Сентябрь	Касбга йўналтириш бўйича комиссия аъзолари
4	Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларига саёҳатлар ташкил этиш	Доимо	Синф раҳбари
5	Касбга йўналтириш ишлари бўйича радио эшиттиришлар ташкил этиш	Касбга йўналтириш хафталиги ўтказиладиган вақтлар	Хона мудирлари

6	Мактабнинг предмет ўқитувчиларининг синф мураббийларининг ва тўгарак раҳбарларининг касбга йўналтириш бўйича ишлар олиб борганилиги хисоботлари хакконийлигини текшириш.	Хар чорак якунида, умумий ўқув йили охирида	Мактаб директори, хона мудири.
7	"Булар бизнинг фаҳримиз". "Касб танлашда адашманг" стендларини тайёрлаш	Декабрь	Хона мудири, меҳнат тавлими ўқитувчиси.
8	Касбга йўналтириш ва меҳнат тарбияси тўғрисидаги адабиётларини кутубхона фондини тўлдириб бориш	Доимо	Кутубхона мудири
9	Таътилда ва дам олиш масканларида касбга йўналтириш ишлари бўйича тадбирлар ўтказишни режалаштириш.	Апрель	Хона мудири.
II	Ўқувчилар билан олиб бориладиган методик ишлар. Гурли хил ёшдаги ўқувчилар билан олиб бориладиган касб танлашга оид тахминий режани ишлаб чиқиши.	Сентябрь	Синф мураббийи, фан ўқитувчиси
2	Мактаб ўқувчилари учун "Мактаб ўқувчилари билан олиб бориладиган йўналтириш ишларининг назарияси ва амалиёти" мавзусида маъруза ўюштириш.	Сентябрь	Мактаб директори, хона мудири
3	Касбга оид консультация максадида "ўқувчи шахсини ўрганишда ўқитувчининг ўрни мавзусида семинар ўтказиш.	Октябрь	Мактаб директори, хона мудири
4	Синф раҳбари ўқув режаларида касбга йўналтириш ишларини бажарилишини назорат қилиш.	Хар чоракда	Маънавий ишлар бўйича директор уринбосари, хона мудири
5	Касбга йўналтириш бўйича ишланмалар билан хонани мунтазам тўлгазиб бориш.	Доимий	Хона мудири

6	<p>Синф раҳбари билан ишлаб чиқариш корхоналарига, кишлоқ хўжалиги жамоа ширкат хўжаликларига, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларига саёҳатлар ўюнтириш режаларини ишлаб чиқариш.</p> <p>VI синфларда саноат корхоналарига саёҳатлар ўюнтириш.</p>	Хар чоракда	Маънавий ишлар бўйича директор уринбосари, хона мудири, синф раҳбари
7	<p>VII синфларда жамоа ширкатларга;</p> <p>VIII синфларда агросаноат мажмуаларига;</p> <p>IX синфларга ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларига саёҳатлар ўюнтириш.</p>	Хар чоракда	Маънавий ишлар бўйича директор уринбосари, хона мудири, синф раҳбари
8	<p>Кўйидаги мавзулар бўйича сұхбатлар ўтказиш режаларини ишлаб чиқариш.</p> <p>I-синфлар учун - "Инсонларни кузда-бахорда, ёзда ва кишида киладиган меҳнатлари";</p> <p>II- синфлар учун - "Нон бизнинг бойлигимиз!"</p> <p>IV синфларга "Хозирги замон Кичик мутахассиси кандай бўлмоғи керак?";</p> <p>V-синфларга - "Касб танлаш ва сенинг мактабдаги ўқишинг";</p> <p>VI- синфларга - "Инсонларнинг Мехнат килишдаги баҳти";</p> <p>VII- синфларга - "Тўғри касб танлаш учун нималарга эътибор бериш керак?";</p> <p>VIII - синфларга - "Тўғри касб танлаш умумдавлат иши"</p> <p>IX - синфларга "Ихтиёрий мажбурий таълим йўналишини онгли танладингми?".</p>	Ноябрь	Фан ўқитувчилари, синф раҳбари

9	Мактаб ўкувчиларининг методик бирлашмалар учун тузган касбга йўналтиришига оид ишлари бўйича, олиб борадиган режаларини кўриб чикиш ва тажриба алмашиш.	Йилда 2 марта методик бирлашмалари йигилишларида.	Хона мудири.
10	Касбга йўналтириш хонаси методик бурчагини безаш, "Мактаб касбга йўналтириш ишлари" стендинни тайёрлаш	Ноябрь	Хона мудири. меҳнат ва тасвирий сънат ўқитувчи
III	<i>Ota - оналар билан ишлани</i>		
1.	Ота-оналар учун "Ёшларни тўғри касб танлашларида оиласнинг ўрни" мавзусида маъруза ўюштириш.	Декабрь	Касбга йўналтириш бўйича комиссия.
2	Худуддаги ишлаб чиқариш корхоналари ва ўкувчиларни саёхатга чиқаришда ота-оналарни жалб килиш	Режа асосида	Синф раҳбари
3	Ота-оналар билан ўкувчиларнинг касб танлашларига оид индивидуал консультация ўтказиш.	доимо	Синф раҳбари, хона мудири
4	"Ёшларни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбия-лашда ота-оналарнинг ўрни" мавзусида ота-оналар йигилишини ўтказиш.	январь	Синф раҳбари
5	Турли хил касб вакиллари ва ўкувчиларнинг ота-оналар билан учрашув ўтказиш.	март	Касбга йўналтириш комиссияси.
6	Касбга йўналтириш хонастини жихозламида ва безашда ота-оналарни жалб этиш	доимо	Комиссия, ота-оналар кенгashi, хона мудири
IV	<i>Ўқувчилар билан олиб бориладиган ишлар.</i>		
1	VIII синфларга "касбга йўналтириш" бўлимни бўйича дарсларини ташкил этиш ва ўтказиш.	Дарс жадвали асосида	Меҳнат таълими ўқитувчиси, маънавият бўйича директор мувонини.

2	Касбларни кўллаб-кувватлаш хафталигини ташкил килиш: саноатни, майиший хизмат кўрсатишни, фан ва таълимни, кишлоқ хўжалигини.	Ноябрь, декабрь март, май	Касбга йўналтириш бўйича комиссия
3	Турли хил касблар тўғрисида видеофильм ва кинофильмлар намойиш этиш	Доимий	Хона мудири
4	Мактаб ўкувчиси шахсини ўрганиш бўйича “Мактаб ўкувчининг индивидуал” картасини мунтазам тўлдириб бориш.	Доимо	Синф раҳбари фан ўқитувчилари.
5	Ҳар бир синф учун “Худудимиз учун зарур касблар ” альбомини тайёрлаш.	Доимий	Синф раҳбари
6	VII - IX синф ўкувчилари учун тиббий консультация бўйича маъruzalар ўюштириш	Апрель	Синф раҳбари, мактаб шифокори.
7	II -IX синф ўкувчилари билан касб-хунар коллежлари ўкувчиларининг учрашуви ташкил этиш.	Апрель	Касбга йўналтириш бўйича комиссия
8	IX синф ўкувчиларини касб-хунар коллежларига саёҳат ўюштириш.	Май	Синф раҳбари, меҳнат ўқитувчиси

*VII-IX синф ўқувчиларининг ота - оналари учун анкета -
сурʼонома*

Хурматли ота - оналар!

Фарзандимиз умумий ўрта таълим мактабини тамомлаяпти. У ихтиёрий равишда академик лицей ёки касб-хунар коллежида ўчишини давом эттиради. Унинг келажакда таълим соҳасида ўчишини давом эттириши ёки касб-хунар эгаси бўлишини мустакил ташлаши хаёт йўлини ёргу бўлишини, малакали ходим бўлиб етишишига замин яратади.

Унга шундай маъсулиятли қарорга келишига малакали ёрдам бериш учун

ўқитувчилар ва ота-оналарнинг билим ва имкониятларини бирлаштириш зарур.

Сиздан олинадиган маълумотлар шу мақсад амалга ошишга хизмат килади.

1.

Ўқувчининг

Ф.И.Ш. _____

туғилган

йили _____

синфи _____ манзили _____

2. Ота-онаси тўғрисида маълумотлар:

Оласи

Ф.И.Ш. _____

Иш

жойи _____ касби _____

лавозими _____ маълумоти _____

Онаси

Ф.И.Ш.

Иш

жойи _____ касби _____

лавозими _____ маълумоти _____

3. Оиладаги болалар сони _____
Ўғил _____ киз _____ касрда
ишлайди _____
қаерда
- ўқиди _____
4. Ўқувчининг шугулланиши учун уйда шароит яратилганми?
5. Саломатлиги _____
кандай?
6. Сиз ўғил (қизингиз) касб танлаш хусусида шифокор билан
маслаҳатлашдингизми?
7. Ўғлингиз (қизингиз)кайси фанларга
кизикади? _____
8. Фарзандингиз кайси фанларга
кизикади? _____
9. Фарзандингиз ўз кўли билан нималар
ясади? _____
10. Оиласвий ишларни бажаришда мустакил
фирклайдими? _____
11. Уй топширикларини қандай
бажаради? _____
12. Фарзандингиз келгусида ким
бўлмоқчи? _____
13. Сиз кайси касбни эгаллашни хоҳлайсиз? _____
14. Фарзандингиз ва сизнинг фикрингиз мосми? _____
15. Фарзандингиз сизнинг касб фаолиятингизга
кизикадими? _____
16. Фарзандингизнинг академик лицейда ўкишини давом
эттиришини
хоҳлайсизми? _____
17. Фарзандингизнинг касб-хунар коллектида ўкишини
хоҳлайсизми? _____
18. Сизнингча у танлаган касби бўйича малакали мутахас
бўлиб оладими? _____
етиша
19. Кўшимча
фиркларингиз? _____

VIII БОБ. КАСБ ТАПЛАШГА ЙҮЛЛАШ БҮЙИЧА МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИ

§ 8.1 Бұлажак үқитувчиларниң касбга мослаштиришнинг педагогик-психологик шарт-шароитлари.

Үқувчиларниң касб-хунар йұналишлари бүйича тарбиялаш тизимида уларнинг касб күнікмаларини әгаллаш ва касбга мослаштириш жараёни мұхим үрин тутади. Айниқса, ёш авлоднинг ишлаб чиқаришга кириб келиши – үсмирлик босқычидан балоғат ёшига үтиш даври ҳисобланади. Ёшларнинг ишлаб чиқариш соҳасида мустаҳкам үрнашиб олиши билан яқунланадиган касбга мослашиш ойла, жамоатчилік, мактаб, касб-хунарга йұналтириш бүйича биргаликда олиб борылған ишлар самарадорлигининг мұхим бір күрсаткічи ҳисобланади.

Тадқықотчи олимлардан Н.Шодиев, П.Т.Магзумов, Э.Т.Чориев, К.Д.Давлятов, О.Магдиев, У.А.Нишоналиев, А.И.Воробьев, А.Р.Ходжабоев, Н.Н.Азизходжаева ва бошқаларнинг илмий ишлари айнан шу муаммоларни үрганишга бағишенген. Бу ишларда үқувчиларниң касбга мослашының касб ҳақида маълумот, ёшларни меҳнатта тайёрлаш, ходимларни ишлаб чиқариш жараёнида тайёрлаб борыш ва малакасини ошириш билан боғлиқ ҳолда таҳлил этилған.

Бу тадқықотларни олиб борған мұаллифлар илмий таҳлиллар натижасида шундай ҳолосага келадилар:

1. Үқувчиларни касб-хунарга йұналтиришнинг бутун тизимини янада ривожлантириш ва такомииллаштириш мұхимлігі. Бу ёшларнинг қаётға ва моддий ишлаб чиқариш донрасидаги меҳнатта мұваффақиятты мослашыны учун ҳал қылувчи шартлардан бири бўлиб хизмат қиласи.

2. Ишлаб чиқариш жамоаси ишини шундай ташкил этиш мақсадга мувофиқки, токи у самарага ишлаб чиқариш таълим мини йўлга қўйиш, жамоада ўсиб улғайиши имкониятларини, ёшлар учун етарли турмуш шаронтини яратиш ва уларнинг маданий талабларни қондиришга хизмат қиласи.

3. Касб-хунарга мослашынинг ижтимоний-психологик омиллари – жамоа психологияк мұхити, унинг ҳамжиҳатлиги, маънавий коидалари ва одатлар - ҳаммасининг бирлигини ҳисобга олиш тўғрисида.

4.Мехнат фаолиятини энди бошлаётган ёшларда касбга қизикиш, ишлаб чиқаришга меҳр, меҳнатга онгли муносабат кўнкимларини тарбиялаш бўйича жамоатчилик ишларини кучайтириш тұғрисінда.

Ана шу фикр-мулоҳазалар асосида «касбга мослашиш» тушунчасининг моҳияти ва мазмунини очиб бериш борасида ҳам тадқиқотчилар изланишлар олиб борганлар. Хусусан, О.Магдиеv касбга мослашиш жараёнини меҳнат фаолиятини муваффакиятли бошлашдан иборат, деб тушунтиради.

Яна бир тадқиқотчи – Н.Шодиев эса бу тушунчага қуйидагича таъриф беради: касб-хунарга мослашиш – бу янги касб әгасининг меҳнат шароити ва мазмунига, раҳбарият талаблари ва иш услугига мослашиши, түғрироғи, уларни ўрганиш жараёни демакдир. Бизнингча, П.Т.Магзумовнинг таърифи анча ҳақиқатга яқин кўринади. Унинг айтишича, касбга мослашиш деганда, мактаб ўқитувчиларининг корхона жамоаси ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётiga кириб бориш жараёнини тушуниш керак.

Касб-хунар танлаш борасидаги илмий ишларининг таҳлили мактаб ўқувчиларининг касб-хунарга мослашиш масаласи ҳам кенг миқиёсида етарли даражада ўрганилмагани, мактабнинг бу борадаги ўрни ва аҳамиятига ҳанузгача ҳолис баҳо берилмаганини кўрсатади.

Назарий таҳлиллар ҳамда ўқувчиларни меҳнатга тайёрлаш ва уларнинг ишлаб чиқаришда мустаҳкам ўрнашиб олиши бўйича мактаб ва корхоналарнинг ўзаро ҳамкорликда олиб боргани ишлари тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш асосида биз ёшларининг касб-хунарга мослашув жараёнини мактабдан бошланиб, коллежларда ва академик лицейларда якунланадиган кўп босқичли ва давомли амалий-тарбиявий иш деб биламиз.

Ёшларнинг ишлаб чиқаришда касб-хунарга мослашиш жараёни ҳақида тўхталишдан аввал унинг нечта даврга бўлинишини кўриб чиқайлик. Таҳлиллар натижасида бу жараёнда тўртга давр борлигини аниқлаш имконини берди. Улар қуйидагилар:

1 - Ҳар хил ишлаб чиқариш ва меҳнат турларига умумий мослашиш даври.

2 - Маълум бир касбга ёки ўзаро ўхшаш касбларга, бошлангич касб-хунарга мослашиш даври.

3 - Ишлаб чиқаришнинг тўлақонли аъзоси сифатида касб-хунарга тўла мослашиш даври.

4 - Ёшларнинг ўзлари танлаган касб-хунар бўйича тўла мослашиш ва ишлаб чиқаришда мустаҳкам ўрнашиш даври.

Биринчи давр мактаб ўқувчиларида меҳнат фаолиятига талабни кучайтириш боскичларини ўз ичига олади. Бунда ижтимоий фойдали меҳнат муҳим роль йўнайди. Уни ўқувчиларнинг дарсларда олинган билимлари билан уйғунлаштирган ҳолда олиб ориш мумкин.

Ижтимоий меҳнат жараёнида табиат бойликлари ва имкониятлари, инсоннинг ана шу табиатнинг бир қисми сифатидаги куч-кудрати тушунилади ва факат ана шундай тушуниш ўқувчи қалбидаги меҳнат ва одамларга, жонажон ўлка табиатига ҳақиқий мухаббат уйготади.

I-давр I-IV синф ўқувчиларини қамраб олади. Бу даврда уларда оила ва мактабда меҳнат тарбияси туфайли меҳнатга мослашиш жараёни ортиб боради. VII-IX синфларда касб-хунарга йўналтириш тизимида касб танлашнинг дастлабки кўникмалари хосил бўлади.

2-давр касб-хунар коллеклари талабаларини ўз ичига олади. Улар бу боскичга етиб боргунча мактабда, ўқув-ишлаб чиқариш чинлари ва бошқа амалий-ўқув тадбирларida танлаган касби бўйича чуқур меҳнат тайёргарлигидан ўтган бўлади.

3-давр мактаб битирувчисининг ишлаб чиқариш жамоасига кириб келишидан бошланиб, унинг иш тажрибаси ортиб бориши билан давом этади. Бу даврдан бошлаб ёшларни ишлаб чиқариш топширикларини бажаришга қизикириш услуби ва қоидалари кўлланилади.

4-давр касб-хунарга мослашишнинг якунловчи даври ёшларнинг меҳнат фаолиятидаги фаол иштироки ва илгор меҳнат услубларини эгаллаши билан ажралиб туради. Бу даврда ўсмир йигит-қизлар ўз малакасини ошириб бориб, илгор ишлаб чиқариш тажрибаси амал килаётган меҳнат жараёнига қўшилиб, ишлаб чиқаришда мустаҳкам ўрин эгаллаб боради.

Юқорида кўрсатиб ўтилган даврлар бир-бири билан ўзаро боғлик бўлиб, уларнинг барчаси ягона ва яхлит бир жараённинг узвий қисмларини ташкил этади. Аммо тарбиявий таъсир воситаларини аниқлаш ва дифференциаллаш учун ёш ишчи шахсига хос ички позициянинг ўзига хос-хусусиятларини хисобга олиш зарур.

Тадқиқотчи О.Ш.Магдиев фикрига кўра касб-хунарга мослашиш, танланган мутахассислик бўйича дастлабки мослашиш кўпгина омилларга боғлик. Улар куйидаги бўлимларга ажратилган:

1. Уюштирилган таъсир омиллари.
2. Ижтимоий- педагогик омиллар.
3. Ўзига хос омиллар.

Бундай омилларнинг таъсир даражаси ўқувчининг турмуш шароити, унинг индивидуал хусусиятларига караб аникланди.

Одатда, ўқувчиларга мактаб шаронтида ўқув-тарбия жараёни таркибидаги омиллар анча кучли таъсир кўрсатади. Н.Г.Магзумов, К.Д.Давлятов ва бошқа тадқиқотчиларнинг илмий кузатишларида аникланган масалалар, яъни илғор педагогик тажрибалар ўқувчиларнинг касб-хунар билан яхши танишишига, уларнинг аник бир касбга қизиқишини ривожлантириш, касб-хунарга мослашишнинг дастлабки даври самарадорлигини ошириш, ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришнинг бутун тизими самарасини оширишга ёрдам берувчи бир катор шартларни аниклашга имкон беради.

§ 8.2 «Касб ташлашга йўллаш» фанини ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиши

Маълумки ҳар қандай касбда фаолият самарадорлиги ва мувафақиятли касб сохибларнинг тайёрларлиги, маҳорати, ўз омилкорлигини такомиллаштириши устида нечоглик кунт ва изчиллик билан ишлашга боғлиқ. Ўқитувчилик касбида оса ўз билимдонлиги, зукколиги, касб маҳоратини такомиллаштириш устида умр бўйи мунтазам ишламай туриб, эл ардоклаган, обрў-эътиборли педагог бўлиш мумкин эмас. Чунки ўқитувчи жамиятининг ёш авлод таълим-тарбиясига қўйган ижтимоий буюртмасининг асосий ижроқисиидир. Республикамиз президенти Н.А.Каримов хозирги пайтда ўқитувчилар олдинга давлат ва жамият қўйган талабларни қўйидагича баён қилиб берди:

«Тарбиячи – устоз бўлиш учун бошқаларнинг ақл-идроқини ўстириш, маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш, ҳақиқий фукаро этиб етишириш учун энг аввало, тарбиячининг ўзи айнан шундай юксак талабларга жавоб бериш, ана шундай буюк фазилатларга эга бўлиши керак».

Ўқитувчиларга ахборот ва педагогик технологиялар асосида янги шакл ва мазмундаги касбий малака бериши иши шунчалар кенг камровли, кўп қиррали, катта қўламларга эга бўлган жараёндир.

Олий таълим узлуксиз таълим тизимининг алоҳида босқичи сифатида ўз олдига юқори малакали мутахассислар тайёрлашни максад қўяди, бу ўқув масканлари талabalari чукур умумиётмий билимларга ва фаолиятининг ташлаб олинган соҳасида зарур касбий

кўниқмаларга эга бўладилар, илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ҳам ушбу таълим боскичи доирасига киради. Билиш ва вокеликни кайта ўзлаштиришнинг кудратли воситаларини олган холда маҳсус фанлар асосларининг мустахкам билимларидан фойдаланибгина қолмасдан, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ижтимоий амалиётни ривожлантириш, том маънода моддий ва маънавий маданиятни ўз ижодий маҳсулотлари билан бойитиш имкониятига эга бўлади.

Ўзбекистон тараккиётида ҳалкнинг бой маънавий салоҳияти ва умуминсоний қадриятларга ҳамда ҳозирги замон маданияти, иктисолиёти, илми, техникаси ва технологиясининг сўнгги ютуқларига асосланган мукаммал таълим тизимини барпо этиш долзарб аҳамиятга эга.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида илғор педагогик технологияларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий қилиш зарурлиги кўп карра тақоррланади. Педагогик технологияларнинг ўзи нима ва у аниъанавий таълим методларидан нимаси билан фарқланади?

Ҳозирги кунда педагогик адабиёт, таълим муаммоларига оид маърузалар, расмий хужжатларда «янги педагогик технология», «илғор педагогик технология», «замонавий педагогик технология» иборалари кенг кўлланмокда. «Педагогик технология – бу бутун ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараённида ўз олдига таълим сифати ва самарадорлигини ошириш вазифасини қўювчи техник ҳамда шахс ресурслари ва уларнинг ўзаро алокасини ҳисобга олган холда, билимлар мазмунини ишлаб чикиш, кўллаш ва белгилашнинг тизимили услубидир». Бу таърифдаги асосий тушунча «тизимили услуб» эканлиги равshan, колган барча сўзлар педагогик технологиянинг тизими сифатидаги таркибий элементларини ифодалайди. Айни тизимили ёндошув педагогик технологиянинг ўқитишга бошка ёндошувлардан фарковчи асосий белги ҳисобланади. Таълим максадлари, унинг мазмуни, ўқитиш ва таълим берини услублари, назорат ва натижаларни баҳолашни ўзаро алоқа ва бир бирни билан бояникликда лойихалашдан иборат. Масалан, ахборотни эслаб қолишга йўналтирилган, таълим олувланинг бўлажак фаолияти эса муайян ишларни бажариш ёки ташкилий бошкарув ва қарорларни қабул қилиш билан боғлиқ бўлади.

Педагогик адабиётларда педагогик технологиянинг таърифлари (В.Бесналько, Н.Н.Азизходжаева, В.Гузеев, В.Сластенин, И.Волков, Ў.К.Толипов, Н.С.Сайдахмедов, М.Кларин, И.Лернер ва бошқалар)

хам келтирилади, аммо уларининг биронгаси ЮНЕСКО таърифи даражасига кўтарила олмаган. Айтиб ўтилган олимлар орасида педагогик технология тўғрисидаги ахборотни МДХ мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистонда тарқалишида В.Беспалько ва М.В.Кларинларнинг таъсири кучлирок, М.В.Кларин педагогикадаги технологик ёндошувнинг таркибий тузилиши ва мазмуни тўғрисидаги бирмунча тўларок маълумотлар берилган.

Педагогик фаолиятда баъзида «педагогик технология» тушунчаси билан фойдали бўлсада аввал ўзаштирилган ва технологик курилмаган ўқитиш услублари деб аталади. Аслини олганда, педагогик технология – бу ўқитишга ўзига хос бўлган янгича (инновация) ёндошувдир. У педагогикадаги ижтимоий мухандислик тафаккурининг ифодаланиши, технократик илмий онгнинг педагогика соҳасига кўчирилган тасвири, таълим жараённинг муайян стандартлашуви хисобланади.

Педагогик технология услублари (ўзининг бошлангич маъносида) дастлаб ўқитишнинг харакатини намунавий вазиятидаги (белгиланган коида бўйича) ўзлаштириш талаб этиладиган маҳсулдор (репродуктив) даражаси учун ишлаб чиқилганди. Репродуктив таълим ҳар кандай таълимнинг зарур таркибий кисми хисобланади, у инсоният жамғарган тажрибани аник ўкув фани доирасида ўзлаштириш билан boglik. Таълим олувчиларда билим ва қўникмаларнинг маълум пойдвори хосил қилинганидан кейингиша, таълимнинг натижали продуктив ва ижодий ёндошини услубларига ўтиш мумкин..

Шундай бўлсада, таникли олимлар Б.Блум, Д. Карапвол, Н. Гронlund, Ж. Керрол, Ж. Блок, Л. Андерсон ва бошкалар харакати билан режалаштирилган натижаларга эришишни кафолатлайдиган, такрорланадиган педагогик тузилмани ўз ичига олган педагогик технология ишлаб чиқилганди.

Т. С. Назарова кайд этиб ўтгандек. 70-йиллар бошларинда хорижий мамлакатлар – Россия, Японияда педагогик технология масалалари бўйича журналлар чиқарила бошланган, кейинчалик бу муаммо устида ихтисослашган муассасалар (масалан, Буюк Британияда педагогик технология бўйича миллий кенгашлар) иш бошлаган.

Саноатда «юксак технологиялар» ибораси бор. Улар одатда, жуда мураккаб бўлади, катта сармоялар сарфланинин талаб қиласди. Фанинг сўнгги ютуқларига асосланади. Ходимлардан

максус тайёргарликни талаб килади. Шундай бўлсада, улар максулотини юкори сифати ва рақобатбардошлигини, пировард натижада салмоқли фойдани таъминлайди. Педагогик технологияда ўқитишдаги «юксак» услубияти қаторига киритиш мумкин, аммо унинг жорий килиниши катта сарф-харажатларни талаб қilmайди. Таълим сифатининг қалити пировард оқибатда алоҳида ўқув юрти ва аник ўқитувчи дейдиган бўлсак, педагогик технологияни ўзлаштириш, асосан, педагогларни ўқитишни талаб килади. Педагогикада талабаларнинг таълим жараёнидаги фаоллигини оширишга қаратилган бир неча ўқитиш усувлари ишлаб чиқилган: муамоли ўқитиш, иш фаолиятини ифодаловчи ўйинлар, роллар бажариш, мавзули ўқитиш ва ҳакозо. Аммо улар олий таълим тизимида кенг қўлланилади деб бўлмайди. Бизнинг фикримизча бунинг сабаби ҳар бир машгулотларга тайёргарлик педагогик изланишин кўзда тутиши, юксак қасбий маҳоратни, ижодий ёндошув ва кўп вактни сарфлашини талаб килишида бўлса керак. Одагда ҳар бир бундай машгулот сценарийси ўзига хос-хусусиятига эга ва бетакрордир. Тубдан фарқ қилувчи таълим турларини кўриб чиқамиз: оғзаки-кўргазмали, технологик ва изланувчан-ижодий. Оғзаки-кўргазмали (иллюстратив) ёндошув – бу анъанавий бўлиб ва асосан ўқитувчининг ахборот бериши, талабаларнинг билимини қабул қилиши, тўплаши ва хотирасида саклаши билан белгиланади.

Маълумот бериши тизимида тайёр билимларни «ўқитувчи - талабаларга», бу билимларга уларнинг эҳтиёжи ва фаоллик даражаси билан боғлиқ бўлмаган ҳолда, бевосита бериш мумкин бўлган имкониятдан келиб чиқишади. Шунга кўра ўқитувчининг асосий вазифаси- зарурий ахборотни маълум қилиш ва уни хотирада мустаҳкамлаш устида ишлашдир.

Бундай ўқув жараёнида ўқув предмети соатлар микдори, лаборатория ва амалий машгулотлар оралиғига соатлар тақсимоти даре ўтиши жойи катъий белгилаб олинади.

Педагогик технология – И.П.Подласовнинг таъкидлашича: «Технология яратилгунча шахсий маҳорат ҳукмронлик қилади. Эртами, кечми, шахсий маҳорат «жамоа маҳоратига» айланади ва мужассам ифодаси бўлиб технология хизмат қилади».

Педагогик технологиянинг ўзига хос-хусусияти шундан иборатки унда ўқув максадларига эринишшини кафолатлайдиган ўқув жараёни лойихалаштирилади ва амалига ошириллади. Технологик ёндошув, энг аввало, тасвирилаш эмас, балки лойихалаштирилган

натижаларни амалга ошириш имконини берувчи амалий күрсатмалы тузилмада ўз ифодасини топади.

Мақсадға йұналтирилғанлық, оралиқ натижаларни ташхисли текшириб бориш, таълимни алоҳида үқитиши лавҳаларга ажратиши каби усууллар ҳозирги кунга келиб қайта-қайта тақрорлаш мүмкін бўлган таълим технологияси ғоясида мужассамланган.


У асосан ўз ичига қуидаги омилларни олади (бунда қисқача мазмуни берилган):

- таълимда умумий мақсаднинг кўйилиши;
- тузилган умумий мақсаддан аник мақсадға ўтиш;
- талабаларнинг билим даражаларини дастлабки (ташхисли) баҳолаш;
- бажариладиган ўкув тадбирларни мажмуаси бу боскичда талабалар билан мулоқот асосида таълимга жорий тузатишлар киритилиши лозим);
- натижани баҳолаш.

Қайта тақрорлаш хусусиятли, ушбу тизим «модуль» шаклига эга бўлиб, мазмунлар билан тўлатилган ва умумий таркибга боғланган бирликлар, жамланмалардан ташкил топади.

Ўкув жараёнини педагогик технология асосида ташкил этишининг режалаштириш боскичида, етакчи услубчи – педагоглар гурухи педагогик технологиянинг конун-коңида ва тамоиллари асосида услубий ашёларни ишлаб чиқиш пайтларида юқорирок малака талаб этилади. Лойиха тайёр бўлгач, педагог асосан ташкилий ва маслаҳатчи (ижодий қўшимчалар киритиш имконини саклаган ҳолда) вазифаларни бажаради.

Технологик ёндошувга асосланган ўкув-тарбия жараёнини лойиҳалаш кетма-кетлиги чизмада умумий кўринишида берилган. Ушбу андозадаги ҳар бир таркибий қисм педагогик муолажанинг мақбуллаштирилган бўлагини ташкил этади.



Расм- 8.2 Педагогик технологиянинг тузилиши.

Педагогик технологияни тушуниш учун асосий йўли аниқ белгиланган мақсадларга қаратилганилик, таълим оловчи билан мунтазам ўзаро алоқани ўрнатиш, педагогик технологиянинг фалсафий асосий ҳисобланган таълим оловчининг ҳатти-харакати орқали ўқитишдир. Ўзаро алоқа педагогик технология асосини ташкил қилиб, ўқув жараёнини тўлиқ камраб олиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да таълимнинг янги модели, яъни янги педагогик технология асосида дарс мезонини бойигиб бориш зарурлиги ҳақида утириб ўтилган. Ўқув жараёнини технологиялаштириш, дарс мазмунини янги ахборот технологиялари билан бойитиш, хозирги замон талабидир.

Хозирги таълим соҳасидаги ислоҳотларга назар солсак, кўпинча ўқитувчи мураббийларнинг «методика» ва «технология» сўзининг маъносининг фарқига бормаётганликларининг гувоҳи бўламиз. Хўш, технология сўзининг маъноси нима?

Бу сўз 1872 йилда фанга кириб келган. Юнон тилинда «tēhne» - «санъат», «махорат» ва «логос» - «фан» деган сўзлардан олинган бўлиб, хунар (махорат) фани маъносини англатади. Шунингдек терминологияда:

- ишлаб чиқариш технологияси;

- ўқитиш технологияси;

- ўкув жараёни технологияси;

- педагогик технология;

-ахборот технологияси каби сўзларни эшитганмиз. Айниқса, педагогик технология жуда кўп тилга олинадиган бўлди. Демак, технология - хунар фани бўлса, педагогик технология ўз-ўзидан тушунарли бўлади.

Педагогик технология бу - ўқитувчининг фаолиятини янгиловчи ўкув жараёнини белгиланган мақсад ва мазмун асосида лойиҳаланган, шунингдек, ўкувчи шахсини шакллантирувчи, таълимда якуний натижани кафолатлайдиган омиллар йигиндисидан иборатdir.

Энди методикага келсак - ўкув жараёнини тўғри ташкил этиш (назорат қилишнинг оғзаки, ёзма, савол-жавоб, аралаш, тест ва ҳакозо) ва ўтказиш борасидаги тавсиялар йигиндисидир.

Янги педагогик технология деганда ўқитиш мақсадларини йўлга кўйиш, ўкув жараёнини тузиш ва уни самарадорлигини ўзидан қамраб олган, ўкув жараёнининг тўлиқ бошқарувчаник гоясидан иборат бўлган мазмун тушунилади.

Шундай қилиб, илгаридан лойҳалаштирилган таълим-тарбия жараёнининг педагогик технологияси ўзидан методлар тизимини, таълимнинг усулларини, ўқитувчи ва талабаларнинг фаолият кўрсатиш имкониятлари ва воситалари, талабаларнинг ижобий шахсий сифатларини ривожлантириш мақсадини, якуний натижаларга эришиш моҳиятини мужассамлаштиради.

§ 8.3 «Касб танлашга йўллаш» борасида ўтказилган тадқиқот ишларининг таҳлили.

Бўлғуси меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларини касб танлашга йўллаш ишига тайёрлашда Шарқ халқларининг бой маънавий меъроси катта аҳамият касб этади.

Бўлғуси меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларининг меҳнат жараёнига, касб-хунарларни эгаллашга йўналтириш ва ушбу

фаолиятларни ўзлаштиришларини такомилаштириш йўлида олиб бораётган тадқиқотимиз учун Шарқ халқларининг бой маънавий меъроси ва қадрнятларинг таяниш мухим аҳамият касб этади.

Касб-хунарга йўналтиришнинг моддий ва маънавий меъросимиз билан ҳамоҳанг равишида ривожланиши жуда қўпгина мутафаккирларимизнинг, донишмандларимизнинг битикларида ва адабий меъросларида юксак маҳоратлари билан бирга битилди, жаҳоннинг маданият ҳазинасига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди. Турли ижтимоий-иктисодий тузумларда яратилган ҳадислар, панднома, ривоят, хикоя, достон, макол, ғазал, рубоий, маснавий, ёртак ва бошка кўринишларидаги инсоннинг таълим-тарбияси ва касб-хунар ўрганишининг афзаллиги, ҳалол меҳнат билан яшашнинг зарурлиги тўғрисидаги фикрлар бизгача етиб келган. Бундай ёзма манбаларга зардуштийларнинг улуғ асарларидан ҳисобланган 4-6 асрларда яратилган «Авесто»да болалар ёш пайтлариданоқ дарахт кўчати ўтказиш, уй-рўзгор қуроллари ясаш, ерга ишлов бериш ва чорва билан шугулланишга ўргатилиши шарт қилиб қўйилиши тўғрисидаги сатрлар кўплаб келтирилган. Масалан, «Яхшилик ва өзгулик яратиш учун киши меҳнат килиши, ўз кўллари билан моддий ноз-неъматлар яратиши лозим». Албатта, Шарқ халқлари, жумладан, Марказий Осиё халқлари 8-9 асрлардан бошлаб ислом динига, унинг акидаларига риоя килиб келмоқдалар. Мусулмонларнинг энг олий, мукаддас китоби бўлган «Куръони Карим» ўзининг оятларида, сураларида мўтаъбар Оллоҳ номидан халкни, ахли мўъминни тўғри йўлга бошилайди. «Куръони Карим»нинг бевосита оятлардан келиб чикиб халқ орасида турли панд-насиҳат ва ривоятлар, хикоятлар кўрининшида яратилган «ҳадис»ларда кишиларнинг турмуш тарзини, ижтимоий фаолиятини бир-бирига муносабатини маълум бир даражада тартибга солиш тўғрисида ўғит-насиҳатлар беради. Буюк мухаддис, ислом оламида йирик аллома сифатида танилган Имом Абу Аблуллоҳ ибн Исмоил ал-Бухорий ҳазратлари ўзининг «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» [«Ишонарли тўплам»] асарида касб-хунар ўрганиш, унинг афзаллиги жамият учун, фойдали меҳнат килиш тўғрисида кўплаб ҳадисларни шархлаб берганлар. Масалан, 14-бобда «Кишининг касби ва ўз қўли билан меҳнат килиш» ҳақидаги ҳадисда шундай дейилади: «Менинг ўз касбим борлигини кавмимиз яхши билур. Мен гарчи мусулмонлар ишлари билан банд бўлсан ҳам, шу касбим орқали оила тебратурман».

Буюк мутафаккир Абу Наср Фаробийнинг «Бахт саодатга эришув» асарида «Агар қасб-хунар фазилати тугма бўлганда, подшоҳлар ҳам истаб ва ҳаракат килиб эмас, балки подшоҳлик ҳам уларга факат табиий равишда мұяссар бўлган, табиат талаб қилган табиий бир мажбурият бўлиб қолар эди», деб айтildadi.

Комусий олим Абу Райхон Берунийнинг «Минералогия» асарида бу ҳақида: «Мехнатсиз шои-шавкатга, мартабага эриниган киши хурматга лойикми? Юқори мартабага меҳнатсиз эриниган киши фароғат ва роҳат соясида яшайди, яхши кийинади, аммо улуғлик либосидан маҳрум, яланғочдир». Мутафаккир олим ушбу сўзлари билан ҳақиқий улуғлик, ҳақиқий роҳат, ҳақиқий фароғатда яашаш учун киши ҳалол меҳнат қилмоғи лозим, агар киши меҳнатсиз ҳолда юқори мартабаларга чиқиб қолган такдирда ҳам меҳнат қилмаса, бу ҳолда киши юзаки обрўга эга, аслида эса у яланғочдир дейди.

Донишманд Юсуф Хос Ҳожибининг таъбирича, ҳар бир киши ижтимоий хаётнинг фаол иштироқчиси сифатида хунар ўрганимоги, ўз хунари билан ҳалқига, Ватанига хизмат қилмоғи зарур. Хунар ўрганишга ва меҳнат қилишга бўлган интилиш ҳар бир инсон учун хаётий эҳтиёж бўлмоғи керак. Юсуф Хос Ҳожибининг «Қутадгу билиг» асари, яъни «Бахт саодатга эриштирувчи билим» демакдир. Ушбу асар туркий ҳалқларнинг қадимги таълим-тарбия усуллари ҳақидаги илк маълумотларни сақлагани билан ҳам мухимдир. Шонр инсонни улуглайди. Унинг фикрича, инсоннинг улуглиги, ақл-идроқӣ, сўзлаш қобилияти, билими, ўқуви, хунар ва қасбга эгалигидадир.

Махмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турқ», (Туркий сўзлар девони) асарида «Илмли, ақлли одамларга яхшилик килиб сўзларини тинғла. Илмларни, хунарларни ўрганиб, амалга ошир» дейилган. Аллома ушбу асарида кишиларни меҳнат қилишга, яхшиликка ундейди, ёмонликни коралайди, илм ва хунар соҳибларини эъзозлайди, кишиларни улардан ибрат олининга чакиради. Ҷемак, улуг донишманд ўзининг ушбу сўзлари билан унумли меҳнат қилишни илмни ўрганиш билан баробар кўяди. Киши меҳнат қилсагина, хунар ўргансагина илмли, ақлли киши хисобланиб, ҳақиқий яхшилик қилиш кўлидан келишини исботламокчи бўлади.

Шарқнинг буюк мутафаккирларидан хисобланган Алишер Навоийнинг «Ҳамса» даги йирик достонларидан бири «Фарход ва Ширин» достонидаги Фарход сиймосида ёниллик даврларидан илм-хунарга қизиқишини намуна келтириб, бу билан ёшларин, бир неча хунарларни эгаллаб олишга ундейди. Шунингдек, Навоий Фарходни

мехнат ва хунарга зўр хавасли, сартарошлиқ, рассомлик ва наккошлиқ хунарларини ҳам мукаммал эгаллаб олган киши сифатида улуғлади. Илм ва хунарни эгаллаган, жисмоний жиҳатдан чиниқкан меҳнатсевар Фарход камтарин, мазлумларга ғамхўр, соғдил, мард ва олижаноб, жасур инсон бўлиб етишади. Навоий Фарходни сувсиз ерларга сув чиқарган қаҳрамон, меҳнат соҳасида мўжизалар кўрсатган баҳодир йигит сифатида таърифлайди. У илм ва хунарни ҳалқ манфаати учун хизмат эттириш лозим, деб хисоблайди. Фарход Ширинни қидириб Арманистонга боргандা, арман юртида тогда канал қазиш учун қийналиб ишлаётган кишиларни кўради ва: «хунарни асрарон неткумдир охир, Олиб туфроқами кетгумдир охир!» дея ўз билими, хунари ва ғайратини шинга солади, канал қазувчилар машаккатини енгиллаштиради ҳамда ҳалқ ўртасида катта шухрат қозонади.

12 асрда яшаган атокли ёзувчи Воиз Кошифий ҳар томонлама стук аллома хисобланган. У ўзининг «Футувватнома Султоний» номли асарида 14-фаслда касб-кор ва савдо, тижорат одоби ҳакида куйидагича ёзади: Агар барча касблар учун зарурий одоблар хulosаси нечта деб сўрасалар, саккизта деб айтгил: биринчидан, ўз касбнин ҳаромдан, шубҳали мол-маблағдан пок сакласин. Иккинчидан, ризк-рўзи зарурат учунгина керакли касб билан шугуллансан, касбни мол-дунё тўплашга сарфламасин. Учинчидан, касбни обрў олиш, яхши ном чиқаришнинг сабаби деб билсин.

Тўртингчидан, моли ҳаром одамлар билан муомала қилмасин. Бешинчидан, ўз хунарига безътиборлик, хато-нуксонларга, айб ишларга йўл қўймасин, ҳар хил ифлосликлар, булғанишлардан саклансан. Олтинчидан, инсоф чизигидан чикмасин, мол-матони танимайдиган одамлар билан муомала қилмасин. Еттинчидан, агар тарози ахлидан бўлса, тошдан уриб колмасин ва ортиқ ҳам бермасин. Саккизинчидан, газлама ўлчаб сотувчилар ахлидан бўлса, ўзига кўп олиб қолиб, бошқаларга кам бермасин, чунки баракот тўғрилиқда ва жамиятнинг инсоф юзасидан ҳалол кун кечиришидадир.

Воиз Кошифийнинг ушбу сўзлари ҳам хунарманд кишиларнинг ҳалоллиқда, инсофлилиқда, соғдилликда бошқаларга ўрнак бўлишига, одамларнинг улардан ахлоқий ҳислатларни ўрганишига мисоллар келтиради. Дарҳакикат, ёшларга касб-хунарларни ўргатиш орқали уларни жамиятда ҳалол меҳнат килишга ундашга багишланган бизнинг илмий тадқикотимиз учун ушбу доно фикрлар

мухим аҳамиятга эгадир. Чунки буюк тарихига, ўтмишига эга бўлган халқимизни, меҳнатсиз, касб-хунарларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

12-13 асрнинг буюк алломаларидан ҳисобланган Саъдий Шерозий (1184-1292) «Ғулишон» асарида тарбиянинг таъсири баёнига куйидагича хикоят келтиради: «Бир донииманд фарзандларига шундай панду-насиҳат киларди: «Азиз ўғлонларим, хунар ўрганинглар, зероки, моли дунёга эътимод йўқ ва олтин-кумуш сафарда хатарлидир. Қарокчи ўғирлаб кетади ёки эгаси еб-ичиб тамомлади. Аммо хунар қайнар булок, туганмас давлатдир, агар хунарманд молидан маҳрум бўлса, қайғуси йўқдир, чунки хунарнинг ўзи давлатдир. хунарманд касрга борса, қадрланади ва уйнинг тўридан жой олади, хунарсиз одам эса ҳамиша машаккат чекади, тиланчилик қиласди».

Сўфийлик таълимотининг йирик намоёндаси Бахоуддин Нақшбанд таълимотида асосий ўрин тутган ғоялар:

1. Кишиларнинг ҳалол меҳнат килишга, хунар ўрганишга, ўз меҳнати мевасидан баҳраманд бўлишга чакириш;

2. «Даст ба кор-у дил ба ёр» - яъни «қўлинг ишда-ю, кўнглиниг оллоҳда бўлсин» деган маънони билдиради.

У киши талабаларни мадрасага қабул қилиш пайтида дастлаб бирон касбинг борми дея сўраганлар, хунарсиз одамни эса ўқишга қабул қилинмаган.

Агар киши хунарли бўлса, у билимйини ҳақиқатга бағишлайди, ўз меҳнати билан кун кечиришга сарфлайди, агар киши хунарли бўлмаса у ҳалол меҳнатни унутади. нопок ишларга кўл уршини мумкин деб огохлантирали.

Бахоуддин Нақшбанднинг «Нақшбандия» деб аталган таълимоти 11-10 асрда Ўрта Осиё ва Хурросонда кенг тарқалди. У ҳар бир кишини дехқончилик, чорвачилик, қурувчилик, савдо, нақошлик каби хунарларни ўрганишга, эгаллашга undайди.

Меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларини касбий тайёргарлигини такомилластиришда ҳалол меҳнат килишга, турли касб-хунарларни эгаллашга ўргатилиб бориши халқимизнинг бутун тараққиёти тарихида, турли даврларда мукаддас анъанага айланиб борган. Мутафаккирлар, алломалар, ахли донишлар, назариётчи ва амалиётчи олимлар томонидан бу соҳада турли даврларда тадқиқот ва изланишлар, қузатишлар олиб бориб, фикр ва мулохазаларини хилма-хил асарларда баён қилганлар.

Биз ҳам ўз тадқиқотимизни олиб бориш жараёнида меҳнат таълими ўқитувчиларини касбий тайёргарлигини такомилаштиришда касб-хунар ўргатиш, уларни ҳалол меҳнат фаолиятига тайёрлаш жараёнини турли давлатларда турли соҳаларнинг талқин килиниши даражасини аниқлаш, кузатиш, тахлил қилишга, қолаверса, мустакил Ўзбекистон педагогикасида бу соҳада эришилаётган натижаларини қисман бўлсада ўрганишга ҳаракат қилдик.

Мустакил Республикамизда халқимизнинг минг йиллаб йигилган тажрибаларини, ҳалқ педагогикаси ютуқларини, урфодатларини, анъаналарини, ҳозирги даврда меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларини касбий тайёргарлигида таълим ва тарбия беришга йўналтирилган кўпгина йирик, назарий ва амалий аҳамиятга молик педагогик тадқиқотлар аматга оширилган ва оширилмоқда.

Бўлгуси меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларини халқнинг меҳнат анъаналарига, меҳнат байрамларига, унумли меҳнат фаолиятига, жараёнига, кишиларга ҳурмат, уларнинг турли касб-хунарларни эгаллашларига дастлабки қадамлар ҳисобланади ва меҳнат тайёргарлигининг муҳим омилидир.

Ўзбекистон Республикасида ҳам узоқ вақтлар мобайнида меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларини касб ташлашга йўллаш ишига тайёрлаш, уларнинг унумли меҳнат жараёнидаги фаолиятга тайёрлаш, касб-хунар ўргатиш, ҳалқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат килишга ўргатишга тайёрлашнинг турли масалалари билан кўпгина олимлар, тадқиқотчилар шуғулландилар. Улар ўз тадқиқот натижаларини номзодлик, докторлик диссертациялари, монографиялари, ўкув кўлланмалари, методик тавсияномалар тарзида баён этдилар.

Н.Ш.Шоднев – ёшлар келгусида ҳаётга, меҳнатга, маълум касбларга тайёргарлиги масалалари, ўкувчиларни касб ташлашларининг педагогик асосларини ёритиш билан, махаллий шароитларда ўкувчиларнинг ижтимоий-фойдали, унумли мөҳнатни ташкил этишда синфдан ва мактабдан ташқари ишларини ташкил этиш методикасини такомиллаштириш билан ҳамда бўлгуси ўқитувчиларни ушбу жараёнига раҳбарлик амалий фаолиятига тайёрлаш масалалари билан шугууланди.

Э.Т.Чориев – республикамиз шароитида ўкувчиларнинг қишлоқ хўжалиги меҳнатига тайёргарлиги, меҳнат тарбияси тизимини ва тартибини яратди.

П.Т.Магзумов – ўқувчилар ижтимоий фойдали, унумли меҳнатининг турли кирралари, томонларини ташкил этиш шаклларини, меъёрларини кўпгина асарларида ёритди.

Н.С.Сайидахмедов – ўқувчилар меҳнат амалиётининг педагогик шароитлари, олий ўқув юрти талабаларини ёшларнинг унумли меҳнатига раҳбарлик килишга тайёрлаш муаммолари билан мувафаққиятли шуғулланди.

А.Р.Хўжабоев ўзининг илмий тадқиқотларида меҳнат ва касб таълими ўқитувчисининг ўқув-методик таъминотининг педагогик асосларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқди, амалиётда кўллашнинг йўлларини кўрсатиб берди. Илмий-педагогик фаолиятида эса кўпгина касб-хунарлар тавсифномаси, стандартларини ишлаб чиқишида иштирок этди.

~~+~~ Бўлғуси меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларини келажак ҳаётга, меҳнатга, маълум касб-хунарга тайёрлаш ишида, уларга халқ хўжалигининг тузилиши, хозирги замон ишлаб чиқариши, янги техника, илгор технология, автоматика элементлари, турли материаллар ва асбоб-ускуналар, жихозлар, курилмалар билан танишни ва ишлаш, ишлаб чиқариш, унумли меҳнат касблари, касб эгалари ҳаёти, фаолияти ва ҳакозолар билан таништиришда назарий ўқитишдан ташқари ишлаб чиқариш амалиёти ҳам муҳим роль ўйнайди. Хозирги замон олий таълим муассасаларида амалда кўлланилаётган ўқув дастурлари мазмунини танлашда меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларини тайёргарлигини такомилаштиришда касб танлашга йўллаш асосларини ўргатишдан иборатдир. Касбга йўналтириш таълими мақсадини ва вазифаларини белгилашда ўқув жараёнида, албатта ўзига хос педагогик усуллар, воситалар кўплаб кўлланиши лозим бўлади. Хозирги даврда таълим-тарбия тизимида, меҳнат таълимида халқимизнинг миллий, маънавий, маданий мъеръосларидан, қадриятларидан, тарихий ютуқларидан фойдаланишнинг йўлларини педагогик шароитларини белгилаш иши кўпгина изланишлар қатори тадқиқотимизнинг асосий йўналишларидан ҳисобланади.

§ 8.4 Касб танлашга йўллаш жараёнида йўл қўйиладиган хатоликларни бартараф этиш усуллари

Хозирги фан-техника ва ижтимоий тараққиёт шароитида умумий ўрта таълим мактабларининг ёш авлодни жамиятимизни тараққий эттиришда катнашишга тайёрлаш борасидаги масъулияти ҳар

қачонгидан кўра ортиб бормоқда. Шу муносабат билан ўқувчиларнинг илм-фан асосларига оид билимларини ривожлантириш, уларда юксак онглиликни тарбиялаш, умуминсоний ва милий ахлоқий сифатларни ўзаро уйгунилдида камол тоғтириши, ёш авлодни турмушга ва меҳнатга, ижтимоий зарур қасбларни онгли равишда танлашга тайёрлаш ҳозирги кун мактаб таълимининг асосий вазифаларидир.

Санаб ўтилган вазифалар каторида ўқувчининг келажақдаги қасбини тўғри танлашга йўналтириш алоҳида аҳамиятга эга. Зеро қасб танлаш – инсоннинг хаёт йўлида ўзига хос бурилиши ясадиган муҳим қадамдир, ёш авлоднинг бутун ҳаёти давомидаги фаолияти кўп жиҳатдан қасбнинг қаинчалик тўғри танланишига боғлик. Қасбни тўғри танлаш – ҳар бир ўсмирнинг олдидағи муҳим вазифалардан ҳисобланади. Қасб танлашдан мақсад жамиятга ва оиласга фойда келтириб, инсон ўзи ҳам моддий, ҳам маънавий қониқиш ҳосил қилишидир.

Ҳар бир шахс қасбни барқарор қизиқиш, майлга мувофиқ танлаши, шу билан бирга ўзида дадиллик, қатъиятлилик, интизомлилик, ўзига ва ўз имкониятларига ишонч, қарор қабул қилишдаги мулоҳазаллилик каби иродавий сифатларни ривожлантиришга ҳам интилиши керак.

Биз мактаб ўқувчиларнинг қасб танлашлари билан боғлиқ фаолиятини ўрганишимиз давомида улар дуч келадиган қўйидаги асосий муаммоларни аникладик: соғлигининг маълум бир қасб талабларига мувофиқ келмаслиги, қасбга яроқсизлик, мос келмаслик, қасб танлашда егарлича онгли ва мустақиллик фикрлай олмаслик, ўз-ӯзини тарбиялай олмаслик, қасб танлашда хатоликларга йўл қўйиш ва бошқалар. Фикримизга кўра, ушбу муаммолар ичида қасб танлашда ўқувчиларнинг йўл қўядиган хатоликлар ўзининг долзарблиги ва аҳамиятлилиги билан ажратиб туради. Ўқувчи ўз қасбини шундай танлаши керакки, келгусида машгул бўладиган фаолият тури унинг ўзида ҳам қониқиш ҳосил қилсин ва шу билан бирга жамиятга фойда ҳам келтирсан.

Биз ушбу муаммони ўрганиш мақсадида турли адабиёт ҳамда меъёрий хуёжатларни ўрганиб, ўқувчилар билан анкета сўровлари ўтказдик. Амалга оширган таҳлилларимизга кўра қасб танлашда асосан қўйидаги хатоликларга йўл қўйилади:

1. Ўқувчиларнинг таилаган қасблари юзасидан тўла ахборотга эга бўлмасдан, ўз олдиларига бирданига олий малака талаб қилувчи

юксак касбни эгаллашни мақсад қилиб қўйишилари. Инсон келгусида ўз ишининг ҳақиқий устаси бўлиб етишиши учун ўз меҳнат фаолиятини нимадан бошлиши тўғрисида жиддий ўйлаб кўрмоги керак.

2. Ўқувчиларнинг касблар нуфузли ёки нуфузсиз бўлади деган хато тушунчага эга бўлишлари касб танлашдаги ҳаққонийликни бузилишига олиб келади. Бу борадаги хатоликларга йўл кўймаслик учун ўқувчиларда касбларнинг ёмони бўлмаслиги, ҳар қандай соҳада етукликка эришиш аввало инсоннинг ўзида мужассам бўлган сифатларга боғлиқ эканлигини англаб етишларига кўмаклашиш талаб этилади.

3. «Шериклардан орқада қолмаслик учун» касб танлаш. Бу борадаги хатоликларни баратараф этиш учун ўқувчиларга у ёки бу касбни танлашда биринчи ёки охири бўлишдан кўра ўз қизикишлари, қобилияtlари ҳамда саломатлигига мос келадиган касбни танлаши аҳамиятироқ эканлигини тушунтириш лозим.

4. Бирор касб эгаси бўлган кишига қаратилган муносабатни касбнинг ўзига кўчириши. Ҳар бир инсонни касбга бўлган муносабати, касбнинг меҳнатига бўлган муносабати турлича бўлади. Масалан, агар ўқувчи ҳайдовчилик касби эгалари қиёфасида доимо автомобилда хуш кайфиятда хизмат вазифаларини бажариб юрадиган инсонларни тасаввур киласди. Бироқ, ҳар қандай касбда бўлгани каби, ҳайдовчилик касбнинг ҳам кўплаб кийин ва мураккаб, машақкатли томонлари борлигини ўқувчилар ҳар доим ҳам тасаввур қиласвермайди.

5. Касбнинг фақат ташқи ёки хусусий бир жиҳатига қизиқиши ўқувчини кўп муаммоларга олиб келади. Жумладан, касб танлаш формуласига кўра ўқувчидаги мавжуд бўлган қобилият ва саломатлиги ўзаро мос келмаслиги мумкин. Касб танлашда ҳал қилиниши лозим бўлган ҳар қандай масалага комплекс ёндашиш, муаммонинг барча кирраларини ўзаро мужассам ҳолда тасаввур қилиш ҳамда унинг талабларини ҳар томонлама қондирадиган ёнимни топиш муҳим аҳамият касб этади.

6. Ўқув предметининг касбга тенглаштирилиши. Ўқувчилар баъзида ўзлари ёқтирган, енлил ўзлаштирадиган ўқув фанини келажақда эгаллайдиган касби билан узвий давомийликда тасаввур киласдилар. Бироқ, яхши маълумки, ўқувчи ҳар қандай касбни эгаллаш учун ўзида кўплаб ўқув фанларини мужассам этган ва бундан ташқари таълим жараёнининг зарурий компоненти сифатида талаб этиладиган кўплаб бошқа машғулотларни ўз ичига олувчи

касбий таълим жараёни ўтаганидан кейингина муайян касб эгаси бўлиб етишади. Бу борада ўқувчиларни касбий таълим жараёнининг моҳияти билан тўлароқ таниширилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

7. Моддий ишлаб чиқариши соҳасидаги меҳнатнинг ҳарактери тўғрисидаги эски тушиунчалар. Уларни бартараф этиш – мактаб ёки коллежларнинг иқтисодий жиҳатдан салоҳиятли ҳомийларни жойлардан қидириши, меҳнат ва касб таълим жараёнини ишлаб чиқаришга йўналтириб, фойда берадиган омилларни ўрганиб даромад оладиган ҳолатга келтиришга оид тадбирларни тўғри ташкил этишига боғлиқ.

8. Кўплаб ота-оналар касб танлашдаги педагогик, методик, ҳуқуқий ва бошқа омиллар билан етарлича таниш бўлмаганликлари туфайли:

- фарзандларига нотўғри йўналиш берадилар;
- ўзлари ва қариндошлари касблар бўйича берадиган ахборотларни нотўғри изоҳлайдилар, фарзандларининг истак-қобилиятларини хисобга олмасдан маслаҳат берадилар;
- касб танлашда ёшларнинг ўзлари англамагн ҳолда олий ўқув юртларига кирнишга интилишлари ишлаб чиқариш касбларига бўлган салбий муносабатни келтириб чиқаради;
- касб-хунар колледжа эгаллаётган мутахассислигига қаноат қилмаган айрим ёшлар ўқиш ўртасида тамоман бошқа касбларни ўзлаштиришга интиладилар.

Булардан ташқари ўқувчиларнинг ўзи ҳоҳлаган, қизиккан ўқув юртига ўқишина кира олмасликлари натижасида, бошқа ўқув юртлари касбларини танлаши, бунда кўпроқ ота-она ҳохиши билан иш юритиш каби кўплаб ҳолатлар мавжуд.

Ҳозирда касб-хунар колледжлари ва академик лицейларда таҳсил олаётган баъзи ўсмирлар келажакда кайси касб эгаси бўлмоқчи эканликлари ҳакида етарли тасаввурга эга эмаслар. Бу бу борадаги мулоҳазаларимизни аниклаштириш максадида касб-хунар колледжларининг «Сартарошлик ва декоратив косметика» мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган ўқувчилар билан сўровнома ўтказиб, куйидаги саволлар билан мурожаат қилдик:

1. Ким бўлишни орзу қилган эдингиз?
2. Бу касб-хунар колледжи ҳакида маълумотни қаердан олдингиз?
3. Келажакда касб-хунар колледжини битириб ким бўлмоқчисиз?

Ўқувчиларнинг 60 фоизи келажакда сартарош бўлиб ишлаш ниятида эканлигини билдиришиди, бу эса қўпчилик умумий ўрта

таълим мактабларида касбга йўналтириш ишлари талааб даражасида ташкил этилганни кўрсатади. 30 фоиз ўқувчилар касб-хунар коллежини битириб, олий ўқув юртига кириб, ўқиш ниятини билдиришган (афсуски, сартарошлик бўйича тайёрланадиган олий ўқув юрти бор ёки йўклигини ўқувчилар ҳали билишмайди), 10 фоиз ўқувчилар бекор юрмаслик мақсадида мактаб ўқитувчилари ёки отоналарининг сўзлари билан ўқишга киргандар.

Бундан келиб чиқадиган хуоса шундан иборатки, ҳали ҳам бъязи мактабларда касбга йўналтириш ишлари тўғри йўлга кўйилмаган. Касб танлаш марказлари, ўқув юртларининг қабул комиссиялари, ота-оналар билан алоқалар ҳамма мактабларда ҳам кониқарли эмас. Ҳозирги замон ишлаб чиқаришида фан-техника тараққиёти натижасида техника-технологиянинг доимий равишда янгиланиб туриши ҳакида ўқувчиларга старлича ахборот берниб борилмаяпти. Бу борадаги камчиликларнинг бартараф этилиши ўқувчилар келажакда бозор иқтисодиётига керакли етук мутахассис бўлиб шаклнанишлари, аввало ўзи, сўнгра оиласи ва жамиятимизга хизмат қиласидиган мутахассис бўлиб этишишларига замин тайёрлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 1992й. –466.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод– Ўзбекистон тарақкиётининг пойдевори. –Т.: Шарқ нашриёт– матбаа концерни, 1997й. –486.
3. Азизхўжаев А. Ўқитувчи мутахассислигига тайёрлаш технологияси. –Т.: 2000 й.
4. Ашурев А. Мехнат ва касбий камолатда ҳалқ ҳунармандчилиги. «Ҳалқ таълими». –Т.: 1998й. № 3
5. Болтабоев С.А. ва бошқалар. Мехнат ва касб таълими методикасидан ўқув машғулотлари. Услубий кўлланма. –Т.: Низомий номли ТДПУ, 2003.-18 б.
6. Буюк сиймолар, алломалар. (Ўрта Осиёлик машҳур мутафаккир ва донишмандлар). Ак. М.Хайдаров таҳрири остида. –Т.: Ҳалқ меъроси.
7. Гейдал Н.Ф. Касбга йўналтириш хоналарини жихозлаш. Тошкент, Ўқитувчи, 2001 й.

8. Давлятов К. Мехнат ва касб таълими, тарбияси ҳамда касб танлаш назарияси ва методикасидан машғулотлар. –Т.: Ўқитувчи. 1995 й.
9. Давлетов К., Воробьев А., Каримов И. «Мехнат ва касб таълими назарияси ҳамда методикаси». –Т.: Ўқитувчи, 1992й.
10. Мазур В.А., Давидова П.Г. «Миллий хунармандчиликка ўқитиш жараёнининг мазмуни ва уни ташкил қилиш». Б.Рахимжонов тарж. 1994
11. Магзумов П.Т. ва бошқалар. Ўқувчиларни меҳнатга ва касб танлашга тайёрлаш. –Т.: Ўқитувчи, 1991й.
12. Магзумов П.Т. Ўқувчиларни ишчи касбига йўналтириш. –Т.: Ўқитувчи, 2000 й.
13. Олий таълим 5142000 Мехнат таълими таълим йўналиши зарурӣ мазмуни ва бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар. Ўзбекистон Республикаси Давлат стандарти. –Т.: Низомий номли ТДПУ-2003 ..
14. Толипов Ў.Қ., Болтабоев С.А.,Раззоков Д.Н. Умумий ўрта таълим мактаблари касбга йўналтириш ўқув-методика хонаси фаолиятини ташкил қилиш бўйича методик тавсиянома. –Т.: Ўз ПФТИ, 2000 й.
15. Тхоржевский Д.А. Мехнат таълими методикаси. –Т.: Ўқитувчи,1987 й.
16. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури» Таълим тараққиёти. ЎзРХТВ ахборотномаси, 4-маҳсус сон, Мехнат таълими, –Т.: Шарқ нашриёти, 1999й.
17. Фаробий. Фозил одамлар шахри. –Т.: А.Қодирий номидаги ҳалқ мероси. 1993. – 223 б.
18. Шодиев Н.С. Ўқувчиларга касб танлашга йўналтириш ишларини ташкил қилиш. Т.: Ўқитувчи. 2000 йил.
19. Шодиев Н.Ш. Внеклассная и внешкольная работа по профориентации учащихся.–Т.; Фан. 1988 г.
20. Усманов С. Ўқувчиларни касб танлашга йўналтириш тажрибасидан. –Т.: Ўқитувчи. 1987 й.
21. WWW/NEWHORIZONS.ORG. Таълимнинг янги уфклари.
22. www.Rhecherwithoutborders.org. Чегарасиз ўқитувчилар.
23. www.thelearningweb.net. Таълим тармоғи.
24. www.inetlibrary.com. Интернет – кутубхона.

Муслімов Нарзулла Алиханович
Муллахметов Радик Гилазович

Касб танлашга йўллаш

Муҳаррир Бозоров Э.

Босишига рухсат этилди 15.09.2007й. Қоғоз бичими 60x84^{1/8}
Ҳисоб-нашр табоги 12,875. адади 100
Буйюртма рақами № 52

«IQTISOD-MOLIYA» иашриётинда тайорланди.
100084. Тошкент кичик халка йўли, 7-үй

Низомий номидаги
“ТДПУ” босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Юсуф Ҳос Ҳожиб, 103,